ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

"ИНВЕСТИЦИОН ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: ҲОЗИРГИ ҲОЛАТ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР"

мавзусидаги республика илмий-амалий онлайн анжумани материаллари

(2020 йил 28 май)

САМАРҚАНД

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ

ИНВЕСТИЦИОН ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: ҲОЗИРГИ ҲОЛАТ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

мавзусида республика миқёсидаги илмий-амалий онлайн анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ

САМАРҚАНД-2020

Инвестицион ва инновацион фаолиятни ривожлантириш: ҳозирги ҳолат, муаммо ва ечимлар. 2020 йил 28 май. Республика миқёсидаги илмий-амалий онлайн анжумани материаллари. – Самарқанд: СамИСИ, 2020.-263 бет

Нашр учун масъуллар:
З.Д. Ниёзов – иқтисод фанлари номзоди, катта ўқитувчи,
Д.М.Маликова – ўқитувчи,
А.М.Каримова – ўқитувчи

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:
А.Бектемиров – иқтисод фанлари номзоди, доцент
Саҳифаловчи: Шоҳиста Бойқобилова

Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материалларида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда асосий омил бўлган инвестиция ва иноввацион фаолиятни ривожлантиришнинг назарий, услубий ва амалий муаммоларга оид масалалар ёритилган. Унда рақамли иқтисодиёт шароитида банк соҳасидаги муаммолар, инвестицион ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, инвестицион-инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг умумиқтисодий ижтимоий муаммолари, хизмат кўрсатиш соҳасига инвестицияларни жалб қилиш ва молиялаштириш муаммолари, рақамли иқтисодиёт ва уни малакали кадрлар билан таъминлаш муаммолари ва уларнинг ечимларини таъминлаш, шунингдек инвестицион-инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг хорижий тажрибаларини ўрганиш ва миллий иқтисодиётга жорий этиш каби масалалар юзасидан илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақолалар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантура, докторантура, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахасиссисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган, рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2020

I – ШЎЪБА. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БАНК СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Шерзод Сувонқулов *- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Самарқанд вилояти Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари*

Анотация: Мақолада Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлашдаги муаммолар ҳамда уларни ечишга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: инвестиция, тижорат банклари, инвестиция лойиҳаси, мониторинг, самарадорлик.

Аннотация: В статье отражены проблемы обеспечения социально-экономической эффективности инвестиционных проектов в Узбекистане, а также ряд предложений и рекомендаций по их решению.

Ключевые слова: инвестиции, коммерческие банки, инвестиционный проект, мониторинг, эффективность**.**

Abstract: The article reflects the problems of ensuring the socio-economic efficiency of investment projects in Uzbekistan, as well as a number of proposals and recommendations for their solution.

Keywords: investments, commercial banks, investment project, monitoring, efficiency.

Касбий фаолият тажрибам, шахсий кузатув ва таҳлиллардан келиб чиқиб, бугунги кунда инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлашдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича ечимлар юзасидани қуйидаги фикр-мулохазаларни ўртага ташламоқчиман:

1. Бир қатор меъёрий ҳужжатларда вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиалларининг кредит портфели ва банк активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчилигини бошқариш, тижорат банкларининг ижобий ҳулосаларисиз, уларнинг ресурслари ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилаётган лойиҳаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг давлат ва ҳудудий дастурларига киритиш кабиларга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган бўлсада, амалиётда мазкур нормаларга амал қилинмаслиги ёки етарли даражада амал қилинмаслиги кузатилмоқда.

Лойиҳаларни пухта ўрганиб чиқилиши учун тижорат банкларига етарлича вақт берилиши лозим. Лойиҳаларни молиялаштириш бир ёки икки киши томонидан қабул қилинадиган қарор асосида амалга оширилмаслиги керак. Нима учун тижорат банки филиали кредит комиссияси тузилган, нима

учун банк кредит қўмитаси тузилган. Амалиётда лойиҳаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилади, кейин кредит комиссияси ҳам, кредит қўмитаси ҳам ижобий қарор қабул қилишга мажбурлигича қолади.

Бу ҳолат активларнинг самарасиз банд қилиб қўйилишига олиб келади. Бунга мисол сифатида амалий маълумотлар келтириб ўтмоқчиман:

Самарқанд вилояти тижорат банклари томонидан 2018, 2019 йилларда молиялаштирилиб, 2020 йилнинг биринчи чорагида ишга туширилиши лозим бўлган умумий қиймати 51 млрд. сўм, шундан банк кредитлари 34 млрд. сўм (лойиҳанинг 70 фоизи)бўлган 6 та лойиҳа ўз вақтида ишга туширилмасдан турибди. Сабабларни ўргансангиз, барчасида ўзига хос сабаблар мавжуд, аммо шахсий фикримча, энг бирламчи сабаб лойиҳанинг дастлабки таҳлили учун етарли вақт берилмаган, дастлабки таҳлил ва хулосалар сифатсиз ишлаб чиқарилган.

34 млрд. сўм кредит тижорат банклари портфелини “шишириб” турибди, уларнинг манбаси бўлган депозитлар учун банк томонидан ҳаражатлар тўлаб келинмоқда.

2. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзланган мақсад ҳудуд ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, маҳаллий бюджетларга тушумларни кўпайтиришни таъминлаш ҳисобланади.

Бир қатор меъёрий ҳужжатларда туман (шаҳар) ҳокимининг биринчи ўринбосари лойиҳа ташаббускорлари, шунингдек тижорат банклари, молия бўлимлари, иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари билан биргаликда аниқлаштирилган тармоқ жадвалларининг бажарилиши, шунингдек тегишли қувватларнинг ишга туширилиши устидан таъсирчан мониторинг ўрнатиши белгилаб қўйилган бўлсада, мониторинг ва назорат фақат кредит молиялаштирилгунга қадар амалга оширилади.

Кредит ажратилган кундан бошлаб инвестиция лойиҳаси мониторинги тижорат банкидан бошқа ҳамманинг кун тартибидан кўтарилади. Тижорат банки учун ҳам лойиҳа бўйича иш ўринларининг ҳақиқатда ташкил этилиши, пул оқимларининг бизнес-режа кўрсаткичларига мутаносиб айланиши, бюджетга режалаштирилган миқдордаги солиқ ва бошқа тўловларнинг йўналтирилиши каби кўрсаткичларнинг бажарилиш ўз аҳамиятини йўқотади. Тижорат банки учун мижоз ва банк ўртасида расмийлаштирилган кредит ва фоизларни қайтариш графиги бўйича тўловларнинг ўз вақтида қайтарилиши биринчи планга чиқади.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштирилгандан кейинги ҳаёт циклини доимий равишда мониторинг қилиб турилиши, бизнес-режада кўрсатилган барча параметрларнинг бажарилишини назорат қилиб борувчи умумбелгиланган ҳамда барча манфаатдор томонларнинг тизимли равишда яхлит механизм сифатида иқтисодий дастаклар орқали ишловчи тизим ишлаши зарур.

Тижорат банки бизнес-режанинг бажарилишини назорат қилиб борсинда, деган ҳулоса пайдо бўлиши мумкин, аммо тижорат банки мижозга бизнес-

режанинг бажарилмаганлиги ҳолати бўйича на ҳуқуқий ва на иқтисодий жиҳатдан таъсир қилиш кучига эга эмас.

Мазкур жараён биргина Марказий банк ва тижорат банклари орқали ташкил этилиб қоладиган жараён эмас. Мазкур тизим Марказий банк, тижорат банклари, Молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими органлари ва бошқа тузилмалар томонидан биргаликда ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилиши лозим.

Чунки Президентимиз томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича фаол ислоҳотлар олиб борилмоқда. Қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ имтиёз ва префенциялар берилмоқда.

Биргина Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан бизнес субъектларига икки шаклда: кафиллик тақдим этиш ва кредит фоизларининг бир қисмини компенсация қилиш бўйича молиявий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига ўз ўрнида давлатга ўзининг бизнес-режада кўрсатиб ўтган параметрларини бажариш орқали жавоб қайтармоқдами? Афсуски, ўтказган тахлил ва ўрганишларимиз мазкур саволга йўқ деб жавоб беришимизга мажбур қилади.

Бизнес режа бажарилмаса нима бўлибди, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Бизнес режа бажарилмаганлигининг салбий оқибатлари:

- “хуфиёна иқтисодиёт” барқ уради;
- бюджетга тушумлар келиб тушмайди;
- норасмий банд бўлган ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари поймол этилади.

Таҳлил учун вилоятимизда 2018 йилда ҳамда 2019 йилнинг дастлабки ярми давомида 300 млн. сўмдан ортиқ миқдорда ажратилган кредитлар танлаб олдинди. 2018 йилда 858 та шартномаларга асосан тадбиркорлик субъектларига 2 499,3 млрд. сўм кредит ажратилган (шундан 63 фоизи ёки 1 570,4 млрд. сўм эквивалентидаги кредит хорижий валютада ажратилган).

2019 йилнинг биринчи ярмида 593 та шартномаларга асосан тадбиркорлик субъектларига 1 913,9 млрд. сўм кредит ажратилган (шундан 73 фоизи ёки 1 396,3 млрд. сўм эквивалентидаги кредит хорижий валютада ажратилган).

Таҳлилдаги 1,5 йил даврида миллий валютада ажратилган 1 446,2 млрд. сўм кредитларнинг 657,5 млрд. сўми ёки 45 фоизи имтиёзли фоиз ставкаларида, яъни Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ставкаларда ажратилган.

Солиқ бошқармасининг иш ўринлари сони бўйича маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, таҳлилдаги 1,5 йил даврида:

- 308,3 млрд. сўм кредит ажратилган 167 та субъектларда 1 нафар,

- 130,3 млрд. сўм кредит ажратилган 91 та субъектларда 2 нафар ишчи ишлаганлигини тўғрисида ҳисобот берилган.

Яъни, 438,6 млрд. сўм кредит ажратилган 258 та субъектларда 349 нафаргина иш ўрни кўрсатилган. 30,7 млрд. сўм кредит ажратилган 23 та субъектлар 2019 йил ҳисоботларида иш ўринлари кўрсатилмаган (0), иш ҳақи маблағлари ҳисобланмаган.

Мазкур 258 та субъект томонидан 2019 йилда иш ҳақидан 369,6 млн. сўм даромад солиғи, 416,9 млн. сўм бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўловлар ўтказилган.

Энди тасаввур қилинг, мазкур 258 та субъект ҳеч бўлмаганда 4 нафардан ишчи учун солиқ ва мақсадли тўловларни амалга оширганда, бюджетга 723,3 млн. сўм маблағ тушган бўлар эди.

Мана айниқса пандемия шароитида норасмий бандликнинг давлат ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига қанчалик оғир зарба бўлиб тушаётганлигини барчамиз кўриб, кузатиб турибмиз.

3. Иш фаолиятимизда тижорат банклари кредит портфелидаги муаммоли активларини доимий равишда таҳлил қилиб борамиз.

2020 йил 1 май ҳолатига вилоятимиз бўйича муамоли кредит қарздорлиги 50 млн. сўмдан юқори бўлган 172 та субъектга ажратилган 453 млрд. сўмлик кредитларнинг бугунги кундаги 256 млрд. сўмлик қолдиғининг 71 млрд. сўми ўз вақтида қайтарилмасдан турибди.

Ушбу муаммоли кредитлар тарикбида ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳалар салмоқли улушга эга.

Мазкур муаммоли активлар бўйича тижорат банклари томонидан яратиладиган захиралар ҳамда уларга ўстирмаслик мақоминиг берилиши банк молиявий ҳолатига қанчалик таъсир қилиши борасидабарчаларингиз тасаввурга эгасизлар.

Мен масаланинг бошқа жиҳатига тўхталиб ўтмоқчиман. Яъни шунча миқдордаги маблағлар иқтисодиётимизда айланмаяпти, бу дегани иқтисодиётда маблағга бўлган талабнинг қанчадир қисми тижорат банклари портфелидаги муамоли активлар ҳисобига қондирилмаяпти, кам ресурсларга талаб ортиши инфляциянинг ортишига олиб келади, кредит бозорида маълум бир миқдордаги кредитлар жалб қилинган ресурслар ҳисобидан ажратилса, маълум бир миқдордаги кредитлар кредитларнинг қайтиши ҳисобига ажратилади. Кредитларнинг ўз вақтида қайтмаслиги ресурс таклифига салбий таъсир этиб, кредит ставкаларининг юқори бўлишига ўзининг таъсирини ўтказади.

МИЖОЗЛАРГА СИФАТЛИ БАНК ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ МАКРОИКТИСОДИЙ ОМИЛЛАР

Зухур Ниёзов *- СамИСИ катта ўқитувчиси и.ф.н.,*
Хабибулла Норкулов *- СамИСИ магистранти*

Анотация: хизматлар бозорида турли банклар ўз фаолият имкониятларидан келиб чиқиб хамда ўз даромадлилик даражасини ошириш, ушбу бозорда ўзига хос бўлган ўринни эгаллаш учун, бир томондан, банк хизматлар бозорида янгидан юзага келаётган хизмат турларини ўзлаштириш орқали янги мижозларни жалб этиш бўлса, бошка томондан ўз имкониятлари доирасидан келиб чиққан холда маълум хизмат турларига ихтисослашиб, ўз мижозлари талабларини кондириш орқали, банк хизматлар бозорида ўз ўрнини эгаллаш ҳисобланади.

Калит сўзлар: гўшт етиштириш, кооперативларга бирлаштириш, кредитлаш, моддий ишлаб чиқариш, омонат, депозит, ссуда, ҳисоб-китоб, касса, инвестицион, фонд, комиссион, кафолат**.**

Аннотация: на рынке услуг разные банки могут привлекать новых клиентов на основе своих возможностей и повышать свою прибыльность, занимая особое место на этом рынке, с одной стороны, за счет развития новых услуг на рынке банковских услуг, с другой. Специализируясь на определенных видах услуг и удовлетворяя потребности своих клиентов, банк занимает прочные позиции на рынке услуг.

Ключевые слова: производство мяса, слияния, кооперативы, кредитование, материальное производство, сбережения, депозиты, кредиты, расчеты, денежные средства, инвестиции, фонд, комиссия, гарантия**.**

Abstract: in the services market, different banks can attract new customers based on their capabilities and increase their profitability, occupying a special place in this market, on the one hand, due to the development of new services in the banking services market, on the other. Specializing in certain types of services and satisfying the needs of its customers, the bank holds a strong position in the services market.

Keywords: meat production, mergers, cooperatives, lending, material production, savings, deposits, loans, settlements, cash, investments, fund, commission, guarantee.

АТБ "Халк банки" Самарқанд вилоят филиали тижорат ташкилоти сифатида ўзининг 20 та филиали ва 3та мини банки орқали ўзига хос бўлган функция ва операцияларни бажаради. Хукумат карори асосида "Халк банки"га республикамиз пенсионерларини пенсия билан таъминлаш юклатилган ва ушбу хизматни банк пластик карточкалар орқали бўладими ёки накд шаклда бўладими нозик мижозларнинг кунглини топиб замон талаби даражасида бажариб келмокда. Маълумки республиканинг энг нуфузли банклари қаторига АТБ "Халк банки"га мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ўта масъулиятли вазифа - чорвачилик соҳасини тегишли молиявий ресурслар билан таъминлаш вазифаси юклатилган. Тан олиш керак, бу борада банк муайян кийинчиликларга дуч келмокда. Гап шундаки йирик шохли қорамоларни гўшт етиштириш мақсадида боқиш, узоқ муддатли ишлаб чиқариш циклига эга бўлган соҳа, бунинг учун аҳолига узоқ муддатли кредит тақдим этиш лозим, бу эса мавжуд шароитларда анча мураккаб масала. Гап шундаки 10 миллиондан кўпрок сонли қорамол 3 миллиондан кўпрок қишлок

аҳолисида тарқоқ ҳолда боқилади, бу эса кредитлаш жараёнини мураккаблаштиради. Ушбу вазиятдан чиқишнинг ягона йўли - бу якка хўжаликларни кооперативларга бирлаштиришдир. Бу ерда яна бир муаммо мавжуд. Мол сотиб олиш учун деҳконларга кредитни нақд пул шаклида бериш кераклиги, аммо буни иложи йўк, чунки қўшимча эмиссия инфляция суръатларини тезлаштиради.

Одатда иктисодиётнинг ҳолатига банклар фаолиятига қараб баҳо берилади. Бизнингг фикримча бу бир томонлама ёндашув. Банк фаолияти, унинг хизматлар кўрсатиш ва операцияларни амалга ошириши мамлакатнинг иктисодий салоҳиятига боғлик. Агар иктисодий фаолият яхши суръатлар билан ўсиб, ишлаб чикқариш жараёнида самарадорлик таъминланаётган бўлса, банклар фаолиятидаги натижадорлик хам шунга мос тарзда бўлади. Аслида банклар иктисодиётни ҳаракатга келтирувчи орган хисобланиб, моддий ишлаб чиқаришни ташкил килиш ва олиб боришда воситачи сифатида, капитал айланишининг узлуксизлигни таъминлаш, бўш пул маблағларини йиғиш ва уларни пул зарур бўлган субъектлар ўртасида таксимлаш бўйича фаолият олиб боради. Бунинг учун корхоналарда ишлаб чикарилаётган махсулотлар юқори фойдага, уларда иш билан банд бўлганлар эса юқори пул даромадларига эга бўлишлари керак. Кўриниб турибдики ишлаб чиқариш фаолияти билан банкларнинг фаолиятида икки томонлама узвий боғликлик мавжуд.

Банк хизматлари бозорида хизматларни ривожлантиришда асосий эътибор хизматларни турли телекоммуникация воситалари орқали кўрсатиш, мижозга унинг активларини бошқариш борасидаги консультацион хизматлар, суғурталаш, хуқуққа ворислик ва бошка хизматларга асосий эътибор қаратилмокда. Тўғри, банк хизматларидан фойдаланишда Интернет-ресурслардан, уяли телефондан фойдаланиш - замон талаби. Лекин бизлар уяли алоқа имкониятларидан фойдаланишда, электр ва бошка ижтимоий инфратузилмавий таъминотда катта шахарлар ва қишлок жойлари ўртасида муайян фарқ сақланиб қолаётганини эътибордан чиқармаслигимиз лозим. Бунга замонавий ахборот коммуникациялари имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш учун хорижий тилларни билишдек муҳим омил ҳам мавжуд. Ҳозирги шароитда нафақат қишлок ақолиси, балки шахарликларнинг катта қисми ҳам рус, инглиз тилларни мукаммал даражада билади деб айтолмаймиз, бу эса оддий банкомат хизматидан фойдаланишда ҳам ҳийинчилик туғдиради.

Банк хизматлари иктисодий мазмуни бўйича омонат, депозит, ссуда, ҳисобга оид, ҳисоб-китоб, касса, инвестицион, фонд, комиссион, кафолат турларига бўлинади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб боргани сари банк фаолияти олдида турган вазифалар хам мураккаблашиб бормокда. Охирги уч йил кетма-кетликда инфляция суръатлари 14 фоиздан пастга тушаётгани йук.

Шубхасиз, пандемия келтирадиган йукотишларни олдини олиш, унинг окибатларини имкон кадар камрок сарф-харажатлар билан бартараф эта олиш молиявий муносабатларни иктисодий фанларга таяниб уйгунликда амалга

оширишга боғлик. Бундай шароитда тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлашда энг самарали йўл мижозларнинг унга бўлган ишончини қозониш ва улар учун барча қулайликларни яратиш, шунингдек, хизматлар тури, сифати ва тезкорлигини ошириш ҳисобланади. Маълумки хукумат иктисодий баркарорликни таъминлаш максадида тадбиркорлик субъектлари томонидан илгари жалб килинган кредитларни кайтариш муддатини 1 октябрга кадар кечиктирди. Нажижада корхоналар навбатма навбат ўз фаолиятини тиклашни бошлади. Факат медални бошка томони хам бор. Кредитлар банкларга кечиктириб кайтарилса, демак банкларнинг кредит ресурсларида такчиллик юзага келади, тадбиркор ва ахоли мурожаатлари ўз вактида кондирилмай колиши эхтимоли кучаяди. Вужудга келган вазиятдан чикиш максадида давлат тасарруфидаги банкларни хусусийлаштиришга каратилган хукумат карорлари кабул килинмокда. Албатта, аник натижаларга эришиш учун муайян вакт талаб этилади.

Шунга карамасдан тижорат банклари, жумладан АТБ "Халк банки" хам мавжуд шароитлардан келиб чмқиб мижозлар билан энг замонавий усулларни кўллаб ишлашни, уларга сифатли молиявий хизматлар кўрсатиш борасидаги изланишларни жадаллик билан амалга ошириши максадга мувофикдир. Шундан келиб чмқиб куйидаги таклифларни илгари сурмокчимиз:

Биринчидан, давлат мулкига асосланган, жумладан АТБ "Халк банки"даги аҳоли омонат пулларини қимматли коғозларга айлантириш, уларда эгалик хуқуқини туғдириш йўли билан соҳага рақобат муҳитини олиб кириш;

Иккинчидан, мамлакатимиздаги статистик фаолиятда, жумладан банк статистикасида айрим нуқсонлар борлиги, шаффофлик етишмаслигини инобатга олиб, фоизлар ставкасини белгилашда ҳар бир тижорат банкига мустақиллик бериш, бунинг учун давлат дастурлари асосида имтиёзли кредитлар ажратиш юкини барча давлат мулкига асосланган тижорат банклари зиммасига тенг тарзда юклаш.

Учинчидан, банкротлик ёқасига яқинлашган банкларни аниқлаш, уларни самарали фаолият кўрсатаётган банклар билан бирлаштириш йўли билан корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишга эришиш. Хулоса шуки пандемия асоратлари бартараф этилгандан кейин иқтисодий фаолият бошқарувини номарказлаш ишларига яна ҳам катта жадаллик билан киришиш мақсадга мувофиқдир.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АКТИВ ВА ПАССИВЛАРНИ БОШҚАРИШНИ КЛАСТЕР УСУЛИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

Ҳайдаров Зоҳир Шарипович *– СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.,*
Холбоев Жамшид Абдухалиқович *– СамИСИ магистранти*

Аннотация:Илмий мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида актив ва пассивларни бошқаришни кластер усулидан фойдаланиш асосида такомиллаштириш муаммолари ва уларни ечиш ўз аксини топган.

Аннотация:В научной статьеотражены проблемы и пути решения совершенствование управления активами и пассивами коммерческих банков Республики Узбекистан на основе использования метода кластера.

Abstract: The scientific article reflects the problems and solutions to improve the management of assets and liabilities of commercial banks of the Republic of Uzbekistan through the use of the cluster method.

Калит сўзлар:актив, пассив, риск, капитал, заҳира, ликвидлилик, регулятив капитал, кластер усули, кредит, қимматбаҳо қоғозлар, капитал етарлилиги.

Ключевые слова:актив, пассив, риск, капитал, резерв, ликвидность, регулятивный капитал, кластерный метод, кредит, ценные бумаги, достаточность капитала.

Keywords:assets, liability, risk, capital, reserve, liquidity, regulatory capital, cluster method, credit, securities, capital adequacy.

Тижорат банклари активларини ва пассивларини бошқариш (ТБАПБ)– бу пул маблағларини жалб қилиш ва уларни жойлаштиришни тартибга солиш йўллари, меъзонлари, принциплари ва усулларидир.Банкнинг фойда даражасини ва молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда кўзда тутилмаган рискларни минималлаштириш мақсадида баланс активлар ва пассивларининг тегишли моддаларини доимо бир-бирига таққослаб бориш зарур.Ушбу таққослаш тижорат банклари активлари ва пассивларини тегишли усуллар, меъзонлар, принциплар ва меъёрлардан фойдаланган ҳолда бошқариш жараёнида амалга оширилади.

Халқаро ва маҳаллий молия бозорларида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар тижорат банклари актив ва пассивларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва усулларини доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб этади. Ушбу усуллардан бири бу тижорат банклари актив ва пассивларини бошқаришни кластер усули асосида такомиллаштиршдир.

Тижорат банклари актив ва пассивларини кластер усули асосида бошқаришнинг мазмуни – бу банкнинг фойда даражасини пасайтирмасдан ликвидлиликни таъминлашга, кўзда тутилмаган рискларни минималлаштиришга қаратилган усуллар ва тартиблар йиғиндиси бўлиб, банкнинг молиявий барқарорлиги ва мажбуриятларини бажаришнинг узлуксизлигини таъминлашга қаратилган ягона натижавий самарали ташкилий-ҳуқуқий жараёндаги усулдир.Тижорат банклари актив ва пассивлари

ўртасидаги номутаносиблик ҳолатлари банкнинг ўз мажбуриятларини тўлиқ ва белгиланган муддатда бажаришини кластер усули асосида бартараф этиш ва ушбу ҳолатларни бошқаришни такомиллаштириш заруриятини тақозо этади.

Кластер усули – бу банк актив ва пассивларини бошқаришдаги пайдарпай, узлуксиз, занжирли ва ягона тизимли усулдир ва у икки катта бўлакларни,банк активлари ва пассивларини, ягона занжирли тизимга бирлаштирувчи усул ҳисобланади.

Тижорат банкларининг активлари ликвидлилик даражасигакўра кассали активлар, қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар, кредитлар ва асосий воситалардан иборат.

Тижорат банкларининг пассивлари талаб қилиб олиниш даражасига кўра қуйидаги таркибий гуруҳларга бўлинади:

- талаб қилиб олинадиган депозитлар;
- бошқа банкларнинг “востро” вакиллик ҳисобрақамидаги пул маблағлари;
- муддатли депозитлар;
- жамғарма депозитлар;
- банкнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинган маблағлар;
- бошқа банклардан олинган кредитлар;
- регулятив капитал.

Тижорат банклари актив ва пассивларини кластер усули асосида бошқариш жараёнида, яъни уларни ягона узлуксиз занжирли тизимга бирлаштириш жараёнида қуйидаги талабларга (меъзонларга) риоя этиш лозим:

- фойдалиликни таъминлаш;
- ликвидлиликни таъминлаш;
- хавфсизликни таъминлаш;
- актив ва пассивларни сумма ва муддат бўйича мутаносиблигини таъминлаш;
- банкнинг молиявий барқарорлиги ва мажбуриятларини бажаришнинг узлуксизлигини ягона самарали ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таъминлаш.

Тижорат банкларида актив вапассивларни кластер усулиасосида бошқариш жараёнида қуйидаги принциплардан фойдаланиш мумкин:

- активларнинг даромадлилиги ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш принципи;
- активлар портфелларини диверсификация қилиш принципи;
- тўғри инвестицион қарорлар қабул қилиш принципи;
- пул оқимларининг етарлилиги принципи;
- фоиз ставкалари, валюта курслари ва товарларнинг баҳоларини ўзгаришига мослашувчанлик принципи;
- банк қимматли қоғозларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш принципи;

- депозитларнинг етарлилигини таъминлаш принципи;
- капиталнинг етарлилигини таъминлаш принципи;
- банк ликвидлилигини таъминлаш принципи;
- трансформация принципи;
- актив ва пассивлар бўйича даромад ва ҳаражатларни назорат қилиш принципи;
- банк ресурсларининг етарлилиги принципи;
- заҳиралар яратиш принципи;
- рискларни минималлаштириш принципи.

Тижорат банкларида актив ва пассивларни кластер усули асосида бошқариш жараёнида бир қатор салбий омиллар таъсир қилиши мумкин. Жумладан:

- Марказий Банк томонидан тижорат банкларини кредитлаш амалиётининг мавжуд эмаслиги туфайли Марказий Банкнинг қайта молиялаш ставкасини ўзгартириш йўли асосида пул массасига, тижорат банкларнинг ликвидлилигига ва кредитларнинг баҳосига таъсир этиш имкониятининг пастлиги.
- Марказий Банкнинг мажбурий заҳира ставкаларининг юқори эканлиги ва заҳира ажратмалари суммасини банкларнинг “ностро” вакиллик ҳисобрақамларидан олиб қўйилаётганлиги натижасида тижорат банкларинингликвидлилигига ва ресурс базасининг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирнинг юзага келганлиги.
- Тижорат банкларинингдепозит базасида узоқ муддатли депозитлар улушининг пастлиги сабабли уларнинг инвестиция жараёнларига қатнашиши етарли даражада эмаслиги.
- Республикамизда имтиёзли кредит дастурлари кўп бўлиб (2019 йилда 78% кредит портфелларини ташкил қилди), улар молиявий ресурсларни жойлаштириш самарадорлигини пасайтиради ва банк тизимида муаммоларни вужудга келтиради. Айниқса, давлат инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларни тижорат банклари томонидан маъмурий равишда молиялаштирилиши тижорат банклари молиявий ҳолатига салбий таъсир қилмоқда.
- Республикамизнинг йирик тижорат банкларида трансформация рискининг мавжудлиги.

Трансформация рискининг юзага келганлиги ва чуқурлашганлиги қисқа муддатли (1 йилгача) ресурслар ҳисобидан узоқ муддатли (3-5 йилгача) кредитларнинг берилганлиги билан изоҳланади.

Бундан ташқари, тижорат банклари активларини бошқаришникластер усули асосида такомиллаштириш жараёнида бир қатор муаммоларни инобатга олиш лозим:

1. Тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида даромад келтирмайдиган активларнинг (кассадаги нақд пуллар, тижорат банкларининг

миллий валютадаги ва хорижий валютадаги “ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги пул маблағлари) салмоғининг нисбатан юқори эканлиги.

2. Тараққий этган мамлакатлар тижорат банкларининг активлари таркибида салмоғига кўра иккинчи ўринни (1-ўринни кредитлар эгаллайди) банкнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг таркибида эса, салмоғига кўра иккинчи ўринни кассали активлар эгаллайди. Бу эса, активларнинг даромадлилик даражасини паст эканлигидан далолат беради.

3. Муддати ўтган кредитлар миқдорининг катта эканлиги. Айниқса, давлат дастурлари доирасида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик катта.

4. Миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги.

Республикамиз тижорат банклари пассивларини ҳам кластер усули асосида бошқаришни такомиллаштириш жараёнида бир қатор муаммоларнинг мавжудлигини инобатга олиш керак:

1. Тижорат банклари ресурслар базасининг етарли эмаслиги.

2. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операцияларининг ривожланмаганлиги.

3. Тижорат банклари биринчи даражали капиталининг таркибида девалвация заҳираси ва имтиёзли кредитлаш фондининг маблағлари каби нобарқарор молиялаштириш манбаларининг мавжудлиги. (Холбуки, Базел стандартининг талабларига кўра, биринчи даражали капитал фақат барқарор молиялаштириш манбаларидан ташкил топган бўлиши керак ва банк оғир молиявий аҳволга тушиб қолганида ушбу капитал ҳисобидан чиқиб кетиши лозим).

4. Тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги. (Тижорат банклари ресурсларининг 70 %дан ортиқ қисмини қисқа муддатли ресурслар ташкил этади ва бу эса узоқ муддатли актив операциялар ҳажмини оширишга тўсқинлик қилади).

Тижорат банклари актив ва пассивларини кластер усули асосида бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- Тижорат банклари фаолиятига умумэътироф этилган замонавий меъёрлар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларини жорий қилиш, банк-молия тизимини халқаро рейтинг ташкилотлари баҳолаши асосида баҳолаш кўрсаткичларини янада такомиллаштириш.
- Банк назоратининг халқаро принциплари асосида тижорат банклари капиталининг етарлилиги, ликвидлилиги ва барқарорлиги бўйича талаблари бажарилишини таъминлаш.
- Базел қўмитасининг талабларини ҳисобга олган ҳолда банк рискларини баҳолаш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш.
- Банкларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш ва банкларни илғор банк амалиёти асосида фаолият юритадиган тизимга айлантириш.

- Аҳолини банк-молия хизматлари асосида молиявий саводхонлигини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражасиниошириш.
- Аҳолининг мамлакат банк тизимига бўлган ишончини ошириш, мижозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларининг доимий мониторингини амалга ошириш, банк хизмати кўрсатишмаданиятини ошириш.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари актив ва пассивларини кластер усули асосида бошқариш банкнинг фойда даражасини пасайтирмасдан ликвидлиликни таъминлашга, кўзда тутилмаган рискларни минималлаштиришга қаратилган усуллар ва тартиблар йиғиндиси бўлиб, банкнинг молиявий барқарорлиги ва мажбуриятларини бажаришнинг узлуксизлигини таъминлашга қаратилган ягона натижавий самарали ташкилий-ҳуқуқий жараёндир.

БАНК ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛИ

Бектемиров А. *– СамИСИ доценти,*
Ибодов К.*-СамИСИ таянч докторанти,*
Бекмуродов Э.Р.*-СамИСИ магистранти*

Банк фаолияти самарадорлиги тушунчаси иқтисодий категория сифатида умумий тушунча бўлиб, унга бир қатор кўрсаткичлар таъсир кўрсатади. Банк фаолияти самарадорлиги тушунчасининг назарий моҳиятини очиб бериш унинг кўплаб омиллар таъсири остида шаклланганлиги боис ушбу тарифни кенгроқ ёритиш имконини беради.

Банк фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий ишлар бугунги кунда кўплаб чоп этилган бўлса-да, унинг айрим жиҳатлари етарли даражада ёритиб берилмаган.

Илмий адабиётларда банк фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни тадқиқ этишнинг асосий мақсади, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган. Шуни таъкидлаш жоизки, омилларнинг мавжудлиги самарадорликни ошириш учун етарли эмас. Шу нуқтаи назардан банк фаолиятига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражаси ҳар бир омил учун алоҳида-алоҳида ўрганилади, таҳлил этилади. Таъсир доираси катта бўлган омиллар ёрдамида уларнинг биргаликдаги таъсир ўрганилади ва прогноз қилинади. Бундай таҳлилда корреляцион таҳлиллар жуда қўл келади.

Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув асосида банк фаолиятига самарадорлигига ва банк хизматлари рақобатбардошлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг яхлит тизими ишлаб чиқилди. Ушбу омиллар ички омиллар ва ташқи омилларга ажратилди[1]. Ташқи омилларнинг хусусиятига кўра катта таъсир кўрсата олмаслиги сабабли банк бу омилларга мослашишга ҳаракат

[1] Ибодов К.М. Банк хизматлари рақобатбардошлигининг маркетинг тадқиқотлари. – Монография, Т.-“Наврўз” нашриёти,2016й.

қилади ва улар билан у ёки бу даражада алоқадорликда бўлади(1-жадвал).

1-жадвал

Ташқи омилларнинг банк фаолиятига таъсир кўрсатиш хусусиятлари

Ташқи омиллар гуруҳи		**Банк фаолиятига таъсир этиш хусусияти**
Номланиши	**Турлари**	
Сиёсий	Халқаро алоқалар	Банк тизими сиёсий таъсирларга сезгир бўлиб, у ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. ***Ижобий таъсири:*** мамлакатнинг устувор тараққиёт дастурлари асосида ўз фаолиятини амалга оширади. ***Салбий таъсири:*** Давлатнинг ноаниқ сиёсий мотивлари банк тизими ривожланишига тўсқинлик қилади ва "капитал кўчиши"га, банкларнинг имкониятларини чеклашга ва истеъмолчилар хулқ-атворининг ўзгаришига олиб келади
	Халқаро интеграция	
	Сиёсий зиддиятлар	
	Давлатларо сиёсий келишувлар	
	Сиёсий инқирозлар	
Иқтисодий	Аҳоли даромадлари даражаси	Омилларни ўрганиш жараёнида банкларнинг бўш турган маблағларни жалб этиш ва ўз хизматларини тақдим этиш билан боғлиқ жараёнидаги имкониятлар ва хавф-хатарларга қаратилиши лозим. Бу икки бир-бирига қарама-қарши тушунчалардан маълум бўладики, ҳар қандай иқтисодий шароитда банк ўз хизматларини тақдим этар экан, у ўз хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш билан бирга хавф-хатар борлигини унутмаслиги зарур.
	Аҳолининг ҳарид қобилияти	
	Иқтисодий ўсиш суръати,	
	Инфляция	
	Кредит ставкалари	
	Солиқ ставкалари	
	Истеъмол савати қиймати	
	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ	
	Бозор коньюнктураси	
Ижтимоий	Маданий муҳит	Банкларнинг узоқ вақт давомида операция бажаришга ихтисослашганлигини тарғиб қилувчи тушунчанинг мавжудлиги, аҳолининг молиявий саводхонлиги паст даражадалиги, банк хизматларининг энг аввало банкнинг иқтисодий манфаатларига қаратилганлиги ва ниҳоят банкларнинг ёпиқ тизим эканлиги оқибатида аҳолида банкларга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлганлиги бу бор ҳақиқат. Бундай салбий ҳолатни бартараф этишнинг асосий йўли бу аҳолини банк фаолияти билан яқиндан таништириш, фаолиятнинг очиқлиги ва объективлигини таъминлашдир.
	Ахлоқий қадриятлар	
	Диний қадриятлар	
	мижозлар психологияси	
	харид хулқ-атвори,	
	маънавий-маърифий ҳислатлари	
	минтақадаги демографик вазият	
	ёш таркиби	
	саводхонлик дараж аси	
Хуқуқий	Қонунлар	Ҳар қандай қоидалар, чекловлар, меъёрлар қонунчиликдаги ўзгаришларни ўз ичига олади ва банк тизимининг турли муҳит омиллари
	Президент Қарорлари	
	ЎзР ВМнинг қарорлари	

	Қоидалар Кўрсатмалр	таъсирига чидамлилигини, ишончлилигини таъминлаб, асосий йўналишларини белгилаб беради.
Илмий-техник	Илмий кашфиёт Техник янгилик Технологик янгилик Инвестиция сиёсати Инновацион сиёсат Мутахассислар малакаси Илмий марказлар	Банк соҳасидаги ҳар қандай кашфиёт, янгилик(техник, технологик), инвестицион ва инновацион сиёсат мутахассислар малакасини оширишга олиб келади ёки уларни малака оширишга мажбур қилади. Бунга илмий марказларнинг мавжудлиги жуда катта таъсир кўрсатади. Оқибат натижада янги банк хизматлари пайдо бўлиб, рақобат кучайиши натижасида мижоз учун ҳам қўшимча қулайликлар яратилади.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ташқи омилларга банкнинг таъсир этиш даражаси жуда паст бўлсада, лекин банкнинг ички сиёсатига ташқи омилларнинг таъсири жуда сезиларли экан. Жадвалда келтирилган маълумотларнинг исботи учун баъзи фактларни ҳавола этамиз[2]:

Сиёсий омилларнинг таъсири. Банк тизими ривожланишига мамлакатдаги сиёсий вазият, тузум ва сиёсий раҳбарлар алмашинуви ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Тарихга назар ташлайдган бўлсак ўтган асрнинг 60-йилларида мамлакатимизда саноқли тижорат банклар мавжуд бўлиб, улар давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланар, акциядорлик корхоналари қатъий назорат остида эди. 1990 йилларга қадар мамлакатимиз банк тизимида сезиларли ўзгаришлар бўлмади. Банк тизими маъмурий-буйруқбозлик тизимининг асосий манфаатларини амалга оширувчи институт бўлиб қолаверди.

Демак сиёсий омиллар бошқа барча иқтисодий, демографик, ижтимоий, маданий, хуқуқий, техник-технологик омилларга ўз таъсирини ўтказар экан.

Иқтисодий омилларнинг таъсири. Иқтисодий омилларнинг таъсирини 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирозида яққол кузатишимиз мумкин. 2008 йилда жаҳон миқёсида бевосита хорижий инвестициялар оқими 20% гача пасайганлиги кузатилган. 2009 йилда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг пасайиши, бевосита хорижий инвестициялар кўламининг янада пасайишини кузатилиши ҳамда халқаро савдо ҳажми қарийб 15% га пасайди. Бу ҳолат эса ишсизлик даражасининг ортиши билан боғлиқ жиддий ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги ишсизликнинг ўсиб бориши кузатилди. 2009 йилда АҚШда ишсизлик даражаси 7, 2%, Японияда 4, 4%, Буюк Британияда 6, 4%, Германияда 8, 2% га ўсди. Бу ўз-ўзидан ижтимоий трансфертларнинг кўпайиши ҳисобига давлат ҳаражатларининг ўсишига олиб келди ва жаҳон банкларининг тўлов

[2] Ибодов К.М. Банк хизматлари рақобатбардошлигининг маркетинг тадқиқотлари. – Монография, Т.-“Наврўз” нашриёти,2016й, 74-бет.

қобилиятининг пасайишига олиб келди[3].

Ижтимоий омилларнинг таъсири. Айрим ҳолларда мижозлар олинган кредит тўловларини қоплаш учун бошқа банк муассасаларидан кредит олишади. Бунинг асосий сабаби аҳолининг молиявий саводхонлигининг пастлиги ва нотуғри қарор қабул қилган мижознинг банкка бўлган ишончсизлигидир. Бундан ташқари аҳолининг бўш турган маблағларини жалб этишда уларнинг банк тизимига бўлган ишончининг пастлиги, ёпиқ тизими эканлиги ва банк фаолияти билан таниш эмаслиги яққол намоён бўлади[4].

Илмий-техник омилларнинг таъсири. Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизимини 2000 йиллардаги банк тизими билан ҳам хизматлар кўлами билан, ҳам хизмат кўрсатиш сифати билан. Банк тизими рақамли иқтисодиёт шароитида асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланиб бормоқда. Биргина Халқ банки мисолида айтишимиз мумкинки аҳолидан олинадиган омонат турлари сони 30 дан ортиқ, жисмоний шахсларга бериладиган кредит турлари сони эса 15 дан ортиқ. Бу эса ўз вақтида аҳолида омонатларни ёки кредитларни танлаш имкониятини яратади. Мобил банкинг хизматларининг пайдо бўлиши эса аҳолида уйдан туриб хизматларга буюртмалар бериш имкониятини яратмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолининг банкларга бориб келиш, кутиш вақтларини тежашга имкон яратмоқда.

Демак банк тизими ташқи омилларга сезувчан бўлиб, у омилларга мослашишга ҳаракат қилади.

Банк фаолиятида унга таъсир этувчи ички омиллар муҳим рол ўйнайди. Бу омилларга қуйидагилар киради: операцион салоҳият, кадр салоҳияти, интеллектуал салоҳият, инновацион салоҳият ахборот салоҳият, маркетинг салоҳияти, молиявий салоҳият, инвестицион салоҳият. Санаб ўтилган ички омиллар тўғрисида мужассам маълумотларга эга бўлиш учун уларнинг хусусиятларини қуйидаги жадвал орқали ифодалашга ҳаракат қиламиз(2-жадвал).

2-жадвал

Ички омилларнинг банк фаолиятига таъсир кўрсатиш хусусиятлари

Ички омиллар гуруҳи		**Банк фаолиятидаги хусусияти**
Номланиши	**Баҳоланиш кўрсаткичлари**	
Операцион салоҳият	Хизматлар қиймати	Банкларнинг илмий-техник, технологик янгиликларни жорий эта олиш имкониятини белгилаб беради ва мижозларга рақобатбардош хизматларни таклиф эта олиш қобилиятини ифодалайди
	Ҳаражатлар дара	
	Хизматлар ассортименти	
	Қўшимча хизматлар сони	
	Хизмат кўрсатиш давомийлиги	
Кадр салоҳияти	Касбий компитентлик	Касбий салоҳият ҳар қандай банкнинг бойлиги ҳисобланади. У юқори
	Касбий малакалилик	

[3] «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.-

[4]Ибодов К.М. Банк хизматлари рақобатбардошлигининг маркетинг тадқиқотлари. – Монография, Т.-“Наврўз” нашриёти,2016й, 75- бет..

	Касбий билимлилик	сифатли хизмат кўрсатишни амалга ошириш имконини беради ва мотивация тизимини яратади
Интеллектуал салоҳият	Лицензиялар сони	Банк ходимлари томонидан янги инновацион ғоялар, лойиҳаларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминлаб, банкнинг рақобатбардош-лигини таъминлайди
	Патентлар сони	
	Нау-хаулар сони	
	Савдо белгилари сони	
	Рационализаторлик таклифлари сони	
Инновацион салоҳият	Илмий-техник фаолият	Бу банкнинг ички салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда амалга ошириш имкониятини ифодалаб, ходимларни мотивациялайди ва банкнинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади
	Технологик янгиликлар-нинг жорий этилиши	
	Инновацион фаолият	
Ахборий салоҳият	Ахборотларни йиғиш усули	Бу банк бўлинмалари ва бошқа субъктлар билан ахборотлар алмашинувида унинг тезлиги, ишончлилиги ва ўз вақтида етказилиши билан боғлиқ кўрсаткичлар мажмуидан иборат бўлиб, банкнинг мижозлари ўртасида ишончли ахборотлар алмашинувини таъминлайди.
	Ахборотларни қайта ишлаш усули	
	Ахборотларни сақлаш усули	
	Ахборотларни тарқатиш усули	
Маркетинг салоҳияти	Хизматларнинг рақобатбардошлигини таҳлил этиш	Маркетинг салоҳияти бу банк хизматларига бўлган талаб ва таклифни ўрганиш имкониятини берган ҳолда, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, рекламалар бериш ва унинг самарадорлигини аниқлаш, реал мижозлар, хизматлар сони, банк имижини аниқлаш имконини берувчи бутун бир тизим. Унинг ёрдамида рисклардан, турли хилдаги йўқотишлардан сақланиш имконияти яратилади.
	Хизматларга бўлган талабни ўрганиш	
	Нархни таҳлил этиш,	
	Товарга(хизматга) бўлган талабни аниқлаш,	
	Коммуникация таҳлили	
	Сотиш сиёсатини олиб ташкил этиш	
	Рақиблар, мижозлар хулқ-атворини ўрганиш	
Молиявий салоҳият	Соф фойда даражаси унинг тақсимланиши ва сарфланиши	Бу маълум бир давр оралиғида молиявий муаммоларни ҳал этиш мақсадида сарфланадиган маблағларни ифодалаб, активларнинг ликвидлиги, фоиз маржаси, фоизсиз харажатлар даражаси, капитал етарлилиги, муддати ўтган кредитлар каби кўрсаткичлар билан бағоланади
	Активларнинг ликвидлилиги	
	Активларнинг иш фаоллиги кўрсаткичлари	
	Фоиз маржаси	
	Фоизсиз ҳаражатлар даражаси	
	Капитал етарлилиги	
	Муддати ўтган кредитлар даража	

Инвестицион салоҳият	Ички ва ташқи молиялаштириш манбаларининг мавжудлиги	Инвестицион салоҳият банкнинг инвестицион лойиҳаларни амалга оширишдаги ички ва ташқи молиялаштириш манбалари мавжудлиги билан ифодаланиб, қуйилмаларнинг қопланиш даври ҳамда солиқ имтиёзлари билан баҳоланади.
	Банк капиталининг ўртача қиймати	
	Капитал қўйилмаларнинг қопланиш даври	
	Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун молиявий ва солиқ имтиёзларининг мавжудлиги	

Жадвалда келтирилган ички омиллар хусусиятларидан кўринадики, улар банкнинг умумий салоҳиятини ифодалар экан.

Юқорида банк фаолиятига таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни тизимлаштиришга эришдик. Уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, бу омилларнинг қанчалик даражада банк фаолияти самарадорлигига таъсир этиш даражасини ўрганиш зарур бўлади. Шуни айтиш жоизки, омиллар шароит ўзгариши билан улар ҳам маълум маънода ўз мазмунини ўзгартириши мумкин. Шу билан бирга фаолиятга таъсир этувчи янги омиллар пайдо бўлишини эътиборга олиш зарур бўлади.

Банк фаолияти самарадорлиги абсолют иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар билан бирга, бугунги кунда унинг рақобат майдонида ғолиблиги билан ифодаланади. Банк фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг тизимлаштирилиши банк рақобатбардошлигини таъминлаш ва ошириш бўйича ўта мукаммал бўлмасада, банкнинг рақобат позициясини мустаҳкамлаш, рақобатбардошликни оширишнинг асосий йўналишларини белгилашга хизмат қилади.

РАҚАМЛИ БАНК - ТАРАҚҚИЁТ ТАЛАБИ

И.Х. Собиров *– СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.*
П.И.Собиров *– YEOJU институти Тошкент филиали талабаси*

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда рақамли банк ривожлантириш муаммолари ўрганилган ва аниқ таклифлар берилган.

Калит сўзлар: рақамли банк, онлайн тахлил, масофавий банк махсулоти.

Аннотация: в статье показаны проблемы развития цифровой банк в Узбекистане, а также предложены конкретные рекомендации.

Ключевые слова: Цифровой банкинг, интерактивный анализ, дистанционный банковский продукт.

Abstract. The article shows the problems of the development of digital banking in Uzbekistan, as well as specific recommendations

Keywords: Digital Bank, interactive analysis, remote banking product

Тараққиёт истеъмол бозорини ҳам кескин ўзгаришига сабаб бўлади. Истеъмолчиларнинг истак ва хохишлари ҳам замонда пайдо бўлаётган тенденцияларга хос бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради”.

Президент таъкидлаганидек банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда.

2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастурлари амалга оширилмоқда. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сотиш бозори ўзгариш билан биргаликда, банк сектори ҳам ўзгариб бормоқда. Умумий олиб қараганда – бозор виртуал оламга трансформация бўлиш жараёнида.

Банкларни ривожланиш тарихига эътибор берадиган бўлсак, дастлаб банклар фақат ўз филиаллари орқали хизмат кўрсатишни ташкил этган бўлса, кейинчалик:

- 1970 йилларда банкоматлар ихтиро қилинди.
- 1980 йилларда банкларда колл – центр орқали хизмат кўрсатиш жорий қилинди.
- 1990 йилларда интернет банкинг ва 2000 йилларга келиб эса банк тизимига интернет ва мобиль технологиялар кириб келди. Электрон тижорат ривожлана бошлади.
- 2010 йилдан бошлаб Европа ва АКШда анъанавий банкларни ракамли банкга транформацияси бошланди. Натижада банклар ўз филиалларини қисқартира бошлади.

Рақамли банк – Банк бизнесидаги янги модель. Интернет технология-ларга асосланган холда масофадан банк хизматларини мижозларга етказиб бериш тушунилади.

Рақамли банкка ўтиш - банк бозорида рақобатдош бўлиш ва самарага эришиш учун қуйдагилар талаб этилади:

Мижоз учун ишлаш

- мижоз тўғрисида барча маълумотларга эга бўлиш (“золотая запись”);

- мижоз харакатларини ва тарихини тахлил қилиш;
-ўз фокусини юқори технологияларга йўналтириш.

Рақамли хизматларни кўрсатиш:

- “Қийин” махсулотлар бўйича ягона дарча;
- товар ва хизматлар учун Маркетплейс;
- роботлаштиришни жорий этиш.

Офисларда хизмат кўрсатишдан рақамли каналларга ўтиш

- сайт ва мобил иловалар;
- талабларни олдиндан била олиш;
- бир нечта турли хил тизимларни, хизмат каналларини ёки коммуникацияларни ягона ойна (дарчада, хавола, тугмача) орқали тақдим этиш (Омниканальность) принципларини жорий этиш.

Онлайн тахлил ва ўзини ўзи ўқитувчи технологияларни (искусственный интеллект) жорий этиш

- нейрон тизимлардан фойдаланиш;
- очиқ маълумотлар базаларидан фойдаланиш;
- Big Data тахлили асосида прогнозлаштириш.

Ижтимоий тармоқларда актив позицияга эга бўлиш, рақамли маркетинг инструментларидан фаол фойдаланиш – рақамли банкнинг харакатлантирувчи воситаси ҳисобланади. Чунки рақамли банкнинг асосий истеъмолчилари интернет тармоғини фаол фойдаланувчиларидир.

Ижтимоий тармоқларнинг рақамли банкни ривожлантиришдаги ахамияти қуйидагилардан иборат:

1. Банк махсулотлари ва хизматлари тўғрисидаги маълумотларни тез тарқалишига олиб келади;
2. Банкнинг молиявий маслахатчи сифатида роли ортиб боради;
3. Ахолининг молиявий саводхонлигини тез ривожланади;
4. Ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар ўртасида ўзаро таклиф ва тавсияларга ишонч ортиб боради;
5. Ижтимоий тармоқда банк фойдаланувчилар билан хамкорликда хеч қандай коррупциясиз мулоқот қилиш майдони юзага келади. Улар билан фақат сотиш эмас балки таклиф ва тавсияларга асосланган муносабат ўрнатилади. Бунинг натижасида фойдаланувчилар – потенциал мижозлар ўртасида банкга нисбатан ишонч пайдо бўлади, банк промоуторлари сони ортади.

Рақамли технологиялар даврида мижозларни жалб қилиш ва банк имиджини оширишнинг энг самарали воситаси – бу банкнинг ижтимоий тармоқлардаги фаоллигини ошириш ва ривожлантиришидир.

Ўзбекистонда рақамли банк жорий қилишдаги муаммолар:

1. Жисмоний шахслар ва ЯТТлар учун ягона идентификация тизимининг мавжуд эмаслиги;
2. Банк махсулот ва хизматларини масофадан сотиш имконини беришга тўскинлик килувчи норматив хужжатларнинг мавжудлиги;
3. Бизнес жараёнларнинг тўлиқ автоматлашмаганлиги;

4. Скоринг тизимининг мавжуд эмаслиги;

5. Мажбурий ташқи тизимлар (НИКИ, гаров реести ва бошқалар) билан интеграция йўлга қўйилмаганлиги;

6. ЕОПЦ билан маълумотлар алмашишдаги муаммолар.

Рақамли банкингни жорий қилишда амалга ошириш лозим бўлган ишлар:

1. Чакана банк махсулот ва хизматларини стандартлаштириш. Барча худудларда ягона тариф сиёсатини юритиш.

2. Банкни ижтимоий тармоқлардаги фаоллигини ошириш.

3. Интернет маркетинг (SMM) командасини ташкил қилиш.

4. Банк сайтида белгиланган махсулот ва хизматлар учун онлайн заявкаларни амалиётга жорий қилиш.

4. Масофадан банк махсулотларини сотиш ва ривожлантириш командасини ташкил қилиш.

5. Мижозларни сегментларга ажратиш ва хизмат кўрсатиш моделини ишлаб чиқиш.

6. Масофавий сотиш каналлари: веб-сайт, мобиль банкинг, ижтимоий тармоқлар, колл центр функционалларини қайта кўриб чиқиш ва ривожлантириш. CRM билан интеграция қилиш.

7. Масофадан банк хизматларини кўрсатиш тизимлари (мобил ва интернет банкинг) тизимларини такомиллаштириш.

БОШҚАРУВНИ НОМАРКАЗЛАШТИРИШ – БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Ниёзов Зухр Давронович *– СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.*

Шарипова Нигина Джуракуловна *- СамИСИ магистранти*

Аннотация: Жаҳон иқтисодиётида пандемия туфайли вижудга келаётган муаммолар мамлакатимиз иқтисодиётида, жумладан банк секторида ҳам муайян қийинчиликлар туғдирмоқда. Мақолада, уларни иқтисодий фанлар ютуқларига таянган ҳолда бартараф этиш имкониятлари тўғрисида мулоҳаза юритилган.

Таянч сўзлар: Банк, инвестиция, стратегия, инқироз, бошқарув, кредит, имтиёз, пандемия, тадбиркорлик.

Аннотация: Проблемы, вызванные пандемией в мировой экономике вызывают определённые трудности в экономике нашей страны, в том числе в банковском секторе. В статье рассматриваются возможности их преодоления на основе достижений экономических наук.

Ключевые слова: Банк, инвестиция, стратегия, кризис, управление, кредит, льготы, пандемия, предпринимательство.

Abstract: Problems caused by the pandemic in the world economy cause certain difficulties in the economy of our country, including the banking sector. The article discusses the possibilities of overcoming them based on the achievements of economics.

Keywords: bank, investment, strategy, crisis, management, credit, benefits, pandemic, entrepreneurship.

Ўзбекистоннинг келажаги ва унинг истиқболини белгилаб берувчи 07.02.2017 ПФ-4947 сонли 2017-2021 йилларга мулжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши буйича Ҳаракатлар стратегияси ташкил этади. Харакатлар стратегиясидан келиб чиқадиган энг муҳим иқтисодий вазифалардан бири - бу бошқарув тизимини номарказлаштиришдир. Унинг моҳияти, иктисодий фаолиятда самарадорликка эришиш борасидаги ўрни нимадан иборат деган табиий савол туғилади.

Давлат бошқарувини номарказлаш деганда бизлар комплекс ёндашувни, яъни давлат корхоналарини хусусийлаштириш, бюджетдан молиялаштириладиган ижтимоий соҳаларни давлат-хусусий шерикчилик асосида такомиллаштириш, давлат бюджетини шакллантириш ва ундан фойдаланишни пастки поғоналарга тушириш кераклигини тушунишимиз керак. Тан олиш керак, охирги йилларда, яъни мамлакатимизда ислоҳотларнинг янги шижоат билан амалга оширилаётган шароитда бу масалаларга жиддий эътибор қаратилмокда. Жумладан, стратегик аҳамиятга эга банклардаги давлат улуши даражасини хорижий инвестицияларни жалб этиш йули билан пасайтиришга қаратилган қарорлар қабул қилинмокда. Тижорат банкларининг бошқарувига хорижий мутахассислар таклиф этилмоқда. Бу ишлар тизимга рақобат мухитини яратишга эришиш мақсадида амалга оширилмоқда десак хато қилмаган буламиз. Нега деганда ишлаб чикариш соҳасида босқичма-боскич рақобат муҳити яратилишига эришилсаю, банклар фаолияти эски усулларда давом эттирилса, бундан яхши натижаларни кутиш хом хаёлнинг узи. Албатта бунинг учун муайян вақт талаб этилади. Токи давлат мулкига асосланган, юкори даражада марказлашган бошқарув, жумладан банк тизимида жиддий ўзгаришлар юз бермас экан, бундай салбий ҳолатлар давом этаверади ва бундай ҳолатни факат ёкимли сузлар билан ифодаланадиган шиорлар билан ўзгартириб бўлмайди. Жумладан, стратегик аҳамиятга эга банклардаги давлат иштирокини хорижий инвестицияларни жалб этиш йули билан пасайтиришга қаратилган қарорлар қабул қилинмокда.

2019 йилнинг якунлари сарҳисоб килиниб, қўлга киритилган ютуқлар ва охиригача амалга оширилмаган айрим дастурлар сабаблари таҳлил этилиб, "Илм-фан, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш" йилига бағишланган ишчи дастур амалга оширилишига киришилган бир шароитда, Ўзбекистонга коронавирус пандемияси келтириб чиқарадиган оғир синовли кунлар кириб келди ва бундай ҳолат банк фаолиятига хам салбий кўрсатишни бошлади.

Вужудга келаётган шароитда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб колиш, "хуфёна иқтисодиётга" қарши курашиш ва унинг улушини кескин қискартириш, валюта сиёсатини эркинлаштиришни давом эттириш - янги

услубда амалга оширилаётган ислоҳотларни такомиллаштиришнинг асосий йуналишларидир.

Янги молиявий хизматларга бўлган талабларнинг ортиб боришига ички ва ташқи бозорларда рақобат мухитининг кучайиб бориши, унинг талаблари асосида ишлаб чиқариш жараёнига инновацион технологияларнинг жадал суръатлар билан кириб келиши, ёшларнинг замонавий билимларни эгаллаши ва бошқалар асосий омиллар сифатида хизмат қилади. Уларни замон талаби даражасида қондириш мақсадида узоқ йиллардан бери ўзгаришларсиз амал қилиб келган қонунчилик 2019 йилнинг охирги ойларида такомиллаштирилди. Аммо янгиланган қонунлар ва иқтисодий фаолиятни марказлашган ҳолда амалга оширилиши ўртасида катта номутаносибликлар сақланиб қолмокда.

Фаолиятни мустақил тарзда амалга ошириш имконияти булмагандан кейин тижорат банклари бундан кейин хам оғир аҳволда қолиб кетишлари мумкин. Мисол учун, "Халк банки" ҳукумат қарори билан чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун мутасадди этиб белгиланган. Ўзбекистон шароитида бу соҳани ривожлантириш бошқа аграр соҳаларга нисбатан ўзига хос қийинчиликларга эга. Гап шундаки технологик циклга асосан, соҳани ривожлантириш учун ажратиладиган кредитлар албатта узоқ муддатли булиши шарт, бу эса мавжуд шароитларда кредитлаш самарадорлигини пасайтиради. "Банк ва банклар фаолияти тўғрисидаги" қонун 2019 йилнинг ноябрь ойида янгиланди ва унга кўра ҳукумат банклар фаолиятига аралашмаслиги белгилаб қуйилган, аммо амалда эскича ёндашув давом этмокда. Менинг фикримча, банклар қайси соҳани кредитлашни ўзлари мустақил хал этишлари керак, фақат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган соҳалар учун Марказий банк томонидан махсус квоталар ажратилиши мақсадга мувофиқдир.

Коронавирус пандемияси келтириб чиқарган оқибатларни бартараф этишга қаратилган Инқирозга қарши дастурни ишлаб чикиш жараёнида тижорат банклари фаолиятини барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги таклифлар инобатга олиниши керак:

- биринчидан, иқтисодий соҳалар, жумладан банк фаолиятида амалга оширилаётган янгиланишларни илмий асосланган ҳолда амалга ошириш;

- иккинчидин, ҳукумат қарорлари асосида банклар томонидан амалга ошириладиган преференцияларнинг (имтиёзли молиялаштириш) давлат бюджети томонидан тулалигича қопланиши;

- учинчидан, маркетинг тадқиқотлари ёрдамида бандлик масаласини самарали ҳал эта оладиган соҳалар белгилаб олингандан кейин тижорат банкларини марказлашган ҳолда мақсадли кредит ресурслари билан таъминлаш ва буни вақтинчалик чора сифатида қабул қилиш;

- тўртинчидан, пандемия оқибатлари тамомила бартараф этилгандан кейин тижорат банкларига қайси тадбиркорлик йуналишини молиялаштириб даромад топиш, кредит фоизлари ставкасини Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасига боғламасдан (шароитдан келиб чиққан ҳолда) белгилаш ҳуқуқини бериш;

- бешинчидан, ҳозирдан бошлаб тижорат банкларини ривожланган мамлакатлар тажрибасига таяниб очик турдаги акционерлик жамиятларига хос шароитда фаолият кўрсатишга тайёрлаш.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, коронавирус пандемияси мамлакатимиз иқтисодиётида келтириб чиқарган окибатларни бартараф этиш натижадорлиги марказлашган бошқарув усули билан бозор иқтисодиётига мансуб дастакларни уйғунликда, халқаро тажрибаларга таянган ҳолда қўлланишига боғлиқ ва бу борада мамлакатимизнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдалана олишдан кўра муҳимроқ нарса булмаса керак.

БАНК ХИЗМАТЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Бектемиров А. *- доцент СамИСИ,*
Ибодов К.М. *- СамИСИ таянч докторанти,*
Бекмуродов Э.Р.*-СамИСИ магистранти*

Аннотация: мақолада банк соҳасида янги технологияларни жорий этиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш орқали банк рақобатбардошлигини таъминлашнинг долзарб масалалари қараб чиқилган.

Калият сўзлар: рақобат, товар ва хизматлар, талаб ва таклиф, бозор механизми, рақобат доираси, рақобат предмет, рақобат объекти, рақобат субъекти.

Аннотация: в статье рассматриваются актуальные вопросы обеспечения конкурентоспособности банка за счет внедрения новых технологий в банковском секторе, повышения качества предоставляемых услуг.

Ключевые слова: конкуренция, товары и услуги, спрос и предложение, рыночный механизм, сфера конкуренции, предмет конкуренции объект конкуренции, объект конкуренции, субъект конкуренции.

Annotation: the article discusses current issues of ensuring the competitiveness of the bank through the introduction of new technologies in the banking sector, improving the quality of services provided.

Keywords: competition, goods and services, supply and demand, market mechanism, sphere of competition, subject of competition, object of competition, object of competition, subject of competition.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг кучли тараққий этиши техник ва технологик омиллар билан характерланади. Бу омиллар бугунги кунда иқтисодий ўсишнинг асосий моддий манбаи бўлиб қолмоқда. Жумладан банк сохасида хам янги технологияларнинг жорий этилиши, кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ошиши билан бирга банклар рақобатбардошлигининг гарови бўлиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида банкларнинг ҳаётийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Одатда узоқ вақт давомида рақобат тушунчасини бир неча (иккитадан кам бўлмаган) шахсларнинг ягона мақсад сари интилиб, бир-бири билан беллашуви деб қаралиб келинди.

Рақобат натижасини олдиндан белгилаб бўлмайди. Шундай бўлсада, бозор иштирокчиларининг ҳаракати аниқ ифодаланган стратегияларга асосланган бўлиб, бу уларни бозордаги қизиқишларини ҳимоя қилади.

Рақобат тушунчаси доим иқтисодчи олимларни қизиқтириб келган. Рақобат беллашуви масалаларига классик сиёсий иқтисод намоёндаларидан А. Смит[5], М. Бьюкенен[6], Э. Чемберлин[7], Л.Вальрас[8], А. Маршалл[9] ва бошқалар кўпроқ эътибор қаратишган. Улар асосий эътиборни рақобат тушунчасининг моҳиятини очиб беришга, унинг ҳаракатлантирувчи куч эканлиги ва бозорда нархнинг шаклланишига таъсир кўрсатишини очиб беришга қаратди. Классик иқтисодиёт намоёндалари Р.Бертран, шунингдек, хозирги замон рақобат назариясига ўз ҳиссасини қўшган О.Херфиндаль[10], М.Розенблюд, Ю.С.Кудашева[11] ва бошқалар рақобат назариясини ривожлантирган ҳолда, рақобатни баҳолашнинг бир неча усулларини ёритиб беришди.

Рақобат товар ва хизматларнинг бозор ва ҳарид нархини белгилашга хизмат қилади. Рақобат таъсирида товар ва хизматларнинг индивидуал қиймати шаклланади, даромадлар ҳажмининг меҳнат сарфи бўйича диференцацияси юзага келади. Тармоқлараро жиҳатдан рақобат фойданнинг ўртача меъёрини юзага келтиради, жамият эхтиёжи учун энг аҳамиятли ва зарур бўлган тармоқларга капитал оқишини рағбатлантиради[12].

Илмий адабиётларда рақобат тушунчаси тарифига қуйидаги ёндашувлар мавжуд[13]:

1. Рақобатга бозорда беллашув сифатида қаралади.
2. Рақобат талаб ва таклифни мувозанатга келтирувчи бозор механизми сифатида талқин этилади.
3. Бозорни ўрганишнинг замонавий назариясига асосланган бўлиб тармоқ бозорининг турини ифодаловчи мезон сифатида қаралади.

Ҳар бир соҳа учун рақобат кураши ўзининг хусусиятларига эга бўлиб, молиявий хизматлар бозорида ҳам рақобат молия бозори иштирокчилари, айнан молия ташкилотларининг ўзаро беллашув жараёнидир. Ўзбекистон Республикаси “Молия бозори” тўғрисдаги қонунига кўра молия ташкилотлари

---

[5] Адам Смит «Исследование о природе и причинах богатства народов»(*Smith AdamAn Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. Vol. 4, Ch. 2,3)*-125с

[6] Бьюкенен Дж. М. Сочинения. Конституция экономической политики. Расчёт согласия. Границы свободы / Нобелевские лауреаты по экономике. Т. 1 / Фонд экономической инициативы. — М.:Таурус Альфа,1997. — 560 с. https://ru.wikipedia.org

[7] Э. Чемберлин «Теория монополистической конкуренции» (The Theory of Monopolistic Competition) пер. с.англ. М.: 2004.–426 с

[8] Л.Вальрас, В.Паретто «Элементы чистой политической экономии» (Elements d’èconomie politique pure, 1874) https://ru.wikipedia.org

[9] Альфред Маршалл. «Принципы экономической науки». 543 с.

[10] Херфендалл Оррис Клеменс Orris Clemens Herfindahl (1918-1972) –АҚШ иқтисодчиси, бозор нисбий концентрлашуви тушунчасини киритган.

[11] Кудашева Ю.С. Совершенствование методики оценки конкурентоспособности коммерческого банка. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Ставраполь -2007 г.–182 с

[12] Е. М. Жих, А. П. Панкрухин, В. А. Соловьев. Маркетинг: как завоевать рынок? - Л.: Лениздат,1991.-47-б

[13] http://marketing.spb.ru/read/m19/index.htm. Информационное обеспечение управления конкурентоспособностью/ Под. ред. С.Г. Светунькова. – Энциклопедия маркетинга

маълум лицензия асосида қимматбаҳо қоғозлар, суғурта, банк хизматлари ва бошқа молиявий хусусиятга эга хизматларни таклиф этувчи юридик шахслардир. Қонунга кўра молиявий хизматлар бозори - молия ташкилотларининг мамлакат худудида фаолият олиб борувчи соҳаси бўлиб, молия хизматлари бозоридаги рақобат молия ташкилотларининг бири-бири билан молия хизматлари таклиф этишдаги умумий шартлар доирасидаги беллашуви ҳисобланади.

Молия хизматлари бозорида рақобатни ўрганиш жараёнида унинг ўзига хос хусусиятларини очиб берувчи қуйидаги тушунчаларни билиш лозим[14]:

Рақобат доираси – рақиблар томонидан киритилаётган маҳсулот, хизматлар тури ва бозорнинг қамраб олиш доираси.

Рақобат предмети – молия хизматлари бозорида молия ташкилотлари мижознинг пулини ва ишончини эгаллашга ҳаракат қилади. Кенг маънода рақобат предмети- мижоз талабини қондиришдир.

Рақобат объекти – молия хизматлари истеъмолчилари-яъни мижозлар. Молия хизматлари бозорида рақобат "предмет"и ва "объект"и бир маънога эга эмас, яъни рақобат курашининг икки хусусиятини белгилайди: хизмат – бир томондан ва мижоз иккинчи томондан.

Рақобат субъекти- рақиб, яъни истеъмолчиларга молия хизматлари ва маҳсулотлари, ёки ўрнини босувчи товарларни таклиф қилувчи молия ёки бошқа юридик шахс.

Юқоридаги тушунчаларга эътибор бериб қарайдиган бўлсак, молия хизматлари бозорида рақобат банкларга хос хислатни акс эттиради. Ушбу тарифларнинг таркибидан қатъий назар рақобат кураши асосан Марказий банк лицензияси асосида фаолият олиб борувчи банклар ўртасида мавжуд бўлади. Банк рақобатининг субъектларига нафақат банклар, балки банк хизматлари бозорида фаолият кўрсатувчи бошқа молия ва номолия ташкилотлари ҳам киради.

Рақобат ва рақобатбардошлик тушунчаси тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, бири беллашувни англатадиган бўлса, иккинчиси ана шу беллашувда ғолибликни англатади. Умумий ҳолда рақобатбардошлик тушунчасини қуйидаги тарзда ифодалашимиз мумкин: рақобатбардошлик иқтисодий категория бўлиб, иқтисодий фаолиятнинг лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол жиҳатларини вазиятли ёндашувини ифодалайди. У бозорни тақсимлашда вужудга келади.

Таҳлиллар натижасида рақобатбардошлик тушунчаси моҳиятининг қуйидаги хусусиятлари аниқланди[15]:

- хизматлар рақобатбардошлиги – унинг истеъмолчи учун жалб эта олиш қобилиятининг ўлчовидир;

[14] К.М.Ибодов Банк хизматлари рақобатбардошлигининг маркетинг тадқиқотлари. Монография.-Т."Наврўз" нашриёти, 2016

[15] К.М.Ибодов Банк хизматлари рақобатбардошлигининг маркетинг тадқиқотлари. Монография.-Т."Наврўз" нашриёти, 2016

- хизматларнинг жозибадорлиги турли даражадаги талабларнинг қондирилиш даражаси билан ифодаланади;

- таклиф этилаётган талабларнинг таркиби, уларнинг устунлиги хизматларнинг турига, типига ва истеъмолчиларига боғлиқ;

- рақобатбардошлик иқтисодий категория сифатида айнан бир бозорни ва айнан аналог хизматни кўриб чиқишни талаб этади;

- рақобатбардошлик динамик хусусиятга эга, яъни рақобатбардошлик муайян вақт оралиғида, бозор коньюнктурасининг ўзгаришини эътиборга олган ҳолда кўриб чиқишни талаб этади;

- рақобатбардошлик таҳлил қилинаётган хизматларнинг ҳаётийлик даврининг қайси босқичида эканлигига боғлиқ;

Хизматларнинг рақобатбардошлиги тушунчаси тўғрисида айтадиган бўлсак, рақобатбардошлик бу бозордаги шунга ўхшаш хизматнинг айнан бир талабини қондириш даражаси билан таққосланиши ҳисобланади.

Банклар фаолиятида банк рақобатбардошлиги билан банк хизматлари рақобатбардошлиги тушунчаларини мавжуд. Банк рақобатбардошлиги бу банкларнинг рақобат муҳитида тўловга қодирлиги, самарали хўжалик фаолияти билан ифодаланса, хизматлар рақобатбардошлиги банкларда кўрсатилаётган хизмат турларининг сифатилилиги, намуналилиги билан ифодаланади. Бу эса банклар фаолиятининг ҳаётийлигини белгилаб беради. Бунга молиявий, ишлаб чиқариш ва меҳнат захираларидан юқори самарада фойдалана олиш орқали эришилади.

Ҳозирги кунда банк хизматларининг молиявий корпоратив ҳамкорлик лойихаларига ихтисослашаётганлигини кузатилмоқда. Ҳамкорлар тармоғи орқали молиявий маҳсулотларнинг бошқа молия муассасаларига дистрибуцияси, банклараро ҳамкорлик кучайиб бормоқда. Барча фаол банклар бу тармоқда ҳамкорларининг молиявий хизматларини реализация қилиш билан қатнашсаларда, ўзи билан бирга асосий фаолият тури бўйича хизматларни ҳам таклиф қилишмоқда. Бундан келиб чиқадики, банк рақобати тушунчаси банк хизматлари бозорида бошқа молия бозори қатнашчиларини сиғдирмасликка ҳаракат қилишини англатади. Бундан шуни англашимиз мумкинки, илгари банклар ўртасида рақобат банк соҳасига тааллуқли бўлмаган молия кредит муассасалари(суғурта компаниялари, молиявий брокерлар, пенсия, инвестиция фондлари ва компаниялари) ва номолиявий ташкилотлар (почта, савдо уйлари, автомобил саноати ва бошқ.) билан чегараланган бўлса, бугунги кунда эса бу тушунча ўзаро корпоратив ҳамкорликлар билан кенгайтирилмоқда.

Демак банк хизматлари рақобатбардошлиги – бу банк хизматларининг миқдор ва сифат кўрсаткичларининг динамик кўрсаткичи бўлиб, улар биринчидан хизматлар сифати ва нархга нисбатан истеъмолчига (харидорга) қулайлиги, унга кетадиган харажатнинг самарадорлиги ва шу товардан оладиган фойданинг кўплигини таъминловчи айнан бир мижознинг талабини қондириш даражаси, иккинчидан эса бошқа ўхшаш банк хизматларидан кенг кўламлилиги, харажатлардан мақсадли мувофиқ фойдаланиб, кўпроқ фойда

олишда рақобат қобилиятининг намоён бўлишини тавсифловчи фарқли жиҳатларидир. Бундан келиб чиқадики, банк хизматлари рақобатбардошиги молиявий ресурслар бозорида банк хизматларининг мижозлар томонидан ўхшаш банк хизматларига таққосланиши натижасида юзага келадиган истеъмол хусусияти ва афзаллик жиҳатларидир. Шунга кўра банк хизматлари рақобатбардошлиги унинг бозорни кенгайтириш, кичрайтириш, маълум бир улушини сақлаб қолиш учун курашидир[16] (1-расм).

Банк хизматлари рақобатбардошлиги таҳлилий кўрсаткич бўлиб, қуйидаги уч элементни ўз ичига олади: техник, иқтисодий ва ижтимоий-ташкилий.

Техник параметрлар – банк хизматларининг техник қурилиш тавсифини ифодалайди.бунга стандартлар, меъёрлар, қонунчилик актлари, ва қоидалар киради. Шу билан бирга техник параметрларга мижозлар учун хизматларнинг эргономик хусусияти ҳам киради.

Иқтисодий параметрларга – кўрсатилган хизматлар учун сарфланган ҳаражатлар миқдорини ўзида акс эттиради. Мижозлар банк хизматларини ҳарид қилиш чоғида эмас, балки уларнинг истеъмоли жараёнида ҳам маблағ сарфлашади.



1-расм. Рақобатбардошлик кўпбурчаги

Ташкилий-ижтимоий параметрлар – истеъмолчиларнинг ижтимоий тузилмаси, миллий хусуиятларини ўз ичига олади.

Бугунги кунда юқорида қараб чиқилган элементларни ўзида мужассам қилиб фаолият юритадиган, кутилаётган шароитларга тез мослашадиган, бошқариш жараёнида юқори самарали механизмларни қўллай оладиган банкларгина фаолият юрита олади деб айта оламиз. Чунки бугунги ҳолат банклар фаолиятида мослашувчанликни, молиявий барқарорликни, эгилувчанликни талаб қилмоқда. Бозор шароитидаги тез-тез ўзгаришлар, ишлаб чиқаришнинг тез суратлар билан ўсиши, техника ва технологияларнинг тез суратлар билан ривожланиши айнан шундай фаолиятни тақозо этади.

[16]К.М.Ибодов Банк хизматлари рақобатбардошлигининг маркетинг тадқиқотлари. Монография.-Т.”Наврўз” нашриёти, 2016

Шу билан бирга банклар фаолиятидаги эркинлик тўғрисида фикр юритсак. Бугунги кунда банкларнинг хаддан ташқари марказлашуви, уларнинг эркин фаолиятига, мустақил қарорлар қабул қилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай марказлашган бошқарув фаолиятини ўзгартириш фақти келди. Худудий банкларга кўпроқ эркинликлар берилиши бошқарув қарорларини қабул қилишда ва банк фаолияти самарадорлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Чунки худудий масалани ўша маскандаги банк бошқаруви юқоридагидан кўра яхшироқ билади ва ечимини оптимал тарзда ҳал эта олади. Бу ўз навбатида банкларда кўрастилаётган хизматлар рақобатбардошлигини таъминлашда ҳам асосий рол ўйнайди. Шу билан бирга бозор шароитида юқори рисклилик, рақобатчилар хулқи, ноиқтисодий омилларнинг бошқарув қарорларининг самарадорлигига таъсир кўрсатиши, бозор конъюктурасинниг ўзгарувчанлиги уни бошқаришда иқтисодий жиҳатдан эркин бўлиши билан тавсифланади.

Банкларни муваффақиятли бошқариш учун бошқарув қарорларини қабул қилишда ички ва ташқи муҳитни таҳлил қилиш зарур. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, эндиликда банклар ўзлари хохлаган хизматларни эмас, балки мижозлар хохлаган хизматларни таклиф қила олишлари керак. Бу ўз навбатида банкларда янги хизматлар ассортиментини шакллантириш ва жорий этишни тақозо этади. Бу банклар рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Хулоса қилибайтишимиз мумкинки, банклар ва ьанк хизматлари рақобатбардошлиги бу банклар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг рақобат курашида банк мавқеини ошириш ва сақлаб қолиш мақсадида беллашуви ва рақобат устунлигини таъминлаш қобилияти экан. Банк рақобатбардошлиги, нафақат банк ёки банк хизматлари учун, балки миллий иқтисодиётнинг ривожланиши учун асосий шарт-шароитларни яратиб беради.

ЭЛЕКТРОН ПУЛ БОЗОРЛАРИ: ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ВА АКТИВЛАРНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳайдаров Зоҳир Шарипович *– СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.,*
Холбоев Жамшид Абдухалиқович *– СамИСИ магистранти*

Аннотация: Илмий тадқиқотда рақамли иқтисодиёт шароитида электрон пул бозорларида тўловларни амалга ошириш ва активларни бошқариш масалалари ўз аксини топган.

Калит сўзлар:рақамли иқтисодиёт, инновация, эмиссия, рақамли пул, виртуал карта, биткоин, криптовалюта.

Аннотация: В научной исследованииотражены вопросы осуществления платежей и управлениякативами в электронном денежном рынке.

Ключевые слова:цифроваяэкономика, инновация, эмиссия, цифровая валюта,виртуальная карта, биткойн, криптовалюта.

Abstract: The scientific study reflects the issues of making payments and asset management in the electronic money market.

Keywords:digital economy, innovation, emission, digital cash, virtual card, bitcoin, cryptocurrency.

Рақамли иқтисодиёт шароитида электрон пул бозорлари активларини бошқариш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.Электрон пул бозори – бу номоддий кўринишга эга бўлган электрон пуллар, *рақамли, виртуал ва мобил пуллар* воситасида тўловларни амалга ошириш учун ташкил этилган махсус марказдир.

Рақамли пуллар(digital cash) электрон пулларнинг кенг тарқалиб бораётган тури ҳисобланади. Рақамли пуллар ҳам моддий кўринишга эга бўлган пулларкаби уникал рақам кетма-кетлигига эга бўлади. Шунингдек, электрон ташувчида жойлашган пуллар эгаси ҳақида маълумот олиш мумкин бўлса, рақамли пулларда эса анонимлик мавжуд, яъни пул эгаси ҳақида маълумот олиш имконияти йўқ ва улар кўп маротаба ишлатилиши мумкин.Демак, бу тизимда ички (рақамли) валюта мавжуд бўлиб, уни маълум валюта тизими иштирокчиларида нақдлаштириш мумкин. Рақамли пулларнинг жорий қилиниши электрон савдони янада ривожланишига сабаб бўлди.

Охирги йилларда молия бозорларида жадал суръатларда ривожланиб бораётган чакана электрон тўлов тизими воситаларидан бири *“Виртуал карталар”*дир.Виртуал карта – бу махсус банк картаси бўлиб, у интернет орқали тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган воситадир. У моддий кўринишга эга эмас ваунга интернет орқали савдо қилиш учун зарур бўлган фойдаланувчи маълумотлари киритилган бўлади.

Одатда, виртуал карталар реквизитларига қуйидагилар киради:

1. Карта рақами (ПАН).
2. Амал қилиш муддати (ой ва йил).
3. Хавфсизлик коди (SVV2/SVS2).
4. Карта эгасининг исм-шарифи (виртуал карталарда кўрсатилмаган бўлиши ҳам мумкин).

Виртуал пуллар ўз келиб чиқишига кўра махсус йўналишга эга бўлган онлайн инструментдир. Ушбу карталарнинг бошқа карточкалардан аҳамиятли томони шундаки, бу карталар орқали ҳориж интернет-магазинларида савдо қилиш имконияти кенгроқ ва энг асосийси, “виртуал карта” бу банк ҳисобрақами ва физик картаси бўлмаган қатнашчилар учун қулай воситадир.

Виртуал карталарнинг ҳусусиятлари қуйидагилар бўлиши мумкин: универсаллик, картани олишнинг қулайлиги, хавфсизлик ва анонимлик.

Виртуал карталарнинг универсаллиги. Банк пластик карточкалари, шу жумладан виртуал карталар, бутун дунёда интернет-магазин орқали ҳаридни амалга оширишда қулай тўлов воситасидир. У нобанк тўлов тизимидан (рақамли пуллардан) фарқ қилади. Ушбу тизимдан фойдаланиш учун картага пул маблағларини ўтказиш талаб этилади.

Виртуал карталарни олишнинг қулайлиги. Виртуал карталарни банкка ташриф буюрмасдан интернет ёки мобил алоқа иловаси орқали олиш,

шунингдек физик кўринишга эга бўлмаган картани кечиктирилмаган ҳолда бир мурожаатнинг ўзида йўқотиш мумкин.

Виртуал карталарнингхавфсизлиги. Виртуал карталардан фойдаланиш жараёнида интернет орқали ўғирлик қилиш ва маълумотларни олиш риски жудакичик, чунки виртуал карталар одатда бир марталик тўловни амалга ошириш учун етарли бўлган суммага очилади.

Виртуал карталарнинг анонимлиги.Виртуал карталар дебитли ёки олдиндан тўланган бўлиши мумкин. Олдиндан тўланган карталар банк ҳисобрақами очиш учун банкка мурожаат қилишни талаб этмайди. Шу сабабли виртуал карталар эгасининг исми-шарифи картанинг асосий реквизити ҳисобланмайди.

Мобил пуллар– мобил телефон воситаси орқали ихтиёрий киритилган ва тугатилган молиявий транзакциялардир. Мобил пуллар орқали таклиф этиладиган хизматлар турли шаклларда бўлиши мумкин: мобил тўлов, мобил банкинг, мобил ўтказмалар.Мобил пуллар (тўловлар) мобил тижорат учун мўлжалланган восита ҳисобланади.

Мобил е-банкинг – банк карталари ёки ҳисобрақамларни планшет, смартфонлар орқали бошқариш ҳисобланади ва у онлайн тизимида ишлайди ва барча турдаги молиявий ҳужжатлар билан ишлаш имконини беради. Мобил е-банкинг 24 соат давомида тезкорва мижозларнинг электрон банкинг хизматлар инспекторидан тўлиқ функцияда фойдаланишни таъминлайди. Ушбу хизмат турининг таркибида яна бир нечта номлар билан қайд этиладиган, айрим чекланган имкониятларгагина эга бўлган бошқа банк хизматлари ҳам мавжуд. Масалан, Жава-банкинг, СТС-банкинг, Пхонс-банкинг ва бошқалар. Бундай тизимларнинг ривожланишида электрон тижоратнинг аҳамияти катта. Унинг йилдан-йилга ривожланиши янгидан-янги чакана тўлов тизимларининг жорий этилишига замин яратмоқда.

Банкинг-оффлайн тизимида банк карталари ҳамда ҳисобрақамларни бошқаришхизмати барча турдаги молиявий ҳужжатлар билан ишлаш имконини беради. Бу банк-мижоз хизматининг эволюцион ривожланиши натижаси ҳисобланади. Электрон рақамли имзо шифрлаш механизмига эга банк сервери билан боғланган ҳолда мижозлик компонентларини автоматик янгилашни таъминлайди, жамоа бўлиб ишлаш имконини яратади ҳамда бухгалтерия дастурлари билан ўзаро алоқада ишлаш имкониятига эга.

“Банкинг”тизимининг “йирик мижозлар учун” ҳамда “нозик мижозлар учун” тизимларимавжуд. Охирги йилларда банклар чакана хизматларининг “нозик мижозлар учун” шаклини афзал кўрмоқдалар, чунки интернет-банкингда мижозлар ҳар қандай интернет тармоғига уланган компьютер ёрдамида махсус дастурий таъминот ўрнатмасдантуриб ҳам ишлаш имкониятига эга бўладилар. Техника воситаларидан, ахборот технологияларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари воситасида “нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш” электрон тўловдир.

Электрон чўнтакни тўлдириш ва улардан пул ечиш қуйидаги усуллар билан амалга оширилиши мумкин:

1. Тижорат банкларида нақд пул билан.
2. Банк карталари (Виза карт, Мастер карт, Узкарт, Хумокарт) ёрдамида.
3. Почта орқали.
4. Интернет-банкинг ёрдамида.
5. Пул ўтказмалар тизимлари ёрдамида.
6. Мобил алоқа ёрдамида.

Жамиятимизда мавжуд пуллардан тез ва қулай фойдаланишга бўлган эҳтиёж ошиб бориши билан, пулнинг эволюцион ривожланишидаги инновацион кўриниши, электрон пуллар вужудга келди.

Электрон пуллар – муомалада бўлган миллий бирликдаги пуллар ёки нодавлат хусусий (шахсий) пул ва унга тенглаштирилган бирликлардир. Электрон пуллардан фойдаланиш ва уларни тартибга олишда мамлакатнинг Марказий Банки томонидан белгиланган ва қабул қилинган тартиб-қоидаларга ёки нодавлат тўлов тизимлари қоидаларига амал қилинади.

Дунё пул бозорида, янги электрон пуллар, виртуал пуллар назарияси пайдо бўлганидан сўнг, кўпчилик олимлар ушбу назарияни тўлақонли маъқуллашмаган.Электрон пуллар консепциясини ўрганиш натижасида, бугунги тадқиқотларимизнинг асосий объекти сифатида эътиборимизни “Биткоин” виртуал пуллар назариясини ўрганишга қаратдик. “Биткоин”ниҳам пулнинг бир эволюцион кўриниши дейиш мумкин.

1998 йилда биринчи марта “B-money” ҳақидаги илмий изланишини ёзган Ви Дей (Wei Dai) ҳам ушбу пул турини келажакда қандай машҳурликка эришишини тасаввур ҳам қилмаган бўлса керак. Кейинчалик, 2000 йиллар бошида ўз изланишларини (шахсий веб-блоги ёрдамида) оммага тақдим қилиш орқали олиб борган Ник Сабо (Nick Szabo), ўзининг Битголд (Bitgold) ғояси орқали криптовалюта атамасини кенг тарғиб эта бошлади.Лекин унинг изланишлари 2000 йил ўрталарига келиб номаълум сабабларга кўра тўхтаб қолади ва шунга қарамасдан 2008 йилда Япониялик тадқиқотчи Сатоши Накамото ўзининг “Биткоин” ҳақидаги тадқиқот қоғозини янги очган веб-сайтиwww.bitcoin.org орқали чоп этади ва шу йилнинг ноябр ойидан бошлаб, уни кенг ривожлантиришга киришади. Бунинг натижаси ўлароқ, 2009 йилнинг январ ойида Биткоинниг биринчи Бета версияси (илк шакли) тайёр бўлади ва биринчи биткоинлар эмиссияси бошланади.

“Биткоин” (BitCoin) – бу пиринг (икки алоқа қатнашчилари орасида воситачисиз боғланиш), умуман олганда Биткоинлар (“биткоин” кичик ҳарфда ёзилганда танга ёки биткоин бирлиги тушунилади) деб номланувчи виртуал валюта тизимидир. Унинг тўлиқ таърифи ҳозирча мунозарали бўлиб қолмоқда, масалан, айрим мутахассислар уни “рақамли валюта” деб характерлаган бўлса, расмий ҳужжатларда, асосан Жаҳон банки ёки Европа Марказий банки томонидан “виртуал валюта” деб изоҳланади. Шу билан бирга АҚШ Молия

вазирлиги қошидаги ФинСен (FinCen) ташкилоти биткоинни “марказлашмаган виртуал валюта” сифатида таснифлайди.

Шунингдек, Биткоин криптографиянингкриптовалюталар эмиссион жараёнини ва унинг ҳисоб-китобларини ассиметрик рақамлашга, proof-of-work (ҳолатнинг бажарилганлигини исботлаш усули) ёки proof-of-stake (ҳолатни тасдиқлаш) сингари крипто ҳимоялашга асосланган тоифасига ҳам киради.

Биткоинни марказий бошқарув ёки назоратга эга бўлмаган, криптографик электрон рақамли валюта сифатида кўришимиз мумкин. У яратилмасидан олдин ҳам кўплаб виртуал валюталар амалиётда қўлланилган ва қўлланилиб келинмоқда. Уларга мисол қилиб, e-Gold, WebMoney, Ripple, LiteCoin ва бошқаларни келтиришимиз мумкин. Лекин Биткоинниг марказлашмаганлиги, ундаги тўловларнинг анонимлиги, биткоин бирлиги эмиссиясининг чегараланганлиги (21 миллионбирликдан ортиқ биткоинни эмиссия қилиш мумкин эмас) ва ҳеч қандай ташкилот ёки давлат томонидан бошқарилмаслиги каби сифатлари бирлашиб, уни ривожланган интернет криптовалюталари орасида алоҳида ажралиб туришига ёрдам беради. Бу ноанъанавий валютанинг ривожланиши натижасида қуйидаги масалалар ҳал этилади:

- трансфер қилишнинг осонлиги;
- ҳимоя қилишнинг соддалиги;
- ҳақиқийлигига текширишнинг қулайлиги ва осонлиги;
- бўлаклашнинг қулайлиги (ҳар бир бирлик биткоинни 0,00000001 гача бўлаклаш мумкин).

Шу билан бирга, одатдаги нақд қоғоз (фиат) пуллардан фарқи ва устунликлари:

1) Таъминлашнинг чекланганлиги, яъни пул эмиссияси маълум бир нуқтагача чегараланган бўлиб, уни ҳеч ким хоҳлаганча эмиссия қила олмайди.

2) Марказий бошқарув органи томонидан назорат ўрнатилмаганлиги.

3) Қарз мажбуриятига асосланмаганлиги, яъни транзакция амалга оширилганда эмитентнинг харидор олдидаги мажбурияти сақланиб қолмаслиги ва бошқалар.

Биткоиннинг одатий электрон пуллардан фарқли жиҳатлари:

- ❖ музлатиб бўлмаслиги;
- ❖ трансферларнинг тезлиги;
- ❖ трансфер баҳоларининг арзонлиги.

Бир бирлик биткоин нархининг тартибсиз ўзгариши унинг эмиссион ҳолатига ҳам бевосита таъсир кўрсатган. 2009-2016 йиллар оралиғида биткоинлар эмиссион ҳолатининг доимий ўзгарганлигини, яъни биткоинлар эмиссиясининг умумий қиймати 4333,3 бирликдан то 15 миллион бирликкача кўпайганини кўришимиз мумкин.

2010-2016 йиларда дунё молия бозорида талаб ва таклиф қонунлари асосида биткоинларнинг электрон биржаларда шаклланган умумий капитализация қийматининг кескин ўсишини кузатиш мумкин, яъни 2010 йилнинг 17 июл ҳолатида 295941,8 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2016

йил 1 январ ҳолатида биткоиннинг капитализация даражаси 6,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Бу эса унинг дунё молия бозорида ўз ўрни борлигини англатмоқда.

Бугунги кунда бир бирлик биткоиннинг нархи ўртача 700-750 АҚШ доллари миқдорида бўлса ҳам, мутахассисларнинг турли хил ижобий ва салбий фикр ва қарашларига сабаб бўлмоқда. Масалан, баъзилари келажакни белгилаб берувчи кашфиёт дейишса, бошқалари ҳали етилмаган оддий иқтисодий ва молиявий консепция деб қараб, биткоинни танқидга олишмоқда.

Ҳамма нарсанинг ўз салбий томонлари бўлгани каби биткоин ҳам камчиликлардан холи эмас. Булардан бири, балки энг кўзга кўрингани унинг таъминланмаганлигидадир. Биткоин бир ўзи ҳеч қандай қийматга эга эмас, унинг қиймати ва барқарорлигини таъминлаш ва нобарқарорлигини олдини олишнинг ягона йўли бу уни оммалаштириш деб ўйлаймиз.

Умуман олганда, Биткоин пул эволюцион ривожланишининг инновацион кўринишидир.Электрон пулларнинг уларга тенглаштирилган нодавлат хусусий (шахсий) бирликлари бўлган биткоинлар тўловларни амалга оширишда муҳим ўринга эга.

Рақамли иқтисодиёт шароитида электрон тўловтизимларининг ривожланишибанк-мижоз хизматининг эволюцион ривожланиши натижаси ҳисобланади ва электрон пул бозорининг ривожланишига замин яратади.

ВОЗМОЖНОСТИ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ ДЛЯ РАЗВИТИЯ БАНКОВСКОГО БИЗНЕСА В УЗБЕКИСТАНЕ.

Азимова Р. И., *препод.СамИЭС*
Абдусаттаров Д.Л., *студент СамИЭС*

Аннотация: Цифровая экономика становится все более важной движущей силой глобального экономического роста и играет значительную роль в ускорении экономического развития, повышении производительности существующих отраслей промышленности, формировании новых рынков и отраслей и обеспечении всеобъемлющего устойчивого роста и развития, особенно в банковском секторе Узбекистана. В статье проведен анализ развития банковского бизнеса Узбекистана, а также выявлены тенденции и перспективы его развития в условиях становления цифровой экономики. Сделан акцент на перспективы развития цифрового банкинга в Узбекистане как тренда будущего банковского дела. Развитие цифровых технологий связано с новыми реалиями современного банковского дела, с активным внедрением современных форм и технологий к организации деятельности организаций. Цифровая трансформация бросает вызов банковскому сектору Узбекистана, цифровые технологии в корне меняют логику банковских услуг и сервисов, поэтому необходимо выработать консолидированную позицию сообщества в отношении современных вызовов.

Ключевые слова: цифровая экономика, экономический рост, банковский сектор, цифровой сектор, цифровизация, криптовалюта, блокчейн, биткоин.

Annotation: The article analyzes the development of the banking business in Uzbekistan, as well as reveals the trends and prospects for its development in the conditions of the development of the digital economy. The emphasis is put on the prospects for the development of the digital

banking in Uzbekistan as a trend for the future of banking. The development of digital technologies is connected with the new realities of modern banking, connected with the active implementation of modern forms and technologies to organize the activities of organizations. Digital transformation challenges the Uzbekistan banking sector, digital technologies fundamentally change the logic of banking services, so it is necessary to develop a consolidated position of the community in relation to modern challenges.

Keywords: digital economy, economic growth, banking sector, digital sector, digitalization, cryptocurrency, blockchain, bitcoin.

Аннотация: Raqamli iqtisodiyot global iqtisodiy oʻsishning tobora muhim omiliga aylanmoqda va iqtisodiy rivojlanishni jadallashtirishda, mavjud ishlab chiqarishlarning samaradorligini oshirishda, yangi bozorlar va ishlab chiqarishlarni barpo etishda, ayniqsa, Oʻzbekiston bank sektorida har tomonlama barqaror oʻsish va rivojlanishni ta'minlashda muhim rol oʻynaydi. Maqolada Oʻzbekiston bank tizimining rivojlanishi tahlil qilinmoqda, shuningdek, raqamli iqtisodiyotning rivojlanayotgan yoʻnalishlari va rivojlanish istiqbollari koʻrsatilgan. Asosiy e'tibor Oʻzbekistonda raqamli bankni rivojlantirish istiqbollariga bank faoliyatining istiqboli sifatida qaraladi. Raqamli texnologiyalarning rivojlanishi zamonaviy bank faoliyatining yangi voqeliklari, tashkilotlar faoliyatini tashkil etishning zamonaviy shakllari va texnologiyalarini faol joriy etish bilan bogʻliq.

Калит сўзлар: raqamli iqtisodiyot, iqtisodiy oʻsish, bank sektori, raqamli sektor, raqamlashtirish, cryptocurrency, blockchain, bitcoin.

Крупнейшие кредитные компании ввели себе комфортные онлайн-решения и Интернет-банки. Тем не менее на практике существует ряд трудностей, которые до сих пор задерживают полный переход обслуживания в цифровою форму:

1) Малая пропускаемая способность решения нештатных обстановок. В этом случае 90% операций выполняются сквозными процессами, остальные 10% нужно рассмотреть вручную.

2) Внесение наличных денег. Онлайн-банки пользуются **cash-in** терминалами партнеров и своими сетями банкоматов с возможностью приема денег. Большинство терминалов имеют некоторые ограничения по способам приема наличных, поэтому для внесения больших сумм этого мало. В этом случае клиенту следует поискать офисы банков-партнеров с физическими кассами, чтобы внести деньги с небольшой комиссией.

3) Недостаточная защищенность. Онлайн-банки намного сильнее подвергаются различным рискам (хищение денежных средств, несанкционированный доступ к данным платежных карт). В таких приложениях злоумышленник может совершать операции в мобильном банке от лица его пользователя. А значит, у онлайн-банков больше шансов нарушить закон и получить штраф, а то и остаться без лицензии. Первым делом затрагивается законодательство о противодействии отмыванию средств и финансированию терроризма.

Основные достоинства цифрового банкинга:

1) Эффективность бизнеса. Цифровые платформы не только улучшают взаимодействие с клиентами и быстрее осуществляют их потребности, но и обеспечивают более эффективные внутренние функции. Хотя банки

десятилетиями находились на переднем крае цифровых технологий на потребительском рынке, они не полностью использовали все преимущества промежуточного программного обеспечения для ускорения производительности.

2) Экономия затрат. Одним из ключей для сокращения расходов на банки являются автоматизированные приложения, которые заменяют избыточный ручной труд. По данным MCKinsey&Company традиционная банковская обработка является дорогостоящей, медленной и подверженной человеческим ошибкам.

3) Повышенная точность. Традиционные банки, которые полагаются главным образом на бумажную обработку, могут иметь коэффициент ошибок до 40% что требует переделки.

4) Повышение конкурентоспособности. Цифровые решения помогают управлять маркетинговыми списками, позволяя банкам достигать более широких рынков и устанавливать более тесные отношения с высокотехнологичными потребителями.

Существует несколько способов построения цифрового банкинга. Их разница в принципах организации цифрового банка и целях его создания, что позволяет выделить некоторые модели цифрового банкинга.

Первая модель называется «adigitalbankbrand» (бренд цифрового банка). Предполагает создание традиционным банком собственного отдельного бренда для построения цифрового бизнеса. Этот метод подходит для тех банков, которые бояться потерять клиентов, переходя полностью на цифровую модель бизнеса. Создавая новый бренд, банки стремятся сохранить старых клиентов, привыкших пользоваться традиционным банкингом, и в тоже время, привлечь новых клиентов, которые готовы к дистанционному и высокотехнологическому банковскому обслуживанию. Примеры: FRANK(OCBC) в Сингапуре и LKXAofCaixaBankв Испании.

Вторая модель называется «adigitalbankchannel» (цифровой канал банковского обслуживания) и ее суть заключается в том, чтобы создать банком дополнительные цифровые каналы обслуживания в дополнение к существующим. Банк, пользующийся этой моделью, увеличивает возможности клиентов, предлагая им разные способы и каналы для комфортного обслуживания. Примеры: SimpleиMoven в США.

Третья модель называется «adigitalbanksubsidiary» (цифровой дочерний банк). Эта модель интересна тем, что дочерний банк не может сразу реагировать на меняющиеся потребности клиентов, возникает необходимость в создании и использовании отдельного цифрового банка. Пример: Hello Bank (BNP Paribas).

Четвертая модель называется « adigitalnativebank» (истинный цифровой банк). К этой модели относятся банки, изначально позиционирующие себя как цифровые и строящие свою деятельность, пользуясь цифровыми технологиями. Изначально цифровой банк подразумевает обслуживание без банковских

офисов. Однако клиенты таких банков взаимодействует с ними через цифровые каналы. Пример: Fidor Bank в Германии и Tangerine в Канаде.

Говоря о цифровом банкинге, можно сказать, что основная задача цифрового банкинга- изменение поведения самого банка. Банк всегда там, где необходимо клиенту: в социальных сетях, мобильных устройствах, информационных сервисах, в электронном бизнесе и интернете вещей, т.е. в любом месте цифрового пространства.

Подводя итог вышесказанному, хотелось бы отметить, что цифровой банк не определяется количеством отделений, приложений и способами обслуживания клиентов. Цифровой банк нельзя определить как банк, не имеющий офисы и оказывающий услуги дистанционно. Принцип цифрового банка основывается на том, что вся деятельность банка должна строиться при помощи цифровых технологий.

Делая вывод из вышеперечисленного, можно сказать, что цифровой банкинг – это концепция деятельности банка, базирующаяся на применении цифровых технологий при построении внутренних процессов банка, подразумевающая использование преимущественно цифровых каналов обслуживания с целью быстрого удовлетворения нужд клиентов. Благодаря современным технологиям, существует возможность повысить эффективность деятельности банка, улучшить его способность отвечать на изменение внешней среды своевременно и без значительных потерь средств и времени.

АКТУАЛЬНЫЕ МЕТОДЫ УПРАВЛЕНИЯ РИСКАМИ В БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЕ

Нозимов Элдор Анварович – *преподаватель СамИЭС*

Аннотация. Банковская деятельность подвержена большому числу рисков, так как банк, помимо функции бизнеса, несет в себе функцию общественной значимости и проводника денежно-кредитной политики. Определение и контроль банковских рисков представляет интерес для большого числа внешних заинтересованных сторон. В данной статье рассмотрены основные способы управления банковскими рисками.

Ключевые слова: коммерческий банк, банковский риск, методы управления рисками

Abstract. Banking activity is subject to a large number of risks, since the Bank, in addition to the business function, carries the function of public importance and the conductor of monetary policy. Identifying and controlling Bank risks is of interest to a large number of external stakeholders. This article describes the main ways to manage Bank risks.

Keywords: commercial Bank, Bank risk, risk management methods.

Аннотация. Банк фаолияти кўплаб хатарларга дуч келади, чунки банк бизнес функтсиясидан ташқари ижтимоий аҳамиятга эга ва пул-кредит сиёсатини олиб борувчи вазифасини ҳам бажаради. Банк хатарларини аниқлаш ва бошқариш кўплаб ташқи манфаатдор томонлар учун қизиқиш уйғотади. Ушбу мақолада банк хатарларини бошқаришнинг асосий усуллари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: тижорат банки, банк таваккалчилиги, хатарларни бошқариш усуллари

Коммерческие банки являются важной составной частью всей банковской системы страны. И банковские риски, которые оказывают существенное воздействие на деятельность кредитных организаций, способны подорвать банковскую систему, а вместе с ней и финансовую систему. В исследовании риска целесообразно разграничить два ключевых направления - распознавание и оценка уровня риска и выбор методов управления рисками.

Методика управления рисками коммерческого банка должна обеспечивать постоянный мониторинг принимаемых рисков и корректировку лимитов риска в случае неблагоприятных для банка событий, а также дальнейшее соблюдение установленных ограничений. Кроме того, методика управления рисками банка должна содержать необходимые инструменты для ее управления, чтобы уменьшить размер возможных потерь при операциях с повышенным риском. Основной принцип методологии управления рисками для активных операций банка заключается в обеспечении:

- коммерческого банка необходимыми инструментами управления рисками, наиболее характерными для банковских операций и особенно этого банка возможности в любое время количественно оценивать риски, принимаемые коммерческим банком;

- возможности обоснованно на основании произведенной банком оценки принятых рисков вывести их граничные значения, т. е. лимиты рисков, превышение которых приводит к появлению либо дополнительных потерь, либо получения дополнительной прибыли, либо в некоторых случаях к применению принудительных мер;

- незамедлительной реакции на появление непредсказуемых потерь в деятельности банка. Каждое принятое решение в управлении банковскими рисками принимается при определенной неопределенности, которая имеет следующие аспекты:

- недостаточное владение информацией о параметрах, обстоятельствах и ситуациях для выбора оптимального решения, а также неспособность адекватно и точно вести учет всех имеющихся данных;

- наличие фактора случайности, то есть реализация момента, который не предсказуем даже в вероятностном осуществлении [1];

- наличие субъективной причины противодействия, когда процесс принятия решений реализуется в позиции участников с различными желаниями и предпочтениями, которые могут конфликтовать друг с другом.

Для грамотного управления банковскими рисками существуют следующие способы управления рисками.

Страхование рисков обычно предполагает применение предупредительных мер по снижению вероятности наступления страховых событий. Целью страхования является компенсирование материального ущерба от проявления рисков. К основным формам реализации данного способа относятся: комплексное страхование операционных рисков банка, залоговое обеспечение и страхование профессиональной ответственности.

Хеджирование представляет собой способ защиты от возможных потерь путем заключения балансовой (уравновешивающей) сделки. Как и в случае страхования, хеджирование требует дополнительных средств (например, уплаты опционной премии или внесения маржи). Идеальное хеджирование исключает возможность получения прибыли или убытка от определенной позиции, открывая противоположную или балансирующую позицию. Эта «двойная гарантия» от прибыли и убытков отличает идеальное хеджирование от классического страхования. Хеджирование рыночных рисков осуществляется путем сделок с производными финансовыми инструментами-форвардами, фьючерсами, опционами и свопами. [2]

Резервирование (самострахование) в банковской деятельности является одним из основных способов управления совокупным риском, который нельзя перенести на страховщика или гаранта (через страхование или гарантии) или участникам финансового рынка (путем хеджирования производными инструментами). Чтобы компенсировать ожидаемые убытки, коммерческий банк формирует обязательные резервы на возможные потери по кредитам и другим активам за счет собственных средств. Компенсация ущерба, вызванного возникновением рисков, осуществляется за счет созданных резервов.

Следующий способ управления рисками - *распределение-передача части риска* третьим лицам посредством включения в цену услуг, штрафов и т.д. является тоже очень распространенным. Основными формами реализации данного метода являются страхование ответственности заемщика, премия за риск в процентной ставке по кредиту, штрафы за досрочное снятие депозита или погашение кредита.

Диверсификация является одним из способов снижения совокупного риска путем распределения инвестиций и (или) обязательств. Чаще всего диверсификация относится к размещению финансовых активов в более чем одном виде активов, цены или доходность которых плохо коррелируют друг с другом. Другая форма диверсификации заключается в привлечении средств из разных источников, которые не сильно зависят друг от друга. Суть диверсификации заключается в сокращении максимально возможных потерь за одно событие, однако при этом одновременно возрастает количество контролируемых типов рисков, что приводит к увеличению транзакционных издержек. Диверсификация

Республикамизда банклараро кредит бозорининг ривожланмаганлиги Марказий банк қайта молиялаш сиёсатининг тасирчанлиги, самарадорлигига салбий тасир кўрсатади. Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкининг дисконтли кредитлари мавжуд эмас, ломбартли кредитлари миқдори кичик. Тижорат банкларининг дисконтли ва ломбартли кредитларга бўлган талабларини қондирилмай қолишига ва дисконтли ва ламбартли фоиз дароматлари ошмаслигига сабаб бўлмоқда.

Тижорат банклари рисклар орасида фоиз рискини хавфлилик даражаси юдори деб такидлаш мумкин. Фоиз ставкаларининг секин ўзгариши банкларнинг даромадига ҳамда банк активлари, пассивлари ва капитали қийматига тасир этади.

Фоиз рискини олдини олиш учун молиявий операцияларни хеджерлаш керак бўлади, фоиз рискини хеджерлаш молиявий инструментларни сотиш ёки сотиб олиш йўли билан амалга оширилади. Фоиз рискидан фоизли опсионлар, фоизли фючерслар, ва фоизли своплар орқали химоялаш мумкин:

1. Фоизли оптсион- заёмда белгиланган нархда келишилган малум бир даврда ўрнатилган фоиз ставкасида фоиз тўлаш ёки олиш ҳуқуқини беради.
2. Фоизли фючерс- келажакда белгиланган муддатда фоиз ставкасида кредитлар бериш ёки депозитлар олишга мажбурият беради.
3. Фоизли своп – тўловларни сузиб юрувчи фоиз ставкасидан қатий белгиланган фоиз ставкасига ё ки тескарисини қўллашга имкон беради.

Тижорат банкларининг фоиз бахосининг мейёрига банклар томонидан жалб қилинган депозитлар бахоси, кредит операсиялар бўйича банкнинг операсион харажатлари, кредит риски бўйича устама ҳамда банкнинг маржаси ўз тасирини кўрсатади.

Маржа- кредитлар ва соф тўловчи мажбуриятлар фоиз ставкалари ўртасидаги фарқдир. Маржа банк харажатларини қоплаш учун рискларни, инфляцияни инобатга олган холда даромад кўриш учун мўлжалланган. Халқаро стандартларга асосан маржа икки фоиздан кам бўлмаган миқдорда ташкил этиш тавсия этилган. Соф фоизли маржа тижорат банкнинг рақобатдошлигини ва фоиз сиёсатини қанчалик самарали эканлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб шуни такидлаш керакки, хозирги даврда Ўзбекистон Республикаси халқаро молия бозорининг қатнашчисига айланиши банк фаолиятини янада эркинлаштирилиши, банк хизматлари бозорида рақобатни ошиши, тижорат банклари томонидан маблағларни жалб қилиниши ва кредит операсияларни амалга оширишда самарали фоиз сиёсатининг ишлаб чиқиши ва уни тўғри юритилиши талаб қилинади.

БАНК КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВИДА ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯСИ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

Р.И. Азимова *–Сам ИСИ кафедраси ассистенти,*
Ф.Ф.Зубайдуллаев *–ЧЭКИ “Ўзсавдогарбанк” АТБанки Самарқанд вилоят бўлими бошқарувчи ўринбосари,*
Ф.А.Зубайдуллаев*– Сам ИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.*

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат банкларида инвестиция стратегиясини амалга оширишнинг ҳозирги ҳолати ва мавжуд муаммолари, банкнинг корпоратив ривожланиш бўйича комплекс стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги баён этилган. Инвестициявий инновацион қарорларни шакллантириш тамойиллари ва усуллари, стратегик хавфларни ҳисобга олган ҳолда мақбул йўлларини муқобил танлаш кўрсаткичлари берилган. Банкнинг инвестиция стратегиясини шакллантириш босқичлари банкнинг инновацион ва инвестицион

фаолиятини оптималлаштириш учун эконометрик моделни яратиш билан биргаликда ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Банкни ривожлантириш стратегияси, корпоратив бошқарув, инвестиция стратегияси, инновацион ва инвестицион эчимлар, алтернатив кўрсаткичлар, стратегик хавфлар, оптималлаштириш, эконометрик симуляция модели.

Abstract: This article presents the current state and current problems of implementing an investment strategy in commercial banks, discloses the need to develop an integrated corporate development strategy for the bank. The principles and methods of forming innovative investment decisions, indicators of the alternative choice of optimal positions taking into account strategic risks are given. The stages of formation of the bank's investment strategy have been developed in conjunction with the creation of an econometric model for optimizing the bank's innovation and investment activity.

Key words: Bank development strategy, corporate governance, investment strategy, innovation and investment solutions, alternative indicators, strategic risks, optimization, econometric simulation model.

Аннотация: В данной статье представлены современное состояние и актуальные проблемы внедрения инвестиционной стратегии в коммерческих банках, раскрыта необходимость разработки интегрированной корпоративной стратегии развития банка. Приведены принципы и методы формирования инновационно-инвестиционных решений, индикаторы альтернативности выбора оптимальных позиций с учётом стратегических рисков. Разработаны этапы формирования инвестиционной стратегии банка во взаимосвязи с созданием эконометрической модели оптимизации инновационно-инвестиционной деятельности банка.

Ключевые слова: стратегия развития банка, корпоративное управление, инвестиционная стратегия, инновационно-инвестиционные решения, индикаторы альтернативности, стратегические риски, оптимизация, эконометрическая имитационная модель.

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект, айниқса, тижорат тузилиши иқтисодий тизимининг муайян инвестициялар субъекти бўлиб, жорий харажатларни шакллантириб, охир-оқибатда даромад олиш ва молиявий натижаларни олиш воситаси сифатида бўлиши керак. Бир-бири билан ўзаро боғлиқ элементлар мажмуи бўлиб, иктисодий бизнес тизими жиҳатдан таркибий диспозицияда кенгайтирилган икки кўринишда кўриб чиқиш мумкин.

Биз томондан ишлаб чиқилган стратегик бошқарувнинг молиявий-иқтисодий модели қуйидаги чизмада кўрсатилган (1-чизма).

Стратегик бошқарув ва унинг асосий қисми режалаштиришни маҳаллий ва тармоқлараро корпоратив даражадаги стратегиялар, тармоқлар ва минтақалар ҳудудларидан технологик жиҳатдан мураккаб сифатида кўриш мумкин.

Маълумки, банк инвестиция стратегияси молиявий стратегиясининг таркибий қисми бўлиб ва унинг ишлаб чиқиш механизмига биринчи навбатда молиявий таҳлил ва қарорларни қабул қилишга стратегик ёндашиш нуқтаи назаридан эътиборимизни қаратишимиз лозим.

Аслида барча молиявий қарорлар "SOFIA"нинг (инглиз тилида) машҳур методологияси бўйича бешта асосий турга бўлиниши мумкин: стратегик қарорлар; операцион қарорлар; молиялаштириш қарорлари; инвестиция

қарорлари; аналитик қарорлар. Инвестиция қарорлари банкнинг ҳаёт айланиш даври билан боғлиқ бўлган стратегик молиявий қарорлардан мустақил равишда амалга оширилмайди ва турли хил комплекс усуллардан фойдаланган ҳолда стратегик молиявий таҳлилга таянади.

Бундай таҳлилнинг замонавий усуллари орасида бизнеснинг ички ва бозор қийматини баҳолаш, барқарор ривожланиш модели, молиявий стратегик моделлар матрицаси, Дюпонт моделлари ва бошқалар кўзда тутилган. Бироқ, инвестиция стратегиялари нафақат молиявий стратегик режанинг бир қисми сифатида яратилади. Концептуал даражада улар бизнесни ривожлантириш стратегияси билан белгиланади ва стратегик ташаббуслар инвестицияларнинг катта қисмини шакллантиришни талаб қилади. Банкнинг инвестицион стратегиясига биноан, компаниянинг узоқ муддатли инвестицион фаолияти учун тузилган қуйидаги тизимли мажмуини таклиф этамиз (1-расм).

Молиявий стратегия инвестиция стратегиясининг ҳажми, тузилиши ва шаклига нисбатан ривожланиш стратегиясига нисбатан тартибга солиш функциясига эга. Стратегик ташаббуслар инвестиция стратегиясини янада аниқ ва конкрет яратишга имкон беради.

Биз банкнинг инвестицион стратегияси ўзларининг молия блокидаги стратегияларнинг категориясига кирганини кўрдик. У стратегик ва тактика мамлакат даражасидаги ўзаро муносабатларнинг олдида турибди. Бундан ташқари, компаниянинг лойиҳа портфелини шакллантириш механизми бевосита инвестиция стратегиясига қаратилган ва режалаштириш жараёнида эълон қилинган стратегик ташаббусларни амалга оширишга хизмат қилади.

Инвестиция стратегияси асосан компаниянинг инвестицион фаолиятининг концептуал муҳитини белгилайди. Унинг асосий таркиби юқорида кўрсатилган олти функционал йўналиш шаклида кўрсатилади. Стратегик танловларни бошқариш ва уни инвестицион компонентни режалаштиришдаги ўзгаришларни бир қатор процессуал элементлар ўз ичига олади. Банк инновация-инвестиция фаолиятини ривожланиш стратегияси

- банк инвестицион фаолияти ва уни ривожланиш шаклларини аниқлаш;
- банк инвестицион фаолияти мумкин йўналишларининг устунликларини аниқлаш;
- инновацион мақсадларни амалга ошириш учун инвестиция;
- ресурсларини кетма-кетлик босқичларини шакллантириш;
- банк инвестицион фаоллигининг йўналишлари ва уларнинг шаклларига кўра чегараларини ўрнатиш
- банк инвестицион ресурсларини шакллантириш белгилари
- банк инвестицион фаолиятини моделлаштириш ва уни амалга ошириш
- банк инновацияларга ўз ва жалб қилинган инвестиция ресурсаларини амалга ошириш

- банк инвестицион фаолияти самарадорлигини бахолаш усуллари, мезонлар тизими ва индикаторларини ишлаб чиқиш



1-расм. Банкнинг стратегик бошқаришини амалга ошириш

Инвестицион стратегияси мақсадларини шакллантириш босқичлари:

- инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва мослаштириш.
- инвестицион ресурслар тузилмасини таҳлил қилиш ва оптималлаштириш.
- ички инвестиция тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш.

- ташқи инвестиция муҳитида муносабатларни узоқ муддатли режалаштириш.

Инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тегишли даражадаги танланган бошқарув объектларини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Стратегик бошқарувнинг қуйидаги объектлари анъанавий тарзда ажратилади:

- банкнинг ўзи ягона бизнес сифатида;
- кўпинча бизнес йўналишларига тўғри келадиган стратегик бизнес-бирликлари (СББ);
- стратегик инвестиция марказлари деб аталадиган инвестиция фаолият марказлари;

Банк - кредит ташкилоти доирасида стратегик бизнес бирликлари СББ бир нечта белгиларга эга. Улар орасида:

- маҳсулотлар ва хизматлар учун ягона бозор;
- технологик ва техник базасининг бир хиллиги;
- даромадлар учун молиявий масъулиятнинг ягона нуқтаси.

Инвестицион фаолият марказлари инвестицион тизимнинг энг дискрет элементлари ҳисобланади. Улар асосий ва қўллаб-қувватловчи жараёнларни амалга оширишда иштирок этувчи алоҳида бошқарувчи бўлинмалар ва бошқарувнинг функционал бўлинмалари бўлиши мумкин.

Молия менежменти ва бюджетни бошқариш тизимидан инвестиция фаолиятининг стратегик марказлари инвестицияларни бошлайдиган марказларга бўлинади ва инвестицион харажатлар келиб чиқадиган жойлар.

Банкнинг инвестиция стратегиясининг турлари режалаштириш асосида шаклланган инвестиция фаолиятининг стратегик мақсадлари ва танланган умумий корпоратив стратегиянинг нисбати билан белгиланади.

Инвестиция стратегияси уларни шакллантириш даврини инобатга олган ҳолда таснифланиши мумкин, лекин ҳозирги пайтда, иқтисодиётнинг ҳолати барқарор деб аталмайдиган бўлса, 5 йил ёки ундан ҳам кам эмас, балки уч йил муддат ҳақида гапириш керак.

Бизнинг таклифимиз, Инвестиция стратегияларининг самарадорлигининг сифат кўрсаткичларига қуйидагиларни киритиш лозим:

- Соғлом ва мувозанатли инвестиция мақсадлари.
- Инвестициявий сиёсатнинг мувофиқлиги ва синхронлиги.
- Умумий корпоратив ривожланиш стратегиясидан кейин кетма-кетлик.
- Ташқи муҳитда инвестиция жараёни билан изчиллик.
- Молиявий стратегик таҳлил ва режалаштириш натижалари билан муносабатлар.
- Инвестицион таваккалчиликнинг ўрнатилган тартибга солиш қийматларига риоя қилиш.
- Ишлаб чиқариш, маркетинг, молиявий ва ижтимоий натижаларнинг уйғунлиги.

Инвестиция стратегияси уларни амалга ошириш муаммоларини узоқ муддатли ўзига хос хусусиятларга асосланиб ҳал қилиш учун мўлжалланган. Инвестиция мақсадларининг иқтисодий мазмуни ҳукмрон бўлса-да, фаолиятнинг тижорат компонентидан ташқари мақсадларни белгилаш билан боғлиқ бошқа контекстларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Хавфсизлик, экология, ижтимоий ҳимоя ва бошқа жиҳатлари назарда тутилган, буларсиз этарлича ривожланган бизнеснга эга бўлиш қийин масаладир.

Худди шундай, биз барча таснифлаш мезонларидан ўтишимиз мумкин. Ҳақиқатан ҳам, инвестиция стратегиясининг шаклланиши кўп ўлчовли матрица нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши мумкин. Функционал жиҳатдан, стратегия асосий капиталга инвестициялар нисбати ва портфел (молиявий) инвестицияларининг муаммоларини ишлаб чиқади, маблағ манбалари масаласи шу қадар жиддийки, у инвестиция стратегияси бўйича бутун йўналишни эгаллайди.

Маълумки, стратегик менежмент объектларининг таркиби ва тузилиши уларнинг ривожланишидаги тизимлилиги ва мувозанатлилиги учун жуда муҳимдир. Ушбу позициядан инвестицияларнинг муҳим массаси концепциясининг аҳамияти жуда катта, бу узоқ муддатли инвестицияларнинг минимал ҳажмини белгилайди. Шунинг учун тижорат банклари кўпроқ реновация мақсадлари ва ривожланиш мақсадларига катта аҳамият беришлари мумкин.

БАНКЛАРАРО КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИ БОЗОРИ: МАРКАЗИЙ БАНК ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СИЁСАТИ ВА УНИ САМАРАДОРЛИГИ

Ҳайдаров Зоҳир Шарипович*-СамИСИ*
катта ўқитувчиси и.ф.н.,
Хайруллаев Жахонгир Алишерович *–*
СамИСИ магистранти

Аннотация: Илмий тадқиқотда банклараро кредит ресурслари бозорига Ўзбекистонни Марказий банкининг қайта молиялаш сиёсатини таъсири ва уни самарадорлиги ўз аксини топган.

Аннотация: Исследование отражает влияние политики рефинансирования Центрального банка Узбекистана на рынок межбанковских кредитных ресурсов и ее эффективность.

Annotation: The research reflects the impact of the refinancing policy of the Central Bank of Uzbekistan on the interbank credit resources market and its effectiveness.

Калит сўзлар: Банклараро кредит ресурслар бозори, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси, ссуда капиталнинг жахон бозори, ўртача статистис фоиз ставкаси, базавий фоиз ставкаси, фоиз маржаси, дисконт кредити, дисконт ставкаси, Ломбард кредити, ломбард ставкаси, овердрафт, обернайт ва муддатли кредитлар.

Ключевые слова: межбанковский рынок кредитных ресурсов, ставка рефинансирования центрального банка, глобальный рынок ссудного капитала,

среднестатистическая процентная маржа, базовая процентная маржа, дисконтная ставка дисконта, ломбардный кредит, залоговый овердрафт, овернайт и срочные кредиты.

Keywords: interbank credit market, central bank refinancing rate, global loan capital market, average interest margin, base interest margin, discount discount rate, pawnshop loan, collateral overdraft, overnight and term loans.

Банклараро кредит ресурслари бозори молия бозорининг сигментларидан бири ҳисобланади. Молия бозори –бу молиявий хизматлар таклиф этиладиган бозордир. Молия бозорининг қуидаги сигментлари мавжуддир: ссуда капиталлари бозори ; валюта бозори; қимматли қоғозлар бозори;суғурта бозори; лизинг бозори .

Ссуда капиталлари бозорида кредит ресурслари олди сотди қилинади. Ссуда капиталлари бозорини ўзи иккита сигментга эга:

1. Қисқа муддатли пул бозори;
2. Капитал бозори (ўрта ва узоқ муддатли ресурслар)

Пул бозорида қисқа муддатли, яъни муддати 12 ойгача бўлган депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкалари шаклланади.

Капитал бозорида ўрта ва узоқ муддатли депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкалари шаклланади.

Банклараро кредитнинг фоиз ставкаси, одатда, хўжаликларга бериладиган кредитлар фоиз ставкасидан паст бўлади ва Марказий банк томонидан бу ставкалар назорат қилинади. Ресурсларни жалб қилиш нуқтаий назаридан эса банк учун банклараро кредит бошқа депозитларни жалб қилишдан кўра қимматроқга тушади. Банклар ресурсларини банклараро кредитлар ҳисобига шакллантиришдан мақсади шуки, банклар ўз мижозларини кредитга бўлган эҳтиёжини қондиришдир ва кредит қўйилмаларини янада кенгайтириб фойда олишдир.

Банклараро бозорнинг фаолият юритиши иқтисодиёт учун инвеститсия ва иқтисодий ўсишга эришишни таминлашда мухим рўл ўйнади.

Банклараро кредит бозори банк тизимида жамланган маблағларни тез ва самарали қайта тақсимлаш орқали жойлаштиришни таминлайди.

Банклараро бозор фаолиятида тартибга солинган тизимнинг мавжудлиги ҳар қандай замонавий банк тизимининг асосини ташкил этади, банкларнинг зарурий маблағлардан фойдаланишларини енгиллаштиради, қўшимча маблағларни ушлаб туриш заруриятини пасайтиради. Яхши ишлайдиган банклараро бозор нафақат банклар фаолиятини енгиллаштиради балки бозор номутаносибликларининг вужудга келишини камайтиради ва кутулмаган ҳолатларга нисбатан банк сектори барқарорлигини таминлайди.

Банклараро кредит ресурслари бозори-бу кредит ресурсларини олди-сотди қилиш мақсадида ташкил этилган махсус марказдир. Банклараро кредит ресурслари бозори ссуда капиталлари бозори ҳам деб аталади.

Банклараро кредит ресурслари бозори мамлакатимизда ўз фаолиятини юритмоқда, унда банк ресурсларини сотиш ва сотиб олиш индикаторлари эълон қилинади ва қатнашиш ҳуқуқини олган банклар бўш турган банкнинг

ресурсларини сотади, ўзининг мажбуриятларини бажариш учун етишмаган маблағларини бошқа банкларнинг маблағлари ҳисобидан жалб қилинади.

Банклар ресурсларни сотишлари натижасида ўзига фоизли даромад олади.Бу жараён банкларараро бозордаги энг арзон ва қулай усулларидан бири ҳисобланади.

Бунда банк ўзининг ресурсларини мижозлар учун жойлаштирмасдан бошқа банкларга берилган ресурсларининг хатарли мижозларга берилган кредитларнинг хатаридан пастроқ бўлиши шубҳасиз.

Банкларараро бозорнинг ривожланиши омили Марказий банкнинг қайта молиялаш тизими билан ўзаро боғлиқ. Банкларда ликвидлик активлари билан таминлаш манбаи Марказий банкнинг кредитлаш ресурслари билан шаклланишидадир. Марказий банк тижорат банкларнинг ликвитлигига қайта молиялаш сиёсати орқали таъсир кўрсатади.

Банкларараро кредитнинг муддатлари ҳар хил. Ривожланган давлатлар тижорат банклари амалиётида бир, уч, олти ой муддатли банкларараро кредит бериш кўпроқ ишлатилади ва бир кундан тортиб бир неча йил муддатга бериладиган банкларараро кредит бериш ҳам ривожланмоқда.

Ҳозирги пайтда МДҲ давлатларда 3 ойдан 6 ой муддатгача банкларараро кредитдан фойдаланиш банклар фаолиятида кенг тарқалган ва Марказий банк томонидан бу ставкалар назорат қилинади.

Тор манода ссуда капиталининг (Банкларараро кредит ресурслари бозори) жаҳон бозори (СКЖБ) деганда –халқаро кредит операциялари рўй берадиган бозор ёки суда капиталининг халқаро бозори тушунилади. У ўз ичига ИТЕЛ кредитлари ва заёмлар бозорини олади. Бу бозор, ўз навбатида, ссуда капитали (СК) миллий бозордаги халқаро операцияларини келтириб чиқаради. Евтовалюта бозори ёки евро бозор бу чет эл валютасида мамлакат ташқарисида нақт пулсиз депозит –ссуда операциялари рўй берадиган бозордир.

Кенг манода ссуда капиталини жаҳон бозори деганда ссуда капиталининг жаҳон миқёсида тақсимланиши ва қайта тақсимланишининг иқтисодий механизми тушунилади, яъни миллий бозорни ва евро бозорни мувофиқлаштиришга асос бўлади (евро валюта операциялари ссуда капитал жаҳон бозорини деярли қамраб олганлиги туфайли ссуда капитал жаҳон бозори синоними сифатида евро бозор тушунчаси ҳам ишлатилади).

Ссуда капитал жаҳон бозори эволютсияси жаҳон иқтисодиётининг байналминаллашув жараёни динамикасида ўз аксини топади. Бу ривожланиш босқичларини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Биринчи босқич , ривожланишнинг монопол даражаси, ссуда капитал жаҳон бозори кўп тарқалган ссуда капитал миллий бозорларининг мувофиқлашуви сифатида кўрилган.

Иккинчи босқич, юқори ривожланиш даврида хўжалик алоқаларини байналминаллашуви ва халқаро кредитнинг ривожланиш асосида ссуда капитал жаҳон бозори шаклланади.

Даслаб халқаро кредитни ривожланиши миллий бозорларда фақат халқаро операциялар шаклида намоён бўлади. Аста-секин йирик бозорлар (Лондон, Париж, Нew-ёркда) жаҳон молия марказларига айланади бу муассасалар ссуда капитал жаҳон бозорининг ташкилий марказлари бўлиб қолди.

Ссуда капитал миллий бозорлари орасида фарқланиш мавжудлиги шароитида халқаро молия капиталининг харакати ва ривожланишини ягона , миллий давлат бошқарувида (валюта муносабатидаги чекловлар) устунроқ бошқарилувчи бозорни талаб қилди. Евро бозор шундай бозор сифатида вужудга келди. У миллий бозорлар ўртасида ўзига хос фаолият олиб борувчи воситачи ҳисобланади. Чунки бунда операциялар миллий давлат ташкилотлари томонидан бошқарилмайди. Евро бозорлар дастлаб евродоллар бозори шаклида ривожлана борди.

Бозорни банклараро кредитлар ўртача фоизлари ставкалари бўйича маълумотлар билан таминлашнинг йўлларидан бири банклараро бозорлар пул маблағлари миллий кўрсаткичларини қабул қилиниши ҳисобланади. Банклараро пул бозори кўрсаткичлари халқаро банк амалиётида кенг қўлланилади. Уларнинг ичида энг таниқлиси Буюк Британиябанклари уюшмалари томонидан элон қилинадиган ЛИБОР фоиз ставкасидир. Ушбу ставкалар бўйича банклар босқа банклардан пул маблағларни қарзга оладилар.

Шундай ставкалар Франкфурт молия бозорлари иштирокчилар (ФИБОР), Токио (ТИБОР), Гонгконг(ҲИБОР) ва бошқаларда ҳам мавжуд. Бундан ташқари шунга ўхшаш ставкалардан Рассия ва Қозоғистон молия бозорларида ҳам фойдаланилади.

Молиявий кўрсаткичлардан фойдаланишининг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат:

1. Банклараро кредитлар ўртача статистик фоиз ставкаларини аниқлаш бўйича маркетинг татқиқотлари ўзига хос умумлаштирувчи натижалар ҳисобланади;
2. Пул маблағларини жойлаштиришнинг узоқ муддатлари бўйича тавсия этилади;
3. Халқаро андозадаги кўрсаткич хисобланади;
4. Банклараро пул бозорида кенг тарқалган;
5. Уларни ҳисоблаш механизими очиқ ва ҳамма учун тушунарли;
6. Ҳисоблар тизимига кирувчи банклар юқори кредит ретингига эга.

Ўзбекистонда пул маблағлари банклараро бозорнинг ўртача статистик фоиз ставкаларини ўрнатиш тажрибаси мавжуд эмас. Бундан ташқари, банкларнинг қарз берувчи банклар ҳақида керакли ва ишончли малумотларга эга бўлишлари зарурияти мавжуд бўлиб, банклараро шартномалар хулосалари бўйича меъёрларини унификатсия (бир хил) қилиш йўлга қўйилмаган.

Таклиф қилинаётган кўрсаткичлар Ўзбекистон Банклар Ассатсиатсияси (уюшмаси) томонидан ҳисоблаб чиқилиши мумкин ва улар келажакда қисқа муддатли кредитлар фоиз ставкалари кўрсаткичлари (индекслари) вазифасини

ўташи мумкин. Ҳисобланган кўрсаткичлар тижорат банкларига бепул тақдим этилади. Индекс ҳисоблари базасига (маркет- мейкерлар) кирувчи банклар, Ассатсиатсия (уюшма)нинг марказий банклар билан келишилган холда уларни банклараро бозорда мавқейи ва фаоллик даражаси асосида танланади. Ушбу банклар марказий банк мейёрларига риоя қилишлари ва бозор балансини тузишлари лозим. Банклар ҳар бир иш кунида Ассатсиатсияга (Уюшмага) ўзларининг капировкасини тақдим этадилар ва Ассатсиатсия банкларни фиксинггини миллий валюта сўм бўйича чоп этади. Бунда банкларни элон қилинган ставкалар бўйича пул маблағларини сотишлари ёки сотиб олишлари.

Ўртача статистик фоиз ставкаларини ҳисоблашни унификатсия (бир хил) қилиш учун пул маблағлари банклар аро бозори кўрсаркичларини шакллантиришни ягона услуби ишлаб чиқилиш зарур (кейингиларда услуб дейилади). Банкнинг банлкларо бозор миллий кўрсаткичларда иштирок этиши бевосита унинг обрўйига ва молиявий ҳолатига боғлиқ бўлади. Маркет-мейкерлар (банклар) дастлаб пул маблағлари банклараро бозори кўрсаткичларини шакиллантириш ҳақида меморандум имзолашлари лозим. Меморандумда ҳар бир банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилади. Меморандум меъёрларини бузган иштирокчилар маркет- мейкерлар рўйхатидан чиқарилади.

Банклараро ссуда ҳажимларини эркин ўзгариши фоиз ставкасининг ўртача фойда нормаси ҳисобланади.

Фойда нормасида фоиз стовка даромади у ёки бу томонга ўзгаришига тасир қилувчи омилларни умумий ва махсус омилларга бўлиш мумкин.

Умумий омилларга қарз маблағларга талаб ва таклифни ўзгариши, Марказий банк сиёсати, пул қадирсизланишини даражасини киргизиш мумкин.

Актив операциялар бўйича фоиз стовкасини аниқловчи хусусий омилларга қуидагилар киради: ссуда ҳажми, қайтариш муддати, таминоти, қарз олувчининг кредитга лаёқатлиги.

Ссуда капиталини таннархи банк харажатлари икки асосий элементлардан таркиб топади: ресурсларни шакллантириш бўйича харажатлар ва банк фаолиятини таминловчи харажатлар.

Ссуда фоизининг юқори чегараси бозор шароитидан келиб чиқиб белгиланади, қуйи фоиз даражаси банкнинг жалб қилиш ва фаолиятини таминлаш бўйича харажатлари орқали аниқланади. У кредитлаш ресурсларига тўғридан тўғри боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир олинган битимда фоиз нормасини ҳисоблаш базавий фоиз ставкасининг даражаси инобатга олинади.

Базавий фоиз ставкаси бу ресурсларни ўртача реъал нархи, ресурсларни жойлаштириш харажати ва фойда даражаси асосида ҳисобланади. Базавий фоиз ставкаси бу банкни алоқадорлик даражаси кўрсаткичи ҳисобланади.

Бундан ташқари, банк фоиз маржаси яъни актив ва пассив операциялари бўйича ўртача фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ фаолиятни реал самарадорликни кўрсатади. Фоиз маржасининг таҳлили амалдаги фоиз

маржасини базавий фоиз ставка билан солиштириш усули асосида омалга оширади.

Маркарий банк ўзининг қайта молиялаш сиёсати орқали ҳам банкларарo кредит ресурслари бозоридаги фоиз ставкаларининг даражаларига тасир эта олади. Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати тижорат банкларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган тадбирларга уч хил кредитлаш усулидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади:

4. Тижорат банкларини Марказий банк томонидан уларнинг балансидаги тратталарини қайта ҳисобга олиш йўли билан кредитлаш усули.

Мазкур усулда берилган кредитлар ҳисоб ёки дисконт кредитлари ҳисобланади, уларнинг фоиз ставкаси эса, ҳисоб ёки дисконт ставкаси дейилади.

Марказий банк ҳар бир молиявий йил учун олдиндан тратталарни, яъни узатма тижорат банкларини ўзида қайта ҳисобга олиш контингентини белгилайди. Қайта ҳисобга олиш контингенти ҳажмини белгилашда пул массасининг ўсиш сурати, инфлатсия даражаси каби муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Тратталарни қайта ҳисобга олиш контингентини мамлакатдаги тижорат банклари сонига бўлиш йўли билан ҳар бир банк учун белгиланадиган қайта ҳисобга олиш лимити суммаси аниқланади. Ушбу усулда барча тижорат банкларига, уларнинг катта ёки кичиклигидан қатъи назар, бир хил лимит белгиланади ва адолатли усул ҳисобланади.

Аммо ушбу усулнинг камчилиги шундаки, бунда тижорат банклари активлари миқдори ўртасидаги фарқ натижасида юзага келадиган ликвидли маблағларга бўлган талаб ўртасидаги фарқ ҳисобга олинмайди.

5. Тижорат банкларини марказий банк томонидан уларнинг балансидаги қимматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредитлаш усули.

Ушбу усулда берилган кредитлар Ломбард кредитлари бўлиб, уларнинг фоиз ставкаси эса Ломбард ставкалари дейилади.

6. Тижорат банкларини Марказий банк томонидан тўғридан-тўғри кредитлаш усули.

Маскур усулда берилган кредитлар овердрафт, овернайт, кунлик ва муддатли кредитлар шаклида бўлади.

Марказий банк қайта молиялаш инструментларининг (ломбардли кредитлар, овернайт, муддатли кредитлар, дисконтли кредитлар, овердрафт) деярли барчасига эга болиши лозим. Акс холда, Марказий банкнинг қайта молиялаш кредитлари ҳажмини ошириш имконияти чегараланиб қолади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкининг дисконтли кредитлари мавжуд эмас, ломбардли кредитлари миқдори кичик. Бу эса ўз навбатида тижорат банкларининг дисконтли ва ломбардли кредитларга бўлган талабларини қондирилмай қолишига сабаб бўлади.

Ҳулоса қилиб такидлаш жоиз ким, республикамизда банкларарo кредитлар бозорининг (миллий ссуда бозори) ривожланмаганлиги Марказий

банк қайта молиялаш инструментларининг тасирчанлиги, самарадорлигига ўз салбий тасирини кпърсатмоқда ва ушбу ҳолат Марказий банкнинг қатий пул-кредит сиёсати консепсияси негизида фоиз ставканинг оптимал вариянтини қабул қилишга сабаб бўлиши лозим.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, УНИ БОШҚАРИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳайдаров З.Ш. *– СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.,*
Холбоев Ж.А. *– СамИСИ магистранти.*

Аннотация: Илмий мақолада Ўзбекистон Республикаси банк тизимида ликвидлиликни таъминлаш ва уни бошқариш муаммолари ҳамдауларни ечиш йўллари ўз аксини топган.

Калит сўзлар:ликвидлилик, кредит, кредит портфели, актив, рискли активлар, пул-кредит сиёсати, очиқ бозор операциялари, эмиссия, транзакцион депозит, депозит сертификати, жамғарма сертификати.

Аннотация: В научной статьеотражены проблемы и пути обеспечения и управления ликвидностью банковской системы Республики Узбекистан.

Ключевые слова:ликвидность, кредит, кредитный портфель, актив, рискованный активы, денежно-кредитная политика, операции на открытом рынке, эмиссия, транзакцион депозит, сертификат депозита, сберегательный сертификат.

Abstract: The scientific article reflects the problems and ways of ensuring and managing the liquidity of the banking system of the Republic of Uzbekistan.

Keywords:liquidity, credit,loan portfolio, assets, risky assets, monetary policy, open market operations, emission, transaction deposit, certificate of deposit, savings certificate.

Мамлакат банк тизимида ликвидлилик муаммосининг пайдо бўлиши бериладиган кредитлар миқдорининг камайишига, банклар орқали ўтадиган тўловларнинг кечикишига ва ўтмай қолишига сабаб бўлиши амалиётда кўп кузатилади. Шу сабабли, мамлакат банк тизимининг ликвидлилигини таъминлаш масаласи тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг асосий масалалариданбири бўлиб қолмоқда.

Тижорат банкининг ликвидлилиги – бу банкнинг мижозлари ва бошқа банклар олдидаги тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олиш қобилиятидир.

Банк тизимининггликвидлилиги– бу мамлакатдаги банклар орқали ўтадиган тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш имкониятидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Базел III стандарти талабларидан келиб чиққан ҳолда **“соф молиялаштиришмеъёрий коэффициенти”**ҳамда**“ликвидлиликни қоплаш меъёрий кўрсаткичлари”**ни аниқлаш методикаларини тасдиқлади. Унга кўра, “соф барқарор молиялаштириш меъёрий коэффициенти” барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасини барқарор молиялаштиришнинг зарурий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. “Ликвидлиликни қоплаш меъёрий кўрсаткичи” эса

юқори ликвидли активларни кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқимганисбати сифатида аниқланади.

Банкларда ликвидлиликни бошқаришга ички ва ташқи омиллар таъсир қилади.

*Ички омиллар*га қуйидагилар киради:

- Банк активларининг сифати (банк кредит портфели таркибида рискли активлар ва уларга ҳисобланган тўловларнинг ўз вақтида қайтарилиши).
- Жалб қилинган маблағларнинг сифати (узоқ муддатли молиявий ресурслар улушининг юқорилиги).
- Жалб қилинган маблағлар ва рискли активлар ўртасида ўзаро мувозанатнинг таъминланиши.
- Банк бошқарувининг ташкил этилганлигини такомиллаш-тирилганлик даражаси ва унинг молия бозоридаги имиджи.

*Ташқи омиллар*га эса қуйидагилар киради:

- Мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий ҳолат.
- Банкларарo ва қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлик даражаси.
- Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати (асосан қайта молиялаш ставкаси, очиқ бозор сиёсати ва мажбурий заҳира ставкаси бевосита таъсир қилади).
- Марказий банк томонидан самарали надзор фаолиятининг ташкил этилганлиги.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётган омиллар қуйидагилардан иборат:

1. *Тижорат банкларида трансформация рискининг чуқурлашиб кетганлиги.*Маълумки, трансформация риски тижорат банклари активларини жойлаштириш муддатининг жалб қилинган ресурслар муддатидан катта бўлиши натижасида юзага келади. Ушбу рискни қисқа муддат ичида бартараф қилинмаслиги банкда баланслашмаган ликвидлилик муаммосининг чуқурлашиб кетишига олиб келади.

2. *Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорик миқдорининг катта эканлиги.* 2017 йилда 290 миллиард сўм миқдоридаги, 2018 йилда эса 460.4 миллиард сўм миқдоридаги муддати ўтган кредитларни ундириш талаби қўйилган, бунда муддати ўтган қарздорлик муаммосининг тобора чуқурлашиб кетганлиги яққол кўзга ташланиб турибди.

3. *Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки очиқ бозор операцияларининг паст даражада эканлиги ва ривожланмаганлиги.*Тараққий этган мамлакатларда Марказий Банкнинг очиқ бозор операциялари тижорат банкларида юзага келадиган баланслашмаган ликвидлилик муаммосини ҳал қилишда муҳим ўрин тутади. Марказий Банклар банклардаги баланслашмаган ликвидлилик муаммосини ҳал қилиш мақсадида тескари РЕПО

операцияларидан фаол фойдаланадилар.Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг очиқ бозор операциялари мавжуд эмас. Бунинг сабаби шундаки, республикамиз Марказий Банки очиқ бозор операцияларининг объектлари сифатида фақат Ҳукуматнинг қимматли қоғозларини тан олади. Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари эса, давлат бюджети профицити билан бажарилаётганлиги сабабли 2013 йил 1 январдан бошлаб то 2017 йил 1 январгача жуда кам миқдорда эмиссия қилинган. 2017 йилдан бошлаб Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари унинг очиқ бозор операцияларида аста-секин ривожланиб, халқаро даражадаги молиявий бозорларда қатнашган ҳолда республика баланслашмаган ликвидлилик муаммосини ҳал эта бошлади.

4. *Республика Марказий банкининг дисконт ва ломбард кредитлари мавжуд эмас.* Бу эса Марказий банкка қайта молиялаш ставкаси орқали банк тизимининг ликвидлилигига таъсир этиш имконини бермайди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- *Тижорат банклари активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш ва транзакцион депозитларнинг фақат барқарор қолдиғидан ресурс сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш орқали трансформация рискига барҳам бериш лозим.*Транзакцион депозитларда муддат мавжуд эмас. Бунинг устига, уларнинг беқарорлик даражаси жуда юқори. Шу сабабли, улардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланиш, активлар ва мажбуриятларнинг муддатлари ўртасидаги мувофиқлик таъминланган шароитда ҳам тижорат банкининг ликвидлилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтириши мумкин.
- *Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик муаммосини ҳал этиш мақсадида:*

a) мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган, такомиллашган методикаларни республикамиз банклари амалиётига жорий этишни таъминлаш;

b) тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг “олдиндан огоҳлантириш” тизимини яратиш ва уни такомиллаштиришни жорий этиш;

c) ҳукумат кафолатлари асосида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликни ўз вақтида ундирилишини таъминлаш мақсадида (Давлат бюджетида танқислик мавжудлигини ҳисобга олиб) махсус жамғарма ташкил этиш лозим.

- *Давлат қимматли қоғозларидан очиқ бозор объектлари сифатида фойдаланиш билан бир вақтнинг ўзида халқаро рейтинг агентликларининг (Standards δ Poors, Moody’s, Fitch ratings) юқори кредит рейтингига эга бўлган (камида BB рейтинг баҳога) тижрат банклари ва корхоналарнинг қимматли қоғозлари (депозит сертификатлари, жамғарма сертификатлари, облигациялари) ҳисобидан Марказий Банкнинг очиқ бозор операцияларини йўлга қўйиши керак.*Бунинг учун зарур шарт-шароитларни ҳам яратиш лозим.

Тижорат банкларида Марказий банкка нисбатан пул-кредит органи сифатида ишонч бўлиши лозим.Бундан ташқари, инфляция ва миллий валютанинг қадрсизланишитаъсирида қимматли қоғозларнинг реал қиймати пасаймаслиги керак.

- *Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкитомониданмарказлашган дисконт ва ломбардкредитлари бериш амалиётини йўлга қўйиш ҳамда тижорат банкларини Марказий банк томонидан тўғридан-тўғри кредитлар (овердрафт,кунлик, муддатли шакллардаги кредитлар) бериш узлуксизлигини таъминлаш орқали қайта молиялаш сиёсатининг банк тизими ликвидлилигини таъминлашдаги ролини ошириш зарур.*

Тижорат банклари ликвидлилигини таъминлаш банкларнинг мамлакатниижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ролини оширишнингва миллий иқтисодиётдаги тўловлар узлуксизлигини таъминлашнинг зарурий шартидир.

II – ШЎЪБА. ИНВЕСТИЦИОН ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ УЛУЧШЕНИЯ ИНВЕСТИЦОННОЙ АКТИВНОСТИ И ФАКТОРЫ НА ЕГО ВЛИЯЮЩИЕ В ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАНА

Хамракулова О.Д.- *доц. СамИЭС*

Аннотация:в работе рассмотрены вопросы инвестиционной активности и факторы влияющие на экономиику Узбекистана

Ключевые слова: экономика, инвестиционная активность

Аннотация:ishda investitsion faollik masalalari va O‘zbekiston iqtisodiyotiga ta'sir etuvchi omillar ko‘rib chiqilgan

Калит сузлар: iqtisodiyot, investitsiya faoliyati

Abstract: the paper considers issues of investment activity and factors affecting the economy of Uzbekistan

Key words: economics, investment activity

В общей теории и практике инвестирования важное место занимают вопросы инвестиционной активности (привлекательности), что может способствовать активизации инвестиционной и инновационной деятельности в стране. «Главная цель инновационного развития нашей страны – это развитие человеческого капитала; до 2030 года Узбекистан в Глобальном инновационном индексе в рейтинге передовых стран должен занять 50 –е место».[1].

Инвестиционная активность (интенсивность инвестирования) определяется инвестиционной привлекательностью, которую часто отождествляют с инвестиционным климатом. Однако предусматриваются различные показатели для оценки инвестиционного климата и инвестиционной привлекательности. При этом понятие «инвестиционный климат» - более широкое. Инвестиционная привлекательность является его составной частью, результатом.

Инвестиционная привлекательность выступает предметом оценки на различных иерархических уровнях.

Инвестиционная привлекательность на макроуровне - это условия (экономические, правовые, политические, социальные), созданные государством всем субъектам хозяйствования, а также иностранным инвесторам для выгодного вложения инвестиций с целью развития национальной экономики.

Инвестиционная привлекательность на макроуровне зависит от следующих факторов:политической стабильности на текущий момент и на перспективу;социальной и криминогенной ситуации в стране;макроэкономических показателей, характеризующих состояние национальной экономики на текущий момент и на перспективу (темпы инфляции, уровень ВВП, ставка рефинансирования, состояние государственного долга, дефицит или профицит

бюджета);наличия и совершенства нормативных актов по инвестиционной деятельности;степени совершенства налоговой системы в стране.

Инвестиционная привлекательность региона - это интегральная характеристика отдельных регионов страны с позиций инвестиционного климата, уровня развития инвестиционных инфраструктур, возможности привлечения инвестиционных ресурсов и других факторов, влияющих на формирование доходности инвестиций и на инвестиционные риски.

Инвестиционная привлекательность в регионах зависит от следующихфакторов:географического расположения региона;природно-климатических условий региона;степени индустриального развития региона;наличия природных богатств в регионе; уровня развития инвестиционной инфраструктурысистемы льгот для инвестора.

Инвестиционная привлекательность предприятия - это обобщённая характеристика его привлекательности с точки зрения перспективности, выгодности, эффективности и минимизации риска инвестиций в развитие этого предприятия как за счёт собственных средств, так и средств других инвесторов.

Инвестиционная привлекательность предприятия зависит от следующих факторов: показателей деятельности предприятия (ликвидности, платежеспособности,финансовойустойчивости); перспективы развития; рыночного курса акций предприятия; репутации, имиджа предприятия.

Для оценки инвестиционного климата и инвестиционной привлекательности стран за рубежом используются: методики Тей- на-Уотерса, Котлера-Хейзлера, рейтинги журналов «Fortune», «Euromoney» (США), «TheEconomist» (Англия), методика цифровой шкалы Гарвардской школы бизнеса США и т.д. Инвестиционную привлекательность регионов Узбекистана определяют с использованием показателей указанных методик и специально адаптированных к узбекским реалиям зарубежных методик..

На практике для оценки инвестиционного климата региона используется методика агентства «Эксперт-РА». Она объединяет оценку инвестиционного потенциала и оценку инвестиционного риска. Совокупный инвестиционный риск региона, который представляет собой качественную характеристику региона, показывает вероятность потери инвестиций и дохода от них**.**

Имеется прямая и обратная связь между инвестиционным климатом и инвестиционной политикой. Инвестиционный климат определяет стартовые позиции для разработки инвестиционной политики. С другой стороны, инвестиционный климат является результатом проводимой инвестиционной политики.Инвестиционная сфера требует создания определенных условий для успешного осуществления инвестиционного процесса. **Совокупность политических и экономических условий, которые формируются в стране для вложений инвестиций в целях получения дохода в будущем, называется *инвестиционным климатом.****На инвестиционную привлекательность могут влиять факторы:*

а) макроэкономические (динамика ВВП, уровень инфляции и процентных ставок, для сбережений в ВВП).

б) **нормативно-правовые** (качество и стабильность законодательной базы, соответствие регионального и республиканского законодательства, политика центральных и местных властей, защита прав собственности, защита интересов инвесторов, уровень монополизации в экономике, открытость экономики, уровень соблюдения законности и правопорядка, административные барьеры входа на инвестиционный рынок, уровень корпоративного управления).

в**) налогообложение** (качество налоговой системы и уровень налогового бремени).

г**) информационное обеспечение** (формирование системы информационного обеспечения, полнота и доступность информации об информационных возможностях в стране в целом, о компаниях в целом, о компаниях в частности, актуальность сведений, доверие к источнику информации, проведение рекламно-информационных компаний в СМИ, организация инвестиционных выставок, презентаций, семинаров, инвестиционных миссий).

д) **непредсказуемость, непрозрачность страны** для инвесторов (непрозрачность страны для инвесторов понимается как отсутствие четких, облеченных в формальные процедуры общепринятых правил ведения деятельности на мировых и национальных рынках капитала). Количественная оценка непрозрачности разработана известной аудиторской компанией PriceWaterhouseCoopers. По каждому критерию стране присваивается определенное количество баллов (от 0 до 150) и выводится среднеарифметическая величина, называемая индексом непрозрачности (opacityindex).

е) **задолженность по внешним обязательствам международным экономическим и финансовым организациям**. Данный фактор играет важную роль в характеристике инвестиционного климата в стране. Наиболее полно отражается в так называемом «показателе платежеспособности», определяемом известным деловым журналом Euromoney. Интегральный показатель платежеспособности страны включает девять составляющих: политический риск, экономические перспективы, показатель внешней задолженности, долг в связи с дефолтом или реструктуризацией долга, кредитный рейтинг, доступ к банковским ресурсам, доступ к краткосрочным финансовым ресурсам, доступ на рынки капиталов, доступ к форфейтинговым услугам. Максимальная итоговая оценка для страны 100 баллов.

В Узбекистане – самое многочисленное в регионе население, 32,9 млн человек, что ненамного меньше всех других стран ЦА вместе взятых (38,9 млн чел.). К тому же, 72% населения – моложе 40 лет, а медианный возраст составляет 28 лет. Численность рабочей силы также самая высокая в регионе, 15,2 млн чел., что вместе с высоким уровнем грамотности обеспечивает инвестиционную привлекательность для трудоинтенсивных отраслей –

горнодобывающей, текстильной, машиностроительной и сельского хозяйства. Наибольшим инвестиционным потенциалом обладают традиционные отрасли, а именно, нефтегазовая, химическая и горнодобывающая, сельское хозяйство и текстильная промышленность, а также новые перспективные направления – строительный, банковский и телекоммуникационный сектора и туризм. Богатые природные ресурсы – золото, медь, уран – пока недостаточно разработаны. Например, занимая 10 место в мире по величине запасов меди, Узбекистан находится на 20 месте по их добыче. Иностранные инвестиции позволят привлечь новые технологии, ускорить разработку запасов и в конечном итоге стимулировать региональную экономическую активность, повысить занятость и уровень налоговых поступлений. Экономика Узбекистана достаточно диверсифицирована: на долю отдельных секторов экономики приходится не более 20% ВВП. По данным Госкомстата Узбекистана, в 2018 году рост ВВП составил 5,1%, на 2019 г. равен 5,2%.Узбекистан занимает стратегическое местоположение в регионе ЦА и обладает развитой транспортной инфраструктурой.[2]

В последние годы в нашей стране наметились тенденции к улучшению инвестиционного климата. В Индексе экономической свободы (ИЭС) 2019 года Узбекистан поднялся за год со 152-го на 140-е место с оценкой 53,3, которая улучшилась на 1,8 балла, благодаря получению более высоких баллов по показателям свободы инвестиций, свободы труда и свободы бизнеса. Начиная с 1998 года, Узбекистану удалось улучшить свою позицию в ИЭС на 21,8 балла. Всемирный банк в своем докладе «DoingBusiness» публикует рейтинги по индикатору легкости ведения бизнеса по 190 странам мира.Узбекистан последние 5 лет входил в десятку лучших стран-реформаторов (поднялся со 166 (2012 г.) до 76 места (2019 г.), создавших более благоприятную предпринимательскую среду для бизнеса. Большинство из реформ реализованы в сферах регистрации бизнеса (область, где Узбекистан демонстрирует наилучшие результаты, занимая 12 место в мировом рейтинге), налогообложения, получения кредитов и регистрации собственности.

В сфере организации информационной поддержки реформ и продвижения имиджа Узбекистана на международной арене предполагается:

1. Осуществление информационной и консультационной поддержки экспортеров и их иностранных контрагентов по вопросам маркетинга, ценообразования, транспортной логистики, сертификации, стандартизации и контроля качества, налогового и таможенного администрирования;

2. Ежегодное издание доклада «Инвестиционный климат в Республике Узбекистан» (возможно и на региональном уровне). Включение в состав редакционной группы по подготовке доклада инвесторов, представителей предпринимательского и экспертного сообщества. Организация широкого публичного обсуждения доклада;

3. Организация тесного сотрудничества между экспертами рейтинговых агентств и специалистами министерств, повышению информированности международных экспертов о проводимых реформах и их результативности, обеспечению объективности оценок страны;

4. Разработка и запуск механизма постоянного онлайн-опроса мнений и предложений инвесторов, а также потенциальных инвесторов касательно мер, необходимых для улучшения инвестиционного климата в Узбекистане;

5. Совершенствование специализированного интернет-портала об инвестиционной деятельности в Республике Узбекистан и ее регионах, в том числе за счет разработки версий портала с информацией на языках потенциальных иностранных инвесторов.

6. Усиление медиапромоутинга инвестиционного потенциала и инвестиционного климата республики через реализацию информационных компаний с целью формирования адекватного, свободного от стереотипов восприятия страны за рубежом, целенаправленное распространение через торговые представительства страны актуальных информационных и аналитических материалов;

7. Расширение перечня переводимых на иностранные языки для широкого распространения документов и аналитических материалов по вопросам социально-экономического развития страны,

8. Организация регулярного обучения и повышения квалификации кадров в области инвестиционной деятельности и привлечения инвестиций, разработки программных документов (прежде всего, в ведущих зарубежных университетах и бизнес-школах)

9. Обеспечение регулярных встреч зарубежных журналистов с руководителями органов государственной власти, бизнеса, науки и культуры, организаций гражданского общества;

10. Снижение административных барьеров, повышение качества государственного управления и защиту прав собственности.[3]

Список рекомендуемой литературы

1.Указ Президента РУ « О стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы.»- Народное слово, 22.09.2018

2.www.yandex.ru, sputnikru.

3.Стратегия инвестиционной политики Республики Узбекистан до 2025 года. – wwwuza.uz

INVESTISIYANING SAMARADORLIGINI BAHOLASHDA INFLYASIYANING TA'SIRI

Abduxamidov A.Y. *– SamDAQI dosenit, t.f.n.,*
Yaxshiboyev Z.A .*–SamDAQI talabasi*

Annotasiya: Maqolada investisiyaning samaradorligiga inflyasiyaning ta'siri amaliy misollarda yortilgan va tegishli xulosalar qilingan.

Kalit co'zlar: diskont ko'rsatgichi, inflyasiya, boshlang'ich investisiya, kapitalning real qiymati, inflyasiya darajasi, aralash samara, kapitalning keltirilgan qiymati.

Abstract:: в статье освещается влияние инфляции на эффективность инвестиции и делается соответствующие выводы.

Ключевые слова: учетная ставка, инфляция, начальные инвестиции, реальная стоимость капитала, уровень инфляции, смешанный эффект, приведенная стоимость капитала.

Annotation: The article illustrates the impact of inflation on investment efficiency with practical examples and draws appropriate conclusions.

Keywords: discount rate, inflation, initial investment, real value of capital, inflation rate, mixed effect, present value of capital

Mazkur maqolada investisiyalarga inflyasiyaning ta'sirini ikki variantda ko'rib chiqamiz;

• Financial resources (monetary environments), targeted bank deposits, shares, securities);

• Material resources (machinery, equipment);

• Intellectual values (patents, know how, technologies).

In the practice of international economic relationships these resources are divided into portfolio, solid (direct) and soft. Often material and intellectual values act as innovations that is due to the very essence of the latter. It should be noted that the following are found in modern economic literature: approaches to understanding content and substance innovations. Although the interpretation of the concept of "investment" in different authors are different, but their essence is as follows: investments are investments of money means, intellectual property, buildings, structures that are not used by current consumption for incremental purposes them in the future, resulting in economic, social and other effects. All these interpretations of "investment" provide a basis for making the conclusion that these goals can be achieved by investing in innovation, as innovation results in economic, social and other benefits, and not immediately, but after a certain interval time, which is consistent with the notion of "investment," that is, long-term. If we pay attention to the concept of "innovation," we note that many authors, such as L. M. Gohberg, E. A. Utkin, S. I. Abramov and others, imply by this term a result of innovation embodied. In a new or an improved product or object, introduced into production because of scientific research or discovery, qualitatively different from the previous analogue.

In practice, direct and indirect investment takes place. In the first case, the depositor counts on the controlling stake, selects the object to be financed and has the right to influence decisions regarding the development. Indirect investments are investments without the right to manage the company 's budget. In this case, the depositor receives part of the investment portfolio. Directions of investment activity: Ideas in the sphere of enterprise management and organization of labor process.

Improvement of production technologies, invention of efficient equipment. Environmental developments to reduce industrial emissions. Improvement of aesthetic qualities of produced products. Develop ideas that differ dramatically from previously implemented solutions in the field of marketing and strategic business development. Creation of new materials in order to reduce the cost of manufactured products, to give the goods new qualities. Development of new goods.

Thus, the innovative potential of the regional system is seen as aggregate characteristic reflecting the ability of an object to create, implement, and commercializations of innovations. And financial, economic, risk and institutional components are the most important elements of the innovation economy, they are turn innovations into real projects, which ensures technological progress and growth regional competitiveness. The influence of the state on the development of innovative systems is still very great. In all government decisions affecting innovation are planned and implemented at the national level, the State is still the main regulatory and initiating force. State support in this area can take the form of financing of public programs, creation of venture guarantee funds, grant support of innovative industries, public-private partnership. Government assistance to the system of turnover of results of intellectual activity. This involves stimulating patent activity and ensuring consistent protection of intellectual property rights; inventory, valuation, registration of rights and accounting of intellectual activity products on state-owned enterprises, analysis of their use and development of a mechanism uses. This task becomes particularly urgent today - in conditions of dynamic reduction of the list of strategic enterprises and preparation of them for privatization.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Пардаев Ш. Х.- *“Тошкентвинокомбинати” ОАЖ Бош ҳисобчиси, муст. изланувчи*

Аннотация: дунё иқтисодиётидаги глобализация жараёнлари молиявий ҳисоботларни тузиш ва улар аудитини халқаро стандартлар асосида ўтказиш ҳаётий заруриятга айлантирмоқда. Чунки ҳисоботлар ва уни назорат қилиш механизми мамлакатга инвестиция киритган ёки инвестиция киритмоқчи бўлган инвесторга ҳам тушунарли бўлиши зарур. Мақолада автор томонидан молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга ўтказиш бўйича амалга оширилган тадқиқотларни ўрганиб, улар асосида мамлакатимизда уларни халқаро стандартларга ўтиш тўғрисидаги қарашларини баён этган.

Калит сўзлар: глобализация, молиявий ҳисоботлар, инвестиция, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлари, аудит.

Аннотация: процессы глобализации в мировой экономике требуют подготовку и аудит финансовой отчетности в соответствии с международными стандартами. Потому, что отчетность и механизм ее контроля должны быть понятны инвестору и всем пользователям финансового отчета. В статье рассматриваются, проведенные исследования по составления финансовой отчетности по международному стандарту. На основании которых авторпредлагают мнение о вопросах трансформации отчетов на международные стандарт.

Ключевые слова: глобализация, финансовая отчетность, инвестиции, международные стандарты финансовой отчетности, аудит.

Abstract: The processes of globalization in the world economy make it a vital necessity to prepare and audit financial statements in accordance with international standards. Because the reporting and its control mechanism should also be clear to the investor who has invested in the country or intends to invest. The article examines the research conducted by the author on the conversion of financial statements to international standards and its audit, based on which he expressed his views on the transition to international standards in our country.

Keywords: globalization, financial reporting, investment, international standards of financial reporting, audit.

Бозор иқтисодиётида шароитда мулкдор ўз фаолиятини самарали ташкил этиши, уни назорат қилиб бориши ҳамда мулкининг сақланиши тўғрисидаги ахборотларни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизими ёрдамида олади.

Дунё иқтисодий жараёнларида кечаётган глобаллашув XX асрнинг охирларида Ўзбекистон иқтисодиётинига ҳам кириб кела бошлади. Глобаллашув мамлакат иқтисодиётига хориждан инвестициякиритиш имкониятларнинг кенгайтиради. Хорижий инвестеция эвазига капитал билан бирга замонавий технологияларни кириб келиши эвазига сифатли, янги турдаги импорт ўрнини босувчи истеъмол товарларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Мамалакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида хорижий инветицияларнинг жами инветицияларда улушининг ўсиш динамикаси кузатилмоқда (1-расм). 2000 йил якунлари бўйича мамлакат иқтисодиётига киритилган жами инвестицияларнинг 23, 2 фоизи хорижий инвесторларга тааллуқли бўлган. 2019 йил якуни бўйича эса ушбу кўрсаткич миқдори 45,7 фоизни ташкил этган.

Иқтисодиётга киритилаётган хорижий инвестициялар улушининг ўсиб бориши инвесторларнинг амалга оширилаётган ислоҳотларга бўлган ишончини билдиради.

Шу сабабли давлат дастурларида иқтисодиёт тармоқларига замонавий технологиялар жорий этиш, қўшилган қиймати юқори бўлган рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, жойларда янги иш ўринларини яратиш мақсадида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилишни кенгайтириш мақсадлари учун жорий йилда 7,1 АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб этиш назарда тутилган [1].



1.Расм. Ўзбекистон иқтисодиётига 2015-2019 йилларда киритилган жами инвестицияларда хорижий инвестициялар улуши[31].

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан мамлакатимизда 2021 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва топшириш халқаро стандартлар асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилди [2].

Хорижий инвесторлар учун халқаро капитал бозорларининг очиқлик тамойили, глобаллашуви жараёнлари ва ахборотлар билан таъминлашни қуйлайлиги каби омилар молиявий ҳисоботларни тайёрлаш талабларига таъсир қилади. Ушбу зарурият миллий ҳисоб ва ҳисобот тизиминижаҳон ҳамжамиятинингахборотлардан фойдаланувчилари барча тоифалари учун тушунарли бўлган молиявий ҳисоботларни шакллантиришнинг халқаро қоидаларини миллий амалиётга киритишни тақозо этмоқда. Ушбу тартиб-қоидалар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)да белгиланган талаблар ҳисобланади.

Собиқ иттифоқдавлатлари олимлари И.Аверчев [3],Л. Бузартанова [4], М. Вахрушина [5], В.Г. Гетман [6], Т.Ю. Дружиловская [7], С.Л.Ложкина [8], Н.А.Мирославская [9], М.И.Сидорова [10], В.Т.Чой [11], С.Н.Тошназаров [12], А.Авлақулов [13], И.Н.Исманов [14], М.И.Хайитбоев, Ж.М.Исрапилов[15],Н.К.Ризаев [16]лартомониданмолиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш муаммолари кўп йиллардан буён ўрганилиб келинмоқда .

Ушбу тадқиқотларда молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг халқаро тизимида ҳисоботларни тайёрлашга ҳам услубий ёндошувларга, ҳам миллий ва МҲХС қоидалари ўртасидаги мавжуд фарқларга алоҳида эътибор қаратилган.

[31]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти маълумотлари асоси муаллиф томонидан тайёрланди.

Л.И. Куликованинг фикрича, МҲХСга мувофиқ ҳисобот тайёрлаш компанияларнинг капитал бозорларига киришга имконият берадиган муҳим қадамлардан бири ҳисобланади [17].

МҲХС асосида ҳисоботлар тайёрлашнинг афзаллигини капитал таннархинипасайтириш ва халқаро молиявий операцияларни соддалаштириш билан чекламаслик тўғрисидаги фикрлар ҳам мавжуд. Ушбу фикр муаллифиМҲХСни қўллашнинг афзалликларини қуйидаги 4 гуруҳ бўйича ёндошишни таклиф этади:

- *компаниялар манфаати нуқтаи назаридан;*
- *инвесторлар манфаати нуқтаи назаридан;*
- *ҳисоботларни тартибга солувчи органлар манфаати нуқтаи назаридан;*
- *бошқа манфаатдор нуқтаи назаридан [18]*.

Европа комиссиясининг 2015 йилиги ҳисобтида МҲХСни жорий этишнинг ижобий жиҳати эътироф этилиб, “МҲХСлари капитал бозорида бухгалтерия ҳисобининг ягона тилини шакллантирди”, деб эътироф этилганлиги ҳам стандартнинг аҳамияти белгилайди [19].

Худди шунингдек, Корея стандартлар кенгаши “МҲХСни қабул қилиниши миллий компанияларнинг инветиция хавфларини пасайтириш ва хорижий инветицияларни ошишга хизмати қилганлигини” қайд этган[20].

Япония молиявий хизматлар агентлиги ҳисоботларида 2010 йилдан бошлаб МҲХСлари қўллаш ихтиёрий эътиб белгиланган бўлсада, лекин кўпчилик компаниялар МҲХСлари бўйича фаолият юритаётганлигини тўғрисида хабар берган[21].

Ушбу қарашлар таҳлили натижалари бўйича МҲХСларини қўллаш барча иштирокчилар учун капитал бозорида иштирок этишда қулай имкониятлар яратадива мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар оқимини ошишига хизмат қилади, деган хулоса қилиш мумкин.

Фикримизча, МҲХСларни қўллаш аҳамияти қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

- инвесторлар учунмаълумотларни ортиқча харажатларсиз таққослаш асосида тайёрланган молиявийҳисоботни таҳлил қилиш имконияти яратилади;
- фонд биржалари иштирокчиларида барча фойдаланувчилар учун мақбул ва қулай ахборотлардан фойдаланиш ва капитални жалб қилиш имкониятлари пайдо бўлади.

Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга трансформация жараёнида маҳаллий компаниялар дуч келадиган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларга уларни ҳал этиш бўйича маслаҳатлар бериш мақсадида молиявий ҳисоботнинг милий ва халқаро стандартларни таққослаш зарур. Аниқланган муаммоларни бартраф этиш ва маълумотларни халқаро стандартлар асосида тайёрланадиган молиявий ҳисоботларда акс эттириш тўғрисида онлайн ўқув курсларини ташкил этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармони. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2020 йил 9 март, 9-сон, 99-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ №4611-сон қарори. ҚҲТ, 8-сон, 83-модда.

3. И.В. Аверчев. //Краткий обзор новых международных стандартовфинансовой отчетности.Бухгалтерский учет. 2012. № 7. С. 13-14.

4. Л. В. Бузартанова. /Адаптация российской системы бухгалтерского учета кмеждународным стандартам финансовой отчетности: монография. Нальчик, 2008.

5. М.А.Вахрушина. Парадигма бухгалтерского учета и отчетности вусловиях глобальной экономики: проблемы России и пути их решения. Международный бухгалтерский учет. 2014. № 25. С. 38-46.

6. В.Г.Гетьман, С.Н.Гришкина, О.В.Рожкова, И.В.Сафонова. Внедрение МСФО в России: состояние, проблемы и перспективы: монография / В. Г. Гетьман и др. - М.: Финансовый университет, 2014. - 120 с.

7. Э.С. Дружиловская. Системы российских и международных стандартов финансовой отчетности, их современное соотношение и перспективы развития // Международный бухгалтерский учет. 2014. N45.С. 38-56.

8. С.Л.Ложкина. Влияние глобализации на концепции бухгалтерскогоучета. В сборнике: Научно-технический прогресс: актуальные и перспективныенаправления будущего сборник материалов II Международной научнопрактической конференции: в 2-х томах. 2016. С. 373-375.

9. Н.А.Мирославская./Международные стандарты финансовой отчет-ности: проблемы и противоречия: монография.-М.:РУСАЙНС,2015. - 202 с.

10. И.АЛисовская, М.П.Сидорова, Е.В.Чипуренко.МСФО: Анализ мирового опыта глобальной стандартизации учета Международный бухгалтерский учет. 2013. № 40. С. 2-14.

11. В.Т.Чая. Изменения в отчете о прибыли и убытке и прочемсовокупном доходе в соответствии с МСФО 4. Аудит. 2016. № 11. С. 6-9.

12. С.Н.Ташназаров.Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга ўтиш зарурият.//Иқтисод ва молия /Экономика и финансы.2016., №7.

13. А.Авлоқулов. // Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидамолиявий натижалар кўрсаткичларини акс эттиришхусусиятлари. Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. 2017. №2, 1-6 б.

14. И.Н.Исманов.//Бухгалтерия ҳисоби тизимининг молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига трансформациясининг зарурияти.

.//Иқтисод ва молия /Экономика и финансы. 2017, №3. 38-44 б.

15. М.И.Хайитбоев, Ж.М.Исрапилов. // Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида инвестицион кўчмас мулк ҳисобини такомиллаштириш. //Иқтисод ва молия /Экономика и финансы.2016,№3. 80-85 б.

16. Н.К.Ризаев. //Тижорат банкларда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар (МҲХС)га мувофиқлаштириш. //Иқтисод ва молия /Экономика и финансы. 2013, №3.93-101 б.

17. L.I.Kulikova, F.N. Akhmedzyanova, A.V.Ivanovskaya. //Ways of assets value misstatement that companies use when makingfinancial statements. InternationalBusinessManagement. 2016. Т. 10. № 24.С. 5705-5709.

18. О.А.Агеева, К.Е.Фирсова. Проблемы практического применения МСФО в России в сферепризнания выручки.// Актуальные проблемы бухгалтерского учета, анализа, контроля и налогообложения. Материалы I Международной научно-практической конференции. 2017. С. 31-33.

19. https://ec.europa.eu/info/business-economy-euro/company-reporting- and-auditing/company-reporting_en.

20. KASB Korea Accounting Standarts Board. Research Report No.38 IFRS adoption and capital globalization in Korea, May 2016.

21. Financial Services Agency. IFRS Adopting Report. April 15, 2015 [Электронный ресурс] http://www.fsa.go.jp/en/news/2015/20151n3-1/01.pdf.

ПРОБЛЕМЫ КОММЕРЧЕСКОЙ ОЦЕНКИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ

Хамракулова О.Д.- *доцентСамИЭС,*
Алиева С.А. *– студентка СамИЭС*

Анотация: в работе рассмотрены проблемы коммерческой оценки инвестиционных проектов.
Ключевые слова: инвестиционный проект, оценка инвестиционного проекта.
Anotatsiya: ishda investitsiya loyihalarini tijorat baholash muammolari ko‘rib chiqilgan.
Kalitso‘zlar: investitsiyaloyihasi, investitsiyaloyihasinibaholash
Abstract: the paper considers the problems of commercial evaluation of investment projects.
Key words: investment project, investment project evaluation.

На современном этапе развития Узбекистана в рамках модернизации экономики, либерализации рыночных отношений, значительно возрастает роль инвестиций, привлекаемых в экономику страны[1].

В рамках реализуемых и перспективных новых инвестиционных проектов в2019-2025г. предполагается основание нецентрализованных инвестиций в объеме свыше 80млрд. долл., из которых около30% будет профинансировано за счет собственных средств предприятий.

В результате проведения вышеуказанных мер, в период 2019-2025гг. ожидается увеличение доли инвестиций в основной капитал ВВП с 26% до 28%-30%, соответственно. При этом ожидается, что в 2025г.объем

привлеченных прямых иностранных инвестиций составит 6,7 млрд.долл. по сравнению с 1,8млрд. долл. в 2018г [2].

Одним из важнейших факторов обеспечения стабильного роста объема привлекаемых инвестиций, диверсификации их источников и направлений использования является создание необходимой нормативно-правовой базы регулирования различных вопросов инвестиционной деятельности.

В этой связи особое место принадлежит Закону Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности»[3]. Согласно данному законодательному акту, – инвестиционная деятельность представляет собой совокупность действий субъектов инвестиционной деятельности, связанной с осуществлением инвестиций.

Оценка инвестиционного проекта заключается в оценке его эффективности. **Эффективность инвестиционного проекта** — показатель, отражающий соответствие проекта целям и интересам его участников.

С точки зрения законодательства, оценка эффективности инвестиционных проектов не является обязательной, однако каждый инвестор заинтересован в том, чтобы обезопасить себя от потери вложенных средств и получить достаточную для компенсации рисков прибыль.

Оценка инвестиционного проекта сводится в общем случае к построению и исследованию некоторой экономико-математической модели процесса реализации проекта. Необходимость моделирования обусловлена тем, что при оценке инвестиционного проекта сложный и многоплановый процесс его реализации приходится упрощать, отбрасывая малозначащие факторы и акцентируя внимание на более существенных. В результате объектом анализа становится не сам проект, а связанные с ним материальные и денежные потоки. Таким образом, проблема оценки инвестиционного проекта сводится к тому, чтобы «перевести» проектную документацию на язык денежных потоков, а интересы участников проекта отразить в расчетных формулах, позволяющих оценивать денежные потоки относительно этих интересов.

Комплексная оценка инвестиционных проектов предполагает оценку финансовой состоятельности проектов и оценку их экономической эффективности. Таким образом, лицу, принимающему решение о целесообразности осуществления инвестиций, предоставляется вся информация, могущая оказать влияние на принятие этого решения. При этом формы и содержание инвестиционных проектов могут быть самыми разнообразными — от плана строительства нового предприятия до оценки целесообразности приобретения недвижимого имущества.

Коммерческая эффективность инвестиционного проекта определяется соотношением финансовых затрат и результатов, обеспечивающих требуемую норму доходности, и может рассчитываться как для проекта в целом, так и для отдельных его участников согласно их долевому участию в инвестировании проекта.

Определение коммерческой эффективности инвестиционного проекта состоит в определении и анализе потока и сальдо реальных денег на различные периоды его осуществления. При этом рассматриваются и учитываются три вида деятельности инвестора: инвестиционная, операционная и финансовая.

Поток реальных денег — разность между притоком и оттоком денежных средств от инвестиционной и операционной деятельности на рассматриваемый период осуществления инвестиционного проекта.

Сальдо реальных денег — разность между притоком и оттоком денежных средств от всех трех видов деятельности на рассматриваемый период осуществления инвестиционного проекта.

Коммерческая эффективность предполагает, что оценивается точка зрения инициатора проекта строителя на отношение результатов и затрат в ходе реализации проекта. Оценка производится для условий, когда предприятие использует только собственные источники финансирования и становится обладателем всех результатов произведенных инвестиций.

Для расчета коммерческой выгодности применяется типовой CashFlow от операционной деятельности, притоки средств по которому формируются за счет поступлений выручки от реализации продукции и услуг, а также внереализационных доходов. Оттоки отражаются в результате выбытия денежных средств в целях оплаты расходов на производство и сбыт продукции. Денежный поток от инвестиционной деятельности имеет небольшую специфику. Притоки средств, вырученные от реализации активов, включаются в расчет за вычетом налогов (НДС). Оттоки средств в CashFlow от инвестиционной деятельности включают:

вложения в основные средства и другие в необоротные активы, связанные с ИП;

ликвидационные расходы;

инвестиционные вложения средств в ценные бумаги и на банковский депозит;

увеличение оборотного капитала для целей проекта;

компенсация оборотных пассивов (в конце проекта).

Оценка коммерческой эффективности проекта производится на основании следующих основных принципов:

- рассмотрение инвестиционного проекта на протяжении всего его жизненного цикла.
- моделирование денежных потоков.
- принцип обеспечения сопоставимости условий сравнения вариантовинвестиционного проекта.
- предположение положительного и максимально возможного уровня эффекта выбираемого варианта проекта.
- принцип учета временных факторов: динамичности, неравномерности событий, разрыва времени между отгрузкой и оплатой.

• принцип альтернативного сравнения вариантов эффективности («с проектом» и «без проекта»).

• принцип учета всех существенных условий инвестиционного проекта.

•принцип учета интересов разных участников проекта.

•пример оценки коммерческой эффективности инвестиционного проекта.

Достоверность результатов, полученных в результате оценки проекта, в равной степени зависит от полноты и достоверности исходных данных и от корректности методов, использованных при их анализе. Значительную роль в обеспечении адекватной интерпретации результатов расчетов играет также опыт и квалификация экспертов или консультантов.

Оценка коммерческой эффективности проекта производится на основании следующих показателей эффективности:

период окупаемости проекта,

чистый дисконтированный доход,

внутренняя норма рентабельности,

индекс прибыльности.

Оценка коммерческой эффективности требуется инициатору проект строителю для двух целей: уточнить выгодность собственной экономики проекта без влияния внешних источников ресурсов и осуществить на ее основе поиск инвесторов. Если состав источников финансирования полностью определен и сформирован, необходимости в расчете данного вида эффективности нет.

Существует множество различных методов и критериев оценки эффективности инвестиционного проекта, к наиболее распространенным относятся:

- NetPresentValue (NPV) – чистая приведенная стоимость;
- DiscountedPaybackPeriod (DPP) – дисконтированный срок окупаемости;
- Profitability Index (PI) – индексдоходности;
- Internal Rate of Return (IRR) – внутренняянормадоходности;
- ModifiedInternalRateofReturn (MIRR) – модифицированная внутренняя норма доходности;
- DiscountedProfitabilityIndex (DPI) – дисконтированный индекс доходности;
- NetFutureValue (NFV) – чистая будущая стоимость;
- Annuity (AN) – метод аннуитета;
- AnnualizedNetPresentValue (ANPV) – годовая чистая приведенная стоимость;
- ModifiedNetPresentValue (MNPV) – модифицированная приведенная текущая стоимость;
- GrossPresentValue (GPV) – валовая приведенная стоимость.

Для того чтобы правильно выбрать метод оценки эффективности инвестиционно-строительного проекта, необходимо определиться, что лежит в основе принятия инвестиционного решения:

- если приоритетом для инвестора является ликвидность проекта, то основным критерием его эффективности должен быть срок окупаемости (PaybackPeriod, PP);
- если инвестор обладает значительными финансовыми ресурсами, которые позволяют реализовать любой из альтернативных проектов, необходимо ориентироваться на показатель чистого дисконтированного дохода (NetPresentValue, NPV);
- при условии ограниченных ресурсов инвестора приоритетным критерием является внутренняя норма рентабельности (InternalRateofReturn, IRR);
- при наличии нескольких высокорисковых проектов следует отдать предпочтение показателю внутренней нормы доходности;
- при наличии высоких рисков морального устаревания новых технологий и товаров приоритетным является критерий срока окупаемости.

Традиционные методы оценки эффективности инвестиционных проектов в условиях риска и неопределенности ограничены в практической применяемости, подобные методы предполагают неизменность условий реализации проекта, пассивность менеджера и окончательность принятия решения. Другими словами они не учитывают способность менеджера влиять на инвестиционный процесс, возможность подстраиваться под изменяющиеся внешние и внутренние факторы и новые обстоятельства. Именно поэтому в последнее десятилетие появилось множество моделей оценки эффективности, ориентированных на создание стоимости. К наиболее распространённым следует отнести:

1. Экономическая добавленная стоимость (economicvalueadded – EVA) консалтинговой фирмы SternStewar&Co.
2. Денежная добавленная стоимость (cashvalueadded – CVA) Бостонской консалтинговой группы.
3. Рентабельность инвестиций по денежному потоку (cashflowreturnoninvestment – CFROI) оценочной компании HoltValueAssociates.
4. Экономическая прибыль (EconomicProfit – EP) консалтинговой фирмы McKinsey.
5. Денежная рентабельность инвестированного капитала (cashreturnoncapitalinvested – CROCI) банка DeutscheBank AG и др.

Таким образом, использование различных моделей оценки эффективности инвестиционных проектов позволяют поднять эффективность инвестирования в стране.

Список использованной литературы

4. О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г., № УП-4947// Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70, № 20, ст. 354, № 23, ст. 448, № 29, ст. 683, ст. 685, № 34, ст. 874, № 37, ст. 982;

Национальная база данных законодательства, 16.10.2017 г., № 06/17/5204/0114
5. Стратегия инвестиционной политики Республики Узбекистан до 2025 года. www.uza.uz
6. Закон РУз «Об инвестициях инвестиционной деятельности» от 25.12.2019. www.Lex.uz.

ҚУРИЛИШ СОҲАСИ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Иброҳимов Б. Ж.– *“Турон” КТК раҳбари, мустақил изланувчи*

Аннотация. Қурилиш соҳаси бутун дунёда иқтисодиётда муҳим аҳамиятга эга соҳа сифатида доим ўрганилиб борилади. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида соҳанинг улуши йилдан-йилга ўсиб бориши ушбу соҳа корхоналари фаолиятини самарадорлигни оширишни долърб масала сифатида тадқи этишни талаб қилмоқда. Муаллиф соҳа субъектлари фаолияти иқтисодий таҳлил қилишнинг назарий масалаларини ўрганиш асосида унинг таркиби ҳамда элементлари тўғрисида ўз қарашларини баён этган.

Калит сўзлар: қурилиш соҳаси, қурилиш соҳаси субъектлари, қурилиш соҳаси субъектлари фаолияти, самарадорлик, иқтисодий таҳлил, иқтисодий таҳлил таркиби.

Аннотация.Строительная отрасль во всем мире являются важным сектором экономики. Растущая доля отрасли в ВВП страны из-за года в год требует изучения эффективности деятельности предприятий в этой сфере. Автор на основи исследования ученных по теоретическим вопросам экономического анализа деятельности субъектов отрасли предлагают его структуру, а также предлагают организация экономического анализа строительных организации, его состав и элементы.

Ключевые слова: строительная отрасль, субъекты строительной отрасли, деятельность субъектов строительной отрасли, эффективность, экономический анализ, структура экономического анализа.

Annotation. The construction industry is constantly being studied around the world as an important sector in the economy. The growing share of the industry in the country's GDP requires the study of the efficiency of enterprises in this area as a matter of urgency. The author, based on the study of theoretical issues of economic analysis of the activities of the subjects of the industry, expressed his views on its composition and elements.

Keywords: construction industry, construction industry entities, construction industry entities activity, efficiency, economic analysis, economic analysis structure.

Қурилиш соҳаси субъектлари фаолиятини таҳлил қилиш масаласи бугунги кунда ўзиинг долзарблигини янада кучайтирмоқда. Бу масалани назарий жиҳатдан ёритиш ва мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун унинг таркиби ва шаклланиш жараёнини қараб чиқишни тақозо қилади.

Чунки қурилиш ишлари ҳажми ялпи изчи маҳсулот таркибида йилдан йилга йирик улушга эга бўлиб бориши кузатилмоқда. 2019 йил якунлари бўйича мамлакатимизда амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажми 2000 йилга нисбатан 177, 2 баробар, 2015 йилга нисбатан эса 2, 7 баробарга ўсган[32].

[32] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси сайти маълумотлари.

Ҳозирги пайтда иқтисодий таҳлилнинг 3 қисмга бўлиниши хусусида ҳеч қандай мунозарага ўрин қолмади. Мамлакатимиз ва хорижий олимлар И.Т.Абдукаримов [1], М.И.Баканов, А.Д.Шеремет [2], Л.Е.Баевский [3], Г.В.Савицкая [4], Э.А.Акрамов [5], М.Қ.Пардаев [6], А.Ҳ.Шоалимов [7] каби олимлар тадқиқотлари натижасида иқтисодий таҳлил - иқтисодий таҳлил назарияси, бошқарув таҳлили ва молиявий таҳлилга бўлиб ўрганилиши тўғрисида хулосаларга келинган.

Эндиги вазифада иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари таҳлилининг таркибий қисмларини шакллантириш масаласи турибди. Бундан қурилиш соҳаси ҳам мустасно эмас. Биз ҳам юқорида қайд этилган олимлар ишларини ўрганиш натижасида қурилиш соҳаси субъектлари фаолияти иқтисодий таҳлилини ҳам 3 қисмга бўлишни тавсия қиламиз:

- қурилиш соҳаси субъектлари фаолияти иқтисодий таҳлили назарияси;
- қурилиш соҳаси субъектлари фаолиятининг бошқарув таҳлили;
- қурилиш соҳаси субъектлари фаолиятининг молиявий таҳлили.

Навбатдаги муҳим вазифалардан бири, ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, таҳлилнинг ҳар бир қисмига қайси мавзуларни киритиш бўйича таклифларни ишлаб чиқишдир.

Қурилиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти иқтисодий таҳлилда қуйидаги қисмлар ва мавзуларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

1. Қурилиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти **иқтисодий таҳлилнинг назарий асослари** қисмга қуйидагиларни киритишни тавсия қиламиз:

- қурилиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти иқтисодий таҳлилининг мазмуни, предмети, объекти ва вазифалари;
- қурилиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар ва услублар;
- қурилиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти иқтисодий таҳлилининг бошқа фанлар билан алоқалари ва улар ўртасида тутган ўрни.

Иқтисодий таҳлилнинг назарий асослари “Иқтисодий таҳлил назарияси” фанида батафсил қараб чиқилади. Аммо ҳар бир соҳанинг хусусиятидан келиб чиқиб, айрим назарий масалаларни шунга мос равишда ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, қурилиш соҳаси субъектлари фаолияти иқтисодий таҳлилининг мазмуни, предмети, объекти ва вазифалари шу соҳага мос равишда қараб чиқилади. Иқтисодий таҳлилнинг объекти айнан шу соҳада фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектлар бўлиши зарур ҳисобланади.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида бир субъект бир неча фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин. Фаолият турини белгилаш учун қонунчиликда белгиланган меъёрга кўра асосий фаолият сифатида айланма юқори бўлган йўналиш олинади.

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар ва услублар қўллашда умумметодологик жиҳатлари сақланиб қолган ҳолда, мисоллар айнан қурилиш

соҳасидан олинади. Қурилиш соҳасининг иш натижаси - бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми билан белгиланса, савдо фаолиятида товар айланмаси билан, хизмат кўрсатишда кўрсатилган хизмат миқдори билан ўлчанади. Таҳлил усуллари ўрганилаётган паллада айнан шу хусусиятларни инобатга олиш лозим бўлади.

Навбатдаги назарий қисмда кўрилиши лозим бўлган саволлардан бири - қурилиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти иқтисодий таҳлилининг бошқа фанлар билан алоқалари ва улар ўртасида тутган ўрни. Бунда ҳам асосан соҳада ўтиладиган фанларга нисбатан қиёслаш лозим бўлади. Акс ҳолда, соҳанинг таҳлили умумиқтисодий таҳлил фанидан фарқини ажратиш қийин кечади. Ана шу сабабларга биноан қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий таҳлили назариясида айрим назарий масалаларни қараб чиқиш лозим бўлади.

2. Қурилиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти **молиявий таҳлили**нинг таркибига қуйидагиларни киритишни тавсия қиламиз:

– қурилиш соҳаси субъектлари иқтисодий салоҳияти (потенциали) таҳлили;

– қурилиш соҳаси субъектлари моддий техника базаси таҳлили;

– қурилиш соҳаси субъектлари айланма маблағлар таҳлили;

– қурилиш соҳаси субъектлари номоддий активлар таҳлили;

– қурилиш соҳаси субъектлари меҳнат салоҳияти (потенциали) таҳлили;

– қурилиш соҳаси субъектлари молиявий салоҳияти (потенциали) таҳлили;

– қурилиш соҳаси субъектлари ўз маблағлари таҳлили;

– қурилиш соҳаси субъектлари четдан жалб қилинган маблағлари таҳлили;

– қурилиш соҳаси субъектлари ликвидлиги, тўловга қодирлиги ва молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили;

– қурилиш соҳаси субъектлари иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлиги ҳамда рақобатбардошлик кўрсаткичлари таҳлили;

– қурилиш соҳаси субъектлари иш фаоллиги таҳлили;

– қурилиш соҳаси субъектлари бозор фаоллиги таҳлили;

– қурилиш соҳаси субъектлари молиявий натижалар таҳлили;

– қурилиш соҳаси субъектлари фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили.

Бунга қуйидаги назарий асосларни инобатга олиш мумкин, деб ўйлаймиз. Биринчидан, корхонанинг молиявий таҳлили асосан ташқи фойдаланувчиларга қаратилган. Унда молиявий ҳисоботда кўзда тутилган кўрсаткичлар таҳлил қилинади. Шу жиҳатдан, молиявий ҳисоботнинг асосий қисми бухгалтерия баланси ҳисобланади. Таҳлил жараёнида унинг барча кўрсаткичлари ўрганилиши лозим.

Бундан келиб чиқиб, энг аввало, қурилиш соҳаси субъектлари иқтисодий салоҳияти (потенциали)ни таҳлил қилиш лозим, деб ўйлаймиз. Чунки, ҳар бир корхона ўзининг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдалансагина умумий ишлаб чиқаришда катта мувоффақиятларга эришади.

Ҳозиргача иқтисодий адабиётларда активлар таҳлили қараб чиқилмоқда. Аммо М.Қ.Пардаевнинг фикрича ушбу кўрсаткичлар билан чекланиб қолиш, тўлиқ хулоса қилиш учун етарли бўлмайди. Шунинг учун унга меҳнат салоҳиятини ҳам қўшиб ҳисоблаш лозим, деган фикрни таклиф этади. Биз ҳам бу фикрга қўшилган ҳолда қурилиш соҳаси субъектлари фаолияти таҳлилини ҳам худди шундай тарзда амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида қурилиш билан шуғулланувчи субъектлар иш ва бозор фаоллигини таҳлил қилиш натижасида корхонанинг бозордаги фаоллик даражасига баҳо берилади. Чунки, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ҳали бажарилган ишнинг ҳаммаси эмас. Энг муҳими, ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат ўз истеъмолчиларини топган ва сотилган бўлиши лозим. Бунинг учун қурилиш билан шуғулланувчи субъектларнинг иш ва бозор фаоллигини албатта таҳлил қилиш лозимлигини тақозо қилади.

Ҳозирги шароитда қурилиш билан шуғулланувчи субъектлар молиявий натижаларини фодаловчи кўрсаткичлар, хусусан, фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили ҳам соҳада молиявий таҳлилнинг таркибий қисми бўлиб қолиши лозим. Чунки бозор муносабатларидаги ҳар бир фаолият, субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ўзаро манфаатдорлик асосида амалга оширилади. Бу эса ҳар бир хўжалик юритувчи субъектни маълум даражада ўз фойдасига эга бўлиб, тегишли рентабелли даражасига эришмоғи лозимлигини тақозо қилади. Бу масалаларга фақат таҳлил орқали ойдинлик киритиш мумкин.

Юқорида қайд этилган тартибда қурилиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятининг молиявий таҳлилини шакллантириш мумкин бўлади.

Қурилиш билан шуғулланувчи субъектларда моддий-техника базаси самарадорлиги, уни баҳолаш ва таҳлил қилиш бошқарув таҳлили таркибига киритилади. Умумий тарзда молиявий таҳлилда асосий воситалар таҳлилини амалга оширишда ушбу кўрсаткичнинг миқдори пул бирлигида амалга оширилади. Аммо соҳада моддий-техника базаси шаклланишининг роли беқиёс. Ҳозирги шароитда қурилиш билан шуғулланувчи субъектлар тегишли моддий техника базасига эга бўлмаса ёки ундан самарали фойдалана олмаса, курилиш ишларини тендерда кўрсатилган муддатда ва сифатда ўз вақтида бажаришга эришиши жуда қийин кечади. Бундай ҳолат қурилиш билан шуғулланувчи субъектларни инқирозга олиб келиши мумкин. Шу туфайли ушбу масалани ҳам бошқарув таҳлилининг таркибий қисми сифатида тезкор тартибда ўрганишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шуни эътироф этиш жоизки, қурилиш билан шуғулланувчи субъектларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, унда моддий (материал) харажатларининг кўплиги билан характерланади. Бу харажатларни меъёрдаги миқдорни тежаш эвазига эмас, балки ортиқча сарф харажатларга ва нобудгарчиликларга чек қўйиш эвазига камайтириш лозим. Шу туфайли мазкур харажатлар таҳлили, қурилиш соҳасида харажатларни камайтиришда ўта муҳим роль ўйнайди. Масаланинг бу жиҳати ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этиб турган бир паллада янада муҳимдир.

Пандемия оқибатлари ва унинг иқтисодиётга таъсирини юмшатиш чоралари кўрилаётган даврда қурилиш соҳаси субъектларида ҳам бошқарув харажатларини камайтиришга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Умуман иқтисодиётни бошқаришга кетадиган харажатларинг бўлиши муқаррар, аммо уларнинг улуши ва даражаси камайиб бориш тенденциясига эга бўлиши лозим. Бунга ҳам ушбу жараённи чуқур таҳлил қилиш орқали эришиш мумкин. Зеро, бошқарув харажатларининг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилади. Уларнинг таъсирини ўрганиб, тегишли ички имкониятларни ахтариб топиш асосан таҳлил орқали амалга оширилади. Шу туфайли ушбу масала ҳам таҳлилнинг таркибий қисмига айланмоғи лозим.

Бошқарув таҳлилининг муҳим бўлимларидан бири, қурилиш билан шуғулланувчи субъектлар таннархи билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлилидир. Мазкур таҳлилда таннарх умумий ҳажми ва унинг ҳар бир моддалари алоҳида ўрганилади. Бундай таҳлил натижасида таннархнинг ҳолатига ва унинг товар (иш, хизмат) баҳосига таъсири, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигига баҳонинг таъсири каби жиҳатлар ўрганилади. Шу туфайли ушбу бўлим ҳам бошқарув таҳлилининг таркибидан тегишли ўрин олиши лозим. Бундан ташқари ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзига хос баҳо сиёсати мавжуд. Айнан ушбу масаланинг ҳал бўлиши ҳам ушбу кўрсаткичлар таҳлили орқали амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Финансово хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие. 2-е изд. Тамбов. Издательский дом ТГУ, 2008.-667 бет.

2. М.И.Баканов, А.Д.Шеремет Теория экономического анализа. Учебник. . – М.: ИНФРА-М, 2002 –333 бет., Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С., Негашев Е.В. Методика финансового анализа.- М.: ИНФРА-М, 2000 – 208 бет.,

3. Л.Е. Басовский. Теория экономического анализа: учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2001 – 222 бет.

4. Г.В.Савицкая. Анахозяйственной еятельности предприятия. Учеб. пособие.- Минск ООО “Новое знание” 2010 – 688 бет.

5. Э.А. Акрамов. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили.- Т.: Молия, 2003.- 224 бет.,

6. М.К. Пардаев. Иктисодий тахлил назарияси. Дарслик. Самарканд. Зарафшон. 2001.- 272 б. Пардаев М.К., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар

фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Т.: ‘Fan va texnoloqiya’, 2007. – 4,0 б.т. – 64 бет. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. 2003.

7. А.Х. Шоалимов, Ш.А. Тожибоева. Иқтисодий таҳлил назарияси. Т.: ТДИУ, 2004.- 91 бет.

O‘ZBEKISTON TIJORAT BANKLARI INVESTIESIYA STRATEGIYASINI SHAKLLANTIRISH VA UNING IQTISODIY SAMARADORLIGINI BAHOLASH AMALIYOTINI TAKOMILLASHTIRISH

F. A. Zubaydullayev – *SamISI katta o‘qituvchisi i. f. n.,*
A. M. Karimova – *SamISI o‘qituvchisi,*
F.F.Zubaydullayev – *ChEKI "O‘zsavdogarbank" ATBank Samarqand viloyat bo‘limi boshlig‘i o‘rinbosari*

Annotatsya. Ushbu maqolada mustahkam investitsiya strategiyasini ishlab chiqish uchun echimlar ko‘rib chiqilgan. Bank investitsiya strategiyasini yaratish va amalga oshirish jarayonining asosiy bosqichlari taklif etildi. Ma'lumki, yaxshi tuzilgan investitsiya strategiyasi loyiha portfelida muayyan vazifalar uchun jiddiy poydevor qo‘yish, byudjetni qo‘llab-quvvatlash, mablag‘larni jalb qilish va joylashtirish uchun asos yaratish imkonini beradi. Shuningdek, maqolada moliyaviy menejment va tahlilning davlat metodologiyasida mustahkam ilmiy kontseptsiyani yaratishga ijobiy ta'sir ko‘rsatadigan usullar taklif etiladi.

Kalit so‘zlar: investitsiya, investitsiya strategiyasi, bank, tahlil, moliyaviy boshqaruv, rentabellik, kapital qo‘yilmalar

Аннотация. В данной статье рассмотрены решения для развития прочной инвестиционной стратегии. Предложены основные этапы процесса создания и реализации банковской инвестиционной стратегии. Как известно, хорошо структурированная инвестиционная стратегия способствует заложению серьезного фундамента для определенных задач в портфеле проекта, созданию основы для поддержки бюджета, к привлечению средств и их размещению. Также в статье предложены методы, использование которых окажет положительный эффект на создание прочной научной концепции в публичной методологии финансового менеджмента и анализа.

Ключевые слова: инвестиция, инвестиционная стратегия, банк, анализ, финансовый менеджмент, рентабельность, капитальные вложения

Annotation. This article discusses solutions for developing a solid investment strategy. The main stages of the process of creating and implementing a Bank investment strategy are proposed. As you know, a well-structured investment strategy helps to lay a solid Foundation for certain tasks in the project portfolio, create a basis for supporting the budget, attract funds and allocate them. The article also suggests methods that will have a positive effect on creating a solid scientific concept in the public methodology of financial management and analysis.

Keywords: investment, investment strategy, bank, analysis, financial management, profitability, capital investment

O‘zbekiston tijorat banklari rivojlanish muammolari banklar resurs bazasini mustahkamlash va moliyaviy barqarorligiga zamin yaratish uchun investisiya strategiyalari kapital va kredit siyosatlari chambarchas shakllantirilgan bo‘lishini

talab qiladi. Strategik rejalashtirish jarayonida o‘sish, rivojlanish, moliyaviy-strategik tahlil asosida aniqlangan strategik tashabbuslarni bank investisiya strategiyasiga ikkita nuqta e’tiborga olinmagan bo‘lib qoladi:

- strategik investitsiya tahlili natijalari;
- moliya sifatida cheklangan resurslarning hajmi va tuzilishi.

Investisiya strategiyasining mustahkam bo‘lishi uchun bank boshqarish rahbariyati uchun ushbu ikki masala ahamiyatga ega bo‘lishi va hal qilinishi lozim.

Bizning fikrimizcha, bank investisiya strategiyasini yaratish va amalga oshirish jarayonining quyidagi asosiy bosqichlarga ajratish mumkin:

1.Investisiya sohasida strategik tahlilni amalga oshirishda investision jihatlarga nisbatan **SWOT-, PEST-, SNW-, GAP-** tahlillari, shuningdek, portfel elementlari, ekspertlar va ssenariylarni tahlil qilish usullarini qo‘llash;

2.Investision faoliyatning umumiy yo‘nalishlarini belgilash. Uzoq muddatli biznes investisiyalarini rivojlantirish konsepsiyasini shakllantirishda kelajakda taklif qilinayotgan investisiyalar va ulardan keladigan daromadlarning yuqori sifatli algoritmlarini ishlab chiqish;

3.Investisiyalarning strategik rejalashtirish davrini belgilash. Bu xo‘jalik yurituvchi sub`yektning ho‘jalik faoliyati hayotiy aylanish davrining bosqichi tashqi muhit holatiga bog‘liq:

– inqiroz, turg‘unlik (stagnasiya), tiklanish va h.k. Rejalashtirish ufqini tanlashda, joriy investisiya siyosatini ko‘rib chiqib, invastitsiya strategiyasi davrini qisqartirish yoki vaqtida tuzatish siyosatini amalga oshirish qo‘shimcha ravishda muhimdir.

4.Strategik investisiya maqsadlarini aniqlashtirish va sinxronlashtirish. Bir qator strategik tashabbuslar, aksincha, ularning asosiy qismi rivojlanish strategiyasi bilan mos keladi va maqsadlar shakllanadigan vazifa formatiga aylanishi mumkin.

Maqsadlarni sinxronlashtirish ichki va tashqi formatda amalga oshiriladi. Ichki formatda maqsadlar investisiya dasturlari qoidalariga mos kelishi, tashqi muhitining biznes-prognoz parametrlariga muvofiqlashtirishiga asoslanadi.

5.Investisiya faoliyati shakllari va yo‘nalishlarini moliyaviy-analitik asoslash.

6.Investisiya resurslarni jalb qilish strategiyasini shakllantirish. Moliyaviy strategiyani tuzishda olingan asosiy ko‘rsatkichlarga asoslanib, olingan qiymatlar va ustuvorliklar doirasida doimiy investisiya jarayoni ta’minlanishi kerak.

7.Bankning investision siyosatini ishlab chiqish yoki o‘zgartirish.

8.Investisiya risklarini minimallashtirish bo‘yicha rejani identifikatsiyalash (aniqlash), baholash va rivojlantirish. Kengaytirilgan xronologiyada uni amalga oshirish davrlari bo‘yicha **investisiya strategiyasi**ni oldindan rejalashtirish.

9.Shakllangan investisiya strategiyaning samaradorligini baholash. Investisiya yo‘nalishdagi bankning loyiha portfeli va moliyaviy qo‘yilmalar yig`indisi bankning moliyaviy siyosati va strategiyasi investisiya jarayonining amalga oshirilishi ko‘p hollarda bir moliyaviy yilga to‘g‘ri kelmaydi. Shuning uchun bunday

faoliyatning **investisiya strategiyaning** uzoq muddatli xarakterini alohida hujjatda taqsimlash yo‘li bilan belgilab qo‘yish lozim.

Loyiha portfelidagi muayyan vazifalar uchun jiddiy poydevor qo‘yilishi, byudjetni qo‘llab-quvvatlash uchun asos yaratilishi, pul mablag‘larini jalb qilish va ularni joylashtirish jarayonini yaxshi tuzilgan investisiya strategiyasini belgilaydi. Bu bank korporativ boshqaruvi, uning muassislari va loyiha menejerlariga biznesni rivojlantirish va transformasiyasining strategik timsolini qanday qilib o‘zlashtirishi mumkinligini aniq anglatadi.

Shu sohada investisiyalar samaradorligi mezonlari, ko‘rsatkichlari va indikatorlarini belgilash va hisoblash usullari muhim rol yo‘ynaidi. Banklar moliyaviy va investitsiya strategiyalar indikatorlarning konseptual tarkibi murakkabligi bilan ajralib turadi. Uning uchun, tashqi nazoratda bankning moliyaviy investisiya ko‘rsatkichlari majmui tarkibi aniqlanishni lozim.

Buning sababi, O‘zbekiston tijorat banklari G‘arbda moliyaviy boshqaruv maktabini o‘tgan bo‘lsalar ham, har doim ko‘rsatkichlarning yaxshi namunalari bilan boshqarishni tashkil etolmaydilar. Mamlakatimizda moliyaviy menejment va tahlilning ommaviy metodologiyasida mustahkam ilmiy konsepsiya paydo bo‘lmaguncha qadar, bank boshqaruvlari qiyinchiliklarni ko‘radi.

Bizning fikrimiz, ko‘p hollarda hozirgi paytda ro‘y berayotgan toifadagi notekis tasniflarning aksini kuzatish uchun quyidagi ko‘rsatkichlar bo‘lishi lozim:

- ***ROI (at Return on investment*** - investisiyalardan olinadigan daromad) investisiyalarning qaytarilishi indikatori - *investisiyalar samaradorligi ko‘rsatgichi:*

ROI = FOYDA/INVESTITSIYALAR

Foyda tushumi asosida ko‘rib chiqilgan va investisiyalar - amalga oshirilgan investisiyaning qiymatiga qarash lozim. ROI investisiya loyihasi va bankning barcha investitsya faoliyatining asosiy iqtisodiy mazmuni va investisiyalarning qaytalirishi, unumdorligi va rentabelligi o‘lchovidir.

Ushbu nisbiy ko‘rsatkich daromadlilik mezonlari guruhiga kiradi va oshirilgan kapital qo‘yilmalarning foidadagi ulushini o‘lchash imkonini beradi. ROI hozirda amalda qo‘llashni boshlaganda birlashtirilgan usuldan foydalanishni taklif qilamiz.

Ko‘rsatkichni hisoblash uchun bazani qabul qilish uchun biznes-voqealarni hisobga olish usuli muhim hisoblanadi: hisoblash yoki pul oqimi usullarini taklif qilamiz. ROI formulasining ikkala numeratori va mezoni ham usul va tabiat jihatidan mutanosib bo‘lishi kerak.

Hozirgi kunga qadar mamlakatimizda moliyaviy-strategik tahlil qilish imkoniyatlari juda kam. Buning sabablaridan biri **ROI**ni rivojlantirish bo‘yicha metodik g‘oyalar timsoli bo‘lgan **ROIC, ROACE** kabi ko‘rsatkichlarning etishmasligidir. Tabiiyki, strategik investision rejalashtirish uzoq vaqtni anglatadi.

- **ROIC *indikatori (Return On Invested Capital)*** investisiyalardan olinadigan daromadni rivojlantirish ko‘rinishida talqin qilingan, ya’ni investision kapitalning daromadliligini ko‘rsatadi**:**

ROIC = NOPAT/ (UZOQ MUDDATLI KREDITLAR+O‘Z KAPITAL) X 100%

ROIC = SOF OPERASION FOYDA/ INVESTISION KAPITAL

ROIC =NOPLAT / INVESTIRLANGAN KAPITAL X 100 %

Bu yerda:

NOPAT (*Net Operating Profit After Tax*) - soliqlarsiz xisoblangan sof operasion foyda.

NOPLAT (*Net Operating Profit (Loss) After Tax* - sof operasion foyda, soliqlarsiz, yani to‘lash va oladigan foizlarsiz keyin foyda.

NOPLAT (Net Operating Profits less Adjusted Taxes) =
EBIAT (Earning before Interested after Tax)

- **AVERAGE CE (*Capital Employed*)** - bu indikator bank o‘z kapital va qu’shimcha sof qarz **(*Net Debt*)** va bo‘sh ekvivalentlardan tozalangan tenglikni **DT (DC)**ni aslida anglatadi va foyda olish maqsadida jalb qilingan o‘rtacha sarmoyani ko‘rsatadi. Hisob-kitoblar mukammal emas, biroq ularning daromadlardagi ishtirokini hisobga olmasak, to‘g‘ridan-to‘g‘ri uzoq muddatli kreditlarni to‘g‘ridan-to‘g‘ri qo‘shib qo‘yish yaxshiroqdir.

AVERAGE CE - Avarage Capital Employed (Net Dedt + Equity) =
(Noncurrent Dedt + Current Debt) – Cash&Cash Equivalents + Equity)

- **ROACE (*Return on Average Capital Employed*)** indikatorini hisoblash usulini keltiramiz. Moliyaviy va investitsiya strategiyani ishlab chiqishda foydalaniladigan asosiy ko‘rsatkichlar va uning ishlashini dinamik tizimlarning moliyaviy-iqtisodiy tahlil qilish, hisob-kitob qilish usullari asosida amalga oshiriladi. Investisiyalarning rentabelligi asosan hisoblash uslubini ishlatadigan ko‘rsatkich bo‘lib, korporativ darajadagi investisiya qarorlarini baholash va mahalliy investisiya loyihasi darajasini baholash uchun parametr bo‘lib xizmat qiladi.

ROACE = SOF OPERASION FOYDA/ O‘RTA INVESTISION KAPITAL

ROACE investisiyalarning rentabelligining ko‘rsatkichi sifatida bunday qidirishning muayyan bosqichini yakunlaganini va bu ko‘rsatkich abbreviaturasini ta’kidlashimiz lozim:

- **Return on Average Capital Employed –** o‘rta jalb qilingan sarmoyaning daromadliligi.
- **Return on Average Capital Employed after Tax –** o‘rta jalb qilingan sarmoyaning soliqlarsiz daromadliligi.
- **Return on Average Capital Employed Invested –** investisiyalar xisobiga o‘rta jalb qilingan sarmoyaning daromadliligi.

ROACE (*RoaCE*) - o‘rta ishlatilayotgan sarmoya rentabelligi, o‘rta sarmoya qo‘yilmalari daromadi, o‘rta ishlatilayotgan sarmoyadan daromad. Bu o‘z-o‘zini hurmat qiladigan kompaniyaning yuqori menejmenti uchun jiddiy **KRI**lar majmuasiga kiritilgan juda kuchli strategik ko‘rsatkich.

ROACE hisoblash formulasi yuqorida bayon qilingan nuanslarni hisobga olgan holda quyidagicha:

ROACE = NOPAT/ AVERAGE CE x 100 %

ROACE indikatori naqd pul oqimining usulidan foydalanmaydi, u **NOPAT** yoki **NOPLAT** raqamlarida ma’lum bir daromad turiga tayanadi va foyda olish uchun ishlatiladigan maxsus kapital kategoriyasining o‘rtacha qiymati - banklar sarmoya bandligini anglatadi.

ROACE menejment qarorlarini qabul qilish va turli lavozim rahbarlari, jumladan loyiha kuratorlari va personal menejerlarning rag‘batlantirish tizimini yaratish uchun juda foydali. Berilgan uslubiyat investision sohadagi moliya va analitik amaliyotning umumiy professional rasmini sezilarli darajada aniqlaydi.

Rentabellik boshqa bir qator iqtisodiy kategoriyalarda faoliyat yuritadi va **ROACE**ni daromad va zararlar bayonnomasi va balansining pozisiyasini hisoblash uchun boshqa yondashuvi - investisiyalarning iqtisodiy samaradorligini baholashning bir qator standart analitik toifalarida bir-biridan farq qiladigan ko‘rsatkichlariga bo‘linadi.

Bank barcha aktivlari va majburiyatlari ichida foyda ko‘rinmaydi, shuning uchun biz daromadga yo‘naltirilgan strategik yo‘lni ajratishimiz va bank balansiga ko‘ra foida qiymatini hisoblab chiqishimiz mumkin.

Shunday qilib, investisiyalarni qaytarish investision loyihaning ishlash ko‘rsatkichlarini tanlash va baholash jarayonida qo‘llanilishi mumkinligini anglatadi. Investisiyalar rentabelligi investision loyihalar samaradorligi ko‘rsatkichlari qatoriga kiradi va tanlash, baholash proseduralarida ishlatilishi mumkin. Investisiyalar mablag‘larining oqimi faqat sarmoyalarni yaratishini ta’minlash uchun bo‘lishi kerak.

III – ШЎЪБА. И НВЕСТИЦИОН-ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УМУМИҚТИСОДИЙ ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАРИ

INVESTITSION MUHIT JOZIBADORLIGINI OSHIRISH ASOSIDA IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH YO‘NALISHLARI

Maxmudov N. M. *– ToshDIU professori,*
Avazov N. R. *– ToshDIU talabasi*

Annotatsiya: Mazkur maqolada O‘zbekistonda investitsion muhit jozibadorligini oshirish yo‘nalishlari tahlil qilingan. Maqolada shuningdek hozirgi kunda O‘zbekistonda shakllangan investitsion muhit, iqtisodiyotda investitsiyalar salmog‘i va investitsion muhitga ta’sir qiluvchi omillar ko‘rib chiqilgan. Bundan tashqari maqolada O‘zbekistonda investitsion muhit jozibadorligini oshirishga qaratilgan takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlari: investitsiyalar, investitsion muhit, investitsion jozibadorlik, iqtisodiy o‘sish, makroiqtisodiy barqarorlik.

Аннотация: В данной статье анализируются способы повышения привлекательности инвестиционного климата в Узбекистане. В статье также обсуждается текущий инвестиционный климат в Узбекистане, доля инвестиций в экономику и факторы, влияющие на инвестиционный климат. В статье также содержатся предложения по повышению привлекательности инвестиционного климата в Узбекистане.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционный климат, инвестиционная привлекательность, экономический рост, макроэкономическая стабильность.

Annotation: This article analyzes the ways to increase the attractiveness of the investment climate in Uzbekistan. The article also discusses the current investment climate in Uzbekistan, the share of investments in the economy and the factors affecting the investment climate. The article also contains proposals to increase the attractiveness of the investment climate in Uzbekistan.

Key words: investment, investment climate, investment attractiveness, economic growth, macroeconomic stability.

O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasiga muvofiq hozirgi kunda O‘zbekistonda iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirishga yo‘naltirilgan makroiqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash va yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlarini saqlab qolish, milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish, qishloq xo‘jaligini modernizatsiya qilish va jadal rivojlantirish, iqtisodiyotda davlat ishtirokini kamaytirish bo‘yicha institutsional va tarkibiy islohotlarni davom ettirish, xususiy mulk huquqini himoya qilish va uning ustuvor mavqeini yanada kuchaytirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivojini rag‘batlantirish, hududlar, tuman va shaharlarni kompleks va mutanosib holda ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiy ettirish, investitsiyaviy muhitni yaxshilash orqali mamlakat iqtisodiyoti tarmoqlari va hududlariga xorijiy sarmoyalarni faol jalb etishga qaratilgan islohotlar jadal amalga oshirilmoqda. Natajida O‘zbekiston iqtisodiyoti barqaror tarza rivojlanib bormoqda.

Iqtisodiyotni rivojlantiruvchi asosiy va eng muhim omillardan biri bu investitsiyalardir. “Xorijiy to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar globallashuvning asosiy

drayveri va hozirgi global iqtisodiyotda eng muhim rolni o‘ynaydi. U mamlakatlarning ishlab chiqarish jarayonini qo‘shimcha kapital bilan ta’minlaydi va iqtisodiy o‘sish darajasini oshiradi”[33].

Investitsion muhitni yaxshilash asosida iqtisodiyotni rivojlantirishga qaratilgan quyidagi ustuvor yo‘nalishlar Harakatlar strategiyasida belgilab olingan:

xalqaro iqtisodiy hamkorlikni yanada rivojlantirish, jumladan, etakchi xalqaro va xorijiy moliyaviy institutlar bilan aloqalarni kengaytirish, puxta o‘ylangan tashqi qarzlar siyosatini amalga oshirishni davom ettirish, jalb qilingan xorijiy investitsiya va kreditlardan samarali foydalanish;

investitsiya muhitini takomillashtirish, mamlakat iqtisodiyoti tarmoqlari va hududlariga xorijiy, eng avvalo, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni faol jalb qilish[34].

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda aytish mumkin-ki, hozirgi kunda O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishda investitsiyalarning ahamiyati kattadir. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi shuni ko‘rsatadi-ki, bir yilda 6 % dan ortiq iqtisodiy o‘sishni ta’minlash uchun milliy jamg‘armalar YaIMning kamida 25 % ni, investitsiyalar esa 30 % ni tashkil etishi kerak[35]. Bundan kelib chiqadi-ki, hozirgi kunda O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirish uchun iqtisodiyotga investitsiyalarni faol jalb qilish muhim hisoblanadi.

Investitsiyalarning iqtisodiyotga kirib kelishi hamda undagi salmog‘ini oshirish eng birinchi navbatda mamlakatda shakllangan investitsion muhitga bog‘liqdir. Investitsion muhit investorlar uchun qanchalik qulay shakllantirilgan bo‘lsa, bu mamlakatda ham ichki ham tashqi investitsiyalarning iqtisodiyotga kirib kelish hajmi shunchalik yuqori bo‘ladi. Umuman olganda investitsion muhitga quyidagicha ta’rif berish mumkin:

Investitsion iqlim – ichki va tashqi investitsiyalarning kirib kelishiga ta’sir ko‘rsatadigan yalpi iqtisodiy, siyosiy, moliyaviy sharoitdir[36].

Mamlakatda shakllangan investitsion muhit investorlar uchun qanchalik qulay bo‘lsa, investorlarning bu mamlakat iqtisodiyotiga investitsiya kiritishga bo‘lgan xohishi shunchalik yuqori bo‘ladi. O‘z navbatida investitsion muhitga bir qancha omillar ta’sir ko‘rsatadi va bu omillar qatoriga quyidagilarni kiritish mumkin: siyosiy omillar, iqtisodiy omillar, ijtimoiy omillar va huquqiy omillardir. Siyosiy omillarga bu mamlakatdagi siyosiy vaziyat hamda bu investorlarga qanday ta’sir etishi mumkinligi bo‘lsa, iqtisodiy omillar esa bu mamlkatdagi iqtisodiy vaziyat investitsiyalarga qanday ta’siri borligini ko‘rsatadi ya’ni inflatsiya darajasi, ishsizlik, mehnat bozori holati, foiz stavkasi, soliqlar va boshqa. Ijtimoiy omillar bu ko‘proq aholining investitsiyalarga hamda investorlarga bo‘lgan munosabati yoki qarashi sifatida ta’riflasa bo‘ladi va eng so‘nggi omil ya’ni huquqiy omillar bu mamlakatdagi

[33] Hui-Ching Hsieh, Sofia Boarelli, Thi Huyen Chi Vu. “The effects of economic policy uncertainty on outward foreign direct investment”. International Review of Economics and Finance 64 (2019) 377–392. journal homepage: www.elsevier.com/locate/iref

[34] “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli farmoni. https://lex.uz/docs/-3107036

[35] N.G‘.Karimov, R.X.Xojimatov. – “Investitsiya” . O‘quv qo‘llanma- T.:Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2019. −B. 39.

[36] Mustafakulov Sh.I., “Investitsion muhit jozibadorligi: nazariya, metodologiya va amaliyot”. Monografiya – T.: “Ma’naviyat” O‘zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi. 2017-y. 18 bet.

huquqiy baza tushiniladi hamda undagi investorlarning huquq va majburiyatlarini o‘z ichiga oladi. Investitsion muhitning investorlar uchun qanday holatdaligi investitsion muhit jozibadorligi bilan aniqlanadi.

Mamlakatning investitsion jozibadorligi – hududga sarmoyaning kirib kelishini belgilovchi va investitsiya faolligi bilan baholanadigan obyektiv iqtisodiy, ijtimoiy va tabiiy belgilar, vositalar, imkoniyatlar va cheklovlarning yig‘indisidir[37].

Mamlakat investitsion jozibadorligi yuqori bo‘lishi mamlakat iqtisodiyotiga investitsiyalarning kirib kelishini hajmi oshishini kafolatlaydi.

Mamlakatda qulay investitsion muhitni shakllantirishga qaratilgan islohatlar natijasida iqtisodiyotga kirib kelayotgan investitsiyalar hajmi oshib bormoqda (1-rasm).

2016-2019 yillarda asosiy kapitalga investitsiyalar

(mlrd. so‘m)



1-rasm.*2016-2019 yillarda asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalar hajmi (mlrd. so‘m)*[38]

2016-2019 yillar oralig‘ida asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalar staristikasiga e’tibor qaratilsa, unda quydagi holatni kuzatish mumkin: qulay investitsion muhitni shakllantirishga qaratilgan islohatlar natijasida asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalar hajmi oshib bormoqda. 2016-yilda asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalar hajmi 19963,2 mlrd. so‘mni, 2017-yilda 60719,2 mlrd. so‘mni, 2018-yilda 107333 mlrd. so‘mni hamda 2019-yilda 189924,3 mlrd. so‘mni tashkil qilgan. 2019-yilda 189,9 trln. so‘m (dollar ekvivalentda 21,5 mlrd. AQSh doll.) yoki 2018-yilga nisbatan 133,9 % asosiy kapitalga investitsiyalar o‘zlashtirilgan.

2019-yilda YaIMga nisbatan asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalar 37,1 % ni tashkil etib, 2018-yildagi ko‘rsatkichga nisbatan 6,5 % punktga ko‘paygan. Mazkur ko‘rsatkich 2017-yilda – 23,9 % ni hamda 2018-yilda – 30,6 % ni tashkil etgan.

Asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalarning yuqori o‘sish sur’atlariga erishilishida to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiya va kreditlarning yuqori o‘sish sur’atlari asosiy omil bo‘lgan. Ular 2018-yilga nisbatan 3,9 martaga o‘sib, jami

[37] Mustafakulov Sh.I., “Investitsion muhit jozibadorligi: nazariya, metodologiya va amaliyot”. Monografiya – T.: “Ma’naviyat” O‘zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi. 2017-y. 23-bet.

[38] www.stat.uz O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi rasmiy sayti ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalar hajmining – 31,0 % ini, shundan, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarning 19,6 % (yoki 3,6 marta o‘sishni) tashkil qilgan.

Yuqoridagi statistik ma’lumotlar asosida O‘zbekiston iqtisodiyotida investitisiyalar salmog‘i oshib borayotganligini kuzatish mumkin. Bu esa sohada olib borilayotgan islohatlar natijasidan darak bermoqda. Bundan tashqari bu ma’lumotlar asosida mamlakat investitsion jozibadorligi oshib borayotganligini kuzatish mumkin.

O‘zbekistonda investitsion jozibadorlikni oshirishga qaratilgan quyidagi takliflarni amaliyotga tadbiq etish maqsadga muvofiq hisoblanadi:

– respublika iqtisodiyotiga bevosita kapital mablag‘larni keng jalb qilishni ta’minlaydigan huquqiy, ijtimoiy- iqtisodiy va boshqa shart-sharoitlarni muntazam takomillashtirish;

– respublikamizga jahon darajasidagi texnologiyani yetkazib berayotgan, iqtisodiyotning zamonaviy tarkibini vujudga keltirishga ko‘maklashayotgan xorijiy sarmoyadorlarga imtiyoz va preferensiyalarni taqdim etish tizimini takomillashtirish;

– investorlarga qulay investitsion muhitni yaratib berishga qaratilgan chora-tadbirlarni yanada kuchaytirish hamda xorijiy investitsiyalarni respublika iqtisodiyotiga kirib kelish hajmini yanada ko‘paytirish;

– mamlakatda porfel investitsiyalar hajmiga eng katta ta’sir ko‘rsatuvchi omil bu – moliya bozori holatidir. Shundan kelib chiqqan holda, O‘zbekistonda ham moliya bozorini holatini tahlil qilish hamda moliya bozorini yaxshilash choralarini ko‘rish.

Xulosa o‘rnida aytish mumkin-ki, investitsiyalarni iqtisodiyotni rivojlantirishning asosiy manbasi sifatida qarash mumkin. Iqtisodiyotda investitsiyalarning hajmi oshishi asosida iqtisodiyot ham jadal rivojlanib boradi. Investitsiyalarning oshishi mamlakatda shakllangan investitsion muhitga bog‘liqdir. Mamlakatda shakllangan investitsion muhit investorlar uchun qanchalik qulay bo‘lsa, bu mamlakat iqtisodiyotiga investitsiya kirituvchi investorlar ko‘payadi va shunga bog‘liq tarzda investitsiyalar hajmi ham oshib boradi. Qulay investitsion muhit aniqlashda mamlakat investitsion jazibadorligi asos sifatida qaraladi hamda bu tushunchalar bir-biriga bog‘liq va bir-biriga yaqindir. Mamlakat investitsion muhiti jozibadorligini oshirish asosida qulay investitsion muhit shakllanib boradi. O‘zbekistonda qulay investitsion muhitni shakllantirishga qaratilgan islohatlar natijasida iqtisodiyotda investitsiyalar hajmi oshib bormoqda. Bu esa o‘z navbatida jadal iqtisodiy o‘sishga, makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlanishiga hamda iqtisodiyotning rivojlanishiga olib kelmoqda. Bu esa ko‘p jihatdan investitsiyalarning samaradorligini ko‘rsatadi. Shunday ekan iqtisodiyotda investitsiyalarni ahamiyati katta hisoblanadi. Buning asosida esa mamlakat investitsion muhiti jozibadorligini oshirish masalasi bugungi kunning eng dolzarb masalasi hisoblanadi.

ВЕНЧУР КАПИТАЛИ – ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ МАНБАИ СИФАТИДА

Арабов Н. У. *– СамДУ профессори,*
Бобоқулов Б.Ш. *– СамДУ магистранти*

Аннотация: мақолада инновацион фаолиятни ривожлантиришда венчур (катта таваккалчиликка эга бўлган) капиталнинг ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилиши билан бирга унинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: венчур капитал, рискли капитал, инновацион корхоналар, венчур капитали фонди, венчур фонди, венчурли бизнес.

Аннотация: в статье освещается роль и значение венчурного капитала в развитии инновационной деятельности, а также его особенности.

Ключевые слова: венчурный капитал, венчурный капитал, инновационные предприятия, венчурный фонд, венчурный фонд, венчурный бизнес.

Abstract: the article highlights the role and importance of venture capital in the development of innovative activity, as well as its features.

Keywords: venture capital, innovative enterprises, venture capital fund, venture capital fund, venture business.

Бугунги кунда тараққиёт, туб таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим шарти инвестиция жараёнлари билан боғлиқ экани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Фақат иқтисодиётда инвестиция киритиш жараёни узлуксиз давом этаётган соҳалардагина барқарор иқтисодий юксалиш, иқтисодиётнинг диверсификация қилиниши ва технологик салоҳиятнинг ўсиши кузатилмоқда. Ва аксинча, инвестиция ҳажми камайганда иқтисодий ўсишнинг барча кўрсаткичлари пасайиб, саноат ва бошқа тармоқларда орқага кетиш бошланади.

Иқтисодиётни инновацион ривожланишининг ҳозирги босқичида мамлакатимизда инновацион фаолият ривожланишини жадаллаштирувчи омил сифатида венчурли бизнесдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланиб, унинг таркибига венчур фондлари, венчур капитали эгалари жамияти, венчур фаолияти билан шуғулланувчи йирик компаниялар кириши мумкин.

Ҳозирги вақтда инновация фаолиятини молиялаштириш мақсадида фойдаланиладиган маблағларнинг асосий манбаи сифатида: маҳаллий ва республика миқёсида ажратиладиган бюджет маблағлари; инновацион корхоналар (ИК) томонидан шакллантирилган махсус нобюджет ИТТКИни молиялаштириш фондлари маблағлари; корхоналарнинг шахсий маблағлари; турли турдаги тижорат тузилмалари (инвестиция компаниялари, тижорат банклари, суғурта жамиятлари, молия-санот гуруҳлари)нинг молиявий ресурслари; тижорат бакларининг кредит ресурслари; хорижий инвестициялар;

миллий ва хорижий илмий фондларнинг маблағлари; аҳолининг шахсий жамғармалари хизмат қилиши мумкин[39].

Инновацион иқтисодиёт шароитида корхоналарни инвестиция маблағлари билан таъминлашнинг ўзига хос тажрибаси, яъни 1990-йилларда Буюк Британия иқтисодиётида меҳнат бозоридаги эгилувчан иш билан бандлик ҳолатига корхоналарда инсон ресурсларини бошқаришга йўналтирилган инвестициялар билан инновациялар ўртасидаги боғлиқлиқ Ж.Микий ва М.Шийханнинг ишларида таҳлил этилган[40].

Венчур капитали фондларининг юзага келиши, венчурли инвестициялаш жараёни таҳлили, венчур капиталида ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари, венчур капиталини инвестициялаш босқичлари ва венчур капиталининг инновацион фаолият жадаллашувига таъсири каби масалалар Масачусетс Технологиялар институти олимлари П.Гомперс ва Ж.Лернерларнинг ишларида атрофлича кўриб чиқилган[41].

Янги ташкил этилаётган инновацион корхоналар фаолиятини ривожланишида венчур капиталининг роли ва аҳамияти, Селикон водийсида ташкил этилган корхоналарни молиялаштиришда венчур капиталидан фойдаланишнинг тажрибаси ва венчур капиталини инвестициялашнинг анъанавий шаклларидан ажратиб турувчи хусусиятлари Т.Хеллман ва М.Пуриларнинг ишларида атрофлича қараб чиқилган[42].

Янги ишланмани вужудга келиши учун яратувчан, қизиқарли ва ижодкор ғоянинг ўзи етарли бўлмасдан, балки уни амалга ошириш учун муайян вақт ҳам талаб этилади. Барча яратилаётган янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш давригача етиб келмаслигининг бир қанча сабаблари мавжуд бўлиб, бунда ушбу жараённи ташкил этиш бўйича малака ва билимларнинг етарли эмаслиги, молиявий манбалар билан узлуксиз таъминлаш борасида муаммоларнинг юзага келиши кабилар нисбатан кўп учрайдиган сабаблар сифатида келтирилади. Инновацион жараён кўп сонли мутахассисларнинг меҳнатини ва ҳаракатлар-ини бирлаштирувчи жараён бўлиши билан бирга, ушбу мутахассислар жамоасини биргаликдаги фаолиятининг бутун даври давомида (ғоянинг вужудга келишидан то янги маҳсулотнинг оммавий ишлаб чиқариш босқичи-гача) молиявий ва моддий ресурслар билан таъминлашни талаб этади.

Венчурли бизнес бу инвестициялаш жараёнининг ўзига хос шакли бўлиб, бунда молиявий маблағлар жадал ривожланиш салоҳиятига эга корхоналарнинг

---

[39]Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш / ЎзФА, Иқтисодиёт ин-ти; А.Ф.Расулевнинг таҳрири остида. – Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011. – 408 б.

[40]Michie J., Sheehan M. HRM practices, R&D expenditure and innovative investment: evidence from the UK's 1990 workplace industrial relations survey (WIRS). Oxford Academic. Industrial and Corporate Change (1999) 8 (2): 211-234. https://doi.org/10.1093/icc/8.2.211

[41] Gompers P., Lerner J. The Venture Capital Cycle. Massachusetts Institute of Technology. 2004. – P. 555.

[42] Thomas Hellmann, Manju Puri Venture Capital and the Professionalization of Start-Up Firms: Empirical Evidence. The Journal of The American Finance Association. February 2002. http://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1111/1540-6261.00419/full

қимматли қоғозларига капитал киритиш кўринишида молиялаштирилади. Бизнеснинг бу тури илм-фан ва юқори технологиялар соҳаларида илмий тадқиқот натижаларини молиялаштиришга нисбатан кўпроқ мос келади. Бироқ ушбу тадқиқот натижаларини ижобий бўлиши кафолатланмаганлиги юқори таваккалчилик мавжуд бўлишини тақозо этади. Венчур капиталидан фойдаланиб инвестиция фаолиятини амалга ошириш асосан кичик ва ўрта корхоналар тизимида кенг тарқалган бўлиб, ушбу фаолият янги ишланмалар, технологиялар ва товарлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицияларни қамраб олади. Инновацияларнинг ўзига хос жиҳати сифатида турли даражалардаги таваккалчиликлар билан боғлиқ бўлиши венчур капиталидан фойдалиниш заруратини тақозо этади. Хориж тажрибасидан маълумки, венчур бизнеси соҳасида фаолият юритувчи корхоналар ўз инвестиция маблағларини асосан акционерлик компаниялари-нинг қимматли қоғозларига киритишга ҳаракат қилишади. Инвестиция маблағлари тижорат кредити кўринишида 7 йилгача бўлган муддатга тақдим этилади. Бундан ташқари, венчурли инвестициялаш аралаш шаклда ҳам амалга оширилиши мумкин бўлиб, бунда инвестиция маблағларининг бир қисми акционерлик капиталига киритилади, қолган қисми эса инвестиция кредити сифатида тақдим этилади[43].

Венчурли бизнес бу тўғридан-тўғри инвестициялаш тармоғининг акционерлик капиталига йўналтирилган қисми бўлиб ҳисобланади. Венчурли капиталга яқин бўлган яна бир молиялаштириш манбаи сифатида рискли капитални келтириб ўтиш мумкин. Рискли капитал деб инновацион корхоналар вужудга келиши ва фаолият юритишининг дастлабки даврида, яъни янги ғояларнинг пайдо бўлишидан то ижобий натижалар олиниб, янги маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган даврда ушбу корхонани молиявий қўллаб-қувватлашнинг ягона манбаи сифатида намоён бўладиган капиталга айтилади.

Венчурли капиталнинг асосий мақсади бўлиб, инвестиция киритиш натижасида етарлича юқори фойда олиш ҳисобланади. Бунда инвестор аввал киритган инвестиция маблағлари ёрдамида ижобий ривожланишни таъминлай олган корхонанинг активларидаги ўзининг улушини шу соҳада фаолият юритадиган бирор бир йирик компанияга сотиш орқали ўз фойдасини олади.

Венчурли бизнесда дастлабки босқичларданоқ юқори таваккалчилик хатари мавжуд бўлиб, инвестициялаштирилган жараёнларнинг якуний натижалари реализация қилингандан кейин ижобий самарага эришилмаса молиялаштирилган маблағлардан ажралиб қолиш ҳолати кузатилиши мумкин. Венчур капиталининг инвесторлари барча масъулият ва молиявий рискларни тадбиркор билан тенг шерикликда ўз зиммаларига олишади.

Бундай кўринишдаги кредит маблағларига эҳтиёж асосан энди иш бошлаётган тадбиркорларда, олимлар, тадқиқотчилар, инженер ва кашфиётчиларда юзага келиб, улар ўзларида туғилган янги, ўзига хос, антиқа ғоялар-ни ва истиқболли ишланмаларни мустақил равишда амалга оширишни мақсад

[43] Суша Г.З. Экономика предприятия: Учебное пособие. – М.: Новое знание, 2003. – С. 384.

қилиб қўйишади. Улар учун тижорат банкларининг кредит ва қарз маблағларини олиш етарлича қийин ва бунинг бир қанча сабаблари мавжуд. Биринчидан, аксарият инновацион лойиҳалар ўз самарасини бир неча йилдан кейингина бера бошлайди, табиийки, кредит маблағлари узоқ муддатга мўлжалланган бўлиши талаб этилади. Бундай ҳолатда банк томонидан тақдим этилган кредит маблағлари муайян муддатга «музлатиб» қўйилишига тўғри келади, бу эса банкнинг молиявий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатишига олиб келади. Иккинчидан, банклар учун молиявий риск даражаси жуда юқори ҳисобланади. Ва ниҳоят, кредитнинг тамойилларидан келиб чиқиб, банклар кредит тақдим этиш учун гаров ёки кафолат талаб этишади ва бундай ҳолатда тадбиркор танлов олдида қолади, яъни инновацион лойиҳа деб жамиятдаги мавқеи ва мол-мулки билан таваккал қилиш ўринлими деган савол аксарият ҳолларда ўз тасдиғини топмайди.

Мана шундай бир ҳолатда тадбиркорга ёрдамчи ва ҳомий сифатида венчурли бизнес инвесторлари кириб келишади. Иқтисодий нуқтаи назардан, инвесторларнинг асосий мақсади тадбиркорга ёрдам бериш эмас, балким юқори фойда олиш бўлиб ҳисобланади. Яъни, инвестор бўш турган молиявий маблағларини банк депозитларига қўйганда ёки белгиланган миқдорда даромад келтирувчи қимматли қоғозлар харид қилганда оладиган фойдасидан анча юқори фойда олиш имкони мавжудлигидан келиб чиқиб қарор қабул қилади[44].

Бизга маълумки, муайян ғоя ва ишланмаларни молиялаштиришда иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин тадбиркорнинг тайёргарлигини аниқлаш, бизнес режани баҳолаш ва рискли вазиятларни таҳлил қилиш бўйича кенг камровли ишлар амалга оширилади. Бу борада инвестор инвестицион лойиҳалар таҳлилини амалга оширишнинг технологияларидан фойдаланади, яъни бошқарув тўғрисидаги фанларнинг тавсия ва кўрсатмалари, венчур бизнеси мутахассисларининг маслаҳат ва фикрлари ҳамда инвесторнинг шахсий тажрибаси.

Ва ниҳоят, венчурли фонд фан сиғимкорлиги юқори бўлган янги ишланмаларга маблағ киритишга тайёр турган ягона инвестор деб айтиш мумкин. Ҳаттоки риск ва ноаниқликлар даражаси жуда юқори бўлган ҳолатларда ҳам. Айнан мана шу ҳолатлар энг юқори (максимал) фойда олиш имконини юзага келтиради.

Венчурли инвестициялар одатда 5-7 йил давомида фаолият кўрсатади. Инновацион лойиҳани амалга оширишни молиявий маблағлар билан таъминлашнинг қуйидаги босқичлари ажратиб кўрсатилади[45]:

1) фондни яратиш;
2) келишувларни амалга ошириш (шартномаларни имзолаш);
3) инвестициялаш;
4) инвестициялашдан кейинги бошқарув;

[44] Николаев В.А. Приоритетные направления венчурного финансирования инновационных проектов. – М.: Дашков и К°, 2011. – С. 509.
[45] Янковский К.П., Мухарь И.Ф. Учебник. Организация инвестиционной и инновационной деятельности. - СПб: Питер, 2012.

5) бизнесдан чиқиш жараёнини бошқариш.

Инвестор томонидан у ёки бу венчур фондига инвестиция киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун у фондларнинг меморандумлари (placement memorandum) билан танишиб чиқади. Ушбу меморандумлар ўз ичига фаолиятнинг мақсад ва вазифалари, бошқарув ва назорат қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, ютуқ ва камчиликлари тўғрисидаги маълумотларни қамраб олади.

Одатда, кичик ва ўрта корхоналар молиялаштирилади, бунда тижорат банклари кредитларидан фарқли равишда, улардан ҳеч қандай гаров ёки таъминот ҳужжатлари талаб этилмайди. Молиялаштириш – бу венчур фонди капиталига йўналтирилган маблағлар бўлиб ҳисобланади.

Хориж тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, венчур фондлари шаклланишининг анъанавий манбалари бўлиб хусусий инвесторларнинг маблағлари, суғурта компанияларининг маблағлари, турли пенсия жамғармаларининг маблағлари, йирик халқаро ташкилотларнинг ва шу кабиларнинг маблағлари иштирок этади.

Венчурли инвестициялашнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: акцияларни пай шаклида харид қилиниши; венчур капитали эгаси ўз маблағларини корхонанинг акционерлик капиталига киритади; молиялаштирилган маблағлар фирма фаолиятида фойдаланилиши билан бирга, фирманинг акциялари ҳали биржада котировка қилинмайди; капитал йўналтирилган корхоналар фан сиғими юқори маҳсулотлар-ни ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлади; капиталдан янги юқори технологик корхоналар фойдаланиши мумкин бўлиб, ушбу корхонанинг ҳаётий даври тугамагунга қадар венчур капитали эгаси ўз ҳохишига кўра киритган капиталини қайтариб ололмайди; молиялаштириш фақатгина ўсиш салоҳияти мавжуд деб тахмин қилинаётган корхоналарга нисбатан амалга оширилади, юқори фойда олаётган корхоналарга нисбатан эса йўқ; венчур капитали инновацион корхоналарни ривожлантиришга йўналтирилади, бу бир томондан таваккалчиликнинг юқори бўлишини англатса, бошқа томондан фойда олиш эҳтимолининг ҳам шунчалик юқори бўлишини англатади; юқори технологик корхоналарга венчурли капитал кўринишида инвестиция киритишнинг бош мақсади юқори фойда олиш ҳисобланса, яна бир мақсад сифатида янги бозорларга чиқиш имкониятини юзага келишини айтиб ўтиш мумкин; инвестициялар муайян муддатга тақдим этилади; молиялаштириш – бу янги корхоналарга тақдим этиладиган кредит бўлиб, узоқ муддатли қарз кафолатлари деб ҳисоблаш мумкин, бироқ фоизлари банкдагидан кўра етарлича юқоридир; венчур капитали эгаси ягни корхонани инвестициялаш ҳақида қарор қабул қилар экан, фойда олиш борасида ҳуқуқларини қандай реализация қилиши мумкинлигини ҳам аниқ белгилаб олиши керак; корхона ривожланиб бориши билан бирга унинг активлари ҳажми ва ликвидлиги ҳам ошиб боради, бу асосан котировка қилинмайдиган акцияларга талабнинг юзага келиши натижасида содир бўлади, шунингдек янги рентабелли бизнесни харид қилиш

истаги мавжуд тадбиркорлар ўртасида ҳам рақобат пайдо бўлади ва кучая бошлайди; янги корхонани муваффақиятини унинг акциялари нархини ўсиб бораётгани билан ва корхонани тўлиқ ёки қисман сотишдан фойда олиш мумкинлиги билан, шу билан бирга фонд биржасидаги ўзгаришларга тезкорлик билан жавоб бера олиш имкони билан аниқланади; корхона таъсисчилари ва инвесторлар янги бизнес турини истиқболли ва тез ривожланишини таъминлашдан кўзланган умумий мақсад ва манфаати фақатгина юқори фойда олиш эмас, балки янги инновацион технологияни яратиш орқали мамлакатнинг фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни рағбатлантириш ҳам бўлиши мумкин; янги корхонанинг ижобий ривожланишида инвесторнинг вазифаси фақатгина венчур капиталини тақдим этиш билан чекланиб қолмайди, балки бизнес соҳасида мавжуд тажрибаси ва тадбиркорлик алоқаридан фойдаланиш имконини юзага келтиради ва ушбу ҳолат корхона фаолиятига, янги шартномаларнинг имзоланишига, янги ҳамкорлар ва янги бозорларни топишга ижобий таъсир кўрсатади.

РАЗВИТИЕ ИННОВАЦИОННО-ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Пардаев О. М. *– декан СамИЭС, д.э.н.,*
Мамаюнусов Т.О. *–студент СамИЭС*

Аннотация. В данной статье рассматривается инновационно-инвестиционное развитие экономики в Республики Узбекистан, нормативно правовые акты в сфере, сделан анализ ВВП и рост инвестиций в республике. А так же даны предложения для увеличения масштаба финансирования инвестиций.

Ключевые слова: инвестиции, предприятие, инвестиционный климат, финансирование

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни инновацион-инвестицион ривожлантириш, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужатлар, ЯИМ таҳлили ва республикада инвестицияларнинг ўсиши кўриб чиқилган. Шунингдек, инвестицияларни молиялаштириш кўламини ошириш бўйича таклифлар ҳам берилди.

Калит сўзлар: инвестиция, корхона, инвестиция муҳити, молиялаштириш

Annotation. This article examines the innovation and investment development of the economy in the Republic of Uzbekistan, regulatory acts in the field, and analyzes the GDP and investment growth in the Republic. As well as suggestions for increasing the scale of investment financing.

Keywords: investment, enterprise, investment climate, financing

В настоящее время основной целью инновационно-инвестиционного развития предприятий является выработка основных направлений по реализации эффективных форм вложений капитала для развития экономического потенциала предприятий. Темповый экономический рост в решающей степени зависит от способности экономики к ускорению

инновационных процессов, активизация которых зависит от инновационного климата.

Инновационный климат в свою очередь зависит от экономической системы государства, призванной совместить два фактора развития:

– использование финансовых механизмов поддержки развития науки и инноваций как деятельности по созданию технико-технологического потенциала производства;

– внедрение объективных механизмов высокой его заинтересованности в инновационном развитии.

За годы формирования социально ориентированной рыночной экономики, в центре внимания ученых Узбекистана и практиков постоянно находились вопросы по созданию благоприятных юридических, организационно-экономических условий для привлечения инвестиций в различные отрасли народного хозяйства.

В настоящее время в Республике Узбекистан принят пакет законодательных актов регулирующих отношения в области инвестиционно-инновационной деятельности. «Стратегия инвестиционной политики Республики Узбекистан до 2025 года»[46], в которой изложен анализ международного опыта и проблемы развития инвестиционных процессов экономики республики, ее отраслей и регионов. Стратегия инвестиционной политики Республики Узбекистан до 2025 года разработана в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан «О Государственной программе по реализации Стратегий действий по пяти приоритетными направлениями развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»[47] в «Год активных инвестиций и социального развития». А также задачами, определёнными Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.

Так же принят Закон Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности»[48], целью которого является регулирование отношений в области инвестиций и инвестиционной деятельности, осуществляемых иностранными и отечественными инвесторами.

На сегодняшний день законодательство Республики Узбекистан в сфере инвестиций является одним из передовых из стран СНГ, впитав в себя положения международного инвестиционного права, в котором изложены положения о гарантиях прав иностранных инвесторов, предоставлении значительных преференций для инвесторов и другие.

Проведенный анализ инновационно-инвестиционной деятельности свидетельствует, о том, что по итогам 2019 года рост валового внутреннего продукта (ВВП) составил 5,5% против прогноза 5,4%. Темп прироста ВВП

[46] Стратегия инвестиционной политики Республики Узбекистан до 2025 года.

[47] Указ Президента Республики Узбекистан «О Государственной программе по реализации Стратегий действий по пяти приоритетными направлениями развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» от 17 января 2019 года №УП-5635

[48] Закон Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности» от №ЗРУ-598 25.12.2019г.

превзошел достигнутое значение данного показателя в 2018 году (5,1%).[49] Рост ВВП обеспечивался в основном:

- ростом промышленности на 6,4% (прогноз — 5,2%);
- строительства 11,8% (8,4%);
- услуг на 6,1% (6,3%).

ВВП на душу населения составил 1 741 долларов и по сравнению с 2018 годом увеличился на 13,6% (в 2018 году — 1 533 долларов США)[50].

Показатель ВВП на душу населения существенно отстает от среднемирового показателя и с учетом демографической ситуации свидетельствует о низких масштабах экономики, ограниченности сбережений и доходов населения.

В 2019 году ВВП в долларовом эквиваленте почти достиг показателя до девальвационного периода — 58,3 млрд. долларов.[51]

Устойчивый экономический рост обусловлен:

- сбалансированным показателем между предложением со стороны отраслей экономики и внутренним спросом;
- высокими темпами инвестиций (рост на 28,6%) и реальных доходов населения (10%).

Основными причинами сложившегося положения являются длительность структурных преобразований и проблемы формирования фундаментальных рыночных отношений.

Так же по итогам 2019[52] года объем инвестиций составил в эквиваленте около 21 млрд. долларов с темпом роста 128,6%.

Нецентрализованные инвестиции в 2019 году, в первую очередь были направлены в промышленную область (33,4% от общего объема инвестиций). В результате доля промышленности в структуре ВВП увеличилась с 26,3% в 2018 году до 29% в 2019 году.[53]

Табл.1 Инвестиции в основной капитал на душу населения

(тысяч сумов)[54]

	2013	**2014**	**2015**	**2016**	**2017**	**2018**	**январь-декабрь 2019**
Республика Узбекистан	**1008.2**	**1224.0**	**1431.7**	**1608.6**	**2227.8**	**3769.6**	**5655.8**

[49] Основные тенденции социально-экономического развития Республики Узбекистан в 2019 году.
[50] Основные тенденции социально-экономического развития Республики Узбекистан в 2018-2019 году.
[51] Там же.
[52] Основные тенденции социально-экономического развития Республики Узбекистан в 2019 году. https://kommersant.uz/tendentsii-ekonomiki-2019-uzbekistan/
[53] Основные тенденции социально-экономического развития Республики Узбекистан в 2019 году.
[54] Государственный комитет по статистике Республики Узбекистан. https://stat.uz/ru/164-ofytsyalnaia-statystyka-ru/6584-investitsii

Республика Каракалпакстан	1400.7	2280.6	3388.2	2094.0	1542.2	3641.1	4476.7
области:							
Андижанская	525.8	581.0	678.4	745.3	999.6	1550.3	2642.3
Бухарская	1720.3	2023.4	2264.0	3237.6	6254.2	5105.4	5167.3
Джизакская	928.1	969.6	1033.1	1125.1	1361.9	2693.9	5792.3
Кашкадарьинская	1281.0	1613.1	1969.9	2389.3	3583.4	5193.4	7246.1
Навоийская	1896.4	1933.5	1965.1	3168.1	4185.4	10920.2	17985.7
Наманганская	485.6	714.7	863.8	1074.8	1340.3	2992.5	4380.8
Самаркандская	623.3	730.0	912.0	1001.6	1189.4	1878.3	2552.7
Сурхандарьинская	600.1	646.8	773.0	879.1	1427.1	2848.3	4705.5
Сырдарьинская	1126.4	1288.1	1382.2	1660.3	2011.1	3280.2	7312.4
Ташкентская	1178.7	1466.6	1595.0	1507.5	2087.2	3898.4	5799.9
Ферганская	634.3	672.0	731.6	747.8	822.4	1516.8	2465.1
Хорезмская	753.1	950.0	884.7	885.8	1215.1	1655.6	3007.2
г. Ташкент	2120.7	2527.2	2877.4	3848.1	5552.7	10627.8	16332.0

Предпринимаемые меры в сфере позволили сохранить достаточно высокие темпы роста инвестиций в 2013-2019гг. (табл.1), что явилось одним из важнейших факторов обеспечения динамичного роста экономики страны.

Но, не смотря на принятия, множество мер законодательного характера для развития как инвестиционной, так и инновационной деятельности, в сфере принятые меры являются не достаточными для экономического регулирования и прямого бюджетного финансирования инвестиционных проектов. В процессе иследования бқло вқявлено, что в настояўее время неактивно реализуются региональные инвестиционные проекты с учетом природно-экономического потенциала, социально-демографических особенностей регионов республики, а также необходимые институциональные мероприятия по улучшению инвестиционного климата региона. При этом не разработан единый комплексный подход к формированию региональных инвестиционных программ и системы управления, не ведется мониторинг их реализации.

В целях расширения масштаба финансирования инвестиций авторами предлагается следующее:

– определение потребностей отрасли (предприятия) в необходимых инвестициях;

– проведение анализа структуры источников финансирования инвестиционных проектов;

– формирование инвестиционной программы по источникам финансирования;

– создание благоприятного инвестиционного климата как необходимого условия.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Б.Абдукаримов *- СамИСИ профессори,*
Ш.Собиров – *СамИСИ магистри*

Аннотация: Мақолада миллий иқтисодиётни ривожлантиришда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг объектив зарурлиги асосланган ҳамда мамлакат иқтисодиёти таркибини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В данной статье обоснована объективная необходимость структурных изменений в развитии национальной экономики и разработаны предложения и рекомендации по улучшению структуры экономики страны.

Annotation: The article is based on the objective need for structural changes in the development of the national economy and develops proposals and recommendations to improve the structure of the country's economy.

Калит сўзлар: Таркибий ўзгариш, ялпи ички маҳсулот, қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, инвестиция, пандемия**.**

Ключевые слова: Структурные изменения, валовой внутренний продукт, сельское хозяйство, промышленность, услуги, инвестиции, пандемия.

Key words: Structural change, gross domestic product, agriculture, industry, services, investment, pandemic.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва ислоҳатларни янада чуқурлаштириш шароитида иқтисодиётимизда муҳим таркибий қайта қуришлари амалга ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Иқтисодиётнинг тармоқ таркиби мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг реал ҳолатини акс эттиради. Тармоқлар таркиби ва уларни қайта қуриш муаммолари, айниқса, бир иқтисодий босқичдан бошқасига ўтиш даврида, давлат иқтисодий сиёсатининг асосий муаммоларидан бирига айланади. Бунга асос қилиб Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини келтириш мумкин: « ...мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари таркиби ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ... сўзсиз ҳал қилувчи фаолият йўналишига айланиши зарур»[55].

Мамлакат миллий иқтисодиётида таркибий сиёсатнинг амалга оширилиши давлатимиз иқтисодий ижтимоий тараққиётининг жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторида ўсишининг асосий шарти бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини ошириш ва иқтисодий ўсишни жадаллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган – «**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси**»нинг учинчи устувор йўналишида - «...таркибий ва институционал ўзгартиришларни чуқурлаштириш

[55]Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 15.01.2017 й.

ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш»[56]- деб белгилаб қўйилганлигидан, мамлакатимизда ЯИМнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш масаласи нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлигини англаш мумкин.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2019 йил якунлари бўйича барқарор юқори ўсиш суръатларига эришилди. Жумладан, 2019 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 511838,1 млрд.сўмни ташкил этиб, 2018 йил билан таққослаганда 105,6 фоизга[57] ўсди.

Бугунги кунда давом этаётган коронавирус пандемияси шароитида иқтисодиётнинг асосий тармоқларини таркибий ўзгартириш ва уларни диверсификациялаш - иқтисодий ўсишга эришишнинг энг самарали усулларидан бири саналади.

Таркибий ўзгаришлар биринчи навбатда иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқлари таркибида олдинги тизимдан қолган номутаносибликларни юмшатиш ёки бартараф этишга йўналтирилган. Иқтисодиёт таркибий тузилишини қайта қуришдан асосий мақсад – ички ва ташқи бозорларда тўловга қодир талабга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ривожлантиришдан иборат[58].

Мамлакатлар иқтисодиёти таркибини такомиллаштиришда уч сектор назариясини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Унинг асосчиси Буюк Британиялик иқтисодчи Колин Кларк (1905-1984) ва у томонидан 1940 йилда нашр этилган «The conditions of economic progress» яъни «Иқтисодий ўсиш шароити» асари ҳисобланади. Унга кўра иқтисодиёт такомиллашиб борган мамлакат таркибий тузилишида асосий қисми **қишлоқ хўжалигидан** (биринчи сектор) иккинчи секторга **саноат** ривожланган таркибий тузилишга кейинроқ эса учинчиси **хизмат кўрсатиш** таркиби етакчилигига ўтади.

Бизлар мақоланинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда Буюк Британиялик иқтисодчи Колин Кларкнинг иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришда уч сектор назариясини Ўзбекистон миллий иқтисодиёти мисолида таҳлил қилиб ўтамиз.

1-жадвал маълумотлари таҳлилига кўра, 2017-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқларининг қиёсий таҳлили саноат тармоғи улушининг 30,0 фоизгача ошиши (2018 йилда – 26,5 %, 2017 йилда – 22,2 %) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғи улушининг 28,1 фоизгача (2018 йилда – 31,5 %, 2017 йилда – 34,0 %) камайиши билан боғлиқ бўлган таркибий ўзгаришларни қайд этиш имконини беради. Шунга қарамай, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси пасаймаган.

[56]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони.
[57] http://web.stat.uz/open_data/uz/makroko'rsatkichlar1_uz.pdf
[58] Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: "Фан ва технология", 2005, 196-бет.

1-жадвал

2017-2019 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ таркиби

(жамига нисбатан фоизда)[59]

№	Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил
	ЯИМ	100,0	100,0	100,0
	шу жумладан			
1	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	34,0	31,5	28,1
2	Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	27,9	32,6	36,4
2.1.	саноат	22,2	26,5	30,0
2.2.	қурилиш	5,7	6,1	6,4
3	Хизматлар	38,1	35,9	35,5

Шунингдек, 2019 йилда ЯИМ тармоқлари таркибида қурилиш тармоғи улушининг 6,4 фоизгача ўсиши (2018 йилда – 6,1 %, 2017 йилда - 5,7 %) ва хизматлар соҳаси улушининг 35,5 фоизгача пасайиши (2018 йил - 35,9 %, 2017 йилда - 38,1 %) кузатилди.

Бугунги кунда давом этаётган коронавирус пандемияси шароитида иқтисодиётнинг асосий тармоқларини таркибий ўзгартириш ва уларни диверсификациялаш - иқтисодий ўсишга эришишнинг энг самарали усулларидан бири саналади. Биз тадқиқот давомида миллий иқтисодиёт таркибини янада такомиллаштириш имкониятлари юзасидан қуйидаги хулоса ва таклифларни билдиришни лозим топдик:

Биринчидан, бугунги пандемия шароитида мамлакатимизда **қишлоқ хўжалигини** янада ривожлантириш орқали иқтисодий ўсишга салмоқли ҳисса қўшиш мумкин. Чунки бу тармоқда асосий истеъмол маҳсулотлари етиштирилади. Қишлоқ хўжалигига таркиб такомиллаштиришда катта аҳамият берилишига сабаб бу соҳа ривожи жамиятнинг асосий эҳтиёжи озиқ овқат мажсулотлари билан таъминлайди. Бу эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайди. Миллий иқтисодиётда бу соҳанинг ривожланмаганлиги уни ўзини ўзи таъминлай олмай озиқ овқат мажсулотларини қиммат валюта ҳисобига импорт қилишига олиб келади.

Коронавирус пандемияси даврида, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган ислоҳотларни самарали амалга ошириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланилишини таъминлаш, соҳага бозор механизмларини кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 18 мартда “Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4643-сонли Қарорни қабул қилди. Бизнинг фикримизча,

[59] https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/1.pdf

К первой группе относятся те факторы, которые характеризуют ИП паевого инвестиционного фонда как способ привлечения инвестиций. Во втором блоке находятся факторы, характеризующие компанию, управляющую активами паевых инвестиционных фондов с точки зрения ИП хозяйствующего субъекта. К третьему блоку относятся факторы, отражающие инвестиционную привлекательность фондов со стороны доступности для потенциального инвестора данного инструмента. В этом разделе выделяются показатели, которые можно отнести как к инвестиционной привлекательности инструмента, так и к инвестиционной привлекательности самого предприятия, управляющего данным инструментом.

Зачем инвестировать в Узбекистан? Сегодня этим вопросом задается не только внешний, но и свой внутренний инвестор.

90-е канули в лету, однако вопрос грамотной «упаковки» инвестиционной привлекательности страны остается актуальным. Несмотря на все старания властей и шаги по либерализации внутреннего рынка, множество интересных инвестиционных и стартап - проектов буксуют на этапе анализа и экспертизы.

Узбекистан занимает 76-е место среди 190 стран мира в рейтинге Doing Business, в том числе 12-е место по показателю «Регистрация предприятий». Улучшения коснулись показателей легкости открытия предприятия, регистрации собственности, уплаты налогов, защиты миноритариев, получения кредитов и трансграничной торговли.

Вместе с тем, за последние годы Узбекистан получил суверенные кредитные рейтинги авторитетных рейтинговых агентств Fitch и Standard&Poor's на уровне «BB-» со стабильным прогнозом, что оценивает степень готовности государства своевременно и в полном объеме выполнять свои финансовые обязательства. Это также позволило в феврале успешно разместить пяти- и десятилетние еврооблигации на общую сумму $1 млрд.

Кроме того, Всемирный банк в своем последнем бюллетене называет прогресс реформ в Узбекистане «впечатляющим» и прогнозирует, что к 2021 году

экономический рост республики достигнет 6% при условии поддержки рыночных реформ.

Однако, сегодняшняя ситуация в условиях пандемии COVID-19 сильно сказывается на экономике Узбекистана и во всём мире в целом. Содержание социальной и экономической политики не соответствует тому образу, в котором нас представляют иностранным инвесторам. Нужно умерить амбиции и понять, что иностранный инвестор не придет только на основе того, что об Узбекистане говорят по телевизору, что он размещает евробонды на европейском рынке и берет кучу займов у международных организаций.

По данным Центробанка Узбекистана, чистый приток прямых иностранных инвестиций (ПИИ) в 2018 году составил $624 млн, что в три раза меньше по сравнению с 2017 годом.

Такое снижение обусловлено увеличением объемов «возвращающихся» инвестиций в рамках соглашений о разделе продукции, которые составили $1 млрд в 2018 году ($524 млн в 2017 году). Значительные объемы средств в 2017 году были направлены иностранными инвесторами на строительно-монтажные работы по организации добычи минеральных ресурсов.

И вообще в целом инвестиции в мире в 2018 году сократились на 19 %.

Эта статистика не раскрывает полной картины привлечения и освоения ПИИ. Так, по данным Министерства инвестиций и внешней торговли, по итогам I квартала освоено $783,3 млн ПИИ. По сравнению с аналогичным периодом 2018 года ($325,8 млн) рост составил $457,5 млн, или 2,4 раза.

Еще один индикатор инвестиционной активности — количество предприятий с иностранными инвестициями. Так, по данным Госкомстата, на конец первого полугодия таких предприятий 9014. За полугодие их стало больше на 19,2% при том, что за весь 2018 год рост составил 37%.

Несмотря на то, что интерес потенциальных инвесторов к паевым инвестиционным фондам возрос, конкуренция среди управляющих компаний фондами достаточно высока, и разворачивается она в двух направлениях. Во-первых, инвестиционная компания должна приложить максимальные усилия для привлечения новых инвесторов. А во-вторых, обеспечить необходимые условия для сохранения уже имеющейся клиентской базы.

Для решения поставленных выше задач необходимо использовать всевозможные подходы и методы продвижения и распространения данных финансовых инструментов. Основными методами продвижения данного инвестиционного продукта являются: просветительские методы, рекламные методы, инфраструктурные методы дистрибуции, рекламные методы, новые продукты.

ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Жуманов Ш.Н. *– СамДАҚИ ўқитув.*

Аннотация. Ушбу мақола қурилиш соҳасида сифатни бошқариш тизимида баҳолаш усулларини ривожлантиришга бағишланган. Муаллиф томонидан хорижий олимларнинг шу масалага қаратилган изланишлари тахлил қилинган бўлиб, Ўзбекистон шароитида қурилиш ишларини бажариш жараёнида сифатни баҳолаш тамойиллари ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган.

Калитли сўзлар: қурилиш сифати, қурилиш ишлари сифати, сифатни баҳолаш.

Аннотация. Данная статья посвящена развитию методов оценки в системе управления качеством в сфере строительства. Автором выполнен анализ исследований зарубежных учёных, посвящённых данному вопросу, а также разработаны и предложены принципы оценки качества процессов производства строительных работ в условиях Узбекистана.

Ключевые слова: Качество строительства, качество строительных работ, оценка качества.

Abstract. This article is devoted to the development of assessment methods in the quality management system in the construction industry. The author has analyzed the studies of foreign scientists on this issue, and also developed and proposed principles for assessing the quality of the processes of construction work in Uzbekistan

Key words: Quality of construction, quality of construction work, quality assessment

Мамлакатимиз иқтисодиёт олдида турган вазифларни бажаришда қурилиш соҳасининг ўрни беқиёсдир. Мазкур соҳа нафақат инвестицияларнинг махсулдорлиги, натижавийлиги ва самарадорлигини ошришда, балки аҳолининг яшаш шароитларини янги поғонага чиқаришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 февралдаги “Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-4586-сон Қарорида қурилиш махсулотлари сифатини таъминлашдаги асосий бўғинлардан бири бўлмиш қурилиш ишлари сифатини яхшилаш механизмини такомиллаштириш бўйича қатор ташкилий чоралар кўзда тутилган.

Шу билан биргаликда, мазкур чораларнинг амалга оширишлиши лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари томонидан ички имкониятларни сафарбар қилиш, сифатни баҳолаш услубияти ва кўрсаткичларини ривожлантиришни талаб қилади. Мавжуд тартибларда кўплаб камчиликларнинг мавжудлиги ҳамда қурилиш ишларининг бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини ҳисобга олган холда қурилиш сифатини бошқаришнинг ташкилотлардаги ички тизимларини такомиллаштириш масаласига эътиборни қаратмоқчимиз. Қурилиш-монтаж ишларини бажариш босқичининг асосий тамойилларидан бири – бу барча ишларни лойиҳага тўла мос равишда, кўзда тутилган технологияларга амал қилган холда бажаришдир.

Агар лойиҳа талабларининг бажарилиши буюртмачи, лойихачи ва давлат назорат органлари томонидан кузатиб бориладиган бўлса, қурилиш ишлари

бажариш технологияси кўпинча ташкилотларнинг ички муаммоси ҳисобланади. Шу муносабат билан қурилиш ишларини бажаришда уларнинг сифатини баҳолаш долзарб илмий-услубий муаммо ҳисобланади. Қурилиш-монтаж ишларининг сифати одатда ишлар сифати, қурилиш жараёни сифати ҳамда қурилиш конструкция сифатини ўз ичига олади.

Қурилишда сифатни баҳолаш муаммоси кўплаб олимларининг диққат марказида бўлиб қолмоқда. Масалан, А.В.Белов томонидан олиб борилган изланишлар асосан қурилиш жараенларини таъминлашда сифатни назорат қилиш чоралари билан боғлиқдир.[1] Унинг таърифи бўйича қурилиш-монтаж ишлари сифатини назорат қилиш асосан бажарилган ишлар, қўлланилган материаллар, буюмлар ва конструкцияларнинг лойиҳа ҳамда меъёрий талабларга мослигини аниқлаш ва уни таъминлашга қаратилади. Бунинг асосида қурилиш ишлари сифатининг вазифалари ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу вазифаларни бажариш тизимлари таклиф қилинган. Ушбу изланишда муаллиф томонидан эътибордан четда қолдирган масалага назорат объектларининг аниқлаштирилмаганлиги ҳамда назоратнинг ташкилий масалалари ҳал этилмаганлигида деб ҳисоблаймиз.

Қурилиш ишларининг сифати баҳолашга бағишланган айрим изланишларда айнан баҳолаш услубияти ўрганилган.[2] Муаллифлар томонидан олиб борилган изланишларда қурилиш-монтаж жараенларининг сифатини баҳолашда “сифатнинг нисбий тавсифи” тушунчаси киритилади. Бунда сифат даражаси 0дан 1,25 гача ўзгариши мумкин. Одатдаги балл тизимига ўтиш учун муаллифлар қуйидагича ёндашувни таклиф қиладилар. Аъло баҳоланадиган қурилиш жараёни меъёрий талабдан юқори деб тушунилади ва 1,25 баҳога лойиқ ҳисобланади. Яхши деб тан олинган қурилиш жараени сифати 1,0 баҳосини олади. Қониқарли бажарилган ишлар сифати талабдан пастроқ деб ҳисобланади ва 0,75 баҳосини олади. Олимлар баллар тизимига қўшимча равишда 0,5 баҳосини киритишни кўзда тутганлар, яъни нуқсон билан бажарилган ишларни шундай баҳолаш мумкин. Нисбий тавсифнинг киритилиши қурилиш майдончасидаги кўзда тутиладиган оператив ҳужжатларда нуқсонларни қайд қилиш тартибини киритиш таклиф қилинмоқда ва бунинг асосида ишчилар меҳнати баҳолашнинг механизми киритилмоқда. Амалий жиҳатдан пухта ишланган ишланмада нуқсонларнинг кейинги жараенларга ва бинонинг умумий сифатига таъсири ўрганилмаган.

С.В. Саморядов, А.А. Шрейберларнинг илмий изланишларида қурилиш ишларининг сифати қурилиш махсулоти ишончлилигининг бир кўрсаткичи сифатида кўрилмоқда.[3] Уларнинг фикрича, қурилиш жараенларининг сифатини лойиҳа ва инжиниринг ишларидан ажралган холда кўриш мумкин эмас, шу муносабат билан қурилиш сифати комплекс равишда баҳоланиши мақсадга мувофиқдир. Қурилиш ишлари сифатини олимлар “ўлчов технологиялар сифати” атамаси билан ифодалаган ва бунга асосан сифатни ўлчаш воситалари ва усулларини киритган. Бизнинг фикримизча қурилиш

ишларини баҳолашда уларнинг таъминланиши ва натижаси бўйича эмас, балки бажариш жараёнда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қурилиш соҳасида сифатни бошқаришга тизимли ёндашув тарафдорлари қурилиш махсулоти ҳаётий даврининг барча босқичларида сифатни бошқаришга ягона ёндашиш зарурлигини таъкидлаб ўтмоқда.[4] Шу билан биргаликда экспертларнинг фикрича ҳар бир босқич алоҳида изланиш объекти сифатида кўрилиши мумкин.Изланишлар шуни кўрсатадики, қурилишда хато қилиш эҳтимоли бўйича қурилиш ишлари босқичи бошқаларга нисбатан анча юқоридир (0,49). Таққослаш учун лойиҳани бажариш босқичида ушбу эҳтимол 0,11ни ташкил қилади. Муаллифлар хулосалари бўйича қурилиш соҳасида сифат менежменти тамойилларнинг жорий этилиши қурилиш махсулоти сифатини кафолатлаши мумкин. Шу билан бирга, сифат менежментининг амалий жиҳатлари тадқиқот мақсадларига киритилмаганлигини кўриш мумкин.

Бизнинг фикримизча, қурилиш жараёни сифатига баҳолашда А.Х.Байбуриннинг изланишлари эътиборга лойиқ.[5] Унинг ишланмаларида қурилиш ишларини баҳолашнинг нуқсонларни ҳисобга олиш усули қўлланилган. Бунда қурилиш-монтаж ишларида учрайдиган нуқсонлар критик, салмоқли ва аҳамияти паст бўлганларга ажатилади. Ушбу тасниф асосида нуқсонларнинг учраш частотаси ҳамда уларни тузатиш харажатлари бўйича бир қанча баҳолаш кўрсаткичлари таклиф қилинган, жумладан жараён аниқлиги кўрсаткичи, жараён барқарорлиги кўрсаткичи ва х.к. Бундан ташқари нуқсонлик даражасининг юқори ва паст даражасида баҳонинг ўзгариши ҳам алоҳида ўрганиб чиқилганлигини кўрсатиб ўтиш лозим.

Хулоса қилиш мумкинки, қурилиш ишлари сифати билан шуғулланадиган олимлар орасида ягона ёндашув бўлмасада, уларнинг фикрларида ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Илмий изланишларни тахлил қилиш асосида, Ўзбекистонда қурилиш соҳасидаги ислохотларни ҳисобга олган холда қурилиш ишларининг сифатини баҳолашда қуйидаги тамойилларга риоя қилиш лозимлигини аниқладик:

– Сифат назорати объектини идентификациялаш тамойили. Ушбу тамойилнинг моҳияти шундаки, қўлланиладиган баҳолаш усули ва кўрсаткичлари баҳолаш оьъектига мос келиши зарур. Қурилиш-монтаж ишлари жараёни, қурилиш операциялари, қурилиш ишларининг ресурс таъминоти ва бошқалар алохида баҳолаш усулларининг қўлланилшини талаб қилади;

– Баҳолашнинг объективлик тамойили, яъни баҳолаш натижалари объект сифати даражасининг хақиқийлигини таъминлаши зарур. Баҳолашнинг объективлиги сифатни бошқариш амалиётининг самарали бўлишини таъминлайдиган асосий омил деб ҳисоблаймиз;

– Сифатни баҳолашда миқдорий ифодалаш тамойили. Ушбу тамойилнинг бажарилиши турли хил сифат даражаларини ажратиш имконини беради ҳамда тегишли хулосаларга олиб келади;

– Фактларга асосланиш тамойили, яъни қурилиш майдончасида сифатни шаклланиши тўғрисида хужжатлар мажмуаси юритилиши лозим;

– Баҳолашнинг соддалиги ва кам харажатлилиги тамойили деярлик барча қарилиш сифати объектлари учун тааллуқли бўлиб назорат хизматини ташкил қилишнинг иқтисодий манбаси сифатида кўрилиши мумкин.

Юқоридаги тамойилларнинг қўлланиши қурилиш жараёнида нуқсонларни олдини олиш ҳамда уларни келтириб чиқарадиган омилларни бошқаришга имкон бериши мумкин деб ҳисоблаймиз.

Фойданилган адабиётлар

1. Белов А.В. Задачи обеспечения качества процессов строительства. Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. -https://cyberleninka.ru/article/n/zadachi-obespecheniya-kachestva-protsessov-stroitelstva

2. Кузнецов О.Ф., Миронов Н.А., Кузнецова А.О. Оценка качества строительно-монтажных работ с использованием современных технологий.-

Приволжский научный вестник № 5 (33) –2014, с. 33

3. Саморядов С.В., Шрейбер А.А., Манохин Е.М. Надежность строительной продукции. Вестник МИТУ-МАСИ, № 2 – 2018, с.5

4.Лукманова И.Г., Нежникова Е.В. Комплексная оценка системы менеджмента качества в строительстве. Фундаментальные исследования, №10, 2013г. - с.1791

5.Байбурин А.Х. Обеспечение надежности строительно-монтажных работ

по параметрам качества продукции.- Предотвращение аварий зданий и сооружений. Электрон журнал, 2009 й., 2 кв.

МАШИНА ВА ҚУРИЛМАЛАРНИ ЙИҒИШ ВА ҚИСМЛАРГА АЖРАТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯСИНИ АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАШ

Махмудов Р.З. *– ТошАТУ,Сам.фил.ўқитув.*

Аннотация: мақолада ускуна элементлари ускуналарн иқисмларга ажратиш ва йиғиш вақтида инновацион технологияларини қўллаш, иш фронтини сезиларли даражада кенгайтириш, уларнинг инвестиция ҳажмини камайтириш, таъмирлаш ишларига кетадиган вақтни қисқартириш масаалалари кўриб чиқилган.

Калитсўзлар: қисмларвадеталлар, қисмларгаажратишвайиғиш, Z-ахборот, компакт ва компакт бўлмаган Z-ахборот,базаэлементи.

Аннотация: в статье рассматривается применение инновационных технологий при разборке и сборке элементов оборудования, значительно расширяется фронт работ, сокращаются их капиталовложения, сокращается время, затрачиваемое на ремонт.

Ключевые слова: детали и детали, разборка и сборка, Z-информация, компактная и некомпактная Z-информация, базовый элемент.

Annotation: The article focuses on environmental problems around the world, and this is not surprising. The rapid development of economic activity has created all the necessary conditions for the possibility of ecological crisis.

Keywords: parts and details, disassembly and assembly, Z-information, compact and non-compact Z-information, base element.

Кўпгина ҳолатларда қисмларга ажратиш ва йиғиш тескари кетма-кетликда амалга оширилади. Агар қисмларга ажратиш пайтида ускуналар аввал гуруҳларга бўлиниб, кейин юқори ва қуйи тартибли гуруҳчаларга, қисмларга ва охири деталларга бўлинса, йиғиш қисм деталларини компановка қилишдан бошланиб, тайёр гуруҳни ускунага (база элементига) ўрнатиш билан тугайди.

Таъмирлашнинг инвестисиявий саноат усуллари йиғиш технологиясини ишлаб чиқишда аввало, ушбу ускунани таъмирлаш учун қандай инновацион йиғиш усули ишлатилаётганлигини ҳисобга олиш керак: бутунлай ўзаро алмашиниш усули, бутунлай бўлмаган ўзаро алмашиниш ёки индивидуал мослаш. Биринчи усул мукаммалроқ усулдир, лекин, юқори даражада аниқликни ва заҳира қисмларини катта паркини талаб қилади. Иккинчи усул, қўл остидаги заҳира қисмлари паркидан деталларни танлаб олишни кўзда тутади. Индивидуал пригонка усули ўз ичига зарур бўлган ўлчамдаги деталларни олиш учун меёрига етказилган слесарлик ва ҳаттоки, дастгоҳли ишларни ҳам олади. Йирик ускуналар бўлган ҳолатда турли қисмларни йиғиш юқоридаги учала усуллар билан амалга оширилади.

Қисмларга ажратиш ва йиғиш технологияси ускуналарни таъмирлашнинг инновацион технологияси таркибига киради, бу технология ушбу ускуна конструксиясига боғлиқ равишда ишлаб чиқилади. Булардан келиб чиқиб, барча турдаги ускуналар учун операцияларнинг аниқ бир кетма-кетлигини санаб ўтиш мантиққа тўғри келмайди. Қуйида кўп учрайдиган ажратгич бирикмаларни қисмларга ажратиш ва йиғишнинг технологик хусусиятлари келтирилган. [1].

```
#include <iostream>
#include <fstream>
#include <string>
using namespace std;
int main(int argc, char const *argv[])
{
string line;
ifstream fs;
fs.open("exampleTest.txt",ios::in);
if (fs.is_open())
{
while(getline(fs,line))
{
cout<<line<<endl;
}
}
fs.close();
 return 0;
```

}

Бириктирилаётган деталларнинг туташувчи юзаларидаги резбали бирикмаларни тортиб боғлашда, бирикмаларнинг герметиклигини ва зичлигини таъминловчи, минимал босим юзага келтирилиши керак. Нормал тортиб боғлаш резбали бирикманинг кучланишига таъсир этаётган асосий ўзгарувчан кучланиш таъсирини камайтиришни таъминлаб бериши керак.[2]

Катталиги бўйича ўзгарувчан кучлар билан юкланган резбали бирикмаларни, ташқи юкламадан бирмунча юқорироқ бўлган катталиккача тортиб боғлаш керак. Тортиб боғлаш кучланишини қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\sigma_3 = K \cdot \sigma_o \qquad (1)$$

бу ерда: σ_3 – тортиб боғлаш кучланиши, МРа;

σ_o=P/F – ташқи юклама таъсирида ҳосил бўлган резбадаги номинал кучланиш, МРа;

R – болтни чўзувчи ички куч, MN;

F=πd12/4 – резба бўйлаб кўндаланг кесим майдони, m_2;

K – бирикма консентрасиясига боғлиқ бўлган (юмшоқ қистирмали фланесли бирикмалар учун K=1,3-2,5; пўлат, шаклдор қистирма учун K=2-3,5; пўлат ясси қистирма учун K=3-5 тортиб боғлаш коеффициенти.

Тортиб боғлаш кучланиши баъзи чегаралардан ортмаслиги керак, бу чегаралар қуйидаги нисбатдан аниқланади

$$\sigma_з = \frac{4kP}{\pi d_1^2} \le 0{,}8\sigma_m \qquad (2.)$$

бу ерда σ_t – материал оқувчанлик чегараси, МРа.

Йиғиш вақтида тортиб боғлаш кучланиши тортиб боғлаш моменти орқали юзага келтирилади, у гайкали калит сопининг узунлиги бўйича ва унга берилаётган куч бўйича аниқланади. Асосий метрли резбали болт ва шпилкалар учун жоиз бўлган тортиб боғлаш моментининг $\sigma_3 = 0{,}4\sigma_T$ шартидан топилган тахминий қийматлари 1-жадвалда келтирилган.[2,3]

1-жадвал

Пўлат маркаларидан болт шпилкалари

Резба диаметри, мм	**Пўлат маркаларидан болт шпилкалари учун тортиб боғлаш моменти**		
	Ст. 3	**Ст. 45**	**40Х**
6	0,022	0,035	0,070
8	0,054	0,086	0,172
10	0,110	0,170	0,340
12	0,190	0,300	0,600

14	0,300	0,480	0,960
16	0,480	0,770	1,500
18	0,660	1,000	2,000
20	0,950	1,500	3,000
22	1,300	2,100	4,200

Масъулиятли резбали бирикмалар учун тортиб боғлаш кучланишини болт узайтирилишини ўлчаш, қотирилган болтга нисбатан гайка айланиш бурчагини ўлчаш, бураш охирида ўсадиган айланиш моментини ўлчаш орқали назорат қилиш мумкин. Бошида санаб ўтилган икки ҳолат учун махсус асбоблардан фойдаланилади булар узунлик ва бурчак ўлчагичлардир. Уларнинг кўрсаткичлари формулалар орқали буровчи момент ёки тортиб боғлаш кучлари (кучланиши)ни ҳисоблаш имконини беради. Охирги ҳолатда эса, бевосита буровчи моментни кўрсатувчи тарировка калитлар ишлатилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Илькевич Н.И., Рабчук В.И., Сендеров С.М. Развитие систем газоснабжения России в первой половине XXI века на фоне мировыхтенденций // Известия Российской академии наук: Энергетика. – 2004. – № 1.

2. Квасников И.А. Термодинамика и статистическая физика: В 3-х т. Том 1. Теория равновесных систем: Термодинамика. – М.: Едиториал УРСС, 2002. – 448 с.

3. SIMONE Research Group s.r.o. Equations and Methods, Version 5.6. May 2007. – 60 p.

IV – ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАДБ ҚИЛИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

TURIZM SUB`YEKTLARINI TIJORAT BANKLARI VA DAVLAT BUDJETIDAN MOLIYALASHTIRISH ORQALI QO‘LLAB QUVVATLASH

Pardayev O.M. *– i.f.d. SamISI,*
Karimova A.M. *–SamISo`qituvchisi*

Annotatsiya: Ushbu maqolada davlat va tijorat banklari tomonidan turizm sohasidagi tadbirkorlikni moliyaviy qo‘llab-quvvatlash bilan bog‘liq muammolar ko`rib chiqilgan, shuningdek mavjud muammolarni hal qilish bo‘yicha takliflar berilgan.

Kalit so‘zlar: iqtisodiyot, moliya, xususiy biznes, turizm, turistik faoliyati, turizm manbalari

Аннотация: В данной статье рассмотрены проблемы, связанные с финансовой поддержкой предпринимательства в сфере туризма со стороны государственных и коммерческих банков, а также даны рекомендации по решению существующих проблем.

Ключевые слова: экономика, финансы, частный бизнес, туризм, туристическая деятельность, источники туризма

Abstract: This article examines the problems associated with the financial support of entrepreneurship in tourism by state and commercial banks, as well as suggestions for solving the existing problems.

Keywords: economy, finance, private business, tourism, tourism activities, tourism sources

Bugungi globallashuv jarayonida, davlatimizdagi har bir sohada yetarlicha o‘zgarishlar va islohotlar amalga oshirilmoqda. Ushbu islohotlardan ko‘zlangan maqsad, albatta, davlatimiz ravnaqi hamda aholi turmush darajasini oshirishga xizmat qilishdir. Turizm va sayyohlik sohasi dunyo mamlakatlarida ham muhim ahamiyatga ega bo‘lib, daromadliligi bo‘yicha dunyoda uchinchi o‘rinni egallaydi.

O‘zbekiston Respublikasi sayyolik salohiyati jadal rivojlanmoqda. So‘nggi yillarda mamlakat milliy iqtisodiyotning strategik tarmoqlaridan biri siftida turizmni rivojlantirish bo‘yicha kompleks chora tadbirlarni izchil amalga oshirilmoqda, bu esa uning tez rivojlanishi, yangi ish o‘rinlarni yaratish, daromadlarni oshirish, aholi turmush darajasi va sifatini yuksaltirish, shuningdek, investitsion jozibadarligini oshirishga qaratilgan.

Mamlakatimizda YUNESKO tomonidan jahon tarixiy va madaniy merosiga kiritilgan ob’ektlar soni ko‘p. Bu esa mamlakatimizda turizm sohasini yanada rivojlantirish uchun katta imkoniyatlarni yaratadi.

2019 yil yakunlariga ko‘ra, O‘zbekiston yalpi ichki mahsuloti 5,5 foizga o‘sdi (2018 yilda YAIM o‘sish sur’ati 5,1 foizni tashkil etdigan edi) shundan va xizmatlar sohasining ulushi 6,1 foiz (6,3 foiz) o‘sishi kuzatilgan.[80]

Turizm sohasini yanada rivojlantirish va mamlakatimizning turistik salohiyatidan unumli foydalanish maqsadida, sohaga oid qonun va qonun osti hujjatlari hukumat tomonidan ishlab chiqilmoqda. Bunga misol qilib vazirlar

[80] O'zbekiston iqtisodiyot va sanoat vazirligi Gazeta.uz ga bergan malumotiga ko’ra. 06.01.2020 yil

mahkamasining O‘zbekiston Respublikasining “Turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi[81] farmoni hamda qonunchilik palatasi va Vazirlar Mahkamasining tashabbusi bilan Prezidentimiz tomonidan “Turizm to`g`risida”[82]gi qonunning yangi tahriri tasdiqlanganligini keltirishimiz mumkin.

Xizmat ko‘rsatish sohasini yanada kengaytirish, xizmatlar sifatini yaxshilash bevosita va bilvosita moliyaviy ta’minlanganlik bilan bog‘lanadi. Ushbu sohada faoliyat olib borayotgan hamda turizm sohasida o`z faoliyatini boshlash istagida bo‘lgan tadbirkorlarga o‘z bizneslarini shakllantirishlari uchun davlat budjetidan hamda tijorat banklaridan belgilangan tartibda kreditlar ajratish hukumat tomonidan ma’qullangan. Turistik sub’ektlarni tijorat banklari tomonidan kreditlash ishlari O‘zbekiston Respublikasi Prezdentining “O‘zbekiston Respublikasida turizmni jadal rivojlantirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” Farmoni[83]ga muvofiq amalga oshiriladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentininng “O‘zbekiston Respublikasi turizm salohiyatini rivojlantirish uchun qulay sharoitlar yaratish bo‘yicha qo‘shicha tashkiliy chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni[84]ga muvofiq, mehmonxonalar va tutash yo‘l, muhandislik va komunikatsiya infratuzilmalari ob`ektlari uchun import uskunalar va texnologiyalarni harid qilish uchun kredit muddati 15 yil (imtiyozli davr – 5yil) tashkil qiladi. Maqsadli kredit liniyasining mablag‘lari hisobiga bitta mijoz uchun ajratiladigan kredit hajmi loyiha qiymatining 50 foizidan oshmagan holda amalga oshiriladi. Bu esa tadbirkorga o‘z biznesini kengaytirishi yoki rivojlantirishiga yordam beradi.

Kreditlar vakolatli tijorat banklarining investitsiya loyihasini amalga oshirishning iqtisodiy va moliyaviy maqsadga muvofiqligi to‘g‘risidagi ijobiy qarorlar asosida beriladi. Bunda, bir qarz oluvchiga beriladigan kreditlar miqdori bitta investitsiya loyihasi uchun 10 mln. AQSH dollaridan oshmasligi haqida aytib o‘tilgan.[85]

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, O‘zbekiston Respublikasi Milliy banki va O‘zbekiston Tiklanish va Taraqqiyot jamg‘armasi o‘rtasida tadbirkorlik sub`yektlariga imtiyozli kreditlar ajratish uchun 10 million AQSH dollari miqdorida kelishuv imzolandi[86]. Shu munosabat bilan, xo‘jalik yurituvchi sub`yektlar belgilangan tartibda imtiyozli davrni inobatga olgan holda kredit olish uchun O‘zbekiston Respublikasi Milliy bankiga murojat qilishlari mumkin.

Tijorat banklariga Oilaviy mehmon uylari yagona reestriga kiritilgan xususiy tadbirkorlar va oilaviy tadbirkorlik sub`yektlarining buyurtmalariga binoan eng kam oylik ish haqining 300 barobarigacha miqdorda, 5 yil muddatga, shu jumladan 2 yillik imtiyozli davr bilan, O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining qayta moliyalashtirish stavkasidan yuqori bo‘lmagan stavka bo‘yicha imtiyozli kreditlar

[81] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 22-dekabrdagi PF-4895-sonli Farmoni
[82]O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Toshkent sh. 2019-yil 18-iyul №O’RQ-549
[83] O’zbekiston Respublikasi Prezdentining “O’zbekiston Respublikasida turizmni jadal rivojlantirishga oid qo’shimcha chora-tadbirlar to’g’risida” 2019 yil 5-yanvardagi PF-5611-son Farmoni
[84] O’zbekiston Respublikasi Prezdentining PF-5326-sonli farmoni 03.02.2018
[85] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-5611-son Farmoni
[86]O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-5326-sonli farmonining 11-bandiga muvofiq

ajratish tavsiya qilinmoqda.[87] Bunday kreditlar oilaviy uy-mehmonxonalarining mamlakatimizda rivojlanishiga turtki bo‘lmoqda.

Chiqarilgan qaror va farmonlarning ijrosini taminlash maqsadida tijorat banklari tomonidan kreditlashdagi foiz stavklari Respublika Markaziy bakining qayta moliyalashtirish stavkalarining 1,5 barobaridan oshmagan kreditlar bo‘yicha foizlar miqdorining yarmi Respublika Turizmni rivojlantirish davlat qo‘mitasi huzuridagi budjetdan tashqari Turizm faoliyatini qo‘llab quvatlash jamgarmasining moliyaviy mablag‘lari hisobidan qoplanishi turizm sohasidagi joylashtirish maskanlarini mamlakatimizda ko‘paytirilishga yordam bermoqda.

Davlatimiz tomonidan dunnyoning nufuzli mehmonxona brendlaridan foydalanishda qisman moliyalashtirish haqida Prezidentimizning “Turizm tarmog‘ini jadal rivojlantirishga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori[88] ijrosi doirasida O‘zbekiston Respublikasi Turizmni rivojlantirish davlat qo‘mitasi va Moliya vazirligi hamkorligida Vazirlar Mahkamasining loyihasi ishlab chiqildi.

Loyihalar asosida yangi mehmonxonani qurish va jihozlash uchun investorlarning harajatlarini hamda tashkilotlarini taniqli mehmonxona brendlaridan foydalanish bo‘yicha franchayzing xarajatlarini qisman moliyalashtirish uchun “Davlat budjetidan mablag‘ ajratish to‘g‘risida”[89]gi Nizomning tasdiqlanishi mamlakatimizda ko‘p miqdordagi mehmonlarni qabul qila oladigan mehmonxonalar soni oshirilishi maqsadida amalga oshirilmoqda.

O‘tkazilgan tadqiqot shuni ko‘rsatadiki mamlakatimiz tijorat banklari hamda xizmat ko‘rsatish jumladan turizm, mehmonxona yoki shu kabi xizmatlarni ko‘rsatuvchi korxonalar o‘rtasida keng ko‘lamda hamkorlik olib borilmoqda. Natijada ushbu sohalarni moliyaviy qo‘llab quvvatlash orqali sohaning davlatimiz budjeti yoki Yalpi Milliy Mahsulotdagi ulushuni va o‘rnini oshirib bormoqda.

Ushbu hamkorlik yoki tijorat banklari faolligi hamda yaratilgan qulayliklar natijasida aynan Samarqand shaxrida 2017-yilda bir vaqtning o‘zida mehmonlarni qabul qilish qobilyqti 3000dan ziyod bo‘lgann bo‘lsa 2019-yil oxirlaridagi ma’lumotlarga ko‘ra bu ko‘rsatgich qariyb 6000ga yetgan. Turizm sohasida faoliyat olib borayotgan tadbirkorlar soni ham oxirgi 2yil ichida qariyb ikki barobarga oshganligini ko‘rishimiz mumkin. Yani 2017-yilda turistik faoliyat bilan shug‘ullanuvchu tadbirkorlar soni 752ta bo‘lgan bo‘lsa bu ko‘rsatgich bugungi kunda 1500dan oshgan. Bunday o‘zgarishlarga davlatimiz qonunchiligi hamda tijorat banklari tomonidan ajratilayotgan kredit mablaglarinig o‘rni beqiyosdir.

Yuqorida keltirilgan bir qator qaror va farmonlarning ijrosi natijasida mamlakatimizdagi turistik shaxarlarda mehmonxonalar qurilishi uchun va xalqaro brendkardan foydalanish uchun tijorat banklaridan imtiyozli kreditlar ajratilgan. Bu say harakatlar natijasida davlatimizda ko‘p o‘rinli, jahon standartlari darajasidagi mehmonxoalar o‘z faoliyatini boshladi va shu bilan birlagikda turistik sohaga oid

[87] O‘zbekiston respublikasi vazirlar mahkamasining Oilaviy mehmon uylari faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida Qarori 1-bandi 2018.08.08

[88] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentimizning “Turizm tarmog‘ini jadal rivojlantirishga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori 2019.01.05

[89] Vazirlar Mahkamasining 2112-sonli qarori 17.06.2010

korxonalar hamda turistuk xizmatlar ko‘rsatuvchi tadbirkorlik sub`eklari faoliyati ham yetarli darajada kengaydi. Buga misol qilib “Tashkent City”dan joy olgan xalqaro brend “HILTON” nomi bilan mamlakatimiz tadbirkorlari hamda “Hilton Corparation” kompaniyasining franchayzing shartnomalari asosida va davlat banklari ko‘magida o‘z faoliyatini boshlash arafasida turganligini keltirishimiz mumkin.

Turizm sub`yektlari hamda tijorat banklari faolligini ta`minlash maqsadida kreditlashning qulay tizimini joriy qilish, xalqaro banklar hamda davlat banklari sherikchiligi asosida tadbirkorlarning ehtiyojlarini maksimal darajada qondirish, turistik sub`yektlarning faoliyatida yangicha xizmatlarni yaratishga iqtisodiy ko‘maklashishni Markaziy bank va tijorat banklarining vazifasi sifatida shaklantirish maqsadga muvofiqdir.

Xulosa qilib aytganda, turizm sohasidagi tadbirkorlik faoliyati yuzasidan quyidagi xulosalar hamda mazkur sub’ektlar samaradorligini ta’minlash yuzasidan quyidagilarni tavsiyalarni ta’kidlab o‘tmoqchimiz:

- ✓ kichik biznesning eksport salohiyatini rivojlantirish uchun zarur va qulay bo‘lgan tashkiliy, huquqiy, moliyaviy mexanizm va sharoitlarni yaratib berish lozim;
- ✓ turizm sohasidagi tadbirkorlik sub’ektlarini kreditlar, xom-ashyo resurslari, shuningdek, davlat xaridlari tizimidan foydalanish imkoniyatini kengaytirish lozim;
- ✓ turizm sohasidagi tadbirkorlik sub’ektlari faoliyatining rivojlanishida banklarning o‘rnini oshirish;
- ✓ aholi bandligini ta’minlash, xususan, davlat va nodavlat tashkilotlar tomonidan yoshlarning o‘z biznesini boshlashi uchun maqsadli kreditlar ajratish va ularning sarfini ta’minlashda tizimli nazoratni yo‘lga qo‘yish lozim;
- ✓ turizm sohasidagi tadbirkorlik sub’ektlari uchun konsalting xizmatlari bozorini tashkil qilish;
- ✓ turizm sohasidagi tadbirkorlik sub’ektlariga imtiyozli kreditlar berish va hujjatlar tizimini soddalashtirish.

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

ШариповТ.С. *– САмИСИ доценти,*
Абдукадирова Н.А. *– СамИСИ магистранти*

Аннотация: мазкур мақолада умумий овқатланиш корхоналарини самарадорлигини оширишда инновациялардан фойдаланишдаги айрим муаммолар, инновацияларнинг айрим турлари ҳамда коронавирус пандемияси шароитида инновацияларнинг аҳамияти кўриб чиқилган.

Аннотация: в данной статье рассмотрены некоторые проблемы вПри использовании,инноваций в сфере обслуживания, и виды инноваций, а также их значения в условиях пандемиикоронавируса.

Калит сўзлар: инновация, инновацион фаолият, хизматкўрсатиш, инновация турлари

Ключевые слова: инновация, инновационная деятельность, нововведение, услуга, виды инновации

Инновация –бу бозорда талаб этилаётган маҳсулот ёки жараённинг самарадорлигини ошишини таъминлайдиган янгиликдир. У инсоннинг интеллектуал фаолиятининг, унинг ижодий жараёнининг, рационализаторликлари ва кашфиётларининг якуний натижасидир. Инновацияга яққол мисол бўлиб, бозорга янги истеъмол хусусиятига эга бўлган ёки ишлаб чиқариш тизими самарадорлигини сифатли ошириши мумкин бўлган маҳсулот(товар ва хизматлар)ни киритиш мумкин.

Инновация – истеъмолга бутунлай янги ёки салмоқли даражада яхшиланган маҳсулот ёки жараённи киритиш, ташқи алоқалар, иш ўринларини ташкил этишнинг янги усуллари ҳамда сотишнинг янги усулларини киритишдир.

“Innovation”-инновация тушунчаси илк бор XIX аср илмий тадқиқотларида пайдо бўла бошлаган ҳамда XX аср бошларида иқтисодиёт назариясига австриялик Йозеф Алоиз Шумпетер томонидан киритилган. 1970 йиллар бошларига келиб инновациянинг иқтисодиётга таъсири ва унга қизиқиш кескин ошди. Мустақилликка қадар мамлакатимиз илмий адабиётларида “инновация ” сўзи ўрнига янги маҳсулот ва илмий янгиликни жорий қилиш каби тушунчалар ишлатилган.

Ҳар қандай янгилик ҳам инновация бўла олмайди. Фақатгина амалдаги тизим самарадорлигини сезиларли даражада оширадиганларигина инновация бўлади. Кэнг тарқалган фикрларга кўра инновация ва ихтиролар бир биридан фарқ қилади. Ихтиро деганда инсон томонидан яратилган янги приборлар, механизмлар, асбоб ускуналар тушунилади. Кашфиёт деганда эса илгари маълум бўлмаган маълумотларга эга бўлиш жараёни ёки илгари кузатилмаган бирор табиат ҳодисасини аниқлаш тушунилади. Инновациядан фарқли равишда кашфиёт фундаментал босқичда бажарилади ҳамда бирор мақсадни кўзлаб амалга оширилмайди. Инновация бу инсонлар истеъмоли талабларини қондирувчи, жамият тараққиёти ривожига ўз таъсирини ўтказадиган, самарадорликни оширишга қаратилган тежамкор ва ҳаёт сифатини оширадиган янгиликни яратиш, уни қўллаш ва тарқатиш билан боғлиқ комплекс жараёндир. Шу ўринда инновациянинг негизи сифатида ихтиролар эмас, балки ғоялар ётади. Бу ғоялар илм- фан натижаларига, амалий тажрибаларга, маркетинг тадқиқотлари натижаларига ёки субъектив интуицияга асосланган бўлиши мумкин.

Ҳозирги даврда инвесторлар бошқарув услубини ўзгартириш, сарф харажатларни қисартиришнинг янги имкониятларини ўрганишга эмас, балки инновацияларга инновацион фаолиятга кўпроқ эътибор қаратишмоқда.

Инновацияларкомпаниянингдаромадиниоширади, унинг ўсишини жадаллаштиради, компаниянинг рақобатбардошлигини кучайтиришга асос бўлади. Зеро,Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида Инновацияларни татбиқ этиш илмий-амалий маркази барпо этилиши ҳақида эълон қилган

Президентимиз Шавкат Мирзиёев "...инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳечбир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз", деган эдилар.

Умуман олганда инновацион фаолият жамият ривожланишининг ижтимоий-сиёсий иқтисодий факторларини қамраб олувчи ҳаётий фаолиятдир. Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, инновацион фаолият янги илмий техникавий билимлардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш факторларининг ўзаро таъсир даражасини юқори поғонага кўтарилишини таъминлашга қаратилган. Иқтисодий ислоҳотлар шароитида барқарорликни ва иқтисодий ўсишга ўтишни таъминлашга йўналтирилган илмий-техникавий салоҳиятни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

Ҳозирги вақтда ривожланган давлатларнинг иқтисодиётда инновацион жараёнларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат томонидан турли чора-тадбирларни амалга ошириш тажрибасидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгабўлиб, бу ўз навбатида инновацияларни рағбатлантириш учун ички тизимни шакллантириш имконини беради.

Замонавий иқтисодиётда инновациянинг роли сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Инновацияни қўлламасдан туриб, рақобатбардош маҳсулот яратиш иложи бўлмай қолди. Шундай қилиб бозор иқтисодиётида инновацияга рақобат курашидаги самарали восита сифатида қаралмоқда, чунки у янги эҳтиёжларни пайдо қилишга, маҳсулот таннархини пасайтиришга, янгиликни яратувчисининг имиджини оширишга инвестиция оқимини кўпайтиришга, янги бозорларни жумладан ташқи бозорларни эгаллашга ҳам олиб келади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики инновацияларни турли белгиларига кўра классификациялаш мумкин (1-жадвал).

Инновациянинг зарурий хусусиятларидан бири унинг илмий-техник янгилик киритилишидадир. Инновациянинг “янгилик” эканлиги техник параметрлар ҳамда бозордаги ўрни, аҳамияти билан баҳоланади.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш сохасининг жадал ривожланаётганлигини маълум бир мамлакатнинг иқтисодиётида эмас, балки,

1-жадвал

Инновация классификацияси

№	Классификациялаш белгилари	
1	Радикаллик даражаси(Инновациянинг қанчалик янги эканлиги, оргиналлиги) бўйича	1.Радикал инновациялар(бирламчи, базали ва ҳ.к.) 2.Ординар инновациялар (янги техник ечимлар, ихтиролар) 3.Мукаммалаштирувчи инновациялар (модернизациялаш)
2	Қўллаш, жорий қилиш ҳарактери бўйича	1.Маҳсулот инновацияси 2.Жараёнли(операцион) инновациялар. Маҳсулот инновацияси янги материаллар, янги

		ярим фабрикатлар ва тўлдирувчиларни қўллаш орқали бутунлай янги маҳсулот яратишини ўз ичига олади. Жараёнли инновациялар эса ишлаб чиқариш жараёнини ташкиллаштиришнинг янги методларини, янги технологияларини ўз ичига олади.
3	Пайдо бўлиш стимули(манбааси) бўйича	1.Фан-техника ривожланиши билан келиб чиққан инновациялар. 2. Ишлаб чиқариш жараёни талаб этганлиги сабабли келиб чиққан инновациялар. 3. Бозор талаби асосида келиб чиққан инновациялар.
4	Тизимда(корхона,фирма)даги ўрни бўйича	1.Кирувчи инновациялар (хом ашё, ускуналар, ахборот ва бошқалар) 2.Чиқувчи инновациялар(тайёр маҳсулотлар, хизматлар,технологиялар, ахборотлар ва бошқалар) 3.Корхона ташкилий структурасидаги инновациялар(бошқарув, ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ инновациялар)
5	Инновациянинг мақсад ва вазифаси бўйича	1.Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи учун 2. Бутун омма (жамият) учун 3.Маҳаллий бозор учун.

бутун жаҳон иқтисодиётида ҳам кўришимиз мумкин. Бундан кўринадики, ҳозирги кунда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсишни таъминлаш учун хизматлар соҳасини кескин ривожлантириш энг муҳимвазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Охирги ўн йилликларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши тобора ошиб бормоқда, хизмат кўрсатиш сохасида иш билан бандларнинг сони ҳам мос равишда ҳар йили ўсиш динамикасини кўрсатиб келмоқда, шу билан бирга халқаро хизматлар савдоси ҳам ривожланиб бормоқда.

Юқорида келтирилган факторлар замонавий иқтисодиёт, сервис иқтисодиёти ёки бошқача қилиб айтганда хизматлар иқтисодиётини акс эттиришини кўрсатади.

Хизмат кўрсатиш сохасининг Замонавий иқтисодиёт ривожланншидаги роли шундан иборатки бу секторда иқтисодий ўсишга асос бўлувчи факторлар, яъни янги илмий билимлар, интелектуал капитал,ахборот технологиялари, молиявий сектор хизматлари, консалтинг хизматлари ва бошқалар шаклланади.

Лекин биз хизматлар сохасининг бошқа бир йўналиши яъни умумий овақатланиш сохасидаги инновацион фаолликнинг хусусиятларини кўриб чиқамиз. Шу билан бирга юқорида иқтисодий ривожланишининг асосий факторларидан бири инновацион фаоллик эканлигини кўриб ўтдик. XXI асрда ишлаб чиқаришда ҳам, савдо ёки хизмат кўрсатиш сохасида ҳам инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва киритиш бозордаги рақобатни енгишда товар ва хизматларнинг сифатини яхшилашда асосий омил ҳисобланади.

Иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматларҳажминингўсиш суръати*)

(олдинги йилга нисбатан, % да)

	2010	*2011*	*2012*	*2013*	*2014*	*2015*	*2016*	*2017*	*2018*
Хизматлар – жами	**115,8**	**117,2**	**114,7**	**114,4**	**114,2**	**113,4**	**114,7**	**110,7**	**108,9**
Жумладан асосийтурлари бўйича:									
Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлари	130,5	141,4	123,6	121,2	127,6	116,0	114,6	121,3	115,9
Молия хизматлари	116,4	115,4	114,5	131,5	132,1	130,6	119,8	136,5	121,5
Транспорт хизматлари	109,8	112,5	109,4	108,0	104,6	104,3	107,8	109,9	104,5
Шу жумладан: автотраспорт хизмати	122,3	118,5	117,6	118,7	116,7	115,9	117,2	102,1	101,6
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	127,1	123,5	116,0	119,1	116,5	119,0	121,1	112,1	107,0
Савдо хизматлари	121,5	115,7	115,4	113,9	115,7	118,5	120,5	100,3	104,9
Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	128,4	122,0	123,6	116,8	119,9	118,5	117,5	106,6	107,9
Таълим соҳасидаги хизматлар	90,1	105,0	105,2	105,2	109,1	111,2	107,8	125,6	110,5
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	121,2	133,2	138,8	130,9	116,3	117,2	122,2	116,9	113,4
Ижара ва лизинг бўйича хизматлар	116,0	117,9	121,2	119,2	119,1	113,8	117,6	102,1	110,4
Компютерлар, шахсий фойдаланиш ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	115,3	119,5	120,7	117,5	116,3	116,3	115,6	102,6	104,2
Шахсий хизматлар	119,0	124,9	124,5	121,7	121,4	107,0	113,8	100,7	102,2
Меъморчилик, муандислик изланишлари, техник синовлар ва талим соҳасидаги хизматлар	108,0	118,8	131,0	115,8	107,4	106,6	115,3	124,7	118,1
Бошқа хизматлар	121,0	123,9	120,7	113,6	117,0	113,5	114,9	111,8	121,2

Инновацион фаолият ривожланишининг анчайин истиқболли соҳаларидан бири бу умумий овқатланиш корханаларидир. Чунки умумий овқатланиш корхоналарининг маҳсулотлари сон ва сифат кўрсаткичлари юқори динамик ўсишни кўрсатаяпти. Бундан келиб чиқадики ўз фаолиятида

биринчилардан янги самарали инновацияларни қўллаган умумий овқатланиш корхонасигина рақобатчиларидан устунликка эришади.

Умумий овқатланиш корхоналарида инновацияларни қўллашнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

1. Умумий овқатланиш корхонасининг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш.

2. Умумий овқатланиш корхонасига ташриф буюрувчи мижозларнинг сонини ошириш.

3. Маҳсулот инновацияси – бу умумий овқатланиш корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни янгича турдагисини ишлаб чиқариш ва ализация қилиш, биокимёвий таркибини ўзгартириш(синтетик маҳсулотлар, генн инженерияси, ҳар хил ўринбосар маҳсулотлар ва б.)

4. Маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқинновациялар – автоматлаштирилган ускуналарни қўллаш. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш вақтини қисқартирадиган ҳамда ишнинг самарадорлигини оширадиган қайта ишлашнинг янгича услубларини ишлаб чиқиш кабиларни киритишимиз мумкин.

5. Маркетинг тадқиқотлари соҳасидаги инновациялар – талабнинг ўзгариши, истеъмолчилар диди ҳамда ҳоҳишларининг ўзгариши умумий овқатланиш сохаси ривожланишининг асосий факторларидан ҳисобланади.

Айниқса коронавирус пандемияси даврида инновацияларга эътибор янада кучайиши аниқ. Негаки, истеъмолчи изолацияланган, умумий овқатланиш корхоналари фаолияти вақтинча тўхтатилган бир вақтда аҳолига умумий овқатланиш хизмати кўрсатишнинг инновацион йўлларини топиш керак бўлади.

Етказиб бериш хизмати йўлга қўйилган умумий овқатланиш корхоналарига бугунги кунда ҳам ишлашга рухсат берилган. Аммо, бу жуда озчилик корхоналарга хосдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳозирги шароит шуни кўрсатмоқдаки умумий овқатланиш корхоналари истемолчига хизмат кўрсатишнинг контактсиз йўлларини излаб топиши керак. Ноанъанавий хизмат кўрсатиш, шунингдек ҳар бир мижознинг изоляциясини амалга ошириш имконини берувчи интеръер жойлашуви борасидаги инновацияларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

РОЛЬ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В ФИНАНСИРОВАНИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

Каримова А.М. *– препод. СамИЭС*

Аннотация. В данной статье рассматривается деятельность сферы туризма как одна из самых важных деятельностей способствующая дополнительному источнику пополнения бюджета страны, и создания дополнительных рабочих мест. Не смотря на создание столь

благоприятных условий со стороны государства, в сфере существуют множество проблем. В статье даны предложения, внедрение которых способствовало увеличению инвестиций и развития данной отрасли.

Ключевые слова: туризм, сфера туризма, финансирование, туристический продукта, финансовые ресурсы, туристический субъект, инвестор, инвестиции

Аннотация: ushbu maqola turizm sohasidagi faoliyatni eng muhim faoliyatlardan biri sifatida ko‘rib chiqadi, bu esa mamlakat byudjetini to‘ldirishning qo‘shimcha manbaiga va qo‘shimcha ish o‘rinlarini yaratishga yordam beradi. Davlat tomonidan bunday qulay shart-sharoitlarni yaratishga qaramasdan, sohada ko‘plab muammolar mavjud. Maqolada joriy etish investitsiyalarni ko‘paytirish va ushbu sohani rivojlantirishga yordam bergan takliflar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: turizm, turizm, moliyalashtirish, turizm mahsulotlari, moliyaviy resurslar, sayyohlik sub'ekt, investor, investitsiyalar

Abstract: this article examines the activities of the tourism sector as one of the most important activities that contribute to an additional source of replenishment of the country's budget, and the creation of additional jobs. Despite the creation of such favorable conditions on the part of the state, there are many problems in the sphere. The article presents proposals, the introduction of which contributed to the increase in investment and development of this industry.

Keyword: tourism, tourism industry, financing, tourism product, financial resources, tourist entity, investor, investment

В современных условиях развития уровень благоприятствований государственной политики в отношении туризма являются важнейшими факторами, оказывающими огромное влияние на доходность сферы туризма.

В настоящее время туризм превратился в один из ведущих секторов экономики, но его потенциал до сих пор используется недостаточно полно. Соответственно в связи с этим ссужаются возможности пополнения доходов бюджета страны. Проблемы, которые являются преградами для развития сферы, можно избежать при наличии эффективного работающего механизма финансово кредитной поддержки туристской отрасли.

Развитие экономики Узбекистана, безусловно связано с развитием отрасли туризма, выступающей социальным и приоритетно значимым направлением, инновационное развитие которого влияет на экономику, как государства, так и на экономику мирового масштаба. Сегодня более 10 процентов мирового валового продукта обеспечивается за счет индустрии туризма, а порядка 75-80 процентов формируется за счет сферы услуг.

Сегодня, правительством страны уделяется большое внимание развитию сферы туризма. Расширение сферы услуг, включая отрасль туризма, определено как один из важнейших приоритетов развития социально-экономического развития страны. В стране созданы все условия для того, чтобы сфера туризма стала одной из важных составляющих социально-экономического комплекса страны.

Следует отметить, что большой потенциал нашей страны в сфере туризма долгие годы не использовался эффективно и в полной мере. Не были созданы благоприятные экономические и организационно-правовые условия для

развития туризма, работа в сфере была пущена на самотек – отметил Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев.

Наша Республика имеет колоссальный ресурсный потенциал для развития сферы. О возможностях нашей страны свидетельствует, прежде всего, наличие свыше 7,4 тысяч объектов материального культурного наследия разных эпох и цивилизаций, в том числе включенные в Список объектов всемирного наследия ЮНЕСКО исторические центры Самарканда, Бухары, Хивы и Шахрисабза. Страна богата 11 национальными природными парками, государственными заповедниками, 37 театрами, 106 музеями, 187 парков отдыха и культуры, а так же множеством других объектов туризма.

Аннотация: В статье рассматриваются возможности и значение валютного регулирования в цифровой экономике. Также, чтобы четко определить путь здорового развития экономики на современном этапе развития нашей страны, необходимо разработать пути перехода к цифровой экономике, каковы возможности этого пути. В сложившейся ситуации банки также разработали соответствующие рекомендации по формированию цифровой экономики.

Ключевые слова: цифровая экономика, банковское дело, валюта, национальная валюта, иностранная валюта, инфляция, пластиковая карта, наличная валюта.

Abstract: The article discusses the possibilities and importance of currency regulation in the digital economy. Also, in order to clearly determine the path of healthy development of the economy at the present stage of development of our country, it is necessary to develop ways of transition to a digital economy, what are the possibilities of this path. In this situation, banks have also developed relevant recommendations on the formation of a digital economy.

Keywords: digital economy, banking, currency, national currency, foreign currency, inflation, plastic card, cash currency.

Мамлакатимизда**“Валютани тартибга солиш тўғрисида”**ги қонунамал қилмоқда. Ушбу қонун ўзимизнинг бугунги ҳолатимиздан келиб чиққан ҳолда чуқур ўйланган тарзда қабул қилиниб, айрим ўзгартиришлар ҳам киритилган. Аммо реал ҳаётида бундан айрим четланишлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, бизда мавжуд ҳолатни эътиборга оладиган бўлсак,ҳамон ноқонуний импорт билан шуғулланаётган “тадбиркорлар” ҳам йўқ эмас. Ушбу бозор вакиллари валютага бўлган талабни ошириш билан бирга, ноқонуний йўллар билан алмаштиришга ҳам мойиллиги катта. Бу ҳолат яна яширин иқтисодиётнинг сақланиб қолишига, нақд кўринишдаги назорат қилинмайдиган хорижий валютадан

максимал даражада фойдаланиб қолишга ҳаракат қилинади. Булардан ҳам кўриниб турибдики, валюта қора бозорининг мавжуд бўлишига васақланиб қолишига монетар омиллардан кўра айрим фискал омиллар ҳам сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги пайтда амалиётга жорий қилинган хорижий валюталар бўйича ҳам пластик карточкалар рақамли иқтисодиётнинг бир кўриниши бўлиб, мавжуд муаммони бироз енгиллаштирди. Аммо ушбу соҳада ҳам чекловлар бироз юмшатилгани билан бутунлай олиб ташланмаганлиги ҳам айрим ҳолларда валюа қора бозорининг сақланиб қолишига сабаб бўлади. Чунки, хориждан товар олиб келувчилар (уларнинг бир қисми ноқонуний) эҳтиёжи пластик карточкага белгиланган миқдордан кўпроқ бўлиши мумкин.

Хуллас, савол туғулади, шунчалик чоралар кўрилишига қарамасдан валюта қора бозорининг сақланиб қолишига нималар сабаб бўлмоқда. Фикримизча:

инсонлар психологиясида ҳали ҳануз ўша моддий кўринишдаги пулларнинг ўрни ва аҳамияти юқорилигича қолаётганлиги;

кўпларнинг валютани кўзи билан кўриб қўли билан ушлаб кўрмагунча кўнгил жойига тушмаслиги;

одамларнинг хорижий валютага миллий валютага нисбатан инфляция нуқтаи назаридан ишончининг кучлилиги;

хорижий валютани пластик картага ташлаб, уни кейин банк кассасидан ёки банкоматлардан нақд қилиш эса бир томондан вақт, иккинчи томондан харажат талаб қилганлиги;

банкларда хорижий валютанинг эркин ва узлуксиз сотувини ташкил қилиш имкониятларининг чекланганлиги;

нақд пулнинг инфляция натижасида қадирсизланиши давом этишини инобатга олиб, уни уйда ёки банкларда сақлаш хатарли эканлиги, аммо хорижий валютанинг ушбу таъсирга (қадрсизланишга) тушмаслиги;

нақд миллий валютани банкларда сақлашнинг салбий таъсирининг ҳамон одамлар ёдида сақланиб қолаётганлиги, банкларнинг бу борада ишончни бутунлай йўқотганлиги;

нақд кўринишда валютани бирданига банклардан сотиб олишдаги қийинчилик туфайли қора бозордан хорижий валютани харид қилишга аҳолида талабнинг мавжудлиги;

нақд хорижий валютани мамлакатимиз банкларида сақлашга деярли рағбат йўқлиги (тўланадиган фоизининг камлиги);

аҳоли ўртасида ўзаро келишувлар, савдо-сотиқ ишлари ва йирик товарлар қийматини долларда белгилаш ва долларда ҳисоблашиш анъанага кириб кетганлиги ҳамда бугунги кунда унинг сақланиб қолганлиги;

чет элдан ноқонуний йўл билан товарларни олиб киришнинг сақланиб қолаётганлиги савдо ва бизнес вакиллари учун валюта қора бозорининг мавжуд бўлишидан манфаатдорлиги кабилар.

Кўриниб турибдики, валюта қора бозорининг сақланиб қолишига ҳали анча сабаблар бор экан.

Молиячи эксперт Мансур Тангишовнинг интернет тармоғида берган мақоласида “мени кўп ўйлантирадиган нарса бу – бутун жаҳон ривожланган давлатлари имкон қадар рақамли иқтисодиётга ўтишни ўйлаб, ҳаракат қилаётган бир пайтда, биз оддий нақд хорижий валюта муаммосини охиригача ҳал қилмаганимиздир. Рақамли иқтисодиёт аввало барча соҳа ва тармоқларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг рақамли технологияларни қўллаган ҳолда амалга оширилишини талаб қилади. Рақамли технологияларни қўллашда энг биринчи навбатда, аввало, мана шу рақамли тўловлар технологияларини такомиллаштириш керак бўлади”[95]. Булардан ҳам кўриниб турибдики, валюта бозорини тартибга солиш учун биринчи галда рақамли тўловларни амалга оширишни тақозо қилар экан.

Шуни таъкидлаш жоизки, рақамли иқтисодиёт ривожланиши учун нақд пулсиз иқтисодиёт (Cashless economy) қурилиши кераклиги хусусида ҳам фикрлар айтилган. Экспертнинг таъкидлашича:“Аслида, нақд пуллар 21-аср ахборот технологиялари асри учун эскирди. Бугунги кунда Канада, Швеция ва Буюк Британия мамлакатлари мисолида нақдсиз тўловлар такомиллаштирилиши ва нақд пуллар муомаласининг максимал даражада камайтирилиши натижасида иқтисодиётда яширин иқтисодиётнинг ЯИМга нисбатан энг қуйи кўрсаткичларни қайд этаётганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бу давлатларда валюта қора бозори деган тушунчанинг ўзи йўқ”[96], экан.

Мамлакатимизда банк соҳасида рақамли иқтисодиётга ўтиш масаласи бироз муаммолигича қолмоқда. Чунки, юқоридаги давлатлар тажрибасида максимал даражада нақдсиз пул муомаласини кўпайтириш билан бирга, нақд пул ҳажмини имкон қадар камайтиришга ҳаракат қилинган. Аммо ўзимизда нақд пул ҳаётий эҳтиёж бўлиб турибди.Зеро, халқимиздаги кўплаб ўрф-одатлар, кўплаб истеъмол товарларини деҳқон бозорларидан харид қилиниши, тўйларга тўёна нақд пулда берилиши, бу жойларда пластик карточка билан муомала қилишга имконият чекланганлиги бунга сабаб бўлиши мумкин.

Маълумки, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар миллий валютада амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилган. Аммо расмий ва норасмий ҳолатда хорижий валюталар муомалада иштирок этмоқда. Ушбу масалага Марказий Банк ва тегишли мутасадди ташкилотлар тўғри ечимини топишлари ва маълум оптимал тартибни белгилашлари лозим.

Иқтисодчи эксперт, Мансур Тангишовнинг интернет тармоғида берган мақоласидага яна бир фикрига эътиборингизни қаратмоқчиман. Мақолада:“тан олиш керак нақд кўринишдаги хорижий валюталар кўп ҳолларда айнан ноқонуний фаолият юритувчи шахсларда, ўзининг қанча миқдорда маблағи борлигини расман ҳеч ким билмаслигини хоҳлайдиган

[95]**Мансур Тангишов.** 3/2018 (№ 00035) www.iqtisodiyot.uz.
[96]**Мансур Тангишов.** 3/2018 (№ 00035) www.iqtisodiyot.uz.

коррупция вакилларида, контрабанда вакилларида, чайқовчи тадбиркорлар томонидан тез-тез фойдаланилади.Чунки бу шахслар нақд хорижий валюта(қаттиқ валюта)нинг кучини билишади ва унинг назоратдан ташқарида эканлигидан максимал фойдаланишади. Улар нақдсиз кўринишда хорижий валюталарни банкларда сақлайдиган бўлишса, бундай катта миқдордаги маблағларга нисбатан шубҳалар пайдо бўлишидан қўрқишади. Шунинг учун ҳам доимий равишда нақд валютанинг муомаласи барқарор бўлишини чин дилдан исташади. Аслида яширин иқтисодиёт вакилларининг аксар қисми фаолияти айнан нақд хорижий валюта билан олди-сотди қилишни талаб қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, нақдсиз хорижий валюта тартибини такомиллаштириш яширин иқтисодиётни камайтиришга сабаб бўлади"[97], деган фикрни олға суради. Ушбу фикрга тўлиқ қўшилиш лозим. Чунки, таҳлиллар кўрсатмоқдаки, қора бозорнинг сақланиб қолишига яна бир сабаб нақд валютанинг олди-сотди жараёнида иштирок этиши бўлмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодиётни соғлом ривожлантириш йўлини аниқ белгилаб олишимиз лозим. Бу эса, маълум маънода бирор янги нарсани жорий қилишни, аммо зарур бўлсада эски тартиб тамойиллардан вақтинча бўлсада, воз кечишимизни тақозо қилади. Бу йўл бугунги кунда рақамли иқтисодиётга ўтиш йўлидир. Бундаривожланган давлатлар сингари нақдсиз иқтисодиётни шакллантириш лозим бўлади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки ушбу йўлни шакллантиришнинг иккита усули бор: бири эволюцион йўл билан эришишлса, иккинчиси революцион йўлдан иборат. Мамлакатимизда ҳам бунинг қайси бирини танлаш масаласи ҳам чуқур тадқиқотларни тақозо қилади.Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, аввал хорижий валютанинг нақдсиз муомаласини йўлга қўйишни, сўнгра миллий валютадаги нақдсиз пул муомаласига тўлиқ ўтиш имкониятларини кўриш масалаларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги вазиятда банкларда рақамли иқтисодиётни шакллантириш бўйича қандай тавсияларни айтиш мумкин. Фикримизча:

Биринчидан, миллий валютани хорижий валютага алмаштириш банкларда чекланмаган ҳолда амалга оширишни йўлга қўйган ҳолда ҳар бир шахснинг қанча валюта алмаштирганлиги тўғрисидаги аниқ ва очиқ маълумот бўлишлигини таъминлаши лозим.

Иккинчидан, оддий халқ учун **нақд хорижий валютани жамғаришни уйидан кўра банкларда сақлашнинг манфаатли эканлигини, рискнинг умуман бўлмаслигини таъминлаш мақсадга мувофиқ.**

Учинчидан, хорижга чиқмоқчи бўлган шахсларга бемалол исталганча миқдордаги пулни хорижий валютада картасига ўтказиб бериш амалиётини давом эттириш билан бирга уларнинг мақсадга мувофиқ ишлатилиш масъулияти ҳам юкланган бўлиши лозим.Бу фуқарорларнинг нақд валютани тасарруф этиш эркинлигини чекламайди.

[97]**Мансур Тангишов.** 3/2018 (№ 00035) www.iqtisodiyot.uz.

Тўртинчидан, рақамли иқтисодиётга ўтиш учун аҳолини нафақат иқтисодий, балки техник жиҳатдан, шу иқтисодиётни юритадиган малакага эга бўлишликни, унга маънавий жиҳатдан талабга жавоб берадиган эътиқодга эга бўлишликни, ижтимоий томондан фикрлар ва қарашлар шунга мутаносиб ва тайёр бўлишликни тақозо қилади.

Шуни ёдда тутиш керакки, биз**қачондир рақамли иқтисодиётга, банклар нуқтаи назаридан, нақд пулсиз иқтисодиётга ўтишимиз тайин. Шу туфайли ушбу стратегик масалага босқичма-босқиб ўтиб боришимз лозим бўлади. Чунки,** бутун дунёда рақамли пуллар, электрон пуллар ва виртуал пуллар оммалашиб бормоқда. Биз улардан ҳозирги интеграция чуқурлашиб бораётган шароитда айри яшай олмаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, банкларда рақамли иқтисодиётдан фойдаланиш яширин иқтисодиёт, қора бозор ва сахта рақамларга йўл қўйилмасликнинг асосий усули эканлигига маълум даражада ишонч ҳосил қилиш мумкин.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: МАҚСАДИ, ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев –
СамИСИ профессори, и.ф.д.

Аннатация:мақолада рақамли иқтисодиётнинг мақсади, вазифалари, ижобий ва салбий жиҳатлари қараб чиқилган.Шунингдек, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодиётни ривожлантиришдарақамли иқтисодиётнинг ўрни ва унинг имкониятлари ижобий жиҳатлари атрофлича очиб берилган. Рақамли иқтисодиётнинг салбий жиҳатлари нималардан иборатлиги каби масалалар ҳам қараб чиқилган. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, рақамли иқтисодиётни шакллантириш бўйича тегишли тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар:рақамли иқтисодиёт, **Рақамли Ўзбекистон**, электрон ҳукумат, рақамли ахборот, рақамли технология, рақамли иқтисодиёт имкониятлари, омиллар, миллий валюта, хорижий валюта, инфляция

Цифровая экономика: цели, позитивные и негативные аспекты

Аннотация: в статье рассмотрены цели, задачи, позитивные и негативные аспекты цифровой экономики. А также, подробно раскрыты место и возможности цифровой экономики в развитии экономики страны на текущей стадии прогресса. Рассмотрены такие вопросы, как негативные аспекты цифровой экономики. Исходя из нынешних реалий, разработаны соответствующие рекомендации по формированию цифровой экономики.

Ключевые слова: цифровая экономика, Цифровой Узбекистан, электронное правительство, цифровая информация, цифровые технологии, возможности цифровой экономики, факторы, национальная валюта, иностранная валюта, инфляция.

Digital economy: goals, positive and negative aspects

Abstract: The article considers the goals, objectives, positive and negative aspects of the digital economy. Also, the place and possibilities of the digital economy in the development of the country's economy at the current stage of progress are described in detail. Issues such as the negative aspects of the digital economy are addressed. Based on current realities, relevant recommendations have been developed on the formation of a digital economy.

Keywords: digital economy, Digital Uzbekistan, e-government, digital information, digital technologies, opportunities of the digital economy, factors, national currency, foreign currency, inflation.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётга ўтиш объектив зарурият бўлиб қолди. Буни инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйичаҲаракатлар стратегиясиниамалга ошириш масаласида бир қанча устувор вазифаларни белгилаб берди. Булар эса ўз навбатида, рақамли мамлакатни шакллантиришни тақозо қилади. Ушбу мақсадда мамлакатимиз раҳбари**2030 йилгача «Рақамли Ўзбекистон» ривожланиш концепциясини ишлаб чиқариш вазифаси қўйилган эди. Ушбу вазифа**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида яна бир бор баён этилди ва **“Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини** ишлаб чиқиш”[98] вазифаси юклатилди. Мамлакатимизда бу борада тегишли ишлар амалга оширилмоқда ва барча соҳаларга рақамли иқтисодиётни киритиш босқичма-босқич амалга оширилиши кўзда тутилган. Одатдагидек, юртимиз олимлари ҳам ушбу йўналиш бўйича тегишли тарзда илмий-тадқиқот ишларини олиб бомоқдалар.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш ва уни мамлакатимиз амалиётига жорий қилиш масаласи бугун пайдо бўлган эмас. Бу масала босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан,Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон қарори, 2018 йил 21 ноябрда “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сонли қарори, 2018 йил 13 декабрда “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Буларнинг ҳаммаси бугунги кундла барча соҳалар сингари банкларда ҳам амалга ошириш масаласини устувор қилиб белгилаган. Банкларда рақмли иқтисодиётнинг нималигини тушуниш учун, умуман ушбу янги тушунчанинг нималигини билиш учун, ушбу масалани назарий жиҳатдан ўрганиб, биринчи галда унинг таърифини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Тадқиқотларимиз натижасида мазкур тушунчанинг таърифини ишлаб чиқдик ва уни қуйидагича ифодалашни тавсия қилдик. **Рақамли иқтисодиёт деганда, рақамли ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга асосланган ва электрон**

[98]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1-4 бетлар.

тижорат орқали тақсимланадиган иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар тизими тушунилади.Албатта ушбу таъриф рақамли иқтисодиётнинг амалиётга жорий қилиниши, унинг нафақат иқтисодий, балки бутун ижтимоий ҳаётни қамраб олиши билан ушбу таъриф ҳам такомиллашиши мумкин.

Энди ҳар бир жараённи жорий қилишдан бирорта мақсад бўлади. Худди шундай рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ҳам шунчаки иш бўлмасдан, унинг ҳам мақсади бор. Бу, бизнинг фикримизча**рақамли иқтисодиётни жорий қилишдан мақсад** қуйидагилардан иборат:

- мамлакат ЯИМни ишлаб чиқаришни инновацион омиллар натижасида кўпайтириш;
- иқтисодий-ижтимоий ҳаётда, шу жумладан банк тизимида ҳам коррупцияни кескин камайтириш;
- рақамли иқтисодиётнинг жуда катта имкониятларидан фойдаланиб, унинг натижасини сахталаштириш мумкин бўлмайдиган реал иқтисодиётни шакллантириш;
- яширин иқтисодиётга барҳам бериш;
- жамиятда коррупция ва яширин иқтисодиёт элементларига барҳам бериш орқали адолатли жамиятни шакллантириш;
- иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга инновацион омилларни жорий қилиш эвагигааҳолининг интеллектуал салоҳиятини ошириш;
- мамлакат ва ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини реал баҳолаш орқали уларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш кабилар**.**

Рақамли иқтисодиётни жорий қилишдан мақсадидан кўриниб турибдики, агар у жамиятимизда ўз тасдиғини топиб, тўлиқ жорий қилинса, бунинг жуда кўп ижобий томонларини кўриш мумкин. Шу билан бирга шуни алоҳида қайд этиш жоизка, рақамли иқтисодиёт ҳам бошқа унсурлар сингари ўзининг ижобий жиҳатлари билан бирга салбий томонлари бор.

Рақамли иқтисодиётнинг ижобий томонларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, рақамли иқтисодиётни иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизгажорий қилиш орқали инсонларнинг вақти, маблағи ва энергияси тежалади. Шу орқали меҳнатнинг тежамкорлигига эришилади. Бунда шуни назарда тутиш жоизки, яратилган маҳсулотнинг таркибида жисмоний меҳнатнинг ҳиссаси камайиб, интеллектуал меҳнатнинг ҳиссаси ортиб боради.

Иккинчидан, уйида туриб дунёнинг исталган жойидан хоҳлаган товарини харид қилиш имконияти яратилади.Лекин бунинг учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида интернет тўлиқ ишлайдиган бўлиши лозим. Бунга тегишли моддий-техник имкониятлар яратилиши лозим. Бу борада мамлакатимизда анча ишлар амалга оширилмоқда. Аммо интернет тезлиги ҳали талабга тўлиқ жавоб бермаслиги ҳам ҳақиқат. “Рақамли Ўзбекистон - 2030” дастурини жадаллик билан амалга ошириш лозим бўлмоқда.

Учинчидан, рақамли иқтисодиётнинг муҳим жиҳатларидан бири – ҳозирги шароитда айрим ҳолларда йўл қўйилаётган иқтисодиёт натижаларини сахталаштириш имконияти чекланади. Бунга ахборотлар тўрининг ташкил қилиниши йўл қўймайди. Бу ҳам мамлакатимизда нафақат иқтисодий, балки маънавий муҳитни ҳам ўнглаш имкониятини яратади.

Тўртинчидан, иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ кенг илдиз отган коррупциянинг олди олинади. Бунда ҳам ахборотлар тўрининг ташкил қилиниши айни муддао. Бир марта киритилган ахборотни иккинчи марта ўзгартиришнинг имконияти жуда чекланган бўлади. Бу ҳолат йўқ нарсани бор деб ёки бор нарсани яшириб кўрсатиш учун имкониятни чеклайди. Бундай шароитда адолат қарор топиб боради.

Бешинчидан, бир жойда туриб дунёнинг исталган нуқтасидан ахборот олим имконияти яратилади. Бу жуда катта вақт сарфини тежаш имкониятини яратади. Ахборотларга тез эришиш "вақтнинг тез ўтганлигига" ўхшайди. Аслида вақт ўша-ўша бир суткада 24 соат. Аммо жуда кўп ахборотларни олишга улгурган одам ҳаммасига тез эришгандай бўлади ва бу вақтнинг тезлашганидай руҳиятни уйғотади. Олдинлари бирор хабарни етказиш учун улов билан бирма-бир айтиб чиққан. Аста-секинлик билан уловларнинг такомиллашган ва тез шакли пайдо бўлди. Энди масофадан туриб хабарлар дунёнинг турли бурчакларига етказилмоқда. Бу ҳам инсоният учун жуда катта имконият.

Олтинчидан, одамларда қўшимча маблағ топиш имконияти яратилади**.** Чунки ахборотлар маълум маънода товарга айланади. Уларни сотиш орқали қўшимча маблағ топиш имконияти туғилади. Масалан, турли вазифаларни бажаришга мўлжалланган дастурлар, электрон ахборотлар (китоблар, ишланмалар, илмий натижалар каби) ва бошқа маҳсулотларнинг электрон вариантларини сотиш имконияти яратилади. Булардан ташқари жуда кўплаб онлайн савдо шартномалари ҳам амалга оширилиши мумкин.

Шу билан бирга барча механизмлар сингари**рақамли иқтисодиётнинг ҳам салбий томонлари** ҳам мавжуд. Чунки, ҳар қандай янгилик бирор мавжуд насанинг ўрнинига келади. Табиийки, олдингиси ўз ўрнини бўшатиб беришига мажбур бўлади. Олдинги жараёнда ҳам одамлар фаолият кўрсатаётган, унга мос моддий-техника базаси катта маблағлар эвазига шакллантирилган бўлиши мумкин. Бу эса рақамли иқтисодиётнинг ҳам айрим салбий жиҳатлари борлигидан далолат беради. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳатто маънавий ҳаётини бошқаришда инсоннинг иштироки камайиб боради**.** Натижада миллионлаб ходимларнинг иш жойи қисқаради. Бу жараён бир томондан ижобий ҳолат бўлиши мумкин, одамларнинг бошқа соҳа билан шуғулланиши учун имконият яратилади. Аммо бизда ҳозирча ҳамма бўшаган ходимларни иш билан таъминлаш имкониятимиз етарлик эмас. Шу жиҳатдан, ҳар бир шахс кўпкасбли мутахассислар бўлишлигини тақозо қилмоқда.

Иккинчидан, инсон иштироки камайган жойда илмнинг, айниқса шу жараёнда тафаккурнинг ўрни ҳам камайиб боради, чунки ҳамма нарса олдиндан дастурланган ҳолда автоматлаштирилган тарзда бажарилади. Инсоннинг тафаккури, унинг интеллектуал қуввати ушбу жараённи яратгунча сарфланган бўлади. Автомотлаштирилган технология ўрнатилгач битта технология кўплаб кишиларнинг ўрнига бир ўзи ишлайверади. Уни ишлатадиган одам, фақат ишлатишни билса бўлди, ушбу технологиянинг қандай яратилганлигини ва мос равишда бузулиб қолгудек бўлса, уни созлашни ҳам билмаслиги мумкин. Буни созлаш, таъмирлаш учуняна мутахассис жалб қилинади.

Учинчидан, "иқтисодиёт инсонларга хизмат қилиши керак" деган оддий ҳақиқатдан бироз четланилади, чунки одамларнинг ўзлари яратган рақамли иқтисодиёт, уларнинг ўзларини одатдаги фаолиятидан қисиб чиқаради. Натижада инсон билан иқтисодиёт омиллари бир-бирига "қарши" ҳаракат қилгандек, вазият пайдо бўлади. Аслида иқтисодиётнинг рақамлаштирилиши одамларнинг фақат иш жойини қисқартириш эмас, балки уларнинг бўш вақтини кўпайтириш имкониятларини ҳам яратади. Бўш вақт инсон учун катта бойлик. Шундай шароитда одамлар тегишли тарзда ўзларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш имкониятига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли иқтисодиётнинг мақсади, жамият тараққиётини "тезлаштириш", бунинг учун иқтисодиётни жадаллик билан ривожлантириб, унинг рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат бўлса, унинг ижобий тамонлари ва салбий жиҳатлари ҳам борлигини инобатга олган ҳолда қарашга тўғри келар экан.

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

Бутабоев Махамаджон Туйчиевич -
Қўқон университети профессори, иф.д.
Мулайдинов Фарход Муротович –
Қўқон университети кафедра мудири

Аннотация: муҳтарам президентимиз «**юртимиздан яна кўплаб Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар етишиб чиқади**. **Мен бунга ишонаман**» деб айтган ғоялари атрофида барчамиз жипслашсак, дунёда рақамли иқтисодиётга юксак билимли кадрларни тайёрлашда биринчи бўлишимиз мумкин! Президентимизнинг 2018 йил 21-сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасини 2019-2021 йилларда инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарорларида: «Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлик даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи **асосий омил сифатида инсон (ақлий) капиталини ривожлантириш – стратегиянинг бош мақсадидир»** деб таъкидлаб ўтганлар.

Калит сўзлар: инсон капитали, соғлиқни сақлаш, ақлли тиббиёт, рақамли, ривожлантириш, инновацион таълим, гейминфкация, IT-технология, инновацион иқтисодиёт.

Ключевые слова: человеческий капитал, здравоохранение, интеллектуальная медицина, цифровое вещание, развитие, инновационное образование, игры, информационные технологии, инновационная экономика.

Keywords: human capital, healthcare, smart medicine, digital, development, innovative education, gaming, IT technology, innovative economy.

Олдимизга қўйилган буюк вазифаларни ҳал этиш учун ***биз таълимда, соғлиқни сақлашда ва оилада янги инновацион ғоялар ва уларни самарали амалга ошириш йўл харитаси*** ва бу билан боғлиқ чора - тадбирларини ишлаб чиқишимиз зарур. Бугунги кунда интеллектуал қобилиятни (ИНСОН КАПИТАЛИНИ) ривожлантириш механизмларини шакллантириш соҳасида на **соғлиқни сақлашда**, ва на таълим тизимида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Табиатда кўчат экишдан олдин ерни тайёрламасак, яхши ҳосил олиб бўлмайди. Нега таълимда олдин **ақлли тиббиёт ёрдамида** мия хотираси имкониятларини ва қобилиятини ўстирмай (**таълимни илдизи соғликни сақлашда**), унга билим беришга самарасиз ҳаракат қиламиз. Кўп талабаларга 11-16 йил берган билимларимизнинг 20-30% қисми ҳам ёдида қолмайди. Ал Хоразмий ва Ибн Синоларни хеч ким 15 йил бизга ўхшаб ўқув муассасаларида ўқитиб, бунга халқнинг маблағларини сарфламаган. Улар туғилганида хотираси, ўйлаш тезлиги ва аллоҳ берган қобилият жуда кучли бўлган. Президентимиз бошчиликларида рақамли иқтисодиётга ўтишимиз жараёнида билимларни инновацияларга айлантириб, самарали ишлатиб, муваффақиятли бўлишга ҳам сифатли таълим механизмларини ҳозирча ишлаб чиққанимиз йўқ. Бунда қуйидагиларни қайд қилишимиз лозим: биринчидан**,** Ўзбекистонни инновацион йўналишда ривожлантириш учун **ижтимоий соҳага** (ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ) бўлган инвестициялар реал секторга нисбатан кўпроқ бўлиши керак, яъни, янгича ўйлаш, янгича фикрлаш ва янгича ҳаёт тарзини шакллантириш учун янгича терминларни киритиш керак бўлади, яъни: **ақлли оила, ақлли маҳалла, ақлли тиббиёт, ақлли таълим, ақлли дин, ақлли талаба, ақлли тадбиркор**... Буларнинг барчаси ақлни, қобилиятни такомиллаштириш ва самарали ишлатишнинг ўз йўл ҳариталарини ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистонни рақамли асосда ривожлантиришда соғлиқни сақлаш тизимига янги талаблар қўйилиши мумкин: таълим муассасалари, овқатланиш мажмуаларида овқатланишни мақсадли ташкил қилиш ва Ca, Mg, J, Fe…витамин аминокислоталарга ва минералларга бўлган эхтиёжларни тўлароқ қондириш. Минимал истеъмол саватча хар бир инсон учун индивидуал бўлиб, у яширин очликни камайтиришга ҳизмат қилиши зарур. Масалан, ҳар куни 4 порсия сабзавот ва 1 порсия мева ейишини таъминлаш, қовуриб-куйдириб витаминларни ўлдиришдан яҳшироқдир. Аввало ақлий тиббиёт ҳар бир боланинг қобилият йўналишини (музика, математика, рассомчилик, муҳандислик...) аниқлаши зарур, сўнгра шу соҳада уни муттасил равишда ривожлантириш лозим.

Ўзбекистонни рақамли ривожлантиришда инновацион таълим тизимига қўйиладиган янги талаблар:

- Янги таълим модели, яъни, «қобилиятни ривожлантириш ва инновацияларга ўргатиш»ни (креативлик ва танқидий фикрлаш механизмларига ўргатиш) жорий этиш
- Хорижий ва ўзбекистон ўқув адабиётларидан ўқитувчи камчиликлар топиш жараёнини ўрганиш ва қайси ўқитувчи кўпроқ камчилик топса, унга ўз соҳаси бўйича янги дарслик ёзишни топшириш.
- Олдиндан тарқатилган маъруза матнлардан ва илмий мақолалардан талабалар мустақил тайёрланиб, камчиликларни топиб, хар дарс бошланишидан олдин ўқитувчи савол-жавоб қилиб, кейин тушунмаганларини ўргатса, маслаҳат берса талабани фанни ўзлаштириши даражаси 70-80% га кўтарилар эди.
- Мактабгача таълим муассасасидан бошлаб, бола қобилияти қайси соҳага мос эканлигини аниқлаб, унинг ҳар йилги ривожланиш омилларини таҳлил қилиш.
- Гейминфкация асосида турли ўйинлар ичида болаларга билим беришни жорий қилиш.
- Таълимда билим бериш билан бирга билимни амалий ишлатишга ўргатиш.
- АҚШда талабалар ўртача бир йил ичида 1000 долларга китоб сотиб олади.

Таълим тизимида IQ тест орқали мия қобилиятини ўсишини таҳлил қилишни жорий этиш (Германия тажрибаси:10-12 ёшида IQ≥130 бўлганларни маҳсус мактабларда ўқитишади). Биз ҳам шу усулда ажратиб олинган болаларга нуфузли Президент мактаблари ва лицейларида мия қобилиятини ўстириш омилларини ишлатиб, кейин таълим беришимиз керак.

- Президент мактаблари ва лицейларига кириш имтихонларини ОТМ абитуриентлари тестларига ўхшаган ҳолда марказлаштириш
- Мнемоника, ментал арифметика ва шахматга ёшликдан ўргатиш.
- Таълим тизимига 50% дан ортиқ таъсирга эга бўлган ташқи омиллар мавжуд бўлиб (инновацион оила, инновацион тиббиёт, ақл тарбияси, ақлий миллат), уларнинг таълим сифатига таъсирини ўрганиш ва таҳлил қилиш керак.
- Қобилятни (мия хотираси, ўйлаш тезлиги ва мантиқни) ривожлантирадиган ақлий тиббиёт соҳаси мутахассисларини тайёрлаш керак.
- Инноватив талабаларга ва инновацияларга ҳомийлик қиладиган бизнес муҳитини (ҳомийлик ва инновациялар ҳусусий агентлигини, ушбу агентлик технологик ечимдан ёки инновация тадбиқидан олинадиган фойдадан улуш олади) шакллантириш керак.
- Таълим тизимида ҳозирги кунда ҳамда ДҲҚ билим юртларида фаолият кўрсатаётган қобилият ва хотирани ривожлантирадиган кафедралар ва марказлар очиш.

- Мактабларда 5-синфдан юқорилашган сари ўтилган фанлардан фикр ва мулоҳазалар билдирилган (50-1000 сўз ўлчовида, синф юқорилаган сари сўзлар ҳам кўпаяди) ёзма оралиқ ва якуний назорат имтихонлар тизимида-иншолар ёзишни ташкил қилиш билан ёзма ўйлаш ва фикрлашга ўргатиш.
- Энг яхши педагоглар дарсларини масофадан ўқитиш орқали қишлоқ мактабларига жойларга етқазиш. Бу билан бир вақда ўқитувчиларнинг ҳам малакалари ошади.
- Етук ОТМлар ва мактабларнинг филиалларини вилоятларда кўпайтириш.
- Абитуриентларнинг ОТМларга қабулини тест марказларида онлайн усулда ва ошкора ташкил этиш.
- Педагогика ва юқори технология мутаҳасисларига (айниқса, IT-дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш соҳаси) юридик, дипломатия ва бошқа ўқув юртларига кира олмаган юқори балли (180-200) абитуриентларни жалб қилиш механизмларини ишлаб чиқиш зарур.
- Бакалаврларнинг БМИларида (гуманитар соҳасидан ташқари) хорижий IT- технологияларни Ўзбекистонда жорий этиш жараёнига илмий раҳбари билан биргаликда жалб этиш ва уларни ҳомийлар ёрдамида амалга оширишни шакллантириш.
- Магистратурани (гуманитар мутаҳасисликлардан ташқари) тўлиқ инглиз тилига ўтқазиш (Германия, Корея ва Япония тажрибаси сингари)
- Магистрлик диссертацияларида хорижий IT-технологияларни модернизация қилиш ва ишлаб чиқишга ҳомийлар ёрдамида жорий қилиш.
- БМИ, МД ва докторлик диссертацияларни мавзуларини хориждаги инновацияларни Ўзбекистонда жорий этиш муамоларига қаратиш.
- Ҳорижда ўқитувчиларни малака оширишнинг 3+1 моделини ишлатиш: 3 ой Ўзбекистондаги Westminster, Singapur, Turin, Gubkina, MGU филиалларида студентлар билан биргаликда ўқитиш ва имтихонлар топширтириш, сўнг борадиган хорижий университетда интернет орқали масофадан ўқитиш (МООС – пларформалари орқали масофадан ўқитиш 5-7 баробар арзон туради), кейин эса ҳорижий амалиётга 1-3 ойга юбориш. Бу усул катта иқтисодий самарадорлик беради.
- Олий таълимда очиқ университетларнинг (3 ойдан 1 йилгача IT-мутахассисликларга масофадан ўқитадиган курслар) норматив-ҳуқуқий базасини ва хорижий ўқув курсларининг ўзбек тилидаги ахборот базасини яратиш.

Инновацион иқтисодиётда иш билан бандларнинг ичида олий маълумотлиларни сони 50% дан ошиқ бўлиши керак. Шунинг учун ҳам АҚШ ва Россия Федерацияси тажрибасини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда Давлат – хусусий шерикчиликда сифатли нодавлат IT-мутаҳасисларини тайёрлайдиган ОЎЮ ларини кўпайтириш зарур. Бунда Давлат бюджетига ҳам ортиқча оғирлик туширмайди, ҳамда ишсизликни камайтириб, ёшларни терроризм ва экстремизм оқимларидан сақлайди.

Мамлакатимиздаги ахборот ҳавфсизлиги бозорининг ўзига келадиган бўлсак, бу ерда вазият қуйидагича. Ўзбекистонда ахборотни ҳимоя қилиш масалаларига ахборот технологиялари, ахборот инфратузилмаси банк сектори, уяли алоқага алоқаси бўлган компаниялар, қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширадиган компаниялар кўпроқ дуч келади. Бошқа ташкилотларга келадиган бўлсак, турли тадқиқотлар натижаларига кўра, бу ташкилотларнинг аксарияти раҳбарлари асосий таҳдид турлари ҳақида билади, лекин кўзга ташланадиган таҳдидлар бўлмаса, ахборот ҳавфсизлигини таъминлашдан маъно йўқ деб ҳисоблайди. Комплексли ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш учун қўлланадиган тизимлар структурасига ўтишда шуни айтиб ўтиш жоизки, улар сезиларли даражада ривожланишга қарамай – ҳозирги пайтда мамлакат ахборот ҳавфсизлиги бозорининг асосий қисмини тармоқлараро экранлар, хаккер ҳужумларни аниқлаш тизимлари (**Intrusion *Detestion Systems - IDS***) ва антивирус тизимлари ташкил қилади. Бироқ бу воситалар ҳимоя тизимларига қўйиладиган ахборот ҳавфсизлигининг ҳозирги шароитларида кўпинча замонавий талабларга жавоб бермай қўйди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт таълим муҳитини замона талабларига мос равишда ташкил қилиш ва ривожлантириш керак бўлади. Лекин бу қандай қилиб рақамли иқтисодиётнинг инфратузилмаси билан уйғунлашади деган саволга жавоб топиш учун қўлланманинг кейинги бўлимини ўрганиб чиқишингиз керак бўлади.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ – ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИНГ ДУШМАНИ

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев –
СамИСИ профессори, и.ф.д.,
Фарход Анварович Сафаров –
СамИСИ докторанти, PhD

Аннотация:мақолада рақамли иқтисодиётнинг яширин иқтисодиётнинг душмани эканлиги рамзий маънода ёритилган ва унинг мазмуни тўлиқ қараб чиқилган.Шунингдек, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида, яъникороновирус пандемияси шароитида, жуда кўп масалалар масофадан ҳал бўлишлигини талаб қилганлиги учун рақамли иқтисодиётни жорий қилиш жараёни бирмунча тезлашгани, ушбу ҳолат жамиятимиз учун объектив зарурият эканлиги, унинг яширин иқтисодиётни жиловлаш хусусиятининг борлиги каби масалалар қараб чиқилган. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, рақамли иқтисодиётни шакллантириш бўйича тегишли тавсиялар ҳам берилган.

Калит сўзлар:рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат, рақамли ахборот, рақамли технология, яширин иқтисодиёт, миллий валюта, хорижий валюта, инфляция, валюта бозори, валюта қора бозори.

Цифровая экономика – враг теневой экономики

Аннотация: в статье освещается и полностью рассматривается смысл цифровой экономики в качестве врага теневой экономики в символическом контексте. На данном этапе развития страны, в условиях пандемии коронавируса, множество проблем требуют дистанционного решения, что влечет за собой ускорение внедрения цифровой экономики.

Рассматриваются вопросы, связанные с объективной необходимостью внедрения цифровой экономики, наличием у нее свойств обуздания теневой экономики. Исходя из нынешних требований, предлагаются соответствующие рекомендации по формированию цифровой экономики.

Ключевые слова: цифровая экономика, электронное правительство, цифровая информация, цифровые технологии, теневая экономика, национальная валюта, иностранная валюта, инфляция, рынок валюты, черный рынок валюты.

The digital economy as the enemy of the shadow economy

Abstract: The article highlights and fully examines the meaning of the digital economy as an enemy of the shadow economy in a symbolic context. At this stage of the country's development, in the context of the coronavirus pandemic, many problems require remote solutions, which entails accelerating the implementation of the digital economy. Issues related to the objective necessity of implementing a digital economy, the presence of the properties of curbing the shadow economy, are considered. Based on current requirements, relevant recommendations on the formation of a digital economy are offered.

Keywords: digital economy, e-government, digital information, digital technologies, shadow economy, national currency, foreign currency, inflation, currency market, black currency market.

Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётга ўтишнинг лозимлигини аниқ белгилаб берган ҳужжатлардан бириПрезидентнинг2018 йилнинг 3 июлида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида рақамлииқтисодиётни ривожлантиришчора-тадбирлари тўғрисида”гиПҚ-3832-сон қарори бўлиб ҳисобланади. Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2018-2020 йилларда “блокчейн” технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган эди. Мазкур дастур ишлаб чиқилиб, уларда белгиланган вазифаларни тизимли равишда амалга ошириш имконини яратади. Ҳозирги кунда жамоатчилик ўртасида рақамли иқтисодиётнинг яширин иқтисодиёт,сохта маълумотлар ва қора бозорга ўрин қолдирмаслиги хусусида кўп муҳокама ва мунозаралар бўлмоқда.

Короновирус пандемияси шароитида, жуда кўп масалалар масофадан ҳал бўлишлигини талаб қилганлиги учун рақамли иқтисодиётни жорий қилиш жараёни бирмунча тезлашди. Айнан шу жараён рақамли иқтисодиётнинг жамиятимиз учун объектив зарурият эканлигини ҳам кўрсатди. Муҳими, ушбу иқтисодиёт жуда кўп ижобий томонлари билан бирга яширин иқтисодиётни жиловлаш хусусиятининг борлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Яширин иқтисодиётни жиловлашга қандай эришилади? Бизнинг фикримизча бунга эришишнинг бир қанча йўллари бор.

Биринчидан, дастлабки маълумотларни сохталаштириш имконияти бўлмайди ёки бутунлай чекланади. Чунки базага киритилган маълумотлар бирданига ахборотлар тўрида (блокчейн ҳолатида) жойлашган бўлади. Битта жойда ўзгартириш (сохталаштириш) мумкин, аммо бошқа жойда буни ўзгартириб бўлмайди. Шу туфайли бу йўл билан сохталаштирилган ёки яширин иқтисодиётни амалга оширишнинг йўли тўсилади.

Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ тадбирларнинг барчаси мамлакатимиздаги яширин иқтисодиётфаолиятинирасмий иқтисодиётга ўтказиш учун объектив шароит яратади. Чунки сохталаштириш имкони бўлмаган жойда яширин иқтисодиётга томон йўл ўз-ўзидан ёпилади.

Учинчидан, валюта қорабозорининг барҳам топишига эришилади. Чунки банклардан чиқадиган ва унга тушадиган маблағлар бевосита рақам билан ахборотлар тўрида (блокчейн ҳолатида)амалга ошириладиган бўлса, бунинг ҳам имконияти чекланади.

Тўртинчидан, яқинда амалга оширилган ва оширилиши давом этаётган солиқ ислоҳотлари ҳам яширин иқтисодиётнинг олдини олишга қаратилган-лиги билан аҳамиятлидир. Ҳамон айрим корхоналарда, айниқса хизмат кўрсатиш соҳасида ходимлар расмий ишга жойлашмаган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Бундай ходимларга ойлик маоши конвертда берилиш амалиёти мавжуд. Ушбу тўланадиган иш ҳақидан ҳеч жойда ўз аксини топмайди ва мос равишда булардан солиқлар ҳам тўланмайди. Бу ҳам яширин иқтисодиётнинг бир кўриниши сифатида сақланиб қолмоқда. Бундай ҳолатга барҳам бериш вақти келди, деб ўйлаймиз. Буни амалга ошириш учун эса, қўшимча “рағбатлантириш” чора-тадбирларни кўриш керак, деб ўйлаймиз.

Аммо яширин иқтисодиётва валютанинг қора бозори ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Албатта бунинг мамлакат иқтисодий тараққиётига салбийтаъсир қилиши тайин. Яширин иқтисодиёт ва қора бозорҳақидагап кетганда барча кишилар қандай қилиб улардан халос бўлиши ҳақида гапиради. Бунга эришиш учун қандай йўлларни танлаш мумкинлиги бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

Бугунги кунга яширин иқтисодиёт,сохта маълумотлар ва қора бозоргақарши курашиш учун Ўзбекистонда тегишли шароитлар яратилди. Маълумки мамлакатимизда валюталиберализацияси амалга оширилиб, тегишли тажрибалар орттирилди. Шу даврда бир мунча вазият ўзгарди, валюта айрибошлаш учун анча енгилликлар яратилди. Аммо ҳамон яшириш иқтисодиёт ва қора бозор аломатлари сақланиб қолмоқда. Албатта бу ҳолат иқтисодиёт соҳада ҳалол-покиза фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни бироз ташвишга солади.

Банкларда хорижий валютани нақд кўринишда сотишни тўлиқ рақамлаштиришни тақозо қилади, яъни бунда имкон қадар одамларнинг иштирокини камайтириш лозим бўлади. Агар хорижий валютани банклар томонидан турли баҳоналар билан сотилиши сусайтирилса, албатта қора бозорнинг сақланиб қолинишига сабаб бўлади. Чунки одамлар айнан хорижий валюта керак пайтида алмаштиришга киришади. Шу пайт банкларда бўлмаса, албатта қора бозордан ахтаришади. Бундай эҳтиёж унинг сақланиб қолишига муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Албатта ҳозир бунга максимал даражада чек қўйилди. Банкоматлар орқали нақд пулларни олиш, хорижий валютани алмаштириш йўллари очилди. Аммо буларни янада кенгайтириш масаласи ҳали кун тартибидан олиб ташланмаслиги лозим.

Масаланинг иккинчи томони бор. Агар валютани сотишни тўлиқ эркинлаштириш ҳам ўзимизда бироз хатарли. Уни бир қисм “тадбиркорлар” истаганча сотиб олиши мумкин. Шу туфайли айнан хорижий валютани кимлар

харид қилаётганлиги аниқ бўлиши керак. Ушбу усулнинг ҳам йўлини топишди. Бир пайтлар ҳар бир шахсга чегараланган миқдорда валюта сотиш меъёри белгиланган эди. Бундан ҳам эгри йўлларни топишди. Бировларни ёллашга ўтилди. Ушбу ёлланган шахсни пул билан таъминлайди ва у паспорти билан бориб, арзимаган ҳақ эвазига валютани алмаштириб берадиган бўлди.

Бундай ҳолатни бартараф қилиш жуда мураккаб, чунки одамлар қандай қилсаки, ўзларининг ортиқча пулини хорижий валютада сақлаш учун алмаштириб олишга интилади. Зеро, нақд хорижий валюта керак бўлиб қолганда валютани эркин алмаштириш имконияти бўлмай қолишлик хавфидан чўчимоқда. Шу туфайли ҳар бир масалага ўта синчковлик билан, биринчи бошланишда тегишли назорат билан жорий қилиниши мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, валютани алмаштиришни тўлиқ эркинлаштириш билан бирга унинг шаффофлигини ҳам таъминлаш лозим бўлади. Рақамли операцияларни амалга оширишб, ким қанча харид қилаётганлигини ва қанча харид қилганлигини билишни тақозо қилади. Бунда маълум миқдорда валютани кўп харид қилиб, кейин қора бозорда сотиш имконияти чекланади. Бу вақтинчалик чора. Муҳими, бу ерда ҳам инсонлар маблағи бўйича бой бўлиш билан бирга маънавий жиҳатдан ҳам бой бўлишлигини тақозо қилади. Инсонда иймон-эътиқод шаклланган бўлсагина шу ҳолатда ҳам турли найрангларни қилишмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида келтирилган “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”гиПҚ-3832-сон қарори (2018 йил 3 июль)билан Ўзбекистон Республикаси Президентиҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигиҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорликда 2018-2020 йилларда “блокчейн” технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқди. Мазкур дастурда белгиланган вазифаларни тизимли равишда амалга оширишжараёнида қуйидагилар кўзда тутилган:

“а) крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан мазкур фаолиятни ташкил этишнингҳуқуқий асосларини яратиш орқали жорий этиш ва ривожлантириш, бунда крипто-активларни маҳаллий ва халқаро крипто-биржаларда реализацияқилиш имкониятини назарда тутишни;

б) 2021 йил 1 январдан бошлаб "блокчейн" технологияларини:

давлат органлари фаолиятига, жумладан бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишда, давлат харидларини амалга оширишда, давлат хизматларини кўрсатишда, шахс тўғрисидаги маълумотларни верификациялашда татбиқэтишни;

давлат реестрлари, классификаторлари ва бошқа маълумотлар базаларини юритишда, жумладан уларга киритилган ахборотни янгилаш ва ундан фойдаланишда жорийэтишни;

устав фондида давлатнинг иштироки устувор бўлган йирик тижорат ташкилотларининг корпоратив бошқаруви тизимига, жумладан бизнес-жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, маъмурий ва операцион жараёнларни мақбуллашпириш, шунингдек, замонавий менежментни тадбиқ этиш ва ресурсларни бошқариш учун тадбиқ этишни;

клиринг операцияларида, тўловларни амалга оширишда, савдога оид молиялашда (аккредитив), шунингдек, лойиҳаларга кредит беришда жорий этишни”[99].

Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинганлиги ушбу масаланинг нечоғлиқ катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат бериб турибди.

Рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича ваколатли орган қарорга мувофиқЛойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳисобланади. Ана шу ташкилот рақамли иқтисодиётга оид бўлган крипто-активлар соҳасида майнинг, смарт-контрактлар, “блокчейн” технологиялари-ни жорий қилиш, “блокчейн” технологияларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш каби ишлар билан шуғулланади. Муҳим ва эътиборли жиҳат, жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги крипто-активлар айланмаси ва улардан олинган даромадлар солиққа солиш объектлари бўлиб ҳисобланмайди. Рақамли иқтисодиётнинг ҳозирги босқичида ушбу имтиёзни оқлаш мумкин. Келажакда ушбу даромад ҳам солиқ объекти бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли иқтисодиёт яширин иқтисодиётнинг душмани эканлигига гувоҳ бўлдик. Чунки, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида, яъникороновирус пандемияси шароитида, жуда кўп масалалар масофадан ҳал бўлишлигини талаб қилганлиги учун рақамли иқтисодиётни жорий қилиш жараёни бирмунча тезлашгани, ушбу ҳолат жамиятимиз учун объектив зарурият эканлиги, унинг яширин иқтисодиётни жиловлаш хусусиятининг борлигига ҳам амин бўлдик.Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, рақамли иқтисодиётни шакллантиришни тезлаштириш шу орқали, яширин иқтисодиётни бартараф қилиш бўйича ҳам тегишли тавсияларишлаб чиқилган.

РАҚАМЛИ БОШҚАРУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Бутабоев Махамаджон Туйчиевич -
Қўқон университети профессори, и.ф.д.,
Мулайдинов Фарход Муротович –
Қўқон университети кафедра мудири

Аннотация: иқтисодиётда бугунги кунда рўй бераётган ва яқин келажакда башорат қилинаётган ўзгаришлар бутун таълим соҳасига дахл қилган ҳолда ОТМ муҳитига тобора катта босим кўрсатиб, уларнинг дипломлари қимматлилиги масаласини илгари сурмоқда. Онлай-таълим суръати кучая бошлаган, бизнес кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш корпоратив тизимини шакллантираётган, касбий стандартлар ишлаб чиқаётган ва уларга мувофиқлик борасида ўз стандартларини тақдим этаётган шароитларда анъанавий олий таълим муассасалари нималарни таклиф қилиши мумкин?

[99]ЎзбекистонРеспубликасиПрезидентининг2018 йилнинг 3 июлида “ЎзбекистонРеспубликасидарақамлииқтисодиётниривожлантиришчора-тадбирларитўғрисида”гиПҚ-3832-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган ДАСТУР.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, кредит тизими, ақлли тиббиёт, рақамли, ривожлантириш, инновацион таълим, гейминфкация, IT-технология, инновацион иқтисодиёт.

Ключевые слова: цифровая экономика, кредитная система, умная медицина, цифровая индустрия, развитие, инновационное образование, игры, информационные технологии, инновационная экономика.

Keywords: digital economy, credit system, smart medicine, digital, development, innovative education, gaming, IT technology, innovative economy.

Ҳозирги даврда университетлар ва бошқа ОТМ муассасалари олдида рақамли иқтисодиётга ўтиш даври вазифалари туради: олдиндан маълум қилинган йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлаш билан бирга дастурлар тўпламини кенгайтириш ва талабалар рақамли иқтисодиёт талаб қиладиган кўникмаларни ўзлаштириши ва билимлар олиши мумкин бўлган зарур шароитлар яратиш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Олдинроқ қайд этганимиздек, рақамли самараларнинг тарқалиш тезлиги турли тармоқларда турлича бўлади, амалдаги аналогли иқтисодиёт учун ҳам, рақамли иқтисодиёт учун ҳам кадрлар тайёрлашни уйғунлаштириш зарурати айнан шу билан изоҳланади. Лекин шунга қарамай, ўтиш даври давомида университетларнинг янги таълим моделлари шаклланиши лозим ва экспертлар бу моделлар асосида шакллантириб бораётган бир қатор янги мутаҳасисликларни ажратиб кўрсатдилар:

✓ Атрофдаги оламни моделлаштириш функциясини максималлаштириш, яъни моделлаштириш функцияси, бунда университет шартли қилиб айтганда, атрофдаги оламни моделлаштириш ва яратишга қодир бўлган кадрлар ва педагоглар тайёрлайди.

✓ Тизимли даражасида янги моделлар яратиш учун етарли бўлган ресурсларни инвкстиция қилиш;

✓ «Rocket unicorn university» модели, яъни якка инсонлар яратадиган университет модели - унинг асосида шаклланадиган янги стартаплар яратиш функциясини амалга ошириш.

✓ Бугунги кунда «*singularity university*» моделида дунёда намоён бўлган мафкурани атрофлича ўрганиш.

✓ Ўқишдан манфаатдор бўлган талабаларнинг муаммоларини ҳал эта оладиган мотивацияни жорий қилиш**.**

✓ Иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш, яъни ҳар қандай йўналишда пайдо бўлган ҳар қандай иқтидорни рағбатлантириш.

✓ Миллий иқтисодиётнинг рақобатли устунликларини мустахкамлаш**,** биринчи навбатда, рақамли иқтисодиёт соҳасида, дастурлашда ва глобал бозорда ишлайдиган компаниялар борасида имтиёзлар жорий қилиш.

✓ Университет бутун миссиясини дунёни ағдар-тўнтар қилиб юборадиган қандайдир битта янги бренд-маҳсулот яратишга бағишлайдиган даъватни қўллаб-қувватлаш.

✓ Жамғарилган билим капиталини рағбатлантириш**.**

Кредит тизимини кенг жрий қилиш**,** яъни бугунги кунда кредит солувчи томонидан белгилаб берилган меъёрий доиралар билан чекланган ўқитишдаги вазифаларни ҳал қилиш учун мавжуд компетенсияларга эга бўлган мутахассисларни максимал даражада жалб қилиш.

Таълим муассасаларининг яна бир муҳим гуруҳга глобал фанда рақобат қила олмайдиган, лекин минтақаларда интеллектуал марказлашув марказлари сифатида иштирок этиши зарур бўлган университетлар киритилади. Уларда биринчи ўринга ижтимоий функция – маҳаллий бизнеслар ва ижтимоий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда кенг маданий шаблон яратиш ҳам қўйилади. Бунда таянч минтақавий ОТМларини ажратиш, уларга экспертлар мутлақ аниқ таянч сифатида белгилаган кенгайтирилган университет функциялари тақдим этиш муҳим аҳамият касб этади.

Университетларнинг учинчи тури онлайн (масофавий) ўқитиш жараёнларига ҳизмат кўрсатишга қаратилади. Амалда бу талабаларга улар ўтган кўп сонли қисқа курслардан маълум бир сертификат олишига ёрдам берадиган университетлар. Корпорациялар ва тармоқлар учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни амалга оширадиган корпоратив университетлар алоҳида гуруҳни ташкил қилади. Университетларнинг яна бир тури – ҳозирги коллежлардан, академик лицейлардан етишиб чиқиши лозим бўлган университетлар. Бу ҳозирда кўпчилик мамлакатларда амалий бакалавриат деб аталади, лекин бу амалий бакалавриатдан кўра кенгроқдир. Башоратларга кўра, 2030 йилларга келиб, меҳнат бозорида қўли билан ишлайдиган одамлар касблари тақчил ва юқори нуфузли бўлиб қолади. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бир ҳил соҳаларда фаолият юритаётган университетларга улкан рақобат сектори юзага келади. Янги секторни йирик компанияларнинг ўқув марказлари ҳам, ихтисослашган фирмалар ҳам, бозорда юзага келадиган таълим стартаплари ҳам ташкил қиладилар. Университетлар тез ўзгарадиган, кучли индивидуаллашган талабларни қондириш учун жуда ҳам муҳим бўлиб, бу албатта, ушбу секторни янги тижоратлаштириш учун катта имкониятлар тақдим этади.

Ҳозирги пайтда кўпчилик мамлакатларнинг бир қатор етакчи ОТМлари, ташқи чекловлар ва ички тўсиқларга қарамай, рақамли иқтисодиёт даъватларига мос равишда жавоб бера оладиган таълим муҳитини шакллантиришга киришдилар. Рақамли иқтисодиёт соҳасида таълим бериш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида асосий ўзгаришлардан бири - кенг инсонпарварлик тамоили ҳисобланиши лозим эканлиги сабабли, биргаликдаги таълим дастурлари ишлаб чиқиш учун гуманитар ва техник ОТМ салоҳиятини интеграциялаш истиқболли йўналишга айланаши мумкин. Ҳозирги кунда дунёда рўй бераётган туб ўзгаришлар ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб қилмоқда. Бу эса рақамлаштириш бўйича таълим олиш усулларини тубдан ўзгартиради, бироқ аввалгидек, кўплаб муаммолар сақланиб турибди: рақамли технологияларга уланишдаги тенгсизлик, турли сабабларга кўра таълим сифатининг пасайиши, унинг меркантиллашуви. Замонавий ахборот-

коммуникация технологияларини таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишда, таълим олиш имкониятларининг тенг бўлишига ҳизмат қилишига катта эътибор қаратиш лозим. Бусиз республика амалий таълим ҳамжамияти ўз олдига қўйган мақсадларга эришиб бўлмайди. Инсон рақамли иқтисодиётнинг асосий элементига айланган шароитларда таълим нафақат ижтимоий неъмат ва инсонинг асосий ҳуқуқи маъносига эга бўлади, балки мураккаб вазифа – тубдан тамаддун ўзгаришлари шароитларида «келажакни ишга тушириш» механизмини ҳал этиши лозим бўлган стратегик устуворлик мазмунига ҳам эга бўлади. Ҳозирги кунда дунёда иқтисодиёт тузилмаси тубдан ўзгармоқда–тобора кўплаб одамлар товар ишлаб чиқариш билан эмас, балки ахборот олиш ва қайта ишлаш билан шуғулланмоқдалар. Ҳамма учун одатий бўлган анъанавий иқтисодиёт ўрнига бир қатор янги хусусиятларга эга бўлган рақамли иқтисодиёт эшик қоқмоқда:

- ✓ ахборот ресурси ва уни доиравий айланиши;
- ✓ интернетда савдо майдонлари чекловларга эга эмаслиги;
- ✓ дунёда Amazon компанияси савдо майдонлари катта ва товарлар 350 млн моделга эга.
- ✓ компания ўлчами унинг рақобатбардошлигига таъсир этмайди;
- ✓ битта моддий ресурсдан турли ҳизматлар тақдим этиш учун чексиз марта фойдаланилиши мумкинлиги;
- ✓ операцион фаолият кўлами асосан Интернет тизими имкониятлари билан белгиланиши.

Ахборот математик назариясининг миқдорий ўлчовларига таяниб, Д.С.Роберцон (АҚШ), ривожланган жараёнларнинг бир-бирини кучайтириб беришидан келиб чиқиб, «тамаддун бу – ахборот» формуласини илгари сурди, ишлаб чиқариладиган ахборот миқдори бўйича тамаддуннинг ривожланиш даражаларини қуйидаги тарзда поғоналарга ажратди:

- 0-даража – алоҳида олинган бир одамнинг мияси ахборот сиғими – 107 бит;
- 1-даража – жамоа, қишлоқ ёки маҳалла ичида оғзаки мулоқот муомалада бўладиган ахборот миқдори - 109 бит;
- 2-даража – ёзма маданият; жамиятнинг ахборотлашганлик ўлчами бўлиб 1011 бит ахборот жойлаган 532800 қоғоз ўрамига эга бўлган Александрия кутубхонаси ҳизмат қилади;
- 3-даража – китоб маданияти: юзлаб кутубхоналар мавжуд бўлиб, улар ўн минглаб китоблар, газета ва журналлар сақлайди, уларнинг умумий сиғими бир лаҳза минглаб терабайтлар деб баҳоланади;
- 4-даража – ҳажми бир неча минг зетабайтлар ва петабайтлар бўлган ахборот электрон қайта ишланадиган ахборотлашган жамиятнинг мавжудлиги.

ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ РЕШЕНИЯ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ

Ниёзов З.Д. *– к.э.н.,старший преподаватель СамИЭС,*
Каримова А.М. *– преподаватель СамИЭС*

Аннотация: В настоящее время в мире современных технологий модульная система "Moodle" является одной из важнейших образовательных систем. В данной статье рассматривается положительные и отрицательные стороны данного вида обучения. Так же даны предложения по повышению эффективности и качества работы в данной системе дистанционного обучения.

Ключевые слова: система "Moodle", дистанционное обучение, компьютерные технологии, Интернет-ресурсы, образовательный стандарт

Аннотация: Bugungi kunda zamonaviy texnologiyalar dunyosida "Moodle" modulli tizimi eng muhim ta'lim tizimlaridan biridir. Ushbu maqolada ushbu turdagi ta'limning ijobiy va salbiy tomonlari ko‘rib chiqiladi. Shuningdek, masofadan o‘qitish tizimida ish samaradorligi va sifatini oshirish bo‘yicha takliflar berildi

Kalit so‘zlar: "Moodle" tizimi, masofaviy ta'lim, kompyuter texnologiyasi, Internet resurslari, ta'lim standarti

Abstract: Currently, in the world of modern technologies, the modular system "Moodle" is one of the most important educational systems. This article discusses the positive and negative aspects of this type of training. There are also suggestions for improving the efficiency and quality of work in this distance learning system

Key words: Moodle system, distance learning, computer technologies, Internet resources, educational standard

Нашу сегодняшнюю жизнь трудно представить без информационных и коммуникационных технологий. Умение работать на компьютере, обозревать, а также вести поиск нужной информации в Интернет-ресурсах, в 21 веке является одним из основных приоритетов во всех сферах жизни общества. Соответственно, не является исключением сфера образования, так как день за днём растёт количество технологий, которые проникают в образовательный процесс.

Ныне в связи со сложной эпидемиологической обстановкой, из-за угрозы заражения коронавирусом, в стране введён режим карантина, в связи, с чем обучение в учебных заведениях было временно приостановлено. Министерство высшего и средне-специального образования рекомендовало вузам перевести студентов на дистанционное обучение. На этой основе учёба во всех вузах республики была продолжена с помощью этого прогрессивного метода обучения.

Внедрение модульной системы "Moodle" в высшие учебные заведения способствует непрерывному обучению и саморазвитию обучающихся. На данной платформе предоставлен весь учебный материал предметов, переведённых в электронный формат. Удобство данной системы заключается в том, что образование трансформируется в более гибкий и динамичный творческий процесс. Платформа позволяет преподавателям использовать её в

любое время дистанционно, то есть загружать подготовленный лекционный материал в виде документов, видеолекций и презентаций. Удобство для студентов заключается в том, что они могут смотреть и изучать предмет на любом гаджете в любое приемлемое для них время.

Плюсы данной системы заключаются в том, что платформа работает 24 часа в сутки, обучающиеся изучают материал, готовят самостоятельные работы, решают тесты, кейсы и так далее. Положительным фактором является и то, что контроль над успеваемостью осуществляет компьютер.

Однако, наряду с новшествами, связанными с внедрением спектра компьютерных технологий, существует ряд проблем, которые снижают эффективность системы обучения. Их можно охарактеризовать следующим образом:

– недостаточная профессиональная подготовка преподавателей (готовность самого преподавателя - это один из главных элементов в дистанционном обучении);

– разный уровень готовности учащихся к умению использовать компьютерные технологии, Интернет-ресурсы;

– степень подготовки образовательных ресурсов, (учебных программ, практических пособий, методических рекомендаций и так далее);

– отсутствие благоприятной среды, зачастую атмосфера при дистанционном обучении более напряжённая, чем при стандартном процессе обучения;

– отсутствие или некачественная работа мобильной связи, в особенности в сельской местности, в отдалённых горных районах республики;

– наличие языковых барьеров при работе с Интернет-ресурсами.

Предварительный анализ состояния работы с дистанционным обучением, проведённый кафедрой "Банковское дело" Самаркандского института экономики и сервиса показал следующее: - преподаватели кафедры перевели на систему дистанционного обучения 22 предмета, с помощью которой они продолжают обучение учащихся дистанционно.

О эффективности осуществляемой работы в данной системе можно судить на основе одного из примеров. В 118-ой группе всего 26 студентов, 19 из которых имеют возможность и работают с модулем всецело, то есть ежедневно, 7 студентов имеют возможность воспользоваться данным модулем периодически (прерывисто), то есть каждые от трёх до семи дней, причиной проживания в отдалённой сельской местности, где нет возможности постоянного подключения к системе мобильной связи.

Таким образом, можно сделать вывод о том, что в области дистанционной педагогики имеется ряд неотложных задач, один из примеров которого был изложен выше. Существуют проблемы, которые необходимо решать для поднятия качества дистанционного обучения до уровня современных требований.

На наш взгляд, для повышения эффективности и качества работы по дистанционному обучению следует осуществить следующее:

– профессиональная подготовка преподавателей в области работы дистанционного обучения;

– более тщательная подготовка образовательных ресурсов с учётом особенностей этой формы обучения;

– создание единого дистанционного образовательного стандарта;

– проведение новых исследований в области применения информационных технологий в педагогической деятельности;

– изучение влияния информационных технологий на педагогику, на состояние преподавателей и учащихся;

– повышение качества мобильной связи и установка дополнительных мобильных устройств (антенн) в отдалённых районах сельской местности.

Подводя итоги из выше сказанного можно сделать выводы о том что, сегодня дистанционное обучение является основной частью общей системы образования, которая способствует непрерывному обучению и саморазвитию. Успешно действующая система дистанционного обучения способствует обеспечению непрерывности образовательного процесса, а так повышению знаний учащихся.

WAYS OF DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY OF UZBEKISTAN IN MODERN CONDITIONS

Xalikova Lola Nazarovna *- Associate Professor, Candidate of Economic Sciences, Samarkand Institute of Economics and Service,*
Yuldashev Bahodir *- Student of Samarkand Institute of Economics and Service*

Annotation: This article discusses the state, significance and development of the digital economy in Uzbekistan. Great attention was paid to the most important tasks for the further development of the state's digital economy. Also dwelled on the positive results that can be with the development of the digital economy.

Keywords: digital economy, digital technologies (artificial intelligence, quantum technologies, robotics, digital electronic platforms, cloud technologies, 3D technologies), digital economy infrastructure, innovative ideas.

Аннотация: В этой статье рассмотрены состояние, значение и пути развития цифровой экономики в Узбекистане. Уделено большое внимание важнейшим задачам для дальнейшего развития цифровой экономики государства. Также выявлены положительные результаты, которые возможны при развитии цифровой экономики.

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровые технологии (искусственный интеллект, квантовые технологии, робото-техника, цифровые электронные платформы, облачные технологии, 3Д-технологии), инфраструктура цифровой экономики, инновационные идеи.

Annotasiya: Ushbu maqolada O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning holati, ahamiyati va rivojlanishi muhokama qilinadi. Raqamli iqtisodiyotni yanada rivojlantirish bo‘yicha muhim vazifalarga katta e'tibor berildi. Shu bilan birgalikda raqamli iqtisodiyotni rivojlanishi bilan mumkin bo‘lgan ijobiy natijalar ham aniqlandi.

Kalit so‘zlar: raqamli iqtisodiyot, raqamli texnologiyalar (sun'iy intellekt, kvant texnologiyalari, robototexnika, raqamli elektron platformalar, bulutli texnologiyalar, 3D texnologiyalar), raqamli iqtisodiyot infratuzilmasi, innovatsion g‘oyalar.

Introduction

In the context of globalization of the world economy and the development of modern technologies, the state of Uzbekistan can not be imagined without the development of the digital economy. The current conditions of the pandemic once again proved the importance of digital technology. It became obvious that education, public services, public administration, trade and services are largely dependent on information technology. Services that have not been provided remotely for many years have gone over in a matter of days online mode.

A lot of work is being done in our country to develop the digital economy. Since April 28 of this year, the President of the Republic of Uzbekistan has received the post "On the introduction of digital economy and electronic government." The adoption of this decree focused on such important issues as the digitization of financial relations, the development of blockchain technology, the training of qualified personnel with practical skills in digital technologies and the introduction of innovative ideas for further development of the digital economy.

In order to continue the work on the development of the digital economy, President Sh.M.Mirziyoyev in his address to the Oliy Majlis on January 24, 2020 proposed to name 2020 the "Year of Science, Enlightenment and Digital Economy."
As a result of the above measures, e-government, electronic digital signature, international online trading (Zoodmall), the first online cash register in Uzbekistan (Uzkassa), online payment systems (Click, Payme, Humo, Easy, etc.) are elements of the digital economy in our country.) was formed. In addition, a fund for the development of the digital economy has been established, and organizational measures related to its activities, in particular, tasks, sources of funding have been identified.

However, these practical and theoretical measures have not been a sufficient basis for the transition to the digital economy and its full formation in our country. In this regard, according to the information given by President Sh.M.Mirziyoyev on February 13, 2020 at the event dedicated to the development of information technology, the share of the digital economy in GDP in the United States is 10.9%, in India - 5.5%. it was noted that the rate should not exceed 2 percent.

The main part

The digital economy is an activity associated with the development of digital computer technologies in the provision of online services, electronic payments, e-commerce, online commerce and other areas.

In the next stage of modern development, digital technologies such as Big Data, artificial intelligence, quantum technology, robotics, digital electronic

platforms, cloud technology, crowdsourcing, blockchain technology and 3D technology will play a key role.

Many experts believe that the digital economy will bring effective changes in all existing sectors. According to World Bank statistics, the share of the digital economy in GDP in developed countries is 7%. In particular, the United States exports more than $ 400 billion a year in digital services. By 2025, the United States is expected to earn an additional $ 20 trillion from the digitization of industry. This will be achieved through the digitization of the following sectors: consumer goods production of $ 10.3 trillion; the automotive industry $ 3.8 trillion and logistics $ 3.9 trillion.

The digital economy and digital technologies create the basis for the development of any industry, achieving high efficiency and huge opportunities. Therefore, the development of the digital economy in our country will accelerate socio-economic development around the world, increase competitiveness, facilitate the consumption of goods and services for its citizens, and most importantly in almost every sector of the economy new business models, new products, new services and there will be an opportunity to form prices and create new jobs.

The development of the digital economy is aimed at achieving economic growth in the country, reducing the share of the shadow economy, improving the quality of goods and services, reducing costs, increasing competitiveness in international trade, as well as eliminating corruption, achieving high efficiency in all areas, including social. This will lead to positive results, such as improving the quality of education, reducing unemployment among the population and improving living standards.

Conclusion

In short, in order to further develop the digital economy in our country, it is necessary to pay attention to the following priorities:

- formation of the legal basis of the digital economy (development and implementation of legislation and programs related to the digital economy) and material (creation of funds, funds, such as the fund of the digital economy);
- creation of infrastructure of digital economy (improvement of construction and condition of roads (which allows timely and high-quality delivery of services in online trade) connection of the whole territory of the country to the global Internet and integration of all spheres and networks with ICT riding, etc.);
- introduction of ICT training at all stages of the education system in order to train qualified programmers and specialists in the field of digital technologies;
- organization of scientific activities on digital economy and digital technologies in our country and the creation of modern literature in cooperation with experts in the field of developed countries and the exchange of experience with the effective use of the Digital Economy Fund and similar funds;
- formation of an appropriate labor market in order to prevent the problems arising from the development of the digital economy and adaptation to new jobs created by the development of digital technologies (continuous training of employees

in enterprises and organizations in order to master new techniques and technologies in the short term);

- development of international cooperation in the field of digital economy, implementation of cooperation projects with leading companies of developed countries (such as innovative ideas and developments, development of promising strategies for digitization of industries and sectors).

At a new stage of economic and technological development, the high level of development of the digital economy and digital technologies will ensure that the conveniences and opportunities enter our lives at an extremely fast and unlimited scale.

IQTISODIYOTNING YETAKCHI SOHALARINI MODERNIZATSIYA VA DIVERSIFIKATSIYA QILISHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING O‘RNI

S.Sh.Urazov *- SamISI assistenti,*
J.G‘.Shodiyev. *-TDIU Samarqand filiali talabasi*

Annotatsiya: Ushbu maqolada mamlakatimizning iqtisodiytini modernizatsiya va divesifikatsiya qilish, shu sohalarda raqamli iqtisodiyotni o‘rni va kelgusida qo‘llash haqida so‘z boradi.

Kalit so‘zlar: modernizatsiya, diversifikatsiya, raqamli iqtisodiyot, integratsiya, ishlab chiqarish infratuzilmasi, kommunikatsiya.

Аннотация: Эта статья посвящена модернизации диверсификатции экономики нашей страны, роли и будущему использованию цифровой экономики в этих областях.

Ключевые слова: Модернизация, диверсификация, цифровая экономика, интеграция, производственная инфраструктура, коммуникации.

Abstact: This article focuses on the modernization and diversification of our country’s economy, the role and future use of digital economy in these areas.

Keywords: Modernization, diversification, digital economy, integratin, production infrastructure, communications.

Mamlakatimizning milliy iqtisodiyotini yetakchi tarmoqlari rivojlanib bormoqda. Ammo hozirgi kunda bu sohalarni modernizatsiya va diversifikatsiya qilish va bu sohalarda raqamli iqtisodiyotni joriy etish talab etiladi. Chunki rivojlangan mamlakatlar amaliyotidan namuna bo‘lmoqda.

Davlatimiz rahbari tomonidan tanlab olingan 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning 5 ta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasi dasturida ishlab chiqarishni modernizatsiya va diversifikatsiya qilish, texnik va texnologik jihatdan yangilash, ishlab chiqarish loyihalarini amalga oshirishga qaratilgan faol investitatsiya siyosatini olib borish hamda yuqori texnologiyali qayta ishlash tarmoqlarini eng avvolo, mahalliy hom-ashyo resurslarini chuqur qayta ishlash asosida yuqori qo‘shimcha qiymatli tayyor mahsulot ishlab chiqarishni jadal rivojlantirish belgilab olingan[1]

Mamalakatimizning mustaqillik yillaridagi taraqqiyoti davrida to‘plagan tajribasi shuni ko‘rsatmoqdaki, har qanday davlatda iqtisodiyotning asosi hisoblangan sanoat sohasini faol integratsiya asosida rivojlanishi lozim. Iqtisodiyotimizda amalga oshirilgan ijobiy o‘zgarishlar natijasida uning tuzilmasini sezilarli darajada diversifikatsiya qilishga erishildi. Neft-gaz, kimyo mashinasozligi, avtomobilsozlik, zamonaviy qishloq xo‘jaligi mashinasozligi, qurilish materiallari sanoati, temir yo‘l mashinosozligi, maishiy elektronik asboblari ishlab chiqarish, farmatsevtika, oziq-ovqat, to‘qimachilik, charm-poyabzali sanoati hamda boshqa bir qator mutlaqo yangi tarmoqlarning yo‘lga qo‘yilishi bunga zamin yaratadi. Buning natijasida esa, mustaqillik yillarida sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarish 4,6 barobarga oshdi, so‘ngi 10 yilda esa sanoat tarmog‘ini o‘rtacha yillik o‘sish sur’ati umumiy yalpi ichki mahsulot sur’ati ko‘rsatkichidan yuqori bo‘lgan holda 8,9 foizini tashkil etadi. Shuningdek O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti „Valyuta siyosatini liberallashtirish’’[100] to‘g‘risidagi Farmonining qabul qilinishi tashqi savdo faoliyati sohasini takomillashtirish mamlakatimiz iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish eksportga yo‘naltirilgan ishlab chiqarishlarni hamda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub’yektlarini barqaror rivojlantirishga xizmat qilmoqda. Bugungi kunda, respublikamizda mavjud tabiiy xomashyo resurslaridan maksimal darajada foydalanish orqali kelgusida iqtisodiyot va sanoat tarmog‘ini diversifikatsiya va isloh qilish borasida bir qator chora-tadbirlar amalga oshirish zarur.

Birinchidan-O‘zbekiston iqtisodiyotini yanada diversifikatsiya qilish hamda uning raqobatbardoshligini mustahkamlash;

Ikkinchidan-sanoat sohasida yuqori texnologiyali qayta ishlash tarmoqlarini eng avvalo, mahalliy xom ashyo resurslarini chuqur qayta ishlash asosida yuqori qo‘shilgan qiymatga ega tayyor mahsulot ishlab chiqarishni jadal rivojlantirishga qaratilgan yangi bosqichga o‘tish;

Uchinchidan-ishlab chiqarishni mahalliylashtirishni va import o‘rnini bosishni rag‘batlantirish siyosatini davom ettirish, avvalombor iste’mol tovarlari va butlovchi qismlar, tarmoqlararo sanoat kooperatsiya aloqalarini kengaytirish;

To‘rtinchidan-tashqi bozorlarda xaridorgir, yuqori qo‘shimcha qiymatga ega bo‘lgan zamonaviy va yangi bosqichga ko‘tarish evaziga tayyor mahsulotlar eksportini yuqori o‘sish su’ratlariga erishish;

Beshinchidan-sanoatda energiya va xomashyo safini qisqartirish, mahsulot ishlab chiqarishda energiya tejamkor texnologiyalarini keng joriy etish, qayta tiklanuvchan energiya manbalaridan foydalanishni kengaytirish va sanoat tarmoqlarida mehnat unimdorlini oshirish;

Oltinchidan-yangi erkin iqtisodiy zonalar, texnoparklar, kichik sanoat zonalarini tashkil etish va samaradorligini oshirish ushbu maqsadda qilinayotgan asosiy yo‘nalishlar hisoblanadi;

Shuni to‘la ishonch bilan aytish mumkinki, iqtisodiyotimizda, avvalombor, sanoat sohasida tub o‘zgarishlar, ya’ni ishlab chiqarishni texnik va texnologik jihatdan uzluksiz yangilab borish, doimiy ravishda ichki imkoniyat va zahiralarini

[100] Shavkat Mirziyoyevning 2017-yildagi “Valyuta siyosatini liberallashtirish to‘g‘risida”gi PF 5177-sonli Farmoni

izlab topish, iqtisodiyotda chuqur tarkibiy o‘zgarishlarni amalga oshirish, sanoatni modernizatsiya va diversifikatsiya qilishni izchil davom ettirish natijasida keyingi yillarda o‘z mevasini bermoqda.[2]

Ustuvor tarmoqlarini to‘g‘ri belgilab olish avvallari tanqis bo‘lgan mahsulotlar turlarini keng miqyosda ishlab chiqarishga keng yo‘l ochish bilan cheklanmadi, balki ijtimoiy ishlab chiqarish tarkibining takomillashuviga ham yordam beradi. Ayni paytda, iqtisodiy taraqqiyotda o‘ziga xos lokomotiv vazifasini ham o‘tadi. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar jarayonida asosiy sanoat tarmoqlarini rivojlantirishni jadallashtirish, ishlab chiqarishni modernizatsiya va diversifikatsiya qilish, iqtisodiy salohiyatini kuchaytirish va import o‘rnini bosuvchi mahsulotlar turlarini ishlab chiqarishni qo‘llab-quvvatlash, ichki bozorni xalq iste’moli tovarlari bilan to‘ldirish, kommunikatsiya va ishlab chiqarishning infratuzilma tizimini rivojlantirish, investitsiya faoliyatini jadallashtirish, O‘zbekistonning eksport imkoniyatlarini kengaytirish, tashqi iqtisodiy faoliyatni rag‘batlantirish bilan bog‘liq boshqa yo‘nalishlar eng ustuvor vazifalar sifatida belgilab olindi.[3]

Mamlakatimiz iqtisodiyotini yetakchi tarmoqlarida modernizatsiya va diversifikatsiya qilishda raqamli iqtisodiyotining ahamiyati juda katta.Chunki yetakchi sohalarni rivojlantirib ularda zamonimizga xos va mos birgalikda rivojlantirish talab etiladi.

Raqamli iqtisodiyot-bu iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy aloqalarda raqamli texnologiyalarni qo‘llash asosida amalga oshirish tizimidir. Ba’zida u internet iqtisodiyoti, yangi iqtisodiyot yoki vebiqtisodiyot degan terminlar bilan ham ifodalanadi. hamda iqtisodiyotimizning endilikda rivojlanishining asosi hisoblanadi. Raqamli iqtisodiyot iqtisodiyotimizdagi ro‘lini taminlash eng muhim masalalardan biridir. Iqrisodiyotimiz hozirgi davrda rivojlanib bormoqda lekin raqamli iqtisodiyotni o‘rni past edi. Mazkur yildan esa raqamli iqtisodiyotni qo‘llash, iqtisodiy sohalarda rivojlantirish, davlat siyosati darajasida olib borilmoqda.

Xulosa qilib aytganda, davlatimizning iqtisodiyotini rivojlantirish uchun milliy iqtisodiyotimizni sohalarini modernizatsiya va diversifikatsiya qilishning o‘rni, bu sohalarni iqtisodiyotimizdagi ahamiyati haqida so‘z yuritildi.Har bir davlat ma’lum bir sohani yoki umuman iqtisodiy faoliyatni muvaffaqiyatli rivojlantirish u yoki bu sharoitlarni yaratadi. Bu o‘z navbatida, mamlakatning jahon iqtisodiyotida ma’lum o‘rin egallashda katta ahamiyat kasb etadi. Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki iqtisodiyotimizni rivojlantirishni yangi ko‘rinishi quyidagilar:

- sohalarni modernizatsiya va diversifikatsiyalash
- yetakchi iqtisodiy sohalarda raqamli iqtisodiytni qo‘llash

Mamlakatimizda shu sohalarda qator ishlar olib borilishi talab etiladi. Xususan rivojlangan mamlakatlar iqtisodiy o‘sish davridan o‘tib iqtisodiy rivojlanish yo‘lidan bormoqda. Bizda esa endilikda bu davrga o‘tish talab etiladi, bunda raqamli iqtisodiyotning joriy etilishi talab etiladi. Yurtimizda yangi 2020-yilda rivojlanishning yangi boqichiga qadam quyildi. Chunki mamlakatimiz Prezidenti

Oliy majlisga murojitidagi belgilab bergan loyihalar va yilning nomlanishi bunga misoldir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-4947-sonli Farmonining 1-ilovasi “2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustivor yo‘nalshi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi”. www.lex.uz.[1]
2. www.ziyo.net[2]
3. Yuldashev Z., Xalilova X. “Milliy va Jahon iqtisodiyoti’’ 2013 yil.80-81 betlar[3]

BOSHLANG’ICH TA’LIM O‘QITUVCHILARINI INNOVATSION FAOLIYATGA TAYYORLASHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

M.Pulatova *- SamDU o’qituvchisi*

Аннотация: Мақолада бошланғич таълим ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти, модулли ўқитиш технологиялари ўз аксини топган.

Калит сўзлар: педагогик технология, ўқитувчи, бошланғич таълим, модулли ўқитиш технологиялари.

Аннотация: В статье отражена важность использования современных педагогических технологий при подготовке учителей начальных классов к инновационной деятельности, и модульные технологии обучения.

Ключевые слова: педагогическая технология, учитель, начальное образование, модульные технологии обучения.

Abstract: The article reflects the importance of using modern pedagogical technologies in preparing elementary school teachers for innovative activities, and modular teaching technologies.

Key words: pedagogical technology, teacher, primary education, modular teaching technologies.

Hozirgi kunda ta’lim jarayoniga axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) shiddat bilan kirib kelishi bilan birga, u ta’limning samaradorligini oshirishda eng qulay omillardan biri bo‘lib qolmoqda. Shuning uchun ham ilg‘or mamlakatlar ta’lim tizimida kompyuter texnikasidan, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan unumli foydalanishga qaratilgan izlanishlar to‘xtovsiz kechmoqda.

“Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”da ta’lim tizimiga ilg’or pedagogik texnologiyalarni joriy qilish zarurligi ko’p karra takrorlanadi. Pedagogik texnologiyalarning o’zi nima va u an’anaviy ta’limdan nimasi bilan farq qiladi?

Hozirgi kunda pedagogik adabiyotlar, ta’lim muammolariga oid ma’ruzalar, rasmiy hujjatlarda “Yangi pedagogik texnologiya”, “Ilg’or pedagogik texnologiya”, “Progressiv pedagogik texnologiya” “Zamonaviy ta’lim texnologiyasi” iboralari keng qo’llanilmoqda. Ammo “Pedagogik texnologiya” tushunchasi hali ham bir qolipga tushirilmagan, ensiklopediyalarda izohlanganicha yo’q, uning mazmunini yagona talqini ishlab chiqilmagan va shuning uchun iboraning bir-biridan farqlanuvchi ko’pgina tariflari mavjud. Respublikamizning pedagogika sohasidagi olim va amaliyotchilari ilmiy asoslangan hamda O’zbekistonning ijtimoiy-pedagogik sharoitiga moslashgan ta’lim texnologiyalarini yaratish va ularni ta’lim-tarbiya amaliyotida qo’llashga intilmoqdalar. Xo’sh, nega yangi pedagogik texnologiyalar zarur bo’lib qoldi?

Birinchidan, jamiyatimizning taraqqiy etgan mamlakatlar qatoridan o’rin olishi uchun, aholi ta’limini jadallashtirish va samaradorligini oshirish maqsadida eng ilg’or pedagogik tadbirlardan foydalanish zarurligi;

ikkinchidan, an’anaviy o’qitish tizimi yozma va og’zaki so’zlarga tayanib ish ko’rishi tufayli “axborotli o’qitish” sifatida tavsiflanib, o’qituvchi faoliyati birgina o’quv jarayonining tashkilotchisi sifatida emas, balki nifuzli bilimlar manbaiga aylanib qolganligi;

uchinchidan, fan-texnika taraqqiyotining o’ta rivojlanganligi natijasida axborotlarning keskin ko’payib borayotganligi va ularni yoshlarga etkasish uchun vaqtning chegaralanganligi;

to’rtinchidan, kishilik jamiyati o’z taraqqiyotining shu kundagi bosqichida nazariy va empirik bilimlarga asoslangan tafakkurdan tobora foydali natijaga ega bo’lgan, aniq yakunga asoslangan texnik tafakkurga o’tib borayotganligi;

beshinchidan, yoshlarni hayotga mukammal tayyorlash talabi ularga eng ilg’or bilim berish usuli hisoblangan obyektiv borliqqa tizimli yondashuv tamoyilidan foydalanish zaruratining paydo bo’lishini.

Ta’lim texnologiyasi yuqorida sanab o’tilgan beshta sababiy shartlarni barcha talablariga javob beradigan ta’limiy tadbirdir. Bu zaruriyat, shu vaqtgacha tahsil oluvchilar yopiq tafakkur paradigma(namuna, misol)lari asosida o’qitilganligi, ularda o’zgacha nuqtai nazarni tan olmaslik, faqat o’z fikrini to’g’ri deb bilish shakllantirilganligidandir. Bu hol har qanday taraqqiyotga g’ov bo’lib, shu paradigmada yurgan kishilarni inqiroz sari yetaklaydi. Jamiyatimiz jadallik bilan taraqqiy etib, iqtisodiy va siyosiy mavqei kundan-kunga ortib bormoqda. Ammo ijtimoiy sohada va ayniqsa, ta’lim-tarbiyada depsinish va umumiy taraqqiyotdan orqada qolish sezilmoqda. Bunday noxush vaziyatdan chiqib ketish yo’llaridan biri ta’lim-tarbiya jarayonini qabul qilingan davlat standartlari asosida texnologiyalashtirishdir. Didaktikaning asoschisi Yan Amos Komenskiy o’n yettinchi asrdayoq ta’limning “vaqt, fanlar va uslublarni mohirona taqsimlashdan” boshqa narsani talab qilmaydigan umumiy tartibini topishga harakat qilgan edi. Komenskiyning fikricha, idealda o’qitishning yagona mukammal uslubi topilsa, “hamma narsa toshlari to’g’ri muvozanatlangan soatdek aniq, faqat ana shunday mahorat bilan yaratilgan asbobda erishish mumkin bo’lgan bexatolik bilan yaraladi”.

Pedagogik texnologiya oqimi ham deyarli barcha rivojlangan mamlakatlarga tez tarqaldi. YUNESKO kabi nifuzli tashkilot tomonidan tan olindi va quyidagicha ta’rif berildi “Pedagogik texnologiya-texniaka resurslari, odamlar va ularning o’zaro ta’sirini hisobga olgan holda ta’lim shakllarini optimallashtirish vazifasini qo’yuvchi o’qitish va bilimlarni o’zlashtirishning hamma jarayonlarini yaratish, qo’llash va aniqlashning tizimli metodi bo’lib ta’limni modernizatsiyalashda harakatlantiruvchi kuchdir”[101] berilgan ta’rif qo’llab quvvatlandi va hozirgi kunda ko’pgina mamlakatlarda muvaffaqiyatli o’zlashtirilmoqda, qo’llanilmoqda. Ko’pgina mamlakatlar pedagogik texnologiyadan foydalanib, o’quvchilar o’zlashtirishini oshirishda sezilarli muvaffaqiyatlarga erishdilar. Masalan, Janubiy Koreyada pedagogik texnologiya bo’yicha tajriba-sinov tarzida o’qiyotgan 50 ming boladan 75 foizida an’anaviy o’qitishda faqat eng yaxshi o’quvcilar erishadigan natijalar qo’lga kiritilgan. Ta’limni texnologiyalashtirishning asosini, ta’lim jarayonini, uning samaradorligini oshirish va ta’lim oluvchilarni, berilgan sharoitlarda va ajratilgan vaqt ichida loyihalashtirilayotgan o’quv natijalarga erishishlarini kafolatlash maqsadida to’liq boshqarish g’oyasi tashkil etadi. Bunday yondoshishning mohiyati, ta’lim jarayonini tizimlashtirishdan - uni, aniq rasmiylashtirilgan va detallari bo’yicha aniq elementlarga bo’lib tashlash yordamida maksimal shakllashtirishdan iborat. Hozir ta’lim-tarbiya sohasida rivojlanib borayotgan yo’nalishlardan biri — zamonaviy pedagogik texnologiyalarni o’quv jarayonida qo’llash bo’lib, uni amalga oshirish dolzarb vazifalardandir. Ma’lumki, ta’lim-tarbiya jarayoni katta avlod tomonidan o’z bilim va tajribalarini o’sib kelayotgan avlodga o’rgatishdan iborat bo’lib, bu jarayonda, asosan, inson hayoti uchun zarur axborotlarni avloddan-avlodga uzatish amalga oshiriladi. Insoniyat hayoti axborotlar bilan chambarchas bog’liq. Boshqacha aytganda, insonning har bir harakati axborot olish va uzatish yoki undan foydalanish, uni o’rganish, o’zlashtirish, saqlash va boyitishdan iborat. Shuning uchun ham hozirgi insoniyat sivilizatsiyasini axborot sivilizatsi deb ataladi. Shu nuqtai nazardan, sivilizatsiya tushunchasiga berilgan ta’riflardan biri quyidagicha: “Sivilizatsiya — axborotni to’plash, tahlil qilish va undan foydalanish hamda atrof-muhit va o’zi haqida axborot yaratish uchun eng ko’p ma’lumot olishga qodir bo’lgan moddaning yuqori turg’un holatidir”. Bu ta’rifdan axborotni avloddan-avlodga uzatishning, ya’ni ta’lim-tarbiya ishining ahamiyati qanchalik muhim ekanligi ko’rinib turibdi. Ya’ni, ta’lim-tarbiya sivilizatsiyaning mavjudlik sharti hisoblanadi. Shu nuqtai nazardan “sivilizatsiyaning bosh belgisi — axborotni to’plash, mavhum (abstrakt) tahlil qilish (hayvonlar bunga qodir emas) va undan o’z turini, o’z jamoasini uzoq, saqlash uchun foydalanishdan iborat.” Bundan axborotni to’plash, tahlil qilish va undan foydalanishning shakl, usul va vositalarini takomillashtirib borish zarurligi va buning zamirida pedagogik texnologiya yotishi tushuniladi.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining individual-psixologik xususiyatlarini inobatga olgan holda, ularning o‘quv choraklarida fanlar bo‘yicha egallagan bilim, ko‘nikma va malakalariga tayanib, mantiqiy fikrlashni shakllantirishga yo‘naltirilgan

[101] H. T.Omonov va boshqalar. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. Toshkent-2009, 37-bet

o‘quv jarayonini faollashtiruvchi modulli o‘qitish texnologiyalardan foydalanish tavsiya etildi.

Quyida o‘quvchilarda mantiqiy fikrlashni shakllantirishga xizmat qiladigan modulli o‘qitish texnologiyalaridan:

Hikoya, so‘z orqali ifodalash - Insert, Breynshtorming, Breyn-ring

Rolli va syujetli o‘yinlar - Debat, Pinboard, Ikki qismli kundalik

O‘quvchilarda mantiqiy fikrlashni shakllantirish uchun pedagogikada keng tarqalgan o‘qitish texnologiyasidan foydalanish maqsadga muvofiq. Shulardan biri - «Breysh shtorming» («Aqliy hujum») metodi bo‘lib, u orqali 3-4-sinf o‘quvchilarida shakllangan mantiqiy fikrlash ko‘rsatgichlari quyidagicha ifodalandi:

Breyshntorming - g‘oyalarni vujudga keltirish metodi. O‘quvchilar kichik guruhlarga birlashgan holda murakkab muammolarni echishga harakat qildilar. Uni echish uchun shaxsiy g‘oyalarini ilgari surdilar. Mazkur metod ta’lim jarayoni ishtirokchilarini o‘z tasavvurlari va qarashlaridan foydalanishga undaydi.

«Aqliy hujum»ning vazifasi kichik guruhlarda yangi-yangi fikrlarni yaratishdan iborat. Bu usul muammoni hal qilayotgan o‘quvchilarni ko‘proq mustaqil fikrlash va ijodiy faoliyatga undaydi. O‘quvchilar tomonidan bildirilgan asosli fikrlar hisobga olinadi. O‘quvchilarning bayon qilgan fikrlarini to‘ldirish va yanada kengaytirish uchun imkoniyat yaratildi. Bu usul yordamida bir qator didaktik vazifalar bajarildi. Shu bilan bir qatorda mazkur usulning asosiy vazifasi o‘quvchilarni mustaqil fikrlash va ijodiy faollikka undashdan iboratdir.

Ushbu aytilganlar asosida pedagogik texnologiyaning quyidagi eng qisqa va umumlashtirilgan ta’rifini keltirishimiz mumkin: “Pedagogik texnologiya — barkamol insonni shakllantirish faoliyati”dir. Shu bilan birga, pedagogik texnologiyaning keng ko’lamli, serqirra tushuncha ekanligini hisobga olgan holda uning quyidagi yana bir ta’rifni keltirishimiz mumkin.

Xulosa qilib aytganda, boshlang’ich ta’lim o‘qituvchilarini innovatsion faoliyatga tayyorlashda zamonaviy pedagogik texnologiya axborotlarni o’zlashtirish, ulardan amalda foydalanish, ulardagi yangi ma’no-mazmunlarni hamda axborotlar orasidagi turli bog’liqliqlarni ochish orqali yangi axborotlar yaratishga o’rgatish jarayonidan iboratdir.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Ф.М.Даминов *– СамИСИ катта ўқитувчиси*

Аннотация: Мақолада олий таълим муассасаларида стратегик режалаштириш тизимини шакллантиришнинг назарий ва услубий тамойиллари хориж тажрибалари асосида тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: стратегик режалаштириш, назарий конструкция, базавий модель, стратегик қарорлар.

Аннотация: В статье исследуются теоретико-методологические основы формирования систем стратегического планирования в высших учебных заведениях на основе зарубежного опыта.
Ключевые слова: стратегическое планирование, теоретическое построение, базовая модель, стратегические решения.
Abstract: The article examines the theoretical and methodological principles of the formation of a strategic planning system in higher education institutions based on foreign experience.
Key words: strategic planning, theoretical construction, basic model, strategic decisions.

Стратегик режалаштириш жараёнини ташкил қилиш, унда қўлланиладиган усуллар ва инструментлар борасида яратилган илмий манбаалар таҳлили стратегик режалаштиришнинг юзлаб моделлари ишлаб чиқилганлигидан далолат беради. Аммо Г.Минцберг қайд қилиб ўтганидек, «мазкур моделларнинг барчаси бир ёки асосланади ва шакллантиришнинг фундаментал тамойиллари бўйича деярли фарқланмайди». Мазкур ва бошқа мулоҳазалар асосида фикримизча, стратегик режалаштириш жараёнининг базавий (ёки классик) модели ҳисобланувчи ишланманинг уч асосий модификацияси мавжуд деган хулоса қилиниши мумкин.

1. Гарвард бизнес мактаби модели. Ушбу модел SWOT-таҳлилга асосланган бўлиб, К.Эндрюс ва К.Хринстенсен томонидан ишлаб чиқилган.

Мазкур моделга биноан стратегик режани шакллантириш жараёни муваффақиятнинг асосий омиллари, шунингдек, ташкилот ресурс потенциалининг кучли ва кучсиз жиҳатлари шаклида ифодаланган ташқи муҳитнинг имкониятлари ва хатарлари кесишмаси кўринишига эга. Моделнинг услубий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- стратегияни шакллантириш назорат остига олинадиган тафаккур махсули ҳисобланади;
- стратегияни шакллантириш жараёни учун масъулият ташкилотнинг топ-менежерлари (олий раҳбарияти) зиммасига юклатилиши зарур;
- стратегик режани шакллантириш модели оддий ва маълумотларга бой бўлиши керак;
- стратегия уникал, яъни ягона ва лойиҳалаштириш фаолиятининг натижаси бўлиши лозим;
- стратегик режалаштириш жараёнининг натижаси ҳисобланувчи стратегия якунланганлик хусусиятига эга бўлиши даркор.
- стратегия оддий сўзлар билан ифодаланиши керак;
- гарчи стратегия уникал, тўлиқ ишлаб чиқилган ва аниқ ифодаланган бўлса, демак уни амалга ошириш мумкин.

2. И.Ансофф модели. Гарвард гуруҳи моделидан тубдан фарқланувчи корхонани ривожлантиришнинг стратегик режасини шакллантириш модели И.Ансофф томонидан таклиф қилинган. Фикримизча, мазкур моделлар ўртасидаги уч асосий фарқ мавжуд: биринчидан, И.Ансофф «ўрнатилган мақсадлар» тушунчасидан фойдаланган, Гарвард гуруҳи моделида эса олий раҳбарият қадриятлари қайд қилинган. Иккинчидан, И.Ансоффнинг

таъкидлашича, стратегик режани шакллантириш маълум блок–схема кўринишига келтирилган расмий жараён ҳисобланади. Учинчидан, И.Ансофф моделида стратегик режани шакллантириш процедураси ва уни амалга ошириш жараёни ўртасидаги интерактивликни таъминловчи тескари алоқа[102] тушунчаси мавжуд.

Моделга кўра, корхонани ривожлантириш мақсадлари ташқи муҳит талабларига мослаштирилади. Сўнгра корхонанинг ресурс потенциали ва ташқи иқтисодий муҳити баҳоланади. Бундай таҳлилни ўтказишдан кўзланган натижа сотиш бозорларини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш юзасидан стратегик қарорларни қабул қилиш ҳисобланади. И.Ансоффнинг фикрича, диверсификация стратегиясини шакллантиришдан аввал корхонанинг ташкилий тузилмаси элементларидан синергетик самара олинишини таъминлаш билан боғлиқ стратегик қарор қабул қилиниши лозим.

3. Г.Стейнер модели. Мазкур модел Гарвард бизнес мактаби моделига шаклан яқин бўлишига қарамасдан, бир қатор ўзига хос бўлган хусусиятлари уни алоҳида йўналиш сифатида кўриб чиқилиши мумкинлигидан далолат беради. Биринчидан, кенг қамровлилик ва режалаштириш жараёни босқичларига қатъий риоя қилиниши зарурлиги. Ушбу жиҳат юқорида кўриб чиқилган икки моделни бирлаштиришга йўналтирилган ҳатти-ҳаракат деб таснифланиши мумкин. Иккинчидан, Г.Стейнер ўз моделида стратегик режанинг ўрта муддатли ва тактик режалар билан алоқадор эканлигини қайд қилиб ўтган. Унинг фикрича, бундай алоқадорлик «узоқ муддатли режалаштириш, ўрта муддатли режалаштириш ва тактик режалаштириш» кўринишига эга.

Юқорида эътироф этилган хусусиятлар асосида стратегик режалаштириш жараёнига классик ёндашувга хос бўлган қуйидаги хусусиятларни қайд қилиш мумкин:

Биринчидан, стратегик режани ишлаб чиқишга қадар ташкилот менежменти стратегик мўлжални аниқлаб олади

Иккинчидан, стратегик мўлжал ташкилотнинг истиқболдаги образини аниқласа, миссия ташкилотнинг жорий фаолиятини таснифлайди, яъни ташкилот қандай товарлар ва хизматларни ишлаб чиқармоқда, қандай технологик ва бизнес имкониятларига эга эканлигини кўрсатади.

Учинчидан, миссия ташкилот интилаётган аниқ натижалар кўринишига келтирилади, ёки стратегик мақсадлар ўрнатилади.

Тўртинчидан, мақсадларга эришиш воситаси ҳисобланувчи стратегик ва ривожланишнинг базавий сценарийси ишлаб чиқилади.

Бешинчидан, базавий стратегиянинг ишлаб чиқилиши стратегик режанинг тайёрланиши ҳисобланади.

[102] Тескари алоқа чиқиш натижаси ва ўрнатилган мезонларни таққослашга асосланган тизимли жараён сифатида таснифланади.

Олтинчидан, стратегик режа асосида фаолият ва ташқи муҳит кузатиб борилади. Зарурий ҳолатларда стратегик режага тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Методологик ва мантиқий жиҳатдан мукаммал ҳисобланишига қарамасдан классик ёндашув (моделлар)[103], фикримизча, стратегик ва тактик нуқтаи-назардан жуда муҳим ҳисобланувчи камида икки зиддиятни юзага келтиради:

1. Ташкилот ва давлат стратегик манфаатларининг таъминланиши ўртасидаги зиддият. Хусусан, давлат органлари мамлакатнинг стратегик манфаатларига эришиш учун ташкилот фаолиятининг баъзи жиҳатларини қатъий назорат остига олиши ёки тартибга солиши ёки чеклаши зарур бўлади. Бу бир томондан бозор иқтисодиёти тамойилларига зид келсада, иккинчи томондан ижтимоий сиёсатнинг олиб борилиши ва глобал бозорлардаги фаолиятни тартибга солиш зарурати билан изоҳланади.

2. Ташкилот ва жамиятнинг узоқ муддатли манфаатлари ўртасидаги зиддият.

Албатта, стратегик режалаштиришнинг анъанавий (классик) моделлари ва матрицалари узоқ давр давомида амалий фаолиятда ўз самарасини кўрсатди. Замонавий шароит ва қўйилган талаблар стратегик режалаштириш тизимини шакллантириш ва ва ривожлантиришга моҳиятан янги ёндашувларни жорий қилинишини тақозо қилди.

Фикримизча, биринчи навбатда, ташкилот, хусусан олий таълим муассасалари очиқ, ижтимоий–иқтисодий тизим сифатида кўриб чиқилиши зарур. Демак, стратегик режалаштириш тизимини шакллантириш ва уни амалга оширишга юқорида қайд этилган моделлардан фарқланувчи тизимли ёндашув талаб қилинади.

Стратегик режалаштириш тизимини шакллантиришда, фикримизча қуйидаги асосий хусусиятларга эътибор қаратилиши лозим:

1. Стратегик режа – бу олдиндан, ҳатти-ҳаракатлар бошлангунга қадар қабул қилинган стратегик қарор, стратегик режалаштириш эса-олдиндан стратегик қарорларни қабул қилиш жараёнидир. Белгиланган муддатда маълум ҳолатга эришиш учун стратегик режалаштириш объектида ҳатти-ҳаракат йўналиши, қўйилган мақсадларни амалга ошириш воситалари ва усулларини танлови учун вақт зарур. Шунинг учун тегишли стратегик қарорлар олдиндан қабул қилиниши лозим. Стратегик қарорни ташкилот фаолияти самарадорлигига салбий таъсир ўтказмасдан тезкор қабул қилиш имконияти мавжуд бўлса, стратегик режалаштириш талаб қилинмайди (мазкур хулоса стратегик режалаштириш концепцияси доирасида жуда муҳим).

[103] Шу ўринда Г.Митцбергнинг келгуси фикрини келтириш мумкин: «…эътиборимизни кўплаб илмий адабиётларга қаратадиган бўлсак, амалий менежментда ўз аксини топган ўнта нуқтаи-назарни аниқлашимиз мумкин. Уларнинг ҳар бирига тегишли тарафдорлар стратегияни шакллантириш жараёнининг фақат бир, аспектига нисбатан уникал ёндашувга риоя қилишади. Аммо маълум маънода мазкур назарияларнинг барчаси чекланган ва деформацияланган». Митцберг, Б.Алстрэнд, Ж.Лэмпел. Школы стратегического менеджмента. СПб, Питер, 2001 г. 12 стр

2. Исталаётган истиқболий ҳолатга эришиш учун ўзаро боғлиқ бўлган кўплаб стратегик қарорларни яъни, стратегик қарорлар тизимини қабул қилиш зарур бўлган шароитда стратегик режалаштириш жараёни юзага келади. Стратегик қарорлар жамланмаси тизимни шакллантиради. Жамланмадаги стратегик қарорларнинг баъзи бирлари мураккаб, бошқалари содда бўлиши мумкин. Аммо стратегик режалаштиришдаги энг мураккаб муаммо стратегик қарорларнинг хусусиятларидан эмас, балки улар ўртасидаги алоқадорликдан келиб чиқади.

3. Стратегик режалаштириш бир ёки бир неча истиқболий ҳолатларни шакллантиришга йўналтирилган жараён. Ушбу ҳолатлар кутилади, аммо улар ўз–ўзидан маълум тадбирларнинг бажарилишисиз юзага келмайди. Демак, стратегик режалаштириш фаолият олиб бориш жараёнида хаточиликларнинг олдини олади ва аниқ вазиятларда «мағлубиятлар» эҳтимолини камайтириш имкониятини яратади. Албатта, воқеларнинг табиий ривожланиши ҳисобига кутилаётган натижаларга эришиш мумкинлиги шубҳа остига олинмаган ҳолатларда стратегик режага ҳожат қолмайди.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасаларида стратегик режалаштириш тизимини шакллантириш жараёнида тизимли ёндашув талаб этилади. Фикримизча, фақат шу услубиётга таянган ҳолда давлат ва жамият томонидан белгилаб берилган стратегик вазифаларни амалга ошириш имконияти яратилади.

O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

Narziyeva Dilafiruz Muxtorovna –
BuxDU o‘qituvchisi

Annotatsiya: O‘zbekistonning iqtisodiy rivojlanishida raqamli iqtisodiyotning jadal o‘sishini ta’minlash muhim ahamiyatga ega. Xususan raqamli iqtisodiyot raqamli va hisoblash texnologiyalariga asoslangan, raqamli texnologiyalarga yo‘naltirilgan iqtisodiyot deb ta'riflanadi. Bu keng tarmoqlarning raqobatbardoshligini oshirish, biznes va tadbirkorlar uchun yangi imkoniyatlarni taqdim etish, tashqi bozorlarga va global elektron qiymat zanjirlariga kirishning yangi kanallariga keng yo‘llarni ochishga imkon yaratadi.

Kalit so‘zlar: raqamli iqtisodiyot, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT), raqamlashtirish, elektron tijorat

Abstract: the article discusses development prospects of digital economy in Uzbekistan. Ensuring rapid growth of the digital economy is important for the economic development of Uzbekistan. In particular, the digital economy is defined as a digital-oriented economy based on digital and computing technologies. This will increase the competitiveness of a wide range of industries, open up new opportunities for business and entrepreneurs, and open up new opportunities for access to foreign markets and global electronic value chains.

Keywords: digital economy, information and communication technologies (ICT), digitalization, electronic commerce .

Аннотация: В статье рассматриваются перспективы развития цифровой экономики в Узбекистане. Обеспечение быстрого роста цифровой экономики важно для экономического развития Узбекистана. В частности, цифровая экономика определяется как экономика, ориентированная на цифровые технологии, основанная на цифровых и вычислительных технологиях. Это повысит конкурентоспособность широкого спектра отраслей, откроет новые возможности для бизнеса и предпринимателей и откроет новые возможности для доступа на зарубежные рынки и глобальные электронные цепочки создания стоимости.

Ключевые слова: цифровая экономика, информационно-коммуникационные технологии (ИКТ), цифровизация, электронная коммерция

Dunyo biz bilganimizdek doimiy ravishda o‘zgarib turadi va uning asosiy drayverlaridan biri bu raqamli transformatsiyalardir.

Jahon iqtisodiyoti ham raqamli o‘zgarishlarni boshidan kechirmoqda va bu juda katta tezlikda amalga oshirilmoqda.

Raqamli iqtisodiyot o‘sish va rivojlanishning asosiy vositalaridan biridir. Bu keng tarmoqlarning raqobatbardoshligini oshirish, biznes va tadbirkorlar uchun yangi imkoniyatlarni taqdim etish, tashqi bozorlarga va global elektron qiymat zanjirlariga kirishning yangi kanallarini ochishi mumkin.

Raqamli iqtisodiyotga o‘tish iqtisodiyot holatini yaxshilash sari qadamdir. Uning ba'zi elementlari O‘zbekistonda allaqachon muvaffaqiyatli ishlamoqda. Bugungi kunda hujjatlar va aloqalarni raqamlashtirishni hisobga olgan holda, elektron imzolarga ruxsat, davlat bilan aloqa ham virtual platformaga o‘tmoqda.

O‘zbekiston ko‘p jihatdan raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo‘yicha yetakchilar guruhiga kirmaydi. 2019 yilda mamlakat AKTni rivojlantirish xalqaro indeksida sakkiz pog‘onaga ko‘tarilganiga qaramay, ushbu sohada kamchiliklar mavjud.

Raqamli iqtisodiyotning YaIMdagi ulushi 2,2% ni tashkil qiladi. Shu bilan birga, o‘rtacha maqbul ko‘rsatkich 7-8% ni tashkil etadi, masalan, Buyuk Britaniyada bu 12,4%, Janubiy Koreyada - 8%, Xitoyda - 6,9%, Hindistonda - 5,6%, Rossiyada esa 2,8%. , Qozog‘iston - 3,9%. O‘zbekiston Respublikasining «Elektron hukumat» tizimini rivojlantirish kontseptsiyasi loyihasiga binoan 2025 yilga kelib YaIMda AKT ulushini 5,0% ga, 2030 yilga kelib esa 10% gacha oshirish rejalashtirilmoqda.

Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining (AKT) rivojlanish darajasi bilan bevosita bog‘liq bo‘lib, odatda quyidagi ko‘rsatkichlar bo‘yicha baholanadi:

- Raqamli iqtisodiyotning YaIMdagi ulushi;
- AKTga investitsiyalar;
- Internet tezligi, uning mamlakat hududini qamrab olish darajasi va undan foydalanish imkoniyati;
- elektron tijoratni rivojlantirish;
- tashkilotlarga AKT ekspertizasini taqdim etish.

Xorijiy mamlakatlarning tajribasi shuni ko‘rsatadiki, raqamli iqtisodiyot bir vaqtning o‘zida turli yo‘nalishlarda rivojlanmoqda va cheklangan miqdordagi

kompaniyalar tomonidan qurilishi mumkin emas, hatto ularga maxsus vakolatlar va resurslar berilgan boʻlsa ham. Shu sababli, raqamli iqtisodiyotda asosiy rolni kuchli tadbirkor va innovatsion yondashuvga ega boʻlgan xususiy biznes oʻynashi kerak va davlat infratuzilma va xususiy tashabbus uchun sharoit yaratishi kerak.

Prezidentimizning 2019 yil 8 yanvardagi "Iqtisodiyotni yanada rivojlantirishni ta'minlash va iqtisodiy siyosat samaradorligini oshirishga doir qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida" gi qaroriga muvofiq, xususan, Raqamli Oʻzbekiston - 2030 rivojlanish strategiyasini tayyorlash koʻzda tutilgan 2019 yil 1 dekabrga qadar milliy raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish toʻgʻrisida, unda asosiy vazifalar raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishni jadallashtirish va mamlakatimiz aholisi doiralarida raqamli texnologiyalarni keng miqyosda joriy etish boʻyicha shakllantiriladi.

Davlat iqtisodiy jarayonlarni raqamlashtirishni quyidagi harakatlar orqali ragʻbatlantirishi mumkin:

- Turli tashkilotlarni birlashtiradigan umumiy texnologik platformalarning tashkilotchisi yoki muayyan texnologik yechimlardan foydalanish talablarini belgilaydigan regulyator sifatida harakat qilish, chunki standart texnologik echimlarni amalga oshirish jarayonlarini butun segmentlarida sinxronlashtirmasdan. iqtisod ularni keng yoyish mumkin emas;
- Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishini tartibga soluvchi mavjud me'yoriy-huquqiy bazani doimiy ravishda takomillashtirib boring va uni amalda yangi turdagi ob'yektlar va sub'yektlarga duch keladigan foydalanuvchilar, ishlab chiqaruvchilar va xizmat koʻrsatuvchi provayderlarning fikrlarini hisobga olgan holda muloqot tarzida amalga oshiring. huquqiy rasmiylashtirishni talab qiladigan munosabatlar;
- munosabatlarni raqamlashtirishning umumiy jarayonining ishtirokchisi boʻlish, shu jumladan "Elektron hukumat" tizimini va elektron koʻrinishda taqdim etiladigan davlat xizmatlari roʻyxatini tuzish orqali;
- tashkilotlarda axborot tizimlari, elektron xizmatlarni joriy etishni ragʻbatlantirish va raqamli texnologiyalarni rivojlantirish uchun soliq imtiyozlarini, shuningdek, transchegaraviy onlayn savdoni ragʻbatlantirish va ragʻbatlantirish;
- IT mutaxassislari va dasturchilarni hamda doimiy yangilanib turadigan raqamli texnologiyalardan foydalanishga qodir foydalanuvchilarni kerakli miqdorda tayyorlash;
- xalqaro hamkorlikni kengaytirish va iqtisodiy faoliyatning barcha sohalariga ilgʻor axborot texnologiyalarini jalb qilish va jalb qilish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish.

Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi toʻliq globallashuvni, juda yuqori raqobat muhitini, malakali kadrlarning mavjudligini va yuqori sifatli ta'limni, hayotning yangi sifatini, biznes va davlat xizmatlarini, zamonaviy shaharlarda zamonaviy Internet infratuzilmasini oʻrnatishni anglatadi.

Vazirlar Mahkamasining qarori loyihasida Oʻzbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda davlat va xoʻjalik organlari, mahalliy davlat organlarining joylarda zarur axborot tizimlari va resurslarini, dasturiy ta'minot va elektron xizmatlarning joriy qilinishini muvofiqlashtirish, mamlakatda raqamli

iqtisodiyot, axborot texnologiyalari bozorini, jumladan davlat xususiy sherikchiligi asosida texnopark va kovorking-markazlar faoliyatini tashkil qilish orqali xorijiy sarmoyalarni jalb qilish uchun qulay sharoit yaratish, zamonaviy telekommunikatsiya infratuzilmasi, aloqa texnologiya va tarmoqlarini rivojlantirish, elektron tijorat va dasturiy ta'minot bozorini rivojlantirish orqali raqamli iqtisodiyotni yuksaltirish, transport logistikasi, xavfsiz va «aqlli shahar» uchun «aqlli tizim»larni ishlab chiqish, malakali kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirish kabi muhim yo‘nalishlar belgilab qo‘yilgan.

O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bugungi kunning end dolzarb masalalaridan biri sifatida talqin qilinadi. Shunday ekan, mamlakatning davlat boshqaruvida va iqtisodiyot sohalarida electron xizmatlrni joriy qilish, electron tijorat va dasturiy ta’minot bozorini rivojlantirish, malakali kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirish orqali raqamli iqtisodiyotni yuksaltirish eng oliy vazifadir.

ИННОВАЦИОННЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ АУДИТОРСКИХ УСЛУГ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ

***Д.К.Уразов** – докторант СамИЭС*

Аннотация: в этой статье раскрыты инновационные направления развития профессиональных аудиторских услуг в современных условиях, а также их роль в обеспечении регулярно работать и иметь постоянные доходы аудиторским организациям в течении отчетного года.

Ключевые слова: аудит, профессиональные аудиторские услуги, инновационные аудиторские услуги, аудит по специальным вопросам.

Аннотация: ушбу мақолада ҳозирги шароитда профессионал аудиторлик хизматларини ривожлантиришнинг инновацион йўналишлари, шунингдек уларнинг аудиторлик ташкилотларига ҳисобот йили мабойнида доимий ишлашлари ва даромадга эга бўлишларини таъминлашдаги роли очиб берилган.

Калит сўзлар: аудит, профессионал аудиторлик хизматлари, инновацион аудиторлик хизматлари, махсус савол бўйича аудит.

Annotation: This article reveals innovative directions of the development of professional audit services in modern conditions, as well as their role in ensuring regular work and have constant income to audit organizations during the reporting year.

Key words: audit, professional audit services, innovative audit services, audit on special issues.

Республика Узбекистан после получения независимости стремительно идет по формированию демократического общества и рыночной экономики. За прошедщие боле четверть века республика пережила следующие этапы своего развития:

(1) этап перехода от плановой экономики к рыночной экономике ((1991-2000 годы);

(2) этап углубления рыночных преобразований (2000- 2008 годы);

(3) этап модернизации и диверсификации отраслей и сфер экономики (2009-2016 годы);

(4) Этап перехода на инновационную и цифровую эконмику (с 2017 года по сей день).

В выше приведенных условных этапах в республике появились многие элементы рыночной экономики, которые все больше развиваются из года в год. За эти годы в республике коренным образом изменились отношения к сфере услуг. В частности, данная сфера получила ощутимое развитие в отличие от других отраслей и сфер экономики. Ярким свидетельством тому является то, что, доля сферы услуг в ВВП, создаваемой в республике, достига более 50 процентов. С переходом к рыночной экономике в республике возникли новые формы и методы контроля, отдельные из которых стали вестись в качестве предпринимательской деятельности.Одной из таких видов услуг, выступающих в качестве перспективной предпринимательской деятельности, сегодня являются профессиональные аудиторские услуги.

За годы независимости в ежедневный лексикон людей, в обычную жизнь хозяйствующих субъектов глубоко проникли такие термины, как аудит, аудиторская деятельность, аудиторские услуги, комплексный аудит, тематический аудит или аудит по специальному вопросу, налоговыйаудит, экологический аудит, технический аудит и др. В национальный классификатор рабочих и специалистов были введены должности “аудитор”, “помощник аудитора”, “внутренний аудитор. Аудит как один из видов финансового контроля был введен в общегосударственный классификатор видов экономической деятельности (ОКЭД) с присвоением соотвествующего кода.

Согласно официальным данным Минфина Республики Узбекистан,по состоянию на 1 января 2020 года в республике функционируют 96 аудиторских организаций, где работают 558 сертифицированных аудиторов, из них 34 аудиторы имеют сертификаты CIPA, ACCA, CPA, 42 аудиторы имеют сертификат ДипИФР сертификатига эга. Большое внимание уделяется на проведение аудита согласно международным стандартам аудита (МСА). За последние 4 года число проверок, проводимых солгасно МСА увеличилось с 10 до 52 , а количество аудиторских проверок за эти годы увеличилось с 62 до 357. За 2017-2018 годы в республике проведены аудиторские проверки в 20794 хозяйствующих субъектах, в 95 процентах из которых были выданы аудиторские заключения с выражением положительного мнения.Объеем аудиторских услуг, оказанных аудиторскими организациями в республике, в 2018 году составил 65,7 млрд сум, по сравнеию с 2015 годом он вырос почти на 18,5 млрд сум или на 38 процентов[104].

Вышеприведенные данные свидетельствуют о том, что в республике достигнуты отдельные заслуживающие внимания результаты в налаживании и развитии аудиторских услуг. Вместе с тем, нынешнее состояние развития

[104]Источники: https://www.mf.uz/ru/; http://auditor.uz/ru/articles/95/

данного вида услуг свидетельствует о том, что в республике недостаточно ведется работа по расширению инновационных видов аудиторских услуг, широкому внедрению их в практику аудиторских организаций. Исследования показывают, что национальные аудиторские организации в основном ограничиваются аудиторскими проверками, сроки которых согласно требованиям законодательных актов заканчиваются в мае месяце текущего года. После мая месяца аудиторские организации остаются, обычно, не у дел. Только отдельные аудиторские организации после мая месяца ведут эти услуги по требованиям субъектов, заинтересованных проведению аудиторских проверок равномерно в течении отчетного периода. Малое количество таких клиентов не позволяет аудиторским организациям равномерно вести аудиторские проверки в течении отчетного года.

Исходя из вышеотмеченного положения, выходом из положения по устойчивому развитию аудиторских услуг в течении отчетного года, на наш взгляд, является расширение деятельности аудиторских организаций за счет следующих возможностей.

Во первых, расширение круга профессиональных, причем инновационных услуг. Под профессональными инновационными аудиторскими услугами, на наш взгляд, следует понимать следующие услуги:

-Аудит финансовой отчетности;
-Налоговый аудит;
-Строительный аудит и сопутствующие ему услуги;
-Правовой аудит и юридические услуги;
-Аудит ценных бумаг акционерных компаний;
-Аудит и консалтинг по ISO (Стандарты менеджмента качества);
- Оценка имущества;
-Сопровождение при проверках контролирующими органами;
-Консалтинговые услуги (Бухгалтерский консалтинг);
-Консалтинг в сфере управления;
-Консалтинг в области информационных технологий;
-Бизнес-план и планирование бизнеса (Маркетинговые исследования);
-Разработка учетной политики;
-Восстановление бухгалтерского учета;
-Бухгалтерский аутсорсинг (ведение бухгалтерского учета) и др.

Во вторых, следует расширить аудит по специальным вопросам, Под аудитом по специальным вопросам понимается проверка интересующих предприятие конкретных вопросов, касающихся его деятельности. Аудит по специальным вопросам проводится, когда нет необходимости в комплексной проверке всей системы учета и направлен на проверку конкретных вопросов деятельности предприятия, соблюдения определенных процедур, норм и правил**.**

Аудит специального вопроса обычно проводится с целью получения органами управления объективной и независимой информации о состоянии

финансово-хозяйственной деятельности предприятия (в том числе о допускаемых нарушениях).Аудит по специальным вопросам проводится в соответствии с целями и пожеланиями заказчика, являясь по своей сути инициативным аудитом. Такой аудит позволяет выявить резервы и дополнительные возможности для повышения эффективности бизнеса.

Объект такого аудита, практически, не имеет границу. Так, например, некоторые виды такого аудита, проведенного аудиторской организацией «Komil-Ishonch» за 2017-2019 годы, приведены в табл. 1.

Таблица 1

Сведения об аудиторских проверках по спеиальным вопросам, проведенных аудиторской организацией «Komil-Ishonch» за 2017-2019 годы[105]

№	Тематика (направления) аудита по спецвопросам	Заказчики	Кол-во проверок		
			2017 г.	2018 г	2019 г
1	Аудиторская оценка возможностей предприятий в качестве поручителей при получении банковской гарантии	Предприятия-поручилели и банки	5	7	10
2	Оценка имущественного состояния для участия в тендерах	Строительные организации	1	1	1
3	Оценка выполнения инвестици-онных обязательств	Юридические и физические лица	1	2	2
4	Инвентаризация и оценка реальной стоимости ТМЗ	Предприятия различной собственности	0	1	1
5	Определение доли учредителей в собственном капитале предприятия	Предприятия различной собственности	1	1	2
6	Аудиторская оценка целевого использования лекарственных средств, полученных в качестве гуманитарной помощи	ННО	1	2	2
7	Аудиторская оценка целевого использования полученных грантов	ННО	2	2	2
8	Аудиторская оценка затрат	ННО	1	1	1

[105] Составлена на основе отчетных данных аудиторской организации «Komil-Ishonch»

	полученных субсидий				
9	Аудиторская оценка состояния и использования средств профсоюза	Профсоюзные организации	1	1	1
10	Оценка упущенных выгод по доходам предприятия	Предприятия различной собственности	-	**1**	-
11	Оценка реальной стоимости дебиторской и кредиторской задолженности, выраженной в иностранной валюте	Предприятия различной собственности	1	-	1
12	Оценка состояния выполнения плана по ключевым и дополнительным показателям эффективност акционерного т общества	АО, предприя-тия с госдолей в уставе	2	3	4

В рекламном буклете аудиторской организации «Audit-777» приведены следующие виды аудиторской проверки по специальным вопросам:

- Аудит уставного капитала;
- Аудит НДС;
- Аудит налога на прибыль;
- Аудит основных фондов и из амортизации;
- Аудит дебиторской и кредиторской задолженности;
- Аудит расчетов с подотчетными лицами;.
- Аудит расчетов по оплате труда;
- Аудит кассовых операций;
- Аудит ТМЗ;
- Аудит валютных операций;
- Аудит ценных бумаг;
- Аудит производства.
- Аудит бухгалтерской отчетности[106].

В платформе информационного проекта Auditor.Uz в качестве аудита по специальным вопросам приведены следующие их виды:

- аудит состояния имущества предприятия и проведение инвентаризации;
- аудит консолидированной отчетности;
- аудит системы внутреннего контроля организации и эффективности ее функционирования;
- аудит соблюдения установленных на предприятии требований;
- анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятия;

[106] http://audit-777.com.ua/uslugi/auditorskie-uslugi/tematicheskiy-audit/

- аудит совместной деятельности, т.е. совместного проекта нескольких организаций;
- аудит сделок с ценными бумагами,
- аудит внешнеэкономической деятельности и валютных операций;
- аудит целевого использования средств;
- проверка отдельных статей бухгалтерской отчетности;
- анализ состояния дебиторской и кредиторской задолженности;
- анализ эффективности использования финансовых и материальных средств;
- аудит фондов специального назначения;
- юридическую и экономическую экспертизу договоров регулирующих гражданско-правовые отношения;
- аудит по проверке исполнения инвестиционных обязательств;
- управленческий аудит;
- кадровый аудит;
- аудит бизнес-процессов;
- аудит распределения прибыли при начислении дивидендов;
- расчёт действительной стоимости доли при решении вопросов о наследовании или выплате доли выбывающему учредителю.
- аудит формирования Уставного фонда;
- аудит расчетов с подотчетными лицам;
- аудит переоценки основных фондов и амортизации;
- аудит расчетов по заработной плате;
- аудит товарно-материальных средств и МБП;
- аудит кассовых операций и операций на счетах предприятия[107].

Согласно НСАД N 80. «Отчет аудитора по результатам проверки специального вопроса» [108]нашей республики предусмтрено, что отчет аудитора по результатам проверки специального вопроса» может быть сославлен на основе результатов проверок следующих вопросов:

а) некоторых счетов или разделов финансовой отчетности (называемых в дальнейшем "компоненты или отдельные показатели финансовой отчетности") в целях оценки их достоверности;

б) отдельных частей хозяйственной системы в целях оценки производительности и эффективности;

в) соблюдения условий договоров;

г) соответствия отдельных частей (элементов) хозяйственной системы хозяйствующего субъекта законодательству, а также нормам и правилам, установленным руководством хозяйствующего субъекта;

[107] https://accounting.ua/ru/tematicheskij-audit/

[108] Зарегистрировано МЮ РУз 19.02.2003 г. ,№ 1220

д) отдельных счетов или разделов консолидированной финансовой отчетности;

е) другой финансовой информации.

На наш взгляд, ведение вышеприведенных профессиональных инновационных видов аудита и аудиторских проверок по специальным вопросам дает возможность непрерывно работать аудиторским организациям, соответственно, иметь ими доходы в течении отчетного года.

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ф.М.Даминов *–СамИСИ катта ўқитувчиси*

Аннотация: мақолада таълим хизматларига бўлган талабни прогнозлаштиришнингметодологик хусусиятлари ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар тадқиқ этилган

Калит сўзлар: доминант омиллар, талаб, таклиф, баҳо, прогноз мақсадини аниқлаш, вақт горизонтини белгилаш, прогнозлаш методологиясини танлаш,тегишли маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, прогнозни тайёрлаш, прогнозни назорат қилиш, оддий ёндашув, сирғанувчан ўртача. экспоненциал текислаш. трендни лойиҳалаштириш.

Аннотация: в статье рассматриваются методические особенности прогнозирования спроса на образовательные услуги и факторы, влияющие на него.

Ключевые слова: доминирующие факторы, спрос, предложение, оценка, постановка цели прогнозирования, установка временного горизонта, выбор методологии прогнозирования, сбор и анализ соответствующих данных, подготовка прогноза, контроль прогноза, простой подход, скользящая средняя. экспоненциальное выравнивание. проектирование тренда.

Abstract: the article discusses the methodological features of forecasting the demand for educational services and the factors influencing it.

Keywords: dominant factors, demand, supply, assessment, setting a forecasting goal, setting a time horizon, choosing a forecasting methodology, collecting and analyzing relevant data, preparing a forecast, forecast control, simple approach, moving average, exponential alignment, trend designing.

Методологик нуқтаи-назардан ОТМлар учун таълим хизматларига бўлган талабни прогнозлашда қуйидаги ёндашувлар қўлланилиши мумкин:

анъанавий – хизматларга берилган буюртмаларнинг ҳақиқий сонини ретроспектив таҳлили ва уларнинг келгусидаги миқдори аниқлаштирувчи тенденцияларни эвристик йўл билан қайд қилиш;

классик – чекланган миқдордаги доминант омиллар (одатда даромадлар ва баҳо) ҳисобга олинган ҳолда талабни прогнозлаш. У XIX – XX асрларда талабнинг назарий муаммолари билан шуғулланган кўплаб машҳур иқтисодчиларнинг ишларида ўз аксини топган. Улар жумласига А.Маршалл, В.Парето, Л.Вальрас, Г.Кассель, Д.Хикс ва бошқаларни киритиш мумкин. Улар эҳтибори марказидаги масалалар – истеъмолчи ҳатти- ҳаракати

таҳлили, талабга таъсир қилувчи омилларни жорий қилиш, талаб, таклиф ва баҳо категориялари ўртасидаги нисбат;

модификацияланган – таълим хизматларига бўлган талабни шакллантиришнинг замонавий жараёнига классик ёндашувнинг мослаштирилиши.

Фикримизча, прогнозлаш жараёни ўз таркибига қуйидаги 6 асосий босқични олади:

- Прогноз мақсадини аниқлаш;
- Вақт горизонтини белгилаш;
- Прогнозлаш методологиясини танлаш;
- Тегишли маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш;
- Прогнозни тайёрлаш;
- Прогнозни назорат қилиш.

Прогнозлашга икки умумий ёндашув мавжуд: сифат ва миқдорий ёндашув. Сифат усуллари аниқ рақам кўрсаткичларини эътиборга олмасдан асосан субъектив маълумотларга таянади. Миқдорий усуллар маълум давр учун статистик маълумотлардан фойдаланиш ёки ассоциатив моделларни яратишга асосланади. Сифат усуллари прогнозлаш жараёнида ўзгарувчан маълумотлар (инсон омили) дан фойдаланиш мумкинлигини назарда тутади. Миқдорий усуллар асосан объектив ёки ўзгармас маълумотларга таянади.

Миқдорий усуллар экспертларнинг профессионал тажрибаси, билимлари ва интуициясига асосланади. Экспертларнинг прогноз хулосалари объектнинг келгуси ривожланиш истиқболлари юзасидан индивидуал фикрларини акс эттиради.

Прогнозлашнинг эксперт усуллари қуйидагиларни таҳлил қилиш ва келгуси прогнозлаш учун қўлланилади:

келгуси ривожланиши тўлиқ ёки қисман расмийлаштирилиши мумкин бўлмаган объектлар;

объект характеристикаси бўйича етарли даражадаги тўлиқ ва ишончли маълумотларнинг мавжуд бўлмаслиги шароитида;

объект фаолият олиб борувчи муҳит, бозор муҳитининг юқори даражали ноаниқлиги шароитида;

ўрта ва узоқ муддатли прогнозлаш пайтида;

прогнозлаш ва қарор қабул қилиш учун ажратиладиган вақт ёки маблағлар муаммони расмий моделлар асосида тадқиқи қилиш имконияти бермаслиги ҳолатида;

моделлаштиришнинг зарурий техник воситалари бўлмаган пайтда;

фавқулодда вазиятларда.

Прогнозлашнинг миқдорий усулларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Вақтинчалик қаторларни моделлаштириш:

- оддий ёндашув;

- сирғанувчан ўртача;
- экспоненциал текислаш;
- трендни лойиҳалаштириш.

2. Сабабли – регрессион моделлар (оддий ва мураккаб, чизиқли регрессия). Регрессион модел ўз таркибига прогнозлаштирилаётган катталикнинг миқдорий ҳолатига таъсир ўтказиши мумкин бўлган ўзгарувчанлар ёки омилларни олади.

Вақтинчалик қаторлар вақт доирасида кетма – кет ва бир маромда тақсимланган маълумотлардан иборат. Вақтинчалик қаторлар ёрдамида маълум кўрсаткични прогнозлаштирилишида, кўрсакичнинг келгуси ҳолати унинг ўтмишдаги ҳолатига боғлиқлиги инобатга олинади, бошқа параметрлар инкор қилинади.

Оддий ёндашув – келгуси даврдаги талаб охирги вақт бирлигидаги талаб даражасига тенг бўлади деб тахмин қилинади.

Сирғанувчан ўртачалар – бу усулда бир неча энг сўнгги маълумотларнинг ўртачаси олинади, ўртачалар янги маълумотларнинг келиб тушиши билан янгиланиб борилади.

Прогнозлашнинг миқдорий усуллари (сирғанувчан ўртача ва ўртача абсолют фарқни ҳисоблаш)

Сирғанувчан ўртача = олдинги n даврдаги жами талаб / n

Бу ерда n – сирғанувчан ўртачадаги даврлар сони

Тортилган сирғанувчан ўртача = $\sum$ ((n давр салмоғи) · (n даврдаги талаб)) / салмоқлар $\sum$

Гарчи маълумотларда тренд ёки ўзга хусусият мавжуд бўлса, сўнгги давр аҳамиятини ошириш учун салмоқлар қўлланилади, прогнозлаш эса сирғанувчан ўртача усули ёрдамида амалга оширилади.

Экспоненциал текислаш усули – сўнгги маълумотлар салмоғини («а» катта бўлган пайтда) ёки олдинги маълумотларнинг салмоғи ошириш учун («а» кичик бўлган пайтда) «а» текислаш константаси ўзгариши мумкин.

Вақтинчалик қатор экстраполяцияси – бу усулда мавжуд маълумотлар учун шундай тўғри чизиқ топиладики, кузатишлар чизиқнинг икки томонида энг кам бўлиши керак, шундан сўнг тўғри чизиқ экстраполяцияси амалга оширилади ва прогноз аниқланади.

Прогнозлашнинг миқдорий усуллари (экспоненциал текислаш, вақтинчалик қаторнинг экстраполяцияси)

Экспоненциал текислаш: янги прогноз = сўнгги давр учун прогноз + а · (сўнгги даврдаги ҳақиқий талаб – сўнгги давр учун прогноз)

Бу ерда а – салмоқ коэффициенти ёи текислаш константаси

Экстраполяция усули: $y = m + b \cdot x$

Бу ерда у – хизматларга бўлган талабнинг прогноз катталиги

Прогнознинг аниқлиги пронозлаштирилаётган кўрсаткичларни ҳақиқий ҳолат билан таққослаш орқали топилади. Прогнознинг хатолиги ҳақиқий ва прогнозлаштирилган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ тариқасида аниқланади.

Вақтинчалик қатор маълумотларининг мавсумий ўзгариши – бу кўрсаткичлар қаторида доимий равишда юқорига ёки қуйига қараб ҳаракатлари бўлиб, у ходисаларнинг даврий қайтарилишига боғланиши мумкин. Вақтинчалик қатордаги мавсумийлик миқдорий кўрсатилиб, унда ҳақиқий кўрсаткич қаторнинг ўртача ҳолатидан фарқланади. Мавсумийликнинг икки модели мавжуд – аддитив ва мультипликатив. Аддитив моделда мавсумийлик қаторнинг ўртача катталигига қўшиладиган ёки айириладиган миқдор кўринишига эга. Мультипликатив моделда мавсумийлик қаторнинг ўртача катталигига кўпайтирилган ўртача миқдордан фоиз кўринишига эга.

Юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар жуда мураккаб кўринишдаги «бирикма» ни ташкил қилиши, талаб прогнозини фақат классик усуллар асосида амалга оширилишига тўсқинлик қилади ва адекват натижаларни олиш учун барча мавжуд усулларни замонавий шароитга мослаштиришни тақозо қилади.

МУНДАРИЖА

I – ШЎЪБА. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БАНК СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР		
Ш.Ш.Сувонқулов	*Инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлашдаги муаммолар ва ечимлар*	*3*
З.Д. Ниёзов, Ҳ.Норкулов	*Мижозларга сифатли банк хизматини кўрсатишга таъсир этувчи макроиктисодий омиллар*	*7*
З.Ш.Ҳайдаров, Ж.А.Холбоев	*Тижорат банкларида актив ва пассивларни бошқаришни кластер усули асосида такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечими*	*10*
А.Бектемиров, К.М.Ибодов, Э.Р.Бекмуродов	*Банк фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг тизимли таҳлили*	*14*
И.Х. Собиров, П.И.Собиров	*Рақамли банк - тараққиёт талаби*	*19*
З.Д.Ниёзов, Н.Ж.Шарипова	*Бошқарувни номарказлаштириш – банклар фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида*	*22*
А.Бектемиров К.М.Ибодов Э.Р.Бекмуродов	*Банк хизматлари рақобатбардошлигини таъминлашнинг долзарб масалалари*	*25*
З.Ш.Ҳайдаров, Ж.А.Холбоев	*Электрон пул бозорлари: тўловларни амалга ошириш тартиби ва активларни бошқариш масалалари*	*30*
Р. И. Азимова, Д. Л.Абдусаттаров	*Возможности цифровой экономики для развития банковского бизнеса в узбекистане*	*35*
Э.А.Нозимов	*Актуальные методы управления рисками в банковской системе*	*38*
С.С.Тогаев	*Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг долзарб масалалри*	*41*
E. A. Nozimov	*Kredit tashkiloti xavfsizligini ta'minlashda bank boshqarmasi faoliyati*	*45*
Р.И.Азимова Дж.Мамарасулов	*Влияние карантина на банковскую деятельность*	*48*
Э.А.Нозимов	*Развитие банковских продуктов для физических лиц*	*50*
З. Ш. Ҳайдаров Ж. А.Хайруллаев	*Тижорат банкларининг фоиз сиёсатини бошқариш: ҳозирги ҳолати, муаммо ва ечимлари*	*55*
Р.И. Азимова Ф.Ф.Зубайдуллаев Ф.А.Зубайдуллаев	*Банк корпоратив бошқарувида инвестиция стратегияси концепциясини шакллантириш ва амалга ошириш муаммолари*	*59*
З.Ш. Ҳайдаров Ж. А.Хайруллаев	*Банклараро кредит ресурслари бозори: марказий банк қайта молиялаш сиёсати ва уни самарадорлиги*	*64*
З.Ш. Ҳайдаров Ж.А.Холбоев	*Тижорат банклари ликвидлилигини таъминлаш, уни бошқариш муаммолари ва ечиш йўллари*	*70*

II – ШЎЪБА. ИНВЕСТИЦИОН ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ		
О.Д. Хамракулова	*Проблемы улучшения инвестиционнойактивности и факторы на его влияющие в экономике Узбекистана*	*74*
Abduxamidov A.Y. Yaxshiboyev Z.A.	*Investisiyaning samaradorligini baholashda inflyasiyaning ta'siri*	*79*
Усманова Д. Шамсиев Ж.	*Инновацияларни молиявий фаолиятда қўллашнинг хусусиятлари ва самарадорлиги*	*81*
Х. Қоржавова	*Инвестицион фаолиятни ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари*	*84*
B.Mamatov S.Zaripov	*Innovatsion iqtisodiyot sharoitida investitsiyalarni loyihaviy moliyalashtirish*	*87*
Хамракулова О.Д. Хамидова М.Д.	*Привлечение иностранных инвестиций как одно из направлений активизации инвестиционной политики Узбекистана*	*90*
D.A.Tashmukhamedova M.S.Zuhurova	*The oretical and practical problems of development of investment and innovative activities*	*95*
Пардаев Ш. Х.	*Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида трансформациялашнинг хусусиятлари*	*98*
Хамракулова О.Д. Алиева С.А.	*Проблемы коммерческой оценки инвестиционных проектов*	*103*
Иброҳимов Б. Ж	*Қурилиш соҳаси субъектлари фаолиятини таҳлил қилишнинг назарий масалалари*	*108*
F. A. Zubaydullayev A. M. Karimova F. F. Zubaydullayev	*O'zbekiston tijorat banklari investiesiya strategiyasini shakllantirish va uning iqtisodiy samaradorligini baholash amaliyotini takomillashtirish*	*113*
III – ШЎЪБА. ИНВЕСТИЦИОН-ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УМУМИҚТИСОДИЙ ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАРИ		
N.M.Maxmudov, N.R.Avazov	*Investitsion muhit jozibadorligini oshirish asosida iqtisodiyotni rivojlantirish yo'nalishlari*	*118*
Н.У.Арабов, Б.Ш.Бобоқулов	*Венчур капитали – инновацион фаолиятни инвестициялашнинг истиқболли манбаи сифатида*	*122*
О.М.Пардаев, Т.О.Мамаюнусов	*Развитие инновационно-инвестиционной деятельности предпринимательства в республике Узбекистан*	*127*
Б.Абдукаримов, Ш.Собиров	*Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг устувор йўналишлари*	*131*
Ш.З.Давронов	*Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо мамлакатлараро пенсия экспорти*	*136*
Р.М. Мусаев, С.Алибоев	*Бюджет харажатларидан фойдаланишни амалга ошириш сиёсатини такомиллаштириш*	*138*
О.Д.Хамракулова, Ш.А.Валиева	*Инвестиционная привлекательность: проблемы их решения*	*142*
В.Бердикулов,	*Перспективы рынка инвестирования с учетом*	*147*

Н.У.Мурадова, Х.А.Бегматов	*возможностей цифровой экономики*	
О.Д.Хамракулова, Ф.З Хомидов	*Инвестиционная политика в республике Узбекистан*	*150*
A. Y Abduxamidov, J. A.Abdixoliqov, Z. A.Yaxshiboyev	*Ko'chmas mulk obyektlarining investision jozibadorligini baxolash*	*154*
B.S.Mamatov D.S.Ibragimxonova	*Xorijiy investitsiyalarni jalb etishda hududiy investitsiya siyosatining ustuvor yo'nalishlari*	*156*
А.А. Бектемиров	*Тадбиркорлик ва уни ривожлантиришда инновацион омилларнинг таъсири*	*160*
О.Д. Хамракулова, К.Х.Амонова	*Финансовые риски предприятия и пути их снижения*	*164*
Ш.Ш.Давирова	*Мировые «зелёные финансы» и возможности их внедрения в Узбекистане*	*168*
Ф.А.Ишонкулова	*Инвестиционная привлекательность инвестиционных фондов в Узбекистане*	*171*
Ш.Н. Жуманов	*Қурилиш жараёнлари сифатини баҳолашга инновацион ёндашув*	*174*
Р.З.Махмудов	*Машина ва қурилмаларни йиғиш ва қисмларга ажратишда инновацион технологиясини ахборот тизимини қўллаш*	*177*
I V – ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ		
O.Pardayev, A.M Karimova	*Turizm sub`yektlarini tijorat banklari va davlat budjetidan moliyalashtirish orqali qo'llab quvvatlash*	*181*
Т.С.Шарипов, Н.А.Абдукадирова	*Умумий овқатланиш корхоналарида инновацион фаолият ва унинг самарадорлиги*	*184*
А.М. Каримова	*Роль иностранных инвестиций в финансировании деятельности туризма в Узбекистане*	*189*
Д.М.Маликова	*Проблемы развития инновационных консалтинговых услуг в узбекистане*	*194*
Т.С.Шарипов, М.Ў.Ўроқова	*Туризмни иқтисодиётимиз локоматига айлантиришнинг айрим жиҳатлари*	*197*
А.М. Каримова	*Анализ опыта финансово-кредитной поддержки туристических организаций зарубежных стран*	*200*
Р.И. Азимова, Э. Холмирзаев, А. Абдихоликов	*Проблемы привлечения инвестиций в сферу услуг*	*202*
А.Т.Ахмедова	*Инвестиционная деятельность и внедрение субъектов в сферу услуг*	*206*
V – ШЎЪБА. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ		
М.Қ.Пардаев О. М.Пардаев А. Б.Бектемиров	*Рақамли иқтисодиётнинг валютани тартибга солишдаги имкониятлари ва аҳамияти*	*210*
М.Қ.Пардаев	*Рақамли иқтисодиёт: мақсади, ижобий ва салбий жиҳатлари*	*214*

М.Т.Бутабоев, Ф.М.Мулайдинов	*Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг инновацион таълим муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш*	*218*
М.Қ.Пардаев, Ф.А.Сафаров	*Рақамли иқтисодиёт – яширин иқтисодиётнинг душмани*	*222*
М.Т. Бутабоев, Ф.М.Мулайдинов	*Рақамли бошқарувчиларни тайёрлаш*	*226*
З.Д.Ниёзов, А.М.Каримова	*Проблемы и пути решения дистанционного обучения*	*230*
L.N. Xalikova, B.Yuldashev	*Ways of development of the digital economy of uzbekistan in modern conditions*	*232*
S.Sh.Urazov, J.G‘.Shodiyev	*Iqtisodiyotning yetakchi sohalarini modernizatsiya va diversifikatsiya qilishda raqamli iqtisodiyotning o‘rni*	*235*
M.Pulatova	*Boshlang’ich ta’lim o‘qituvchilarini innovatsion faoliyatga tayyorlashda zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati*	*238*
Ф.М.Даминов	*Олий таълим муассасаларида стратегик режалаштириш тизимини шакллантиришнинг концептуал асослари*	*241*
D.M.Narziyeva	*O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanish istiqbollari*	*245*
Д.К.Уразов	*Инновационные направления развития профессиональных аудиторских услуг в современных условиях*	*248*
Ф.М.Даминов	*Таълим хизматларига бўлган талабни прогнозлаштиришнинг методологик хусусиятлари*	*254*

ҚАЙДЛАР УЧУН

ИНВЕСТИЦИОН ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: ҲОЗИРГИ ҲОЛАТ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

мавзусида республика миқёсидаги
илмий-амалий анжумани
МАТЕРИАЛЛАРИ

Ушбу тўплам муаллифларнинг қўлёзмалари асосида ўзгартиришсиз тўлалигича нашрга тайёрланди ва чоп этилди. Мақолалардаги грамматик ва стилистик хатоларга шахсан муаллифлар жавобгардир

Муҳаррир: Г. Раҳимова
Мусаҳҳиҳ: Л . Хошимов
Техник муҳаррир: Б. Эгамбердиев

2008 йил 19 июнь 68-буйруқ.
2020 йил 23-майда ноширлик бўлимига қабул қилинди.
2020 йил 27-майда оригинал-макетдан босишга рухсат этилди.
Бичими 60x84/ 1,8. «Times New roman» гарнитураси. Офсет қоғози.
Шартли босма табоғи 15,0. Нашриёт ҳисоб табоғи 14,0.
Адади 50 нусха. 05/54-буюртма.

СамДУ тахририй-нашриёт босмахонасида чоп этилди.
140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15

